Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

2022
№ 3 (97)

1997 йилдан нашр этилади

Тошкент – 2022

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Бекмуродов А.Ш.

Таҳрир ҳайъати:
Азизов Х.Т.
Умаров А.Ю.
Сатторов С.А.
Хамроходжаев Н.Я.
Хусанов О.Т.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Жалилов А.Т.
Юлдашев А.Э.
Хамидулин М.Б.
Хайитов Х.С.
Холов А.Ҳ.

Таҳририят:
Масъул муҳаррир:
Бахранов Л.Э.

Муҳаррирлар:
Кабулова Д.Б.
Абдуллаева Г.Л.

Мусаҳҳиҳ:
Шорихсиева А.F.

Техник муҳаррир:
Юлдашев А.Ж.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45.
Мурожаат учун телефон:
71-232-60-76, 71-232-60-77.

E-mail: jurnal95@dba.uz

Буюртма:

ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Босишга 2022 йил 20 октябрда рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{8}$. Нашр босма табоғи 13,25. Адади 70 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси босмахонасида чоп этилди.

Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й. Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 45.

Мундарижа/Содержание/Contents

5 **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи**

Янги Ўзбекистон – янги марралар /
Новый Узбекистан – новые вехи /
New Uzbekistan – new milestones

11 ***Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Отабек ХАСАНОВ.*** **ШҲТ: таҳликали дунёда конструктив мулоқот майдони ёхуд Самарқанд ёзган тарих**

19 ***Адҳам БЕКМУРОДОВ.*** **Ўзбекистонда давлат бошқаруви трансформацияси: инсон манфаатлари устуворлигига асосланган оптимал тизим**

Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари /
Организационно-правовые основы управления /
Organizational and legal basis of management

30 ***Иса ХАМЕДОВ.*** **О конституционно-правовых возможностях кардинального улучшения контроля законности в сфере государственного управления в Узбекистане**

40 ***Феруза ЮЛДАШЕВА.*** **Давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

48 ***Dilmurodjon RAKHIMOV.*** **Organizational and legal basis of providing civil service with young personnel**

54 ***Темур МАВЛОНОВ.*** **Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**

Бошқарув: кеча ва бугун /
Управление: вчера и сегодня /
Management: Yesterday and Today

61 ***Дилнавоз РАХМАТОВА.*** **Қатағон сиёсатининг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсири**

66 ***Мархабо САФАРОВА.*** **Нигилизм ҳодисасининг келиб чиқиш тарихи ва унинг асосий шакллари**

72 ***Саид-Амир УСМАНОВ.*** **Особенности проектного управления нефтегазовыми инвестиционными проектами**

Бошқарувда замонавий тенденциялар /
Современные тенденции в управлении /
Current trends in the management

79 ***Дильшода НУРИТДИНОВА.*** **Пути внедрения государственных интерактивных услуг на основе информационно-коммуникационных технологий**

84 ***Фирдавс АЛИЕВ.*** **Телекоммуникация тизимини бошқаришда замонавий инновацион менежмент усулларидан фойдаланиш**

90 ***Зебо ИСАҚОВА.*** **Лойиҳа менежери касбий малакаларини ишлаб чиқишдаги асосий ёндашувлар**

96 ***Dilfuza RAKHIMOVA, Akbarjon IMINOV.*** **Reflection of the components of the safe city project in improving the socio-economic sphere**

Самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиш асослари /
Основы ведения эффективной социально-экономической политики /
The basis of effective social and economic policy

102 ***Баолонг СУН.*** **Проблемы и пути развития семейного гостиничного бизнеса на уровне муниципальных формирований Узбекистана**

107 ***Gulnora BEKIMBETOVA.*** **Influence of innovation on estimation of efficiency of investment projects**

117 ***Александр ЕСИПОВ.*** **Научно-методический подход к интерпретации инвестиционной деятельности и ее категорий субъектов хозяйствования**

125 ***Иброҳимжон ФОЗИЛЖОНОВ.*** **Пул оқимларини прогноз қилиш назарияси ва амалиёти**

131 ***Бунёд ГАФУРОВ.*** **Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллабай ишлаш тизимининг ҳуқуқий асослари**

Замонавий социологиянинг долзарб муаммолари/
Актуальные проблемы современной социологии /
Actual problems of modern sociology

138 ***Қаҳрамон САЙИДОВ.*** **Урбанизациянинг ҳудудий ва локал функциялари**

Ижтимоий-сиёсий тараққиёт – фуқаролик жамияти пойдевори/
Социально-политическое развитие – основа гражданского общества /
Social-political development is the foundation of civil society

143 ***Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Алишер САЪДУЛЛАЕВ.*** **Ёшларга оид давлат сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси, истиқболдаги режа ва вазифалар**

154 ***Нигора ҚУТЛИМУРАТОВА.*** **Янги Ўзбекистон: ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш шароитида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш**

160 **Нозимахон МИНГБАЕВА. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик фикри билан ишлашининг аҳамияти**

168 ***Бекдавлат АЛИЕВ.*** **Институционал фаоллик – фаровонлик омили**

175 ***Тоҳир ҲАСАНОВ.*** **Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий тараққиётда тутган ўрни ва роли**

180 ***Аброр ЮСУПОВ.*** **Социальное государство – от концепции к реальности**

186 ***Нигора АБДУРАИМОВА.*** **Тенденции использования государственных финансовых ресурсов в обеспечении занятости населения**

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти /
Узбекистан и мировое сообщество/
Uzbekistan and the world community

194 ***Анвар ЮЛДАШЕВ.*** **Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик масалалари генезиси ва асосий муаммолари: Европа тажрибасидан сабоқлар**

204 ***Элдар КУРБАНОВ.*** **Янги Ўзбекистон ташқи сиёсат стратегиясида – Марказий Осиёда хавфсиз ва барқарор тараққиёт ҳудудини яратиш**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида чин дилдан қутлайман.

Қадимий ва меҳмондўст Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонларимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларини шахсан қабул қилиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Буюк ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган бу муаззам шаҳар минг йиллар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази сифатида хизмат қилиб келган.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, Самарқанд яна бир бор Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бирлаштиргани, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт марказига айлангани қувонарлидир.

Мен анжуманимизда биринчи маротаба иштирок этаётган давлат раҳбарлари – Покистон Ислом Республикаси Бош вазири жаноб Шаҳбоз Шариф, Туркия Республикаси Президенти жаноб Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти жаноб Илҳом Алиев, Туркманистон Президенти жаноб Сардор Бердимуҳамедовни самимий қутлайман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Биз ШҲТга раислик давримизда Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкор-

ликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилдик.

Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, Раислик режасини биргаликда тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлдик. 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ШҲТнинг барча давлатлари, шунингдек, Ташкилот Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасига раислигимизга фаол ёрдам бергани учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди.

Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда.

Ташкилотимиз фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоён этмоқда.

ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатларимиз ривожланиб бормоқда.

Бугун Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланмоқда. Ушбу тарихий воқеа билан Эрон Президенти жаноб Иброҳим Раисийни ва барча ҳамкасбларимизни чин қалбимдан табриклайман.

Миср Араб Республикаси ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзоланишини мамнуният билан қабул қиламиз.

Бундан ташқари, биз Беларусь Республикасига ШҲТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига – мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш бўйича процедураларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилмоқдамиз.

ШҲТнинг географик қамрови кенгаяётгани ўз мисолида самарадорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саъй-ҳаракатларни намойиш этаётган Ташкилотимиз фаолиятининг долзарблигини яна бир тасдиқламоқда.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

ШҲТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда. Зиммамизда ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Бизнинг фикримизча, аввалambор, Ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Биз хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қиламиз. ШҲТнинг фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши лозим. Марказий Осиё ШҲТнинг "географик ядроси" мақомини сақлаб қолиши кераклигига ҳам ишончимиз комил.

"Шанхай руҳи" тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Биз фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришишимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Ушбу дастуруламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларини қамраб олиши, ШҲТни узоқ

муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Аввало, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш ғоят муҳимдир. Бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Кўриниб турибдики, кўпроқ иқтисодий барқарорликка эришиш учун минтақавий ҳамкорликнинг ишончли моделларидан фойдаланиш зарур. ШҲТ мамлакатлари ўртасида қисқароқ "таъминот таянчи"га эга ишлаб чиқариш занжирларини яратиш учун амалий ҳаракатларга ўтиш ўта муҳимдир.

Биз ШҲТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришдаги афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантиришни таклиф этамиз.

Унинг асосий вазифаси савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этишга, кафолатланган ва барқарор ишлаб чиқариш ва таъминот занжирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, бу вазифа ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардош саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш орқали биз яратган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча механизмларини бирлаштириш ва фаоллаштиришдан иборат бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказишни таклиф этамиз.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида ШҲТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тарафдоримиз. Биз келгуси йилда Самарқандда "Ўзбекистон-ШҲТ" саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказишга тайёрмиз.

Яна бир чора-тадбир сифатида ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформа яратишни таклиф этамиз.

Биз қабул қилаётган Минтақалараро савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси ҳам бунга ёрдам беради.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик.

Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшишимиз керак.

Шу муносабат билан Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чоратадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун биз ШҲТнинг Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш концепциясини қабул қилмоқдамиз.

Концепциянинг асосий қоидаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, саммит доирасида Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битимнинг имзоланишини ҳам тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Сизларни стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа – Термиз – Мозори Шариф-Кобул – Пешовар темир йўли коридори қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, Ташкилотимиз маконида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади.

Транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истиқболли лойиҳаларни биз келгуси йили Ўзбекистонда ШҲТ биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилишимиз мумкин бўлур эди.

Кун тартибидаги экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугун Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича қўшма баёнот қабул қилиш орқали ШҲТ ушбу хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишда бирдамликни намоён этмоқда.

Шу билан бирга, барчамиз учун ҳаётий ўта муҳим бўлган ушбу соҳада амалий ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари зарурдир.

Биз ўз таркибида сиёсатчиларимиз, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакилларимизни бирлаштира оладиган ШҲТ Иқлим кенгашини тузишни таклиф қиламиз.

Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу масала Орол денгизи экологик фожеасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик ШҲТ ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Янги реаллик шароитида мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришни мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади.

ШҲТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарадорлигини ошириш, жумладан, хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлардан огоҳлантириш ва уларга тезкорликда муносабат билдиришга оид шартномаларимиз асосида ушбу тузилманинг фаолиятини такомиллаштиришнинг аллақачон мавриди келган.

Мамлакатларимиздаги вазиятни баҳолаш ва бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мажмуавий қарорлар қабул қилиш учун Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш муҳимдир.

Радикализмнинг ўсиб бориши хавфли тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим.

Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг

энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим.

Ушбу масалада яқинда бўлиб ўтган Тошкент конференциясини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамкасбларимга алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур анжуманда афғон делегацияси, кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг, жумладан, ШҲТ вакилларининг иштироки жаҳон ҳамжамиятининг ушбу мамлакат билан ҳамкорлик бўйича мувофиқлаштирилган ёндашувларини ишлаб чиқишга бўлган интилишини тасдиқлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим.

Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яккаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради.

Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни бизнинг мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида – у ердаги мавжуд транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, биргаликда таъсис этишни таклиф қиламиз.

Фонд маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Маданий-гуманитар алоқалар анъанавий равишда ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини шакллантиради. Халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ШҲТ минтақасидаги тинчлик ва кенг қамровли шерикликнинг гаровидир.

Бугун қабул қилинаётган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича комплекс режа айнан шу мақсадларга қаратилган.

Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда, Ташкилотимиз миллионлаб одамларга маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятлари эшикларини очиб беради.

ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни қайд этишни истардимки, замонавий технологиялар бизга маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш имконини беради.

Бу – виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий видеоконференциялар бўлиб, улар аҳоли, жумладан, ёшларни бундай лойиҳаларга фаол жалб қилиш орқали халқларимизнинг янада яқинлашишига кўмаклашади.

Ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, сайёҳлик соҳасида қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳам шу мақсадга йўналтирилади.

Ушбу устувор йўналишдаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш учун келгуси йилни "ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим биргаликдаги ишларимиз учун зарур ҳуқуқий замин яратади.

Қадрли дўстлар!

Самарқанд қадим-қадимдан Шарқий Осиёдан то Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Европагача бўлган маконда яшайдиган халқлар ўртасида маънавий, иқтисодий, маданий ва илмий алмашувларнинг маркази бўлиб келган. Асрлар давомида бу ерда турли цивилизациялар вакиллари ўртасида самарали мулоқотнинг ўзига хос маданияти яралган.

Самарқанд – биз ШҲТни тузишда асос қилиб олган бағрикенглик ва турли халқларнинг анъана ва қадриятларига ҳурмат тамойиллари асрлар давомида ҳаётга татбиқ этилган жонли намунадир.

Ҳозирги кунда геосиёсий рақобат, мафкуравий зиддият ва баҳслардан холи бўлган бундай мулоқот фавқулодда зарурдир.

Шу боис бугун Ўзбекистон шерикларга умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббусини тақдим этишдан мамнундир.

Бу ташаббуснинг мақсади – бизнинг умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашувлар ва қарорларни излашга тайёр, "Самарқанд руҳи" тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал цивилизацияларо мулоқотга жалб қилишдир.

Унинг амалий ижросига доир масалаларни сиёсий етакчилар, жамоатчилик, ишбилармонлар, академик ва эксперт доираларининг нуфузли вакиллари иштирокида келгуси йили Самарқанд халқаро форумида биргаликда кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Биз тез фурсатларда барча шерикларимизга тақдим этадиган сермазмун Ҳаракатлар дастури форум ишининг асоси бўлади. Сизларнинг кенг қўллаб-қувватлашингизга ва ташаббусимизни тарғиб қилишдаги иштирокингизга умид қиламан.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон раислигидаги мақсадларга эришишда фаол кўмаклашганингиз учун барчангизга яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янада изчил ривожланишига ҳамда Ташкилотимиз нуфузининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди.
https://president.uz

Янги Ўзбекистон – янги марралар / Новый Узбекистан – новые вехи / New Uzbekistan – new milestones

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор,
Отабек ХАСАНОВ,
PhD (сиёсий фанлар бўйича)

ШҲТ: ТАҲЛИКАЛИ ДУНЁДА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ЁХУД САМАРҚАНД ЁЗГАН ТАРИХ

Аннотация: *мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида Ўзбекистоннинг серқирра фаолияти, шунингдек, 2022 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТнинг йигирма иккинчи саммитида эришилган келишувлар ва билдирилган амалий ташаббуслар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, "Шанхай руҳи", "Самарқанд руҳи", конструктив мулоқот, "яшил" иқтисодиёт, тўртинчи саноат инқилоби, катта ҳажмдаги маълумотлар, минтақавий транспорт лойиҳалари, Самарқанд декларацияси, умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси.*

ШОС: платформа конструктивного диалога в опасном мире или история, написанная Самаркандом

Каҳрамон Куронбоев,
доктор политических наук, профессор,
Отабек Хасанов,
PhD (по политическим наукам)

Аннотация: *в статье анализируется активная деятельность Узбекистана в период председательства в Шанхайской организации сотрудничества, а также достигнутые договоренности и практические инициативы, озвученные на двадцать втором саммите ШОС, состоявшемся в Самарканде 15-16 сентября 2022 года.*

Ключевые слова: *Шанхайская организация сотрудничества, "Шанхайский дух", "Самаркандский дух", конструктивный диалог, "зелёная" экономика, четвёртая промышленная революция, большие данные, региональные транспортные проекты, Самаркандская декларация, Самаркандская инициатива солидарности во имя общей безопасности и процветания.*

SCO: platform for constructive dialogue in dangerous world or history written by Samarkand

Kahramon Kuronboyev,
DSc (in Political Science), professor,
Otabek Xasanov,
PhD (in Political Science)

Abstract: *the article analyzes the multifaceted activities of Uzbekistan during the chairmanship of the Shanghai Cooperation Organization, as well as the agreements reached and practical initiatives announced at the SCO twenty-second summit held in Samarkand on September 15-16, 2022.*

Keywords: *Shanghai Cooperation Organisation, "Shanghai spirit", "Samarkand spirit", constructive dialogue, green economy, fourth industrial revolution, big data, regional transport projects, Samarkand Declaration, Samarkand solidarity initiative for common security and prosperity.*

Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг йигирма иккинчи саммитига мезбонлик қилди. Бутун дунё нигоҳи қаратилган кенг қамровли нуфузли тадбирга асрлар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази бўлиб келган шаҳарнинг танланиши бежиз эмас. Бу билан қадимий ўзбек давлатчилигига ва унинг тарихий салоҳиятига урғу берилди.

Дунёда мураккаб вазиятлар кузатилаётган, дипломатия руҳи ўзгараётган, конструктив мулоқот майдони ва имкониятлари қисқариб бораётган бир шароитда ШҲТ сиёсий ўйинлардан холи, зиддиятлар четга суриладиган самарали ва амалий ҳамкорлик механизми сифатида юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон раислигида ШҲТ чинакам серқирра ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва эркин мулоқот ташкилотига айланди, ўз салоҳиятини қайтадан кашф этди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда мисли кўрилмаган даражада фаоллашган очиқ ва конструктив Янги Ўзбекистон дипломатияси ўз имкониятларини кенг минтақавий миқёсда кўрсата олди.

Пандемия бошланганидан буён сўнгги уч йил ичида илк марта мулоқот шаклида ўтказилган йирик анжуманда 14 та давлат етакчиси, Саудия Арабистони, Қатар ва Мисрнинг олий вакиллари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Самарқанд саммитида томонлар: савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт-коммуникациянинг ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш, рақамли трансформация, "яшил" иқтисодиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши, камбағаллик, эпидемияларнинг салбий таъсири билан курашиш, ШҲТнинг халқаро нуфузини юксалтириш каби муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Саммитда ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари ривожланиб бораётганига урғу берилди. Эрон Ислом Республикасининг Ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум, Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар – ҳамкорлик доираси кенгаяётганидан далолат беради.

Шунингдек, Беларусь Республикасига ШҲТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига – мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш бўйича процедураларни бошлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида бир қатор муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. "Шанхай руҳи" тамойили асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланишини таъкидлаб, фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкинлигини билдирди.

Айниқса, ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш ҳақидаги таклифи Ташкилот аъзолари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Зеро, ушбу дастуруламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олади ва ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистоннинг раислиги даври: ШҲТ муваффақияти ифодаси

2021 йил 17 сентябрь. Душанбе шаҳри. Кун календарда одатдагидек кўринади. Бироқ ундай эмас, чунки шу куни дунё аҳолисининг қарийб ярмини, жаҳон иқтисодиётининг учдан бирини ўз ичига олган ташкилот – ШҲТга раислик қилиш Ўзбекистонга ўтди.

Мамлакатимизнинг Ташкилотга раислиги пандемиянинг оғир оқибатлари билан курашилаётган, жаҳонда юқори ноаниқлик вужудга келган ҳамда геосиёсий қарама-қаршилик ва зиддиятлар кескинлашган бир даврга тўғри келди. Шу сабабдандир, аксарият эксперт ва мутахассислар Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги расмиятчилик учун ёки "номига ўтади-кетади-да", деган фикрда ва бу бўйича улар томонидан пессимистик башоратлар тузилган эди.

Ўзбекистон шу куннинг ўзида декларатив баёнотлар бермади, балки моҳиятан мураккаб тарихий шароитда аниқ белгиланган ҳаракатларни амалга оширишга киришди. Президентимиз томонидан янги имкониятлар даври учун аниқ "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди. Конструктив мулоқот ва ишончга асосланган ҳамкорликни ривожлантириш масаласи стратегик вазифа этиб белгиланди.

Мақсад аниқ эди, унга элтувчи шиор ҳам ШҲТ минбарида зўр акс-садо бергани бежиз эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади". Тарихан қисқа кўринган бир йил ичида Ўзбекистоннинг раислиги ушбу шиорни ҳаётга татбиқ этиш руҳида кечди, ташкилот нуфузи ва салоҳиятини янада оширишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ШҲТ раислиги доирасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида саксондан ортиқ тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари даражасида ўттиздан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимизнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" номли мақоласида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олгач, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди".

Ўзбекистон шафелигида илк бора аҳамияти жиҳатидан долзарб бўлган ахборот хавфсизлиги, саноатни ривожлантириш ва гендер масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Мисол учун, Тадбиркор аёлларнинг биринчи форуми аъзо мамлакатлар бизнес доираларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларни янада бир-бирига яқинлаштириш ва ҳали тўлиқ очилмаган салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам берган бўлса, ШҲТнинг Ахборот хавфсизлиги бўйича илмий-эксперт форуми замонавий чақириқ ва умумий таҳдидларга биргаликда қарши курашиш асосида "таянч нуқталари"ни белгилаб олишда ўз ифодасини топди.

Бугунги дунё Тўртинчи саноат инқилоби даврига қадам қўйган. Мазкур тарихий вазиятда ШҲТ мамлакатлари ёшларнинг рақамли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар ғояларини рўёбга чиқаришда камарбаста бўлишни англаб етмоқда. Шу боис, ШҲТ ёшлари орасида биринчи марта, киберспорт чемпионати ва стартап лойиҳалари танлови ўтказилди. Бу тадбирлар давлат дастурлари, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг экани диққатга сазовор.

Амалий учрашувлар фақатгина Тошкентда эмас, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилди. Масалан, Фарғона, Нукус, Бухоро шаҳарларида ШҲТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши йиғилишлари, Бухорода камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференция, Хивада транспорт вазирлари мажлислари ўтказилиб, ҳамкорлик режалари атрофлича муҳокама қилинди ва ташкилот кун тартибида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга аниқлик киритилди.

Шубҳа йўққи, Минтақалараро савдони ривожлантириш режаси, Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШҲТ стратегияси, Инфратузилмани ривожлантириш дастурлари ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги даврни очиб берди. Дарвоқе, ШҲТ мамлакатлари ишбилармон доиралари ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш доирасида Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон – ШҲТ" саноат зонасини ташкил қилиш кўзда тутилгани Ташкилот ишбилармонлари фаолиятига янги куч ҳамда суръат бағишлайди. Шу аснода инвестициялар оқими ўсиши, технологиялар ва инновациялар трансфери амалга ошишида "Самарқанд модели" яратилади, деган умиддамиз.

Ўзбекистоннинг раислиги даври ҳамкорликни фаоллаштириш орқали ШҲТ тараққиёт стратегиясини мазмунан бойита олди. Халқаро экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистон ШҲТ тарихида энг ташаббускор давлат сифатида ном қолдирди. Атиги бир йил ичида кўплаб халқаро ҳужжатлар келишилиб, Самарқанд саммитида жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихидаги рекорд кўрсаткичдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ШҲТ минтақасининг транспорт салоҳиятидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишга ва уни асосий стратегик вазифалар-

дан бири сифатида белгилаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади. Айниқса, бу дунё бозорларига чиқиш масаласи принципиал бўлган, Ўзбекистон каби денгизга чиқишга табиий йўли иҳоталанган Марказий Осиё давлатлари учун жуда муҳим. Шу мақсадларда геоиқтисодий вазиятда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон", "Термиз – Мозори-Шариф – Қобул – Пешовар" темир йўл линиялари қурилиши Марказий Осиё давлатларини дунё бозорларига олиб борувчи қисқа йўл билан таъминлашга тарихий имконият яратади.

Минтақавий транспорт лойиҳалари Марказий Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистоннинг ҳар томонлама иқтисодий тикланишига ва барқарорлигини таъминлашига ҳисса қўшади. Президентимиз нутқида қайд этилганидек, "Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим... Афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим".

Шубҳасиз, мамлакатимизнинг ШҲТ минтақасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик стратегияси Афғонистоннинг Буюк ипак йўлидаги тарихий транзит давлат сифатидаги ролини тиклашга хизмат қилади.

Самарқанд руҳи: мураккаб давр шароитида янги мулоқот платформаси

Буюк ипак йўли дурдонаси – Самарқанд азал-азалдан Европа ва Хитой ўртасида инсониятнинг турли цивилизацияларини боғлаган табаррук маскан бўлиб келган. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига 2001 йилда "Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси" объекти сифатида киритилгани унинг минг йиллар давомида маданий-гуманитар мулоқот, илмий ва фалсафий тараққиёт ҳамда маънавий ривожланиш учун илҳом бериб келганидан далолатдир.

Шарқу Ғарбни бирлаштирган Самарқандга асрлар оша ўз замонининг энг муносиб кишилари – олиму фузало, санъат ва маданият арбоблари талпинган. Бугунги кунда ҳам Самарқанд ўзининг тарихий ролини тиклаши муқаррар, зеро зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар Президентимиз раҳбарлигида яна муштарак мақсадлар йўлида дунё тамаддуни ривожида ўз сўзини айта олади.

Шунинг учун ҳам ШҲТнинг Самарқанд саммити ўзаро боғлиқликдаги дунёда ҳамкорликни ривожлантириш, глобал ва минтақавий даражадаги муаммоларга ечим бериш бўйича мулоқот майдонига айланди. Моҳиятан қабул қилинган қарорлар "бир овоздан" рўёбга чиқишига имкон берадиган сиёсий тадбир халқаро ҳамжамият тарафидан муҳим воқелик сифатида қабул қилинди. Дунё тараққиёти тенденциялари тобора Шарққа томон силжиётган тарихий бир вазиятда Самарқанд тинчлик, азалий дўстлик ва яхши қўшничилик, иқтисодий барқарорлик намунаси сифатида турли давлатларни "бир стол атрофига" тўплай оладиган мулоқот платформаси бўлиб хизмат қилди.

Шу маънода, Президентимиз ўз мақоласида "Самарқанд руҳи"га тўхталар экан, "Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. "Самарқанд руҳи" деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШҲТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин", деди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ШҲТ 22-саммитининг биринчи кунида олий мартабали меҳмонлар "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказида бўлиб, "Боқий шаҳар" мажмуаси билан яқиндан танишдилар. Мажмуада сайр қилиш орқали давлатлар етакчилари чинакамига "Самарқанд руҳи"дан баҳра олди. Шунинг учун бўлса керак саммитнинг кейинги кунида иштирокчилар кўтаринки кайфиятда бўлди.

Аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар майдони

ШҲТ Самарқанд саммити дунёдаги бошқа саммитлардан фарқли равишда, муаммоларга амалий ечим топиладиган майдонга айланганини унда илгари сурилган ташаббус ва ғояларда кўриш мумкин. Мазкур ташаббуслар ШҲТ "катта оиласи"нинг тинчлик ва барқарор ривожланиш борасидаги мақсад ва манфаатларига мос келади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ҳам айнан мана шундай характерга эга. Саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш, манфаатли темир йўл коридорлари қурилишини қўллаб-қувватлаш, ШҲТ Иқлим кенгашини тузиш, ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни таъсис этиш, кейинги йилни "ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилиш бўйича билдирилган таклифлар нафақат ШҲТ мақсад ва тамойилларига мос келади, балки кенг Евроосиё маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантириш борасида Президентимиз ташаббусларига ҳамоҳанг тарзда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди энергетик ва озиқ-овқат танқислиги шароитида минтақада ишончли ва диверсификацияланган етказиб бериш занжирларини ривожлантириш, ўзаро транзит ҳуқуқини таъминлаш заруриятини таъкидлади. Ҳиндистоннинг стартапларни ривожлантириш тажрибаси билан ўртоқлашиш мақсадида, ШҲТ стартаплар бўйича Ишчи гуруҳини тузиш таклифи берилди.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида нутқ сўзлар экан, бугунги даврнинг фарқли жиҳати ўзаро ишончнинг кескин танқислиги эканини, ШҲТ ғояларида қарама-қаршилик ва блокларга бўлиниш йўқлиги боис, Ташкилотнинг нуфузи ошиб, йилдан-йилга географияси кенгайиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар мудофаа органлари ва махсус хизматлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи билдирилди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин дунё турбулентлик ҳолатига тушиб қолганини, бундай шароитда бирдамликни мустаҳкамлаш ва ШҲТни умумий тақдирга эга ҳамжамиятга айлантириш заруратига урғу берди. Бунинг учун ўзаро қўллаб-қувватлашни кучайтириш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи кучлар томонидан ШҲТга аъзо давлатларнинг ички ишларига аралашиш бўйича ҳаракатларга қарши туриш лозимлиги қайд этилди. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ШҲТ Ривожланиш банки, "катта ҳажмдаги маълумотлар" (big data) соҳасида Хитой – ШҲТ ҳамкорлик марказини таъсис этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров нутқида ШҲТ турли маданий-гуманитар анъаналарга эга давлатлар ўзаро баҳамжиҳатликда яшашининг мисоли ва аъзо бўлиш истагидаги кўплаб мамлакатлар учун жозибадор ташкилот эканлиги борасидаги фикрлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Қирғиз Республикаси Президенти Бишкекда Халқаро жиноятчиликка қарши кураш марказини очиш ташаббуси билан чиқди.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф Афғонистондаги тинчлик Покистондаги вазиятга ҳам таъсир кўрсатишини таъкидлаб, Афғонистон активларига қўйилган чекловларни олиб ташлашга чақирди. Кучли сув тошқинидан сўнг Покистонга кўрсатилган ёрдам учун ШҲТ мамлакатларига миннатдорлик билдирар экан, давлат бошқарувидаги 40 йиллик фаолияти давомида бундай кўламдаги офатни кўрмаганлигини айтди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга ёрдам бериш мақсадида ШҲТ номидан жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиш таклифи мазкур ташкилот амалий қадамлар майдони эканини яна бир бор кўрсатиб берди.

Россия Президенти Владимир Путин жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида халқаро ҳуқуқ ва БМТ низоми тамойиллари асосида ҳамкорлик олиб бораётган янги куч марказлари юзага келаётганини қайд этди ва ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари – терроризм ва экстремизм, наркотрафик ва ноқонуний қуролланган гуруҳларга қарши кураш, Афғонистон муаммосини сиёсий дипломатик йўл билан ҳал қилиш, савдо-инвестициявий муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни ривожлантириш, ШҲТ спорт ташкилотлари ассоциациясини тузиш, туризм ва музей иши бўйича келишувларни имзолаш таклифи билан чиқди.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон нутқида ҳам Самарқанд саммитида кўтарилган масалалар ўз аксини топган бўлиб, Тожикистон Президенти Афғонистондан кириб келаётган наркотик моддалар оқимига қарши курашиш мақсадида, ШҲТнинг наркотикларга қарши алоҳида структурасини тузишни таклиф қилди. Самарқанд саммитига таклиф қилинган давлатлар раҳбарлари ҳам ўз мамлакати олдида турган муаммолар, ШҲТ билан ҳамкорликдан кутилаётган натижалар ва ўзаро ҳамкорлик салоҳияти ҳақида гапириб ўтди.

Хусусан, **Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко** "Шанхай руҳи" дунёнинг янги архитектураси фундаменти бўлишга қодирлигига урғу бериб, ШҲТ билан саноат, сунъий интеллект, "яшил" иқтисодиёт, тинч атом, асоссиз савдо тўсиқларини бартараф этиш, банк тизими соҳаларида ҳамкорлик қилиш салоҳияти мавжудлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 2024 йилда ёзги ва 2026 йилда қишки спорт турлари бўйича ШҲТ мусобақаларини ўтказиш таклифи киритилди. Президент Александр Лукашенко ўз нутқида "биз учун кутилмаганда ШҲТ минтақавий ташкилотдан глобал ташкилотга айланмоқда. Муҳими – бу фурсатни бой бермаслик лозим", дея таъкидлади.

ШҲТга аъзо бўлиш арафасида турган **Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий** ташкилот доирасида савдо, банк ва алоқа инфраструктураси соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратди. Эрон мазкур ташкилотга аъзолик орқали ҳамкорликка асосланган адолатлироқ дунёни яратиш марказида бўлишга интилаётганини маълум қилди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух мамлакат бундан кейин ҳам ШҲТ билан фаол ҳамкорлик олиб боришини, хусусан, савдо, инвестициялар, энергетика, транспорт-логистика, туризм, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби соҳаларда катта лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканини таъкидлаб ўтди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Туркия Марказий Осиё билан қадимий алоқаларга эгалиги, 2019 йилда бу тарихий алоқаларни тиклаш ташаббуси илгари сурилганини алоҳида қайд этди. Туркия ШҲТ билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга, озиқ-овқат етказиб бериш занжирларининг хавфсизлигига йўналтирилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга тайёрлиги маълум қилди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев мамлакатнинг транзит салоҳиятига асосий урғу берди. Жумладан, жорий йилнинг етти ойида Озарбайжондан транзит 50 фоизга ўсгани, мамлакатнинг транспорт-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Шу ўринда, Президентимиз ШҲТ Озарбайжон билан айнан транспорт-коммуникация ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик олиб боришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ШҲТ билан сиёсат, савдо, хавфсизлик, маданий-гуманитар соҳаларда кўп қиррали алоқаларни йўлга қўйишга, транзит йўлларни барпо қилишда иштирок этиш ва энергетика соҳасида тизимли ҳамкорлик олиб боришга тайёрлигини маълум қилди.

ШҲТ бош котиби Чжан Мин жаҳон миқёсида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар шароитида бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик ва фаол ҳаракатларни мустаҳкамлаш заруриятини яна бир бор таъкидлади.

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев 2021 йилда 40 та теракт ва 1 минг 400 дан ортиқ жиноятларнинг олди олинганини маълум қилди. Халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш муваффақиятли амалга оширилаётганини эътироф этиб, таҳдидларга коллектив ёндашув зарурлигини яна бир бор қайд этди.

БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш бўйича ўринбосари Розмари ДиКарло таъкидлаганидек, БМТ учун минтақавий ва субминтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама самарали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, бугунги кунда ШҲТ Евроосиёда ҳудудий хавфсизлик ва тинчлик масалаларини муҳокама қилиш учун энг қулай платфома ҳисобланади. Хусусан, икки ташкилот экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик олиб бормоқда.

ШҲТ саммити Самарқанд декларациясининг қабул қилиниши билан якунланди. Саммитнинг асосий ҳужжатида томонларнинг амалий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ўзаро транспорт боғлиқликни кучайтириш ҳамда маданий мулоқотни чуқурлаштиришга бўлган умумий ёндашувлар акс этди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз раислиги давомида очиқ мулоқотни ривожлантириш орқали ШҲТ салоҳиятини намоён қилиш, амалий ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда ташкилот халқаро нуфузини ошириш бўйича олдига қўйган вазифаларни тўлақонли бажаришга муваффақ бўлди. ШҲТ ўзининг янги ва масъулиятли ривожланиш палласига қадам қўйди.

Самарқандда ШҲТ ривожланишида белгиланган янги сурътлар ва трендлар кейинги йилда Ҳиндистон раислигида ҳам давом этиши учун Ўзбекистон томонидан умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси илгари сурилди ва якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

* * *

Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўлди, деб баралла айтиш мумкин. Албатта, бунда сўнгги йилларда сифат жиҳатидан мутлақ янги кўриниш ҳосил қилган ўзбек дипломатиясининг ўрни ва роли беқиёс. Мазкур ҳолат давлатнинг ташқи репутациясини анча ижобий ёки мўътадил ҳолатга келтирди.

Мухтасар айтганда, ШҲТ мамлакатлари доирасида илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши ва Ўзбекистоннинг муваффақиятли раислиги – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсули ҳисобланади. Ўзбекистон ҳар бир кўзланган мақсадга ўз вақтида ва самарали эришиши бўйича тарихий миссиясини бажаришга имконият туғилиб, ШҲТ маконида хавфсизликни таъминлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқиш ва барқарор ривожланишга мустаҳкам асослар яратилди. Бунинг натижасида, ШҲТ ўз принципларига содиқ қолган ҳолда, Ташкилотни ҳарбий ёки сиёсий блокка айлантиришга уринишларга йўл қўйилмади.

Ўз навбатида, Самарқанд саммитида қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги ташкилот нуфузининг юксалишига хизмат қилади дейишимиз, айни ҳақиқатдир.

Ўзбекистоннинг ШҲТда раислик даври ҳамда Ташкилотнинг 22-саммити юқори даражада ташкил этилгани халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлди. Ўзбек дипломатиясининг мазкур йўналишдаги фаолиятидан ўрганиш керак бўлган жиҳатлар талайгина.

Шу ўринда, умид қиламиз, ҳинд дипломатияси Ўзбекистоннинг ШҲТда раислиги даврида берилган суръатни сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Ҳиндистонга бу борада омад тилаймиз!

Манба ва адабиётлар

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик // https://president.uz/uz/lists/view/5495

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи // https://president.uz/uz/lists/view/5542

3. Неъматов А. ШҲТ – кўп томонлама ҳамкорлик бўйича муқобили йўқ тузилма// http://isrs.uz/uz/maqolalar/akramzon-nematov-otkrytost-sos-k-mezdunarodnomu-sotrudnicestvu-vaznyj-faktor-ee-uspeha

4. Усмонов Б. Янгича ёндашув ва замонавий форматдаги саммит ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий платформа // http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/angica-endasuv-va-zamonavij-formatdagi-sammit-uzaro-anglasuv-va-amkorlikni-mustakamlas-julidagi-tarihij-platforma

5. Жонибеков З., Ҳасанов Ғ. Самарқанд саммитида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди. – Т.: "Янги Ўзбекистон" газетаси. 2022 йил 17 сентябрь. № 191 (713). – 3 б.

6. Холиқназаров Н. Тарихий саммит башарият фаровонлигига хизмат қилади. – Т.: "Янги Ўзбекистон" газетаси. 2022 йил 19 сентябрь. № 192 (714). – 2 б.

Адҳам БЕКМУРОДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИГА АСОСЛАНГАН ОПТИМАЛ ТИЗИМ

Аннотация: *ушбу мақолада Ўзбекистондаги давлат бошқаруви соҳаси трансформацияси, бошқарув тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳияти илмий таҳлиллар ва далиллар асосида ёритиб берилган. Асосан, Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши билан амалга оширилган катта ўзгаришлар, давлат бошқарувини айнан инсон манфаатлари устуворлиги негизида ислоҳ қилинаётгани, бу эса, жамият тараққиётида муҳим босқични бошлаб бергани кўрсатиб берилган. Мамлакатда амалга оширилган ривожланиш стратегиялари ва улар асосида шакллантирилган янгича бошқарув тизими фуқаролар манфаатларига хизмат қилаётгани ва оптимал бир тизим сифатида ўзини оқлаётгани таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *давлат бошқаруви, давлат бошқаруви трансформацияси, давлат ва фуқаролик хизмати, халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари, тараққиёт стратегияси, очиқлик, демократия, номарказлаштириш.*

Трансформация государственного управления в Узбекистане: оптимальная система, основанная на приоритетности интересов человека

Адхам Бекмуродов,
доктор экономических наук, профессор,
ректор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье на основе научных анализов и фактов освещено значение трансформации в сфере государственного управления в Узбекистане, реформ, осуществляемых в системе управления. В основном показаны большие изменения, осуществленные с приходом к власти Шавката Мирзиеёва, реформирование государственного управления именно на основе приоритетности интересов человека, что явилось началом важного этапа в развитии общества. Проанализированы осуществленные в стране стратегии развития и служащая интересам граждан новая система управления, сформированная на их основе, оправдали себя в качестве оптимальной системы.*

Ключевые слова: *государственное управление, трансформация государственного управления,государственная и гражданская служба, общение с народом, интересы человека, стратегия развития,открытость, демократия, децентрализация.*

Transformation of public administration in Uzbekistan: an optimal system based on human interests

Adkham Bekmurodov,
DSc (in Economic Sciences), professor,
Rector of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in this article, the essence of the transformation of the sphere of public administration in Uzbekistan, the reforms being carried out in the management system is highlighted on the basis of scientific analysis and evidence. Mainly, it is shown that the major changes implemented with Sh.M. Mirziyoev's coming to power, the public administration is being reformed on the basis of the priority of*

human interests, which started an important stage in the development of the society. It is analyzed that the development strategies implemented in the country and the new management system formed based on them serve the interests of citizens and justify themselves as an optimal system.

Keywords: *public administration, transformation of public administration, state and civil service, communication with the people, human interests, development strategy, openness, democracy, decentralization.*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин асосий стратегик мақсад сифатида бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўли танланди. Ушбу вазифалар давлат бошқаруви ва мувофиқлаштируви самарасини ошириш ва уни такомиллаштириш вазифаси билан ҳам муштаракдир. Бу маънода, жамият ҳаёти, давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ этиш – ривожланган мамлакатлар тараққиёт босқичига хорижий ва миллий тажрибалар уйғунлиги асосида етиб бориш демакдир.

Сиёсий тизимнинг асосий институти сифатида: давлат бошқаруви сифатини ошириш инсонни сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилишдаги иштирокини юксалтириш, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, бу жараённи таҳлил этиб бориш, сиёсий тизимни фуқаролик жамияти талабларига мослаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий модернизациянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатда инсон, унинг билими, малакаси, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мамлакатни ва давлат бошқарувини модернизациялашнинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш борасида янгича ислоҳотлар бошланди.

XXI асрда давлат бошқаруви соҳаси нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ривожланаётган дунёнинг кўпгина қисмларида ҳам кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Глобаллашув ва хизматлар кўрсатишнинг плюрализацияси бу ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўртага чиқди. Ҳукуматлар дуч келадиган сиёсатдаги муаммолар оддий, чизиқли ва миллий эмас, балки тобора мураккаб ва глобал бўлиб бормоқда [1.22]. Шунга қарамай, давлат сектори ислоҳотини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мавжуд бўлган парадигмалар нисбатан статикдир. Ривожланаётган дунёда давлат секторидаги ислоҳотлар сиёсий тажрибалар, ҳудудий ва миллий хусусиятлар асосида кечмоқда.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, дунёда етакчилик қилаётган давлатлар ўз тарихида ривожланишнинг ўзига хос йўналишларига хизмат қилувчи стратегия ва мақсадларни ишлаб чиққанлар. Мисол учун, ҳозирда тараққий этган мамлакатлардан бири АҚШ XX асрда ўз ривожланишини бир қатор стратегиялар асосида амалга оширган. Улардан бири – тўрт маротаба АҚШ президентлигига сайланган Франклин Рузвельтнинг "Янги йўл" стратегияси бўлса, яна бири дунёнинг ривожланган давлати Германия томонидан 13 йил аввал ишлаб чиқилган Миллий барқарор ривожланиш стратегиясидир. Германиянинг ушбу стратегияси бугунги дунё ривожланиши тенденцияларидан келиб чиқиб, 2018 йилда қайта янгиланди.

Ўзбекистон 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида тараққиёт сари интилиб, жамият фаровонлиги, иқтисодий юксалиш йўлида олдинга қараб ҳаракат қилмоқда. Тарих учун бу оз фурсат, аммо ён-атрофдаги жадал ривожланиш суръати, глобаллашувнинг кенгайиб бориши вақтни тиғизлаштирмоқда ва жамият сиёсий ҳокимиятдан тез ҳамда самарали тараққий этиш йўналишларини белгилашини талаб этмоқда. Аммо тараққиёт деган тушунча ҳокимият учун фақатгина ривожланиш, қадамларни катта ташлаб, олдинга интилиш бўлганида эди – бу осон ва тез фурсатда натижаларни кўриш имконияти бўлар эди. Марказий Осиё географиясида ривожланиш дегани бу, аввало, турли катта сиёсий кучлар, сиёсий қутблар билан оқилона ҳамкорлик, ҳудуд ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, турли сиёсий ва мафкуравий таҳдидларга бардошли бўлиш орқалигина амалга ошади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда 2016 йилдан кейин глобал сиёсий тартибот, халқаро тараққиёт мезонларининг шаклу шамойили инобатга олинган ҳолда миллий ва тарахий хусусиятларимиздан келиб чиқиб, муайян муддатга мўлжалланган стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. Ривожланишнинг турли жабҳаларини ўзида мужассамлаштирган бу дастурлар давлатнинг келажак беш йилдаги режаларини аниқ кўрсатиб бермоқда. Бу эса, халқ билан маслаҳатлашув асосида амалга оширилмоқда. Яъни бундан қарийб олти йил олдин Ўзбекистон ҳам ўз ривожланиш тарихида янги бир даврга қадам қўйди. Ушбу қадам учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимиз муаллифлигида (яъни аҳолининг бевосита таклиф ва хоҳишларини инобатга олган ҳолда) ишлаб чиқилган, Ўзбекистон учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг яқин истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур стратегия доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ечиш, соҳани тўлақонли тартибга солиш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги даврда халқимиз энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшамоқда. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди [2.7].

Шунга алоҳида урғу бериш лозимки, Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ислоҳотлар моҳиятида Мовароуннаҳр заминида қарор топган буюк давлатчиликнинг анъаналари ва улуғ алломалар, давлат арбобларининг давлат бошқаруви борасидаги илмий ғоялари ва қарашлари мужассам.

Шарқнинг атоқли файласуфи Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" китобида раҳбарнинг фазилатлари ҳақида ёзар экан, одамларни бирлаштирувчи бошланғич асос ҳақида сўз юритади. Форобий инсонийликни – бошланғич асос деб талқин этади ва самимийлик, ҳамдардлик, ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, сахийлик туйғуларни инсонийликни ифодаловчи омиллар сифатида талқин этади [3.131]. Раҳбарнинг инсонийлик хусусияти шахснинг бошқалар учун ғамхўрлик қилиш, ўзгаларга кўмак бериш, атрофдагиларга кенгфеъл бўлиш каби муносабатларга ундашини ҳисобга олсак, Форобий давлат бошқарувида инсон манфаатларининг муҳим омил эканига урғу берганини кўришимиз мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарининг бош мавзуси инсон ва унинг манфаатлари бўлиб, у Форобийнинг қарашларига яқин ғояни илгари суради. Инсоннинг сиёсий моҳияти, фуқаро тарбияси ва унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси муаллиф томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг "инсоннинг ўз манфаатлари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан ҳам яшаши", кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билиши кераклиги хусусидаги қарашларини айнан жамият аҳамиятига молик ишларда инсоннинг фаол иштирок этиши омиллари сифатида кўришимиз мумкин [4].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш ва шу билан бирга, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини, жамият аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини оширишни ўзида ифодалайди. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши ҳам айнан давлат бошқаруви тизими ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларга бағишлангани бежиз эмас. Янги Ўзбекистонда демократик давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган юксак ғояга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бунда қуйидаги муҳим жиҳатларни кўриш мумкин.

Биринчи, халқ билан мулоқотнинг янги тизими яратилди. Инсон манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш мақсадида, 2016 йилда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Мазкур тузилмалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, шунингдек, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизми ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фуқароларнинг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2016 йилдан буён ҳозирга қадар жами 7 млн.дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 4 млн.дан ортиғи қаноатлантирилган, 56 мингта мурожаатнинг ҳал этилиши узоқ муддатли назоратга олинган, 2 млн. 572 мингта мурожаат юзасидан тушунтириш берилган, 193 мингта мурожаат рад этилган, 130 мингта мурожаат қонуний асосларга кўра, кўрилмай қолдирилган ёки тугатилган. Шундан кўринадики, қилинган мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, республика ва ҳудудий муаммолар ўз ечимини топган [5].

Сўнгги беш йилда 11070 нафардан зиёд уй-жойсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор шахслар, меҳрибонлик уйлари битирувчилари, оғир аҳволдаги хотин-қизлар имтиёзли кредит ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида уй-жой ҳамда доимий иш билан таъминланди.

Мурожаатлар таҳлили дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини шакллантиришга асос бўла бошлади. Мурожаатлар таҳлили асосида сўнгги беш йилда қўшни мамлакатлар билан чегаралар очилиши, яқин қўшничилик алоқалари тикланиши, фуқаролик, прописка тизимлари, афв этиш, пенсия, валюта сиёсатини ислоҳ қилиш, бузиладиган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига тўлиқ компенсация бериш, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлар халқнинг давлатдан рози бўлишига, тизимли муаммолар ҳал қилинишига хизмат қилди. Қатор масалалар бўйича мурожаатлар деярли барҳам топган бўлса, ўнлаб соҳалар бўйича мурожаатлар кескин камайди.

Қолаверса, барча даражадаги масъул мансабдор шахслар жойларда маҳаллалар кесимида иш олиб бориб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича юзага келган камчиликларни аниқлаб, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида одамларнинг фикрини ўрганиб бормоқда ва шу асосда ўз ишини ташкил этиш ҳаракатида бўлмоқда. Бундан ташқари, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳудудларда мунтазам равишда оммавий сайёр қабулларини ташкил этиш тизими шакллантирилди.

"Менинг фикрим" жамоавий мурожаатлар портали ишга туширилди. Фуқароларга Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Электрон жамоавий мурожаат қилиш имконияти яратилди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 2017 йил 11 сентябрда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси дастурининг қўшимча қулайликларга эга янги версияси ишлаб чиқилди.

Иккинчи, жамиятда очиқлик ва ошкоралик муҳити қарор топди. Хусусан, Президент талаби билан давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги "ёпиқ эшиклар" очилиб, шаффофлик таъминланиши натижасида, айниқса, аҳолининг ўзи хоҳлаган мавзуда танқидий фикрларини эмин-эркин билдиришига "очиқ майдон" яратиб берилди.

Давлат раҳбарининг шахсан ўзи ҳам жамиятда учраётган ва оммани қийнаётган муаммолар ҳақида ижтимоий тармоқларда, миллий ва хориж ОАВлари ҳамда бошқа манбаларда бўлаётган чиқишларни мунтазам кузатиб бориб, ушбу масалалар ечимида лоқайдлик қилаётган мутасадди раҳбарларга гоҳо танбеҳ беради, гоҳо интизомий жазо чораларини қўллайди, ҳатто лавозимидан озод қилади ва бу жараёнларда фуқаролик жамияти институтларини муросасиз бўлишга даъват этади.

Мамлакатимиздаги очиқлик сиёсати туфайли фуқароларимизнинг олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи ошиб, ислоҳотларга фаол дахлдорлик тўйғуси ривожланмоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан давлат органларининг фаолиятига танқидий баҳо бериш орқали жамоатчилик назорати фаол равишда олиб борилмоқда. Ўз навбатида, билдирилган танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали ўз муносабатини билдириш амалиёти кенгаймоқда. Ушбу ўзгаришлар аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан кўтарилган муаммолар ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, ўз вақтида ҳал этилиши, айниқса, давлат бюджети харажатлари билан боғлиқ вазиятлардаги ортиқча сарф-харажатлар ва коррупциянинг олди олинишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда электрон оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Айни вақтда, республикамизда фаолият юритаётган 1893 та оммавий ахборот воситасидан 638 таси ёки 33,7 фоизи интернет нашрлари – веб-сайтлар сифатида рўйхатдан ўтган.

Соҳага берилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижига ижобий таъсир қилмоқда. Хусусан, қатор халқаро индекс ва рейтингларда Ўзбекистон сезиларли даражада юқори поғоналарга кўтарилди. Жумладан, "Чегарасиз репортёрлар" (RSF) халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан тузиладиган "Жаҳон матбуоти эркинлиги" индексининг 2022 йилги рейтингида Ўзбекистон 24 поғонага кўтарилиб, 133-ўринни эгаллади [6]. Ҳозирда ушбу йўналишдаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йилда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунда бу институтнинг амалда ишлайдиган, самарали механизмлари жорий қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатлари тартибга солинди. Президент қарори билан давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари тузилди. Бу кенгашлар қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этишмоқда.

Президентнинг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори билан фуқаролар бюджетни шакллантириш жараёнларини нафақат назорат қилиши, балки бюджет маблағларини шакллантириш жараёнидан бошлаб, уларни сарфлашда қатнашиши учун ҳам имконият яратилди. "Очиқ бюджет" портали орқали давлат бюджети ва қарзи бўйича маълумотлар эълон қилиб борилади. Плафтормада "Ташаббусли бюджет" бўлими яратилган. У орқали фуқаролар инфратузилмани яхшилаш, хиёбонлар, болалар ва спорт майдончалари, ички йўлларни қуриш, мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича лойиҳаларни таклиф этиб, маҳаллий бюджетнинг тақсимланишида иштирок этишлари мумкин.

Бюджетнинг шаклланиши жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида туман ва шаҳарларда тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб босқичма-босқич жорий этилди. Ушбу тартиб 2021 йилда Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида битта ту-

ман ёки шаҳарда жорий қилинган бўлса, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса, бу тартиб мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларида жорий қилинди. Туман ва шаҳар ҳокимиятлари лойиҳаларни молиялаштириш бўйича маълумотни ўзларининг расмий сайтларида ва "Очиқ бюджет" порталида ҳар квартал тугашидан кейин келадиган ойнинг 25-санасига қадар эълон қилиб боришлари шарт.

Фуқаролар маҳалла, аҳоли пунктлари ва тумандаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича лойиҳалари билан Openbudget.uz платформаси орқали мурожаат қилишлари мумкин. Масалан, шаҳар инфратузилмасини яхшилаш, хиёбонлар, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, экологик вазият ва сув таъминотини яхшилаш, кўча чироқларини таъмирлаш ва ўрнатиш, мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ва ҳоказо. Бунинг учун ушбу сайтда рўйхатдан ўтиб, шахсий кабинет орқали формани тўлдириб юбориш мумкин.

Лойиҳалар туманларнинг (шаҳарларнинг) ижтимоий-иқтисодий ўзига хослигини инобатга олган ҳолда долзарб муаммоларни ечишга қаратилган бўлиши керак. Ташаббуслар шахсий манфаатларни (автомобиль ёки уй сотиб олиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар) ҳал қилиш имкониятини истисно қилиши керак. Лойиҳани амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошмаслиги керак (980 млн. сўмдан).

Учинчи, ҳокимиятлар ўртасида тийиб туриш институти такомиллаштирилди. Жумладан, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимига биноан Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартиби белгиланди.

Шу билан бир қаторда, Ҳукумат аъзолигига номзоднинг соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддатга ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан депутатлар олдида чиқиш қилиш тартиби жорий этилди; Ҳукумат аъзосининг ўз ҳаракат дастури ижросини амалга оширишига доир масалалар юзасидан ахбороти Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмиталарида мунтазам эшитиб борилиши амалиёти йўлга қўйилди; вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Қонунчилик палатасида давлат бошқаруви органлари мутасаддиларининг ахборотини эшитиш бўйича "Ҳукумат соати"-ни ўтказиб бориш анъана тусини олди. Хусусан, 2018-2021 йилларда 30 маротаба "ҳукумат соати" ўтказилиб, уларда ҳукуматнинг 41 нафар аъзоси депутатлар саволларига жавоб беришди. Эътиборлиси, 2021 йилда 8 маротаба ҳукумат аъзоси иштирокида "ҳукумат соати" ўтказилиб, ушбу тадбирлар Қонунчилик палатасининг "Youtube" ҳамда "Facebook"даги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Қуйи палатада давлат бюджети, иқтисодиёт, пул-кредит сиёсати масалаларида, шунингдек, давлат бюджети ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутат ва сенаторларга профессионал, мустақил ва холис ахборот таҳлилий, экспертлик хизмати кўрсатиш мақсадида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди.

Парламент ва ижро ҳокимиятининг ҳамкорлиги кучайтирилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозими таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишдаги роли оширилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизими янгича, халқчил кўринишда йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим янгиликка тўхталиш жоиз. Ҳозирда кенг муҳокамада бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги Конституциявий қонуни лойиҳасида ҳокимиятлар бўлиниши принципини маҳаллий давлат ҳокимияти даражасида кенгайтириш бўйича бир қатор янгиликлар назарда тутилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99, 100, 101-моддалари янги таҳрирда ифода этилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларнинг вазифалари ало-

ҳида-алоҳида белгиланмоқда. Шунингдек, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раислиги бекор қилиниб, Кенгаш раиси лавозими жорий этилмоқда.

Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга ҳисобдорлиги кучайтирилиб, маҳаллий ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва ўзаро назорат механизми таъминланмоқда. Буларнинг барчаси ҳокимият ваколатларининг бир шахс қўлида тўпланишига йўл қўймасликнинг энг муҳим кафолати, демократик ривожланишнинг, қонунийлик ва манфаатлар мутаносиблигини сақлашнинг асосий шартидир.

Тўртинчи, ўзига хос номарказлаштириш сиёсати амалга оширилди. Давлат аппаратининг институционал тизими қайта кўриб чиқилиб, уни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ислоҳотлар қилинди. Шу жумладан, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутлақо янги тизим – секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 4 та секторга бўлинди.

Республика даражасида қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимликларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий дастурларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишиш тартиби жорий қилинди. Ўз навбатида, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул этиб бириктирилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида фаолият кўрсатадиган маҳалла институтининг ваколатлари оширилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 9349 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллабай ишлаш тизимига асос солинди. Бунинг натижасида барча даражадаги давлат хизматчилари ўз ишини маҳаллалар кесимида режалаштириб, ўз ваколати доирасида маҳалланинг эҳтиёжларини таъминлаш учун ишларни ташкил этмоқда.

Ҳозирда маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиш бўйича ўзига хос тизим яратилганлиги эътирофга молик. Шу мақсадда, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқароларига давлат хизматлари кўрсатилишини янада кенгайтириш, ёшлар ва хотин-қизлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича яна бир янги тизим – маҳаллалардаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир". Шу маънода маҳалла одамларнинг энг яқин ва ишончли кўмакчисига айланиши учун унга зарур кўмак кўрсатилмоқда.

Мамлакатимизда маҳалла азал-азалдан маънавият ва тарбия ўчоғи саналади. Маҳалла орқали миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз авлоддан-авлодга ўтади. Халқимизнинг одатий турмуш тарзи, маънавий қадриятлари ва урф-одатларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда маҳалла тизимининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Маҳалла – дунёдаги ижтимоий бошқарув соҳасида чинакам халқчил, давлатимизнинг бетакрор шаклдаги ўзига хос миллий характерга эга бўлган ноёб тузилмасидир.

Бешинчи, давлат хизматларини кўрсатиш тизимига инновацион ёндашув жорий

этилди. Аввалларидек фуқаролар турли норасмий тўловлар, коррупция ҳолатларидан азият чеккан бўлса, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилининг камайтирилиши ҳисобига бундай муаммоларга чек қўйилмоқда. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юкланган алоҳида давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилди. "Ягона дарча" тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қиладиган бўлди.

Хусусан, республика бўйича ташкил этилган "Онлайн маслаҳатчи" модули яратилди ва жами 94 та вазирлик ва идоралар мазкур модулда бирлаштирилди. 24 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, хизматлар сони 157 тага етказилди. Жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматларини экстерриториал тамойил бўйича, яъни фуқароларнинг яшаш ва юридик шахсларнинг почта манзилидан қатъи назар, республиканинг ҳар қандай ҳудудида олиш имконига эга бўлдилар.

Олтинчи, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон халқаро майдонда изчил, очиқ ва прагматик ташқи сиёсий фаолиятини давом эттирди. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мунтазам равишда ташкил этилаётганлиги умумий сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида, Марказий Осиё яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланиб бораётганини таъкидлаш зарур. Айниқса, минтақада иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва экология соҳаларида ҳамкорлик алоқалари сезиларли даражада яхшиланди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари қадим Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида эришилган келишувлар ҳам Марказий Осиё давлатлари ва бошқа ҳамкор давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Хорижий экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат фаолияти ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, Лондон Метрополитан университети профессори Кишан Деван: "Ўзбекистон кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли ўзининг халқаро, жумладан, Марказий Осиёдаги фаол ва масъулиятли иштирокчиси сифатидаги нуфузини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Тошкентнинг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Эътиборлиси, Ўзбекистон ШҲТга раислик даврида ҳам ташкилот ва унга аъзолар олдида турган қатор муаммоларга қарамай, худди шундай ёндашувга амал қилган", деб баҳо беради.

Қайд эиш жоизки, 2017 йилда бошланган ва беш йилга мўжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси мамлакатимиздаги ислоҳотларни янада янги босқичга кўтариш ва уни чуқурлаштиришни тақозо этди. 2021 йилда умумхалқ муҳокамасига қўйилган Тараққиёт стратегиясининг эълон қилиниши билан мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Тараққиёт стратегияси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани, муҳокамалар жараёнида халқимиз томонидан билдирилган 17,5 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, лойиҳага 100 га яқин концептуал ҳамда 200 дан зиёд аниқ характерга эга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигининг ўзи ҳам бу муҳим ҳужжат қай даражада халқчил эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш мақсадида, 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди [7]. Ушбу ҳужжат келгуси беш йилда мамла-

катимизда "Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш, замонавий иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш режалаштирилган.

Кейинги 6 йил мобайнида давлат бошқарувида мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишни талаб қилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқаруви органлари фаолияти, аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж вужудга келганлигини кўрсатди.

Жумладан,

- бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эгалиги ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

- фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистикани тўплашдан иборат бўлиб қолган фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими ва бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмаслиги;

- ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функцияларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилгани;

- бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг паст даражаси;

- хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиёти;

- ҳудудларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг етишмаслиги.

Бугунги кунда ушбу камчиликлар иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон, моҳиятига кўра, Ўзбекистонда давлат бошқарувини замонавий асосда ислоҳ қилишда янги саҳифани очиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган.

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутади.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришни ўз ичига олади.

Тўртинчи йўналишда вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган.

Ва ниҳоят, сўнгги **олтинчи йўналишда** профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ижроси бўйича қабул қилинган "Йўл харитаси" асосида 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти қайта кўриб чиқилди [8]. Шу асосида 8 та янги вазирлик, 4 та қўмита, 5 та агентлик ва 10 дан ортиқ илгари мавжуд бўлмаган бошқарув тузилмалари ташкил этилди.

2019 йил 3 октябрда "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон асосида кадрларни танлаш ва тайинлашнинг янги очиқ танлов тартиби (www.vacancy.argos.uz) жорий этилди. Фармон асосида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди.

2021 йилда давлат бошқаруви ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилди. Бунда давлат бошқаруви идораларида ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш асосида улар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга эътибор қаратилди.

Давлат ва жамият ҳаётида коррупцияга қарши курашиш ҳаракати янги босқичда ташкил этилмоқда. Бу соҳада ваколатли махсус орган – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида ҳар йили давлат дастурлари қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган.

Кутилаётган ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини қуйидагилар орқали яратиш:

- ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ҳамда ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

- давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш;

- стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

- иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

- жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шаклларини жорий этиш.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини қуйидагилар орқали янада ошириш:

- давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

- "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида назарда тутил-

ган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда деярли барча соҳалар тубдан ўзгартирилиб, трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда. Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда чуқур муҳокамалар асосида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Бу асосда давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солинди.

10 та боб ва 64 та моддадан иборат Қонун Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлар, Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш, Давлат фуқаролик хизматига кириш тартиби ва шартлари, Давлат фуқаролик хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш каби нормаларни ўз ичига олган.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда кечаётган давлат бошқаруви тизимидаги янгиланиш жараёнлари бошқа барча соҳалардаги ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлади. Пировардида, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар Ўзбекистондаги янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврининг пойдеворини қуришга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. Bernardo Z. Political Theory Rediscovers Public Administration "Annual Review of Political Science". 2022. 25: 21-42.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 216 б.

4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Akademnashr, 2015. – 415 б.

5. Туляков Э., Юнусов Ф. Ҳаракатлар стратегияси билан 5 йил. – Т.: 2022. – 106 б.

6. https://rsf.org/en/country/uzbekistan

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари / Организационно-правовые основы управления / Organizational and legal basis of management

Иса ХАМЕДОВ,
доктор юридических наук, профессор,
руководитель Центра международно-правовых исследований и публичного права Университета мировой экономики и дипломатии

О КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫХ ВОЗМОЖНОСТЯХ КАРДИНАЛЬНОГО УЛУЧШЕНИЯ КОНТРОЛЯ ЗАКОННОСТИ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: *в статье на основе анализа действующих конституционных норм, практики их реализации рассматриваются конституционно-правовые возможности кардинального улучшения контроля законности в сфере государственного управления в Узбекистане. Автором предлагаются конституционно-правовые меры, позволяющие, по его мнению, кардинально улучшить систему контроля в государственном управлении в современных условиях с учетом приоритетных стратегических направлений развития страны.*

Ключевые слова: *административная реформа, конституционное реформирование, контроль законности, государственное управление, административный орган, административные процедуры, судебная власть, административное судопроизводство, административная юстиция, административный контроль, конституционная жалоба.*

Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида қонун устуворлигини назорат қилишни тубдан такомиллаштиришнинг конституциявий-ҳуқуқий имкониятлари тўғрисида

Иса Хамедов,
юридик фанлари доктори, профессор,
ЖИДУ Халқаро-ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий ҳуқуқ маркази раҳбари

Аннотация: *мақолада амалдаги конституциявий нормалар, уларни амалга ошириш амалиёти таҳлили асосида Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида қонун устуворлигини назорат қилишни тубдан такомиллаштиришнинг конституциявий-ҳуқуқий имкониятлари кўриб чиқилган. Муаллиф мамлакатни ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий шароитларда давлат бошқарувида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш имконини берувчи конституциявий-ҳуқуқий чора-тадбирларни таклиф этади.*

Калит сўзлар: *маъмурий ислоҳот, конституциявий ислоҳот, қонун устуворлигини назорат қилиш, давлат бошқаруви, маъмурий орган, маъмурий тартиб-таомиллар, суд ҳокимияти, маъмурий судлов, маъмурий одил судлов, маъмурий назорат, конституциявий шикоят.*

On the constitutional and legal possibilities for fundamentally improving the control of the rule of law in public administration in Uzbekistan

Isa Khamedov,
DsC (in Law),
Head of the Centre for International Legal Studies Centre for International Legal Studies and Public Law of UWED

Abstract: *the article, based on the analysis of the current constitutional norms, practice of their implementation, considers the constitutional and legal possibilities of cardinal improvement of control of legality in the sphere of public administration in Uzbekistan. The author proposes constitutional and legal measures that, in his opinion, allow to radically improve the*

system of control in public administration in modern conditions, taking into account the priority strategic directions of development of the country.

Keywords: *administrative reform, constitutional reform, control of legality, public administration, administrative body, administrative procedures, judiciary, administrative justice, administrative justice, administrative control, constitutional complaint.*

В условиях административной реформы считается целесообразным, в рамках предстоящего конституционного реформирования, рассмотреть возможность кардинального улучшения контроля законности в сфере государственного управления.

Необходимо подчеркнуть особую актуальность вопроса усиления контроля законности в сфере государственного управления на современном этапе в свете приоритетных стратегических направлений развития Нового Узбекистана: обеспечение подлинного уважения к человеческому достоинству, развитие свободного гражданского общества в стране, создание благоприятной деловой среды в национальной экономике, утверждение принципов справедливости и верховенства закона, а также реализация других приоритетов развития напрямую определяются тем, насколько система государственного управления сможет справиться с поставленными перед ней задачами. К сожалению, до сих пор нельзя утверждать, что в стране создана современная система государственного управления. Несмотря на все инновации и реформы, отечественное государственное управление пока еще продолжает страдать от пережитков прошлой эпохи: бессистемности, бюрократизма, командно-административных методов, неуважения к человеческому достоинству. Чтобы адекватно ответить на новые вызовы, система государственного управления должна быть поставлена "на современные рельсы",причем в очень короткие сроки.

Прежде всего необходимо кардинально улучшить контроль законности в сфере государственного управления. К сожалению, прежним механизмам, таким как прокурорский надзор, которые достались нам в наследство от советской правовой системы, которым не удается должным образом обеспечить контроль законности административно-правовой деятельности в новых условиях, когда на первый план выходят интересы защиты прав и достоинства человека, частной собственности, свободы гражданского общества и предпринимательской деятельности. Нужны новые подходы и новые механизмы.

В первую очередь, следует переосмыслить и изменить само содержание законности, приведя его в соответствие с современными доктринами верховенства права и правового государства. Дело в том, что содержание принципа законности в правовом государстве сильно отличается от традиционного для постсоветских стран понимания законности. В советской и постсоветской правовой культуре законность понималась как принцип "точного и неукоснительного" соблюдения требований законодательства. Это так называемая "формальная законность" - правовая доктрина, которая по сей день определяет наш подход к контролю законности как на уровне законодательства, так и в правоприменительной практике.

Принцип формальной законности, распространенный сегодня почти исключительно в постсоветских странах, берет свое начало в советском принципе социалистической законности. "Точное и неукоснительное соблюдение законодательства", предписываемое формальной законностью, как показала тридцатилетняя практика независимого государственного строительства, не обеспечило должного верховенства закона, должной надежной связанности административных органов законом, должной защищенности прав граждан от административного произвола. На практике закон,как правило, оказывается подменным подзаконными, ведомственными актами или ведомственной инструкцией, а административный орган в своих решениях и действиях руководствуется не законом, а сложившейся практикой. Все это наглядно иллюстрируется ситуацией вокруг Закона "Об административных процедурах" (ЗАП), который не исполняется уже более трех лет.

Принцип законности в свете доктрины правового государства имеет гораздо более глубокое содержание. Для примера, принцип законности в Германии включает в себя следующие элементы:

- Верховенство закона. Вполне привычный принцип для нас, но его применение обеспечивается очень четко: если в какомлибо подзаконном НПА встречается несоответствие закону, то такая норма ничтожна и не подлежит применению[1].

- Основанность на законе, или оговорка закона. Для любого применения власти административным органом к заинтересованному лицу должно быть основание в законе[2]. Оговорка закона – это опора верховенства закона. Благодаря данному принципу в вопросах оценки правомерности административных решений и действий внимание будет сосредоточено на законе, а не на других актах законодательства.

- Запрет отклонения от закона. Этот принцип запрещает правоприменителям как административным органам, так и суду, произвольно игнорировать требования норм закона или применять их выборочно. Применяя этот принцип к ситуации с ЗАП, можно утверждать, что все случаи, когда ЗАП не был применен административными органами или судами к отношениям, входящим в его предмет, представляют не что иное, как отклонение от закона, а, значит, нарушение принципа законности. Проще говоря, все это – противозаконные решения и практики.

Такое содержание законности сегодня является общепризнанным в современных правовых государствах[3]. Полагаем, что и в Конституции Республики Узбекистан следует закрепить основные элементы современной содержательной концепции законности, тем самым закладывая важные предпосылки для нового подхода к контролю законности в сфере государственного управления.Это можно сделать, изложив главу III Конституции в следующей редакции:

Глава III. Верховенство Конституции и закона

Статья 15.

В Республике Узбекистан признается безусловное верховенство Конституции и законов Республики Узбекистан.

Государство, его органы, должностные лица, общественные объединения, граждане действуют в соответствии с Конституцией и законами. **Отклонение от норм закона или их выборочное применение государственными органами недопустимы.**

Давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади: ҳайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима; малака даражасини пасайтириш; давлат фуқаролик хизмати лавозимини пасайтириш; эгаллаб турган давлат фуқаролик хизмати лавозимидан озод қилиш. Ушбу интизомий

жазо чораларидан ташқари бошқаларни қўллаш тақиқланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади: меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг давлат фуқаролик хизматчиси томонидан йўқотилганлиги; давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини давом эттириш имкониятини истисно этувчи жазога тортилганлигига доир суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги, шунингдек, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суднинг ажрими; давлат фуқаролик хизматчисининг давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаши учун аҳамиятга эга бўлган ёлғон ахборот тақдим этилганлиги; давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги; давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловларга давлат фуқаролик хизматчиси томонидан риоя этилмаганлиги. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг тугатилганлиги давлат фуқаролик хизматчиси ҳуқуқий мақомининг йўқотилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 97-моддасига биноан, давлат фуқаролик хизмати муносабатларининг тугатилиши қуйидагича: давлат хизматчиси ўзи ёки иш берувчининг (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи) ташаббусига кўра; хизмат муддатининг тугаши билан; тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ва фуқаро билан тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра; янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Давлат фуқаролик хизматчисининг моддий жавобгарлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XII бобида назарда тутилган. Ушбу Кодекснинг 186-моддасига биноан, моддий жавобгарлик "меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун моддий жавобгар бўлади. Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3358-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги "Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида"ги 339-сонли, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги "Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 1288-4-сонли, 2015 йил 30 декабрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сони нисбатининг нормативларини белгилаш услубиётига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 1288-3-сонли қарорларида давлат фуқаролик хизматчиларининг рўйхатлари берилган.

Фикримизча, давлат фуқаролик хизматини тартибга соладиган Қонуннинг қабул қилингани давлат хизмати институтини ислоҳ қилишда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларида меҳнат қилаётган 118 минг [11] нафардан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳаётига таъсир кўрсатадиган ҳужжатлардан бири бўлди. Уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди ва фаолияти ягона қоидалар асосида тартибга солинди. Лекин, ушбу қонун ижросини амалда татбиқ қилишда муаммоларга дуч келмаслик учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Биринчидан, қонунчиликдаги ноаниқликларнинг олдини олиш, давлат хизматини тизимли тартибга солиш, мантиқий кетма-кетликни белгилаш мақсадида, "Давлат хизмати тизими тўғрисида"ги Қонун

қабул қилинса, мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонунда ҳар бир давлат хизмати турлари, яъни давлат фуқаролик хизмати ва махсус хизмат (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат) лавозимлар рўйхати белгиланиши керак.

Иккинчидан, амалда қолган устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик давлат корхоналари хизматчилари мақомини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Улар давлат фуқаролик хизматчилари ҳисобланадими, йўқми?

Учинчидан, ўриндошлик ёки бир штат бирлиги (ставка) лавозимида икки нафар 0,5 ставка асосида ишловчи хизматчиларнинг мақоми белгиланиши керак. Яъни битта давлат фуқаролик хизмати лавозимида икки одамнинг ишлаш ҳолатида иккаласи ҳам давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланадими? Улар лавозим доирасида бажариши керак бўлган вазифа ва функцияларга бирдек жавоб берадими? сингари саволларга жавоб бериш керак. Фикримизча, давлат фуқаролик хизмати лавозимларига шахсларни тўлиқ штат (бир штат) асосида ишга қабул қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда давлат фуқаролик хизматини янгича ёндашув асосида такомиллаштириш, мамлакатда шу соҳада ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг илмий асосларини яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш даркор.

Давлатимиз томонидан амалга ошириладиган ислоҳотлар ва қабул қилинаётган қонунлар жамият фаровонлигини таъминлашда, давлат бошқарувида қонунчиликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади. Бунда давлат хизматчиси, аввалambор, Ўзбекистон Республикаси номидан фаолият юритаётганлигини, ўз ҳаракатлари билан давлатимиз шаъни ва обрў-эътиборига таъсир кўрсатиши мумкинлигини ва фуқароларимизнинг вакили эканлигини унутмаслиги даркор.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон.

3. Торба А.В. Правовое регулирование вопросов поступления на государственную гражданскую службу / А.В. Торба // Государственная служба. Вестник. № 1. 2007. – С. 29-36.

4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон.

5. Манохин В.М. Служба и служащий в РФ: правовое регулирование. – М., 1997. – С. 31.

6. Литвинцева Е.А. Проблемы реализации конкурсных процедур в системе государственной гражданской службы // Социология власти. 2009. № 5. – С. 140-148. (Litvinova E.A. Problems of realization of the competition in a system of state civil service // Social power. 2009. № 5. – P. 140-148.)

7. Базаров Т.Ю. Управление персоналом. – М., 2002. – С. 344-356; Энциклопедический словарь работника кадровой службы. – М., 1999. – С. 119.

8. Аверин А.Н. Управление персоналом, кадровая и социальная политика в организации. – М., 2004. – С. 36; Веснин В.Р. Управление персоналом. – М., 2006. – С.105-117; Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент. – М., 2006. – С. 61-127.

9. Юлдашева Ф.У. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига кириш ва ўтишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш: юрид. фан. бўй. фал. док. ...дис. – Т., 2021. – 72 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сонли Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон.

11. https://argos.uz/oz/press-center/news/385

Dilmurodjon RAKHIMOV,
base doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS OF PROVIDING CIVIL SERVICE WITH YOUNG PERSONNEL

Abstract: *the article aims to study the organizational and legal framework for the provision of young people in the civil service. The article analyzes the essence of the concepts of "civil service" and "meritocracy", the specifics of the preparation and admission of young people to the civil service, the formation of their reserves and the introduction of youth leaders in the neighborhoods in the Republic of Uzbekistan. Based on the research, a number of suggestions and recommendations have been made.*

Keywords: *civil service, civil servant, young staff, personnel reserve, meritocracy principle, competence, open competition, "The leaders of the Future", youth leaders.*

Давлат фуқаролик хизматини ёш кадрлар билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Дилмуроджон Рахимов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Аннотация: *мақолада давлат фуқаролик хизматини ёш кадрлар билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш мақсад қилиниб, "давлат фуқаролик хизмати" ва "меритократия" тушунчаларининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикасида ёшларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш ва қабул қилиш, уларнинг захирасини шакллантириш ҳамда маҳаллаларда ёшлар етакчилари лавозимлари жорий қилинишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотдан келиб чиқиб, бир қанча таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *давлат хизмати, давлат хизматчиси, ёш кадр, кадрлар захираси, меритократия тамойили, компетенция, очиқ танлов, "Келажак лидерлари".*

Организационно-правовые основы обеспечения государственной службы молодыми кадрами

Дилмуроджон Рахимов,
базовый докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье ставится задача изучения организационно-правовых основ отбора молодежи на государственную гражданскую службу. Анализируются сущность понятий "государственной гражданской службы" и "меритократии", специфика подготовки и поступления молодежи на государственную гражданскую службу, формирование их резерва и расстановка молодежных лидеров на местах в Республике Узбекистан. На основании проведенного исследования был сделан ряд предложений и рекомендаций.*

Ключевые слова: *государственная служба, государственный служащий, молодые кадры, кадровый резерв, принцип меритократии, компетентность, открытый конкурс, "Лидеры будущего", молодежные лидеры.*

In recent years, the country has been implementing large-scale reforms aimed at increasing the efficiency of the civil service and the selection and training of young people for civil service and leadership positions.These reforms are taking place along with the creation of normative and legal documents in this area. Therefore, in the last few years, it is expedient to analyze the organizational and legal framework for the involvement and training of young people in the civil service and put forward proposals for their improvement.

Before examining the issue, it is expedient to dwell on the issue of the institute of civil

service in the public service system. According to the legislation of the Republic of Uzbekistan, "public service" is a broader concept than "civil service", which covers all sectors of the state apparatus. The term "civil service" is widely used to refer to a public service that provides all public administration except military or law enforcement. Positions of the civil service are confirmed in the form of positions included in the State Register. These employees include all civil servants operating at the central and local levels. This issue is addressed in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 3, 2019 No PD-5843 "On priority measures to radically improve personnel policy and the system of civil service in the Republic of Uzbekistan" [1].

The main system of preparing young people for civil service is the higher education system. It should be noted that civil servants are formed from graduates of higher education institutions. Today, the classification of higher education areas and specialties includes 329 bachelor's degrees and 582 master's degrees. Students correspond to the following areas and specialties: 54.8 % in the humanities and pedagogy, 25.2 % in production and technology, 5.2 % in the social sphere, economics and law, 5.9 % in agriculture and water management, 4.4 % in health and social welfare, 4.5 % in the service sector [2]. In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On priority measures to radically improve the personnel policy and the system of civil service in the Republic of Uzbekistan", the process of recruiting the most promising personnel to the civil service on the basis of open competition. Open independent elections are held on the principle of meritocracy, which is interpreted as a concept that provides for the admission of the most deserving and talented people to the civil service and their promotion on the basis of a fair and objective assessment of professional qualities and special services. Open independent competitions are held by the Agency for Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan, which is responsible for the implementation of a unified state policy in the field of personnel management and human resource development in government agencies and organizations. It should be noted that the Charter of the Agency, approved by the President, states that one of the main tasks of the Agency is "to carry out systematic work on the broad involvement of talented youth and women in civil service" [3].

In most developed countries, only the head of state and government has the right to recruit staff to the civil service by appointing them to the most important positions in the state. Open competitions will be held for all other positions. Filling vacancies in the civil service on a competitive basis has a number of positive features. In particular, this process will lead to the involvement of qualified personnel in the civil service, which in turn will improve the efficiency of the civil service. For example, according to Russian researcher O.V.Stelmashenko, recruitment to the civil service on a competitive basis will serve to provide the civil service with modern, qualified personnel, increase the professionalism of the civil service and the formation of human resources [4]. According to the Uzbek researcher F.U.Yuldasheva, regardless of the methods of filling public positions, the candidate's political, professional, personal and other qualities will be assessed [5].

Today, more than 14,000 government agencies, including ministries and departments, their territorial departments and divisions, as well as local governments, are connected to the single open portal for vacancies of civil servants, established by the Agency for Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan. More than 900,000 candidates have applied to run in the elections announced over the past period through the principle of meritocracy. As of September 2022, more than 40,000 eligible candidates have been recruited to government agencies and organizations as a result of competitions organized through this platform. The next task should be to strengthen the legal framework for the admission of personnel to the civil service on the basis of open competition. In this regard, it is proposed to establish uniform rules for the recruitment of civil servants [6].

The majority of those recruited on the basis of open competition are young people. According to the first deputy director of the

Agency for Development of Public Service, PhD (in political science) O.A.Hasanov, 32 % of the personnel selected as open winners were under 30 years old. In addition, 15 percent of the winners are first-time recruits to the civil service [7].

Talking about the involvement of young people in the civil service, one of the most important pieces of legislation in this regard is the Law "On State Youth Policy", adopted on September 14, 2016. The law defines the concepts of "youth" and "young specialist". The law defines "youth (young citizens) - persons who have reached the age of fourteen and not older than thirty", "young specialist - a graduate of a higher or secondary special, vocational education institution, employed within three years in their specialty after graduation and an employee not older than thirty years, not more than three years, working in the specialty specified in the document on education" [8]. In our opinion, the concept of "young leader" should be included in this list. Today, in practice, civil servants in leadership positions under the age of 40 are recognized as young leaders. Therefore, the law can be defined as "young leader" - "a managerial person not older than 40 years, holding a managerial position"

Article 5 of the law enumerates the main directions of the state policy on youth. But among them there is no direction related to the activity of young people in civil service. At a time when attention is being paid to providing the civil service with young, enterprising personnel, this issue should be recognized as a special priority at the level of the law. For this reason, "wide involvement of talented, enterprising, high-educated, skilled and qualified youth in the state civil service" should be included in this law.

The issue of training and retraining of young leaders also plays an important role in the civil service. The first major step in this direction was the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 5, 2017 No 5106 "On increasing the effectiveness of state youth policy and support the activities of the Youth Union of Uzbekistan." One of the priorities was to train educated, enterprising, business-minded, honest and dedicated young leaders who will take an active part in the ongoing reforms in the country and serve the interests of the people. The decree also identified the establishment of a structural institute for the training of young personnel and the formation of their reserves [9]. As a result, this Decree became the basis for the adoption of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 14, 2017 No PP-3206 "On measures to organize the Institute of Youth Studies and Training of Prospective Personnel under the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan" [10].

The Charter of the Institute was approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No 336 of May 4, 2018 "On admission to the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan." According to the charter, retraining courses of the institute are open to citizens of the Republic of Uzbekistan not older than 30 years, with higher education and at least 2 years of work experience in public and economic administration, local executive authorities, citizens' self-government bodies, public organizations. executives and professionals are recruited on the basis of open selection through testing and interviews [11].

In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 30, 2020 "On the organization of the Agency for Youth Affairs of the Republic of Uzbekistan", the Institute for Youth Studies and Training of Prospective Personnel was transferred to the Agency for Youth Affairs [12].

"The Concept for the Development of State Youth Policy in Uzbekistan until 2025" sets out a strategy for involving young people in the civil service. One of the priorities of the concept is to support a number of young potential personnel and prepare them for civil service, to implement a number of tasks to ensure competitiveness in the labor market [13]. The first part of this direction is called "Measures to form a pool of talented, enterprising, competitive personnel in governmental and non-governmental organizations and other institutions of civil

society." While this section puts forward a concrete proposal, it can be seen that the rest has a general meaning. It is advisable to privatize them and establish clear mechanisms. In particular, it is possible to propose the introduction of Republican competitions to attract young people to the civil service.

Professor Sh.G.Asadov emphasizes that one of the most important directions of public administration reform is the selection and training of young management personnel. In his view, this should be addressed on a systemic institutional basis [14]. The Agency for Development of Public Service and the Academy of Public Administration are also creating a new system for preparing young people for civil service. In particular, a special training program called "the Leaders of the Future" has been developed. According to it, 50 heads of departments under the age of 30 working in the middle level of government agencies and organizations were selected on a competitive basis and trained in a short period of time at the Academy of Public Administration under the President of Uzbekistan on the basis of advanced modern educational technologies [15]. Now, the systematic continuation of this initiative and the promotion of successful graduates of special training programs will serve to provide the civil service with well-educated young leaders.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 5843 "On measures to radically improve the personnel policy and the system of civil service in the Republic of Uzbekistan" provides for the formation of the National Personnel Reserve based on the results of competitive selection and integration of personnel of government agencies and organizations. For this purpose, in April 2021, as a pilot project, a club of 50 young people "the Leaders of the Future" was established under the Samarkand regional branch of the Agency for Development of Public Service. Speaking at the Youth Day ceremony, President Shavkat Mirziyoyev noted that the most talented young people would be selected and "the Leaders of the Future" clubs would be established [16]. After that, the work on the establishment of clubs "the Leaders of the Future" was carried out in each region. For this purpose, in 2021, 680 most talented young people were selected from more than 6,000 candidates on the basis of open competitions. Based on the qualification requirements, tests, essay writing and interviews, the 50 most suitable candidates from each region were recommended to "the Leaders of the Future" clubs. The main goal of the clubs is to form a new generation of qualified personnel for the civil service, to attract young people, especially young women, to the civil service and to form a reserve of management personnel from young promising personnel [17]. Although attention is paid to the formation of a reserve of civil servants for positive purposes, the procedures for this issue are not defined. Procedures for the formation of the reserve of civil servants should be regulated by a single piece of legislation. Professor Kh.S.Khayitov also emphasizes this issue [18].

The Agency for Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan has developed a draft "Strategy for the development of civil service in the Republic of Uzbekistan until 2030", which was discussed on the portal for discussion of draft regulations (regulation.gov.uz) in 2021. One of the priorities of this strategy is to involve young people in the civil service and ensure gender equality. To achieve these goals, the following tasks will be performed:

- organization of special training courses for young people on the development of life skills such as problem-solving, critical and creative thinking, communication, flexibility and coping with stress;
- establishment a system to help young people adapt to the civil service through the formation of knowledge on corporate ethics, teamwork, case management;
- formation of a layer of "the Leaders of the Future" by increasing the interest of young people in the civil service, increasing their motivation to take their place in the civil service;
- introduction a mechanism to support young civil servants who are enterprising in the civil service in the process of service, including training and retraining, benefits in obtaining qualification levels and promotion;
- creation of a legal basis for the organization of paid internships (dual education) of gifted

youth studying in graduate courses of higher education institutions in government agencies and organizations on a probationary basis;

- establishment a practice of teaching young people the secrets of the profession and management skills on the basis of the "teacher-student" principle by attaching them to civil servants with specific experience [19].

It is obvious that this project sets out clear mechanisms for attracting young people to the civil service.

Researcher, D.S.Kattakhanova in her research work studied the age structure of students who studied at the Academy of Public Administration in 2013-2020. It was found that a total of 574 students have been trained at the academy over the past 7 years, of which 221 (38.5 %) were young listeners (under 30). In addition, since 2017, 1,640 young people working in the civil service have been promoted through the "social lift" [20].

The main goal of the New Uzbekistan is to raise human dignity, further improve the welfare and living conditions of the population. However, the coronavirus pandemic, along with other countries, has affected the economy and livelihoods of Uzbekistan. In such circumstances, the President of the Republic of Uzbekistan has formed a system of mahalla work. The main activity of this system is to provide employment for the population, especially youth. As a result of the system of mahalla work, the state civil service began to be organized in mahallas. Initially, from January 1, 2022, the position of assistant district (city) governor for entrepreneurship development, employment and poverty reduction was introduced in each mahalla in cities, towns, villages and auls [21].

On January 19, 2022, the President of the Republic of Uzbekistan adopted Resolution No PR-92 "On measures to radically improve the system of work with youth in the mahallas." According to him, the position of youth leader has been introduced in each mahalla. This position has been introduced in more than 10,000 mahallas and transferred to the structure of the Agency for Youth Affairs. In this regard, more than 10,000 young people have the opportunity to obtain the status of civil servants. According to the presidential decree, the Agency for Development of Public Service has been authorized to include leaders in the National Personnel Reserve based on the results of their work, and to transfer these leaders directly to senior positions without competition. The Agency for Development of Public Service also has the right to make proposals to ministries and departments, as well as the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city khokimiyats on the promotion of leaders based on the results of two years of work [22]. The above aspects, firstly, will allow the formation of the National Personnel Reserve for senior government positions among young people, and secondly, will serve to increase their positions on the basis of a "career model". This, in turn, can be said to serve as an incentive for youth leaders to perform their duties fully and perfectly. Lawyer D.Bekchanov suggests that one of the important responsibilities of civil servants is to support the economy and entrepreneurship. According to him, it is the high entrepreneurial culture among entrepreneurs and civil servants that ensures the effective implementation of public policies aimed at supporting entrepreneurship [23]. These issues are very important for youth leaders today. Because one of their main tasks is to provide employment for young people, to involve them in entrepreneurship.

Based on the above analysis, it can be said that although some systematic work has been done on the selection and training of young staff, the improvement of the organizational and legal framework is an urgent issue. Based on this, the following suggestions can be made.

First, it is necessary to establish a clear norms about legal status of young leaders in the Law "On Civil Service", the State Register of Civil Service Positions and the Classifier of Civil Service Positions.

Second, there should also be a competition among leaders under the age of 30 to select promising management personnel. It is necessary to hold this competition for a certain period of time, for example, every two years, to select about 50 promising young people and recommend them to the leadership of organizations at the national level.

Third, it is necessary to establish uniform rules for admission to the civil service on the basis of open competition. It is expedient to describe the stages of open competition and its

organization. The provision of additional opportunities and benefits for young people who have just entered the state civil service will also serve to attract young people to the system.

Fourth, the concept of "young leader" should be included in the main concepts of the Law "On State Youth Policy". "Young leader" - can be defined as "a managerial person not older than 40 years, holding a managerial position." The law should also include "wide involvement of talented, enterprising, highly educated, skilled and qualified youth in the civil service" as one of the main directions of state youth policy.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On priority measures to radically improve personnel policy and the system of civil service in the Republic of Uzbekistan // http://lex.uz/docs/4549998

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030 // https://lex.uz/docs/4545884

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan. On measures to organize the activities of the Agency for Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan // http://lex.uz/docs/4552053

4. Stelmashenko O. Competition for the post of public service as a mechanism for implementing the state personnel policy of the Russian Federation // Bulletin of ZabGU. 2019, Vol.25 № 5. – P. 95-104.

5. Yuldasheva F.U. Improving the legal mechanism of entry and transition to civil service in the Republic of Uzbekistan. PhD dissertation, 2021. – P.64.

6. The only open portal for vacancies of civil servants // https://vacancy.argos.uz/

7. Hasanov O.A. An open path to civil service. Uzbekistan Anti-Corruption Digest, Vol. 1, No. 1, Dec. 2021, – P. 27-32. // doi:10.47689/uacd-vol1-iss1-pp. 27-32.

8. Law of the Republic of Uzbekistan. On state youth policy // https://lex.uz/acts/3026246

9. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On increasing the effectiveness of state youth policy and supporting the activities of the Youth Union of Uzbekistan // https://lex.uz/docs/3255680

10. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan. On measures to organize the activities of the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan // https://lex.uz/docs/4922150

11. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. On admission to the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan // https://lex.uz/docs/3720552

12. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On the organization of the Agency for Youth Affairs of the Republic of Uzbekistan // https://lex.uz/docs/4880129

13. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. On approval of the Concept of development of state youth policy in Uzbekistan until 2025 // https://lex.uz/docs/5234746

14. Asadov Sh. Prospects for government reform in Uzbekistan. Theoretical & Applied Science, 2020. Issue № 7. – P. 384-388. // https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=osgom58AAAAJ&citation_for_view=osgom58AAAAJ:9yKSN-GCB0IC

15. Valiev M. Young people are the leaders of the future // https://xs.uz/uzkr/post/yoshlar-kelazhak-liderlari

16. Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Youth Day. Together with our courageous youth, we will definitely build a new Uzbekistan // https://president.uz/uz/lists/view/4463

17. New generation backup staff // https://yuz.uz/news/yangi-avlod-zaxira-kadrlari

18. Khayitov Kh.S. Фуқароларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари // https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=FSO8DqIAAAAJ&citation_for_view=FSO8DqIAAAAJ:YsMSGLbcyi4C

19. Draft Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On approval of the Strategy for the development of civil service in the Republic of Uzbekistan until 2030. ID-48194 // https://regulation.gov.uz/uz/d/48194

20. Kattakhanova D.S. Institutional mechanisms of training young leaders in New Uzbekistan. PhD dissertation abstract, 2021. – P.19.

21. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. On the priorities of state policy for the development of entrepreneurship in the mahalla, employment and poverty reduction // https://lex.uz/uz/docs/5758437

22. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan. On measures to radically improve the system of work with young people in the mahallas // https://lex.uz/docs/5831865

23. Bekchanov D. Modern tendencies of state support of entrepreneurship. Theoretical & Applied Science, 2019. Issue № 1. – P. 228-232. // https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=ZAgRyc0AAAAJ&citation_for_view=ZAgRyc0AAAAJ:u5HHmVD_uO8C

Темур МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси таянч докторанти

ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *мақолада жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг бугунги кундаги ҳолати, бу борада янги қонун нормасини қабул қилиш эҳтиёжи, ушбу қонун қайси муносабатларни қамраб олиши лозимлиги, бу бўйича халқаро тажриба ва ушбу фаолиятга боғлиқ бошқа фикр ва мулоҳазалар акс эттирилган, адабиётлар ўрганилиб, умумий хулоса қилинган.*

Калит сўзлар: *зарар, мулкий зиён, фуқаровий жавобгар, айблов ҳукми, компенсация, махсус фонд, халқаро тажриба.*

Совершенствование правовой базы для возмещения имущественного ущерба, причиненного преступлением

Темур Мавлонов,
базовый докторант Академии МВД Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье отражено современное состояние правовых норм о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлением, необходимости принятия в связи с этим нового закона, отношениях, охватывающих этим законом, международный опыт и другие взгляды и мнения, связанные с данной деятельностью.*

Ключевые слова: *ущерб, имущественный ущерб, гражданский ответчик, обвинительный акт, компенсация, специальный фонд, международный опыт.*

Improvement of the legal framework for compensation of property damage caused by a crime

Temur Mavlonov,
base doctoral student Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article reflects the current state of legal norms with the compensation of property damage caused by crime, the need to adopt a new norm of law in this regard, what kind of relations this law should cover, international experience in this regard and other opinions and comments related to this activity, literature was studied and a general conclusion was made.*

Keywords: *damage, property damage, civil defendant, accusation judgement, compensation, special fund, international experience.*

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашда давлатнинг ролини ошириш, зиён кўрган шахсларга ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида самарали ечимни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилишини заморнинг ўзи талаб этмоқда. Албатта, мулкий зиённинг қопланишини таъминлашда асосий уруғ зарар етказган шахс томонидан қоплаб берилишига қаратилади. Аммо ишда бирон-бир шахс айбланувчи сифатида жалб қилинмаганда, шунингдек, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахснинг моддий аҳволи зарарни қоплаш им-

конини бермаса ёки ушбу шахсларни тергов ва суд жараёнига таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги туфайли иш бўйича якуний қарор қабул қилинмаётган ҳолларда мулкий зиён кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини ушбу жиҳатдан таъминлаш имконсиз.

Давлат томонидан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг кафолатланган тартиб-таомилини жорий этиш бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга маълум даражада хизмат қилади. Бу нарсага эришиш учун, энг аввало, ушбу фаолият ҳуқуқий тартибга солиниши, яъни соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши лозим. Биринчи навбатда, "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиён кўрган шахсларга компенсация тўлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши керак.

Мамлакатимизда ушбу қонуннинг қабул қилинишига эҳтиёж мавжудми?

Мамлакатимизда бу борада маълум ишлар амалга оширилган бўлиб, айрим жиноятлардан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини давлат ўз кафиллигига олган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 август куни янги таҳрирда қабул қилинган (аввалги таҳрири 2008 йил 17 апрель куни қабул қилинган) "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасида [2] одам савдоси жиноятидан жабр кўрган шахслар тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканликлари, 29-моддасида эса, ушбу ёрдам билан боғлиқ ва ушбу шахсларнинг келиб чиқиш мамлакатига ёки ўзлари доимий яшайдиган давлатга қайтариш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган, лекин ушбу жиноят натижасида кўрилган мулкий зиён қоплаб берилиши билан боғлиқ масала ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасида: "Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади" [3] деб қайд этилган бўлса-да, амалда ҳеч қайси бир қонун ёки қонуности ҳужжати билан зарарни қоплаш тартибга солинмаган. Ушбу Қонуннинг 24-моддасидаги қоидалар ва қонун ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 414-сонли қарори [4] билан тасдиқланган "Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш чораларини назарда тутади, зарарни қоплашни эмас.

Жиноят натижасида ногирон бўлиб қолган шахсларни давлат ўз ҳимоясига олади. 2020 йил 15 октябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунда маълум бир тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, уларга маълум бир пул тўловлари (нафақа, пенсия, бир йўла тўлаб бериладиган пуллар) тўлаб берилиши белгиланган. 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ва боқувчисини йўқотган меҳнатга лаёқатсиз шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган ва буларнинг барчаси бугунги кунга қадар ўз самарасини бериб келмоқда. Лекин, бу жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш билан боғлиқ муаммоларнинг бир қисминигина қамраб олади, холос. Бевосита жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бирон қонун ёки қонуности ҳужжати мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори фақатгина ушбу фаолиятга доир қонунчиликнинг қўлланилиши бўйича кўрсатмалар ва тушунтиришлар беради.

Қонун қайси соҳадаги муносабатларни қамраб олиши лозим?

Давлат томонидан барча турдаги жиноятлар турлари бўйича ва барча зарар кўрган шахсларга ушбу зарарнинг қоплаб берилиши имконсиз ва мантиқсиздир. Масалан,

фирибгарлик жиноятларида ўз ишонувчанлиги туфайли маълум бир моддий қимматликни ўзга шахсларнинг ихтиёрига қўшқўллаб топшириб қўйишлари ёки бўлмаса, ўз мулкининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрмаганлиги натижасида ўғирлик жиноятининг содир этилиши натижасида етказилган мулкий зиённинг давлат томонидан қоплаб берилиши ҳеч бир давлат тажрибасида кузатилмаса керак. Бу, биринчи навбатда, давлатдан жуда катта моддий ресурс талаб этади, бу жараёнларда исботлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш бирмунча қийин ва мураккаб кечади, баъзида эса, исбот қилишни амалга оширувчи шахслар иложсиз қоладилар.

Иккинчидан, бу коррупциявий ҳолатлар содир этилишига йўл очиб беради, бошқимандалик ва давлатдан пул ундириш билан боғлиқ жараёнларнинг кўпайишига олиб келади. Яъни ушбу Қонун зарар етказилганлик факти исбот қилиниши мумкин бўлган, шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган жиноятлар натижасида етказилган, шунингдек, инсоний тамойиллар ҳам ушбу зарарнинг қоплаб берилиши тарафдори бўлган ҳолатларни қамраб олиши лозим. Хусусан, жинсий зўравонлик, хаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар, одам савдоси ва қийноқ билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахслар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ушбу Қонун билан зарар қоплаб берилиши мумкин бўлган шахслар доирасини қамраб олиши лозим.

Бу борадаги халқаро тажриба ва унинг қонунчилигимизга имплементация этиш мумкин бўлган ижобий жиҳатлари.

Ушбу фаолиятга доир халқаро тажрибани ўрганганимизда, АҚШ [9], Буюк Британия, Франция [10], Германия [8], Қозоғистон ва бошқа бир қанча давлатларда зўравонлик жиноятлари натижасида шахсларга етказилган тан жароҳатлари оқибатларини бартараф этиш, даволашга сарфланган ёки сарфланиши лозим бўлган харажатларни қоплаб бериш амалиёти мавжудлигини кузатдик. Бунинг учун ушбу давлатлар томонидан махсус дастур ёки қонунлар қабул қилинган. Айнан шу дастур ёки қонунлар ижросини таъминлаш учун махсус фондлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг молиялаштириш манбалари, асосан, давлат маблағларига бориб тақалади ва қисман, хайрия пуллари, шунингдек, реституция тамойили асосида айбдор шахслардан олинган пуллар ушбу фондга йўналтирилади. Баъзи давлатларда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари қўлланилиши натижасида келиб тушган пуллар ҳам айнан шу фондга йўналтирилган.

Ушбу қонун асосида тўлаб бериладиган компенсация миқдори қанча бўлиши мумкин ва у қандай асосга кўра белгиланади?

Юқорида таъкидлаб ўтилган товон пули (компенсация) олиши мумкин бўлган шахсларга тўланадиган умумий пул суммаси улар кўрган зарар суммасидан ошмаган миқдорда, аммо маълум бир миқдор билан чекланган кўринишда бўлиши лозим. Чунки ҳар қандай ресурслар ҳам маълум бир миқдор билан чекланган ва у ушбу ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларни қамраб олиш имкониятида тақсимланиши лозим.

Масалан, Буюк Британияда тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахсларга тўлаб бериладиган пул миқдори тан жароҳатининг хусусиятига қараб, маълум гуруҳларга ажратилган [6], қўшни Қозоғистон Республикасида эса, жиноятнинг турига қараб, қатъий юқори суммалар белгиланган [7]. Бизнинг фикримизча, Қозоғистон Республикаси тажрибаси бизнинг қонунчилигимиз учун айнан мос.

Шахслар қандай ҳолларда компенсация олиш ҳуқуқидан фойдалана олмаслиги керак?

Компенсация олиши мумкин бўлган шахсларга етказилган зарар айбдор шахс томонидан қоплаб берилганда;

- ушбу ҳуқуқдан фойдаланишнинг реал имконияти вужудга келгандан бошлаб, уч йил вақт ичида узрсиз сабабларга кўра ариза берилмаса;

- терговга қадар текширув, тергов ва суд органлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортса;

- нотўғри ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

- жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қарор

бекор қилинганда шахсларнинг бу ҳуқуқдан фойдалана олиш имконияти чекланиши лозим.

Ушбу қонун ижросини таъминлашнинг моддий манбалари қай тарзда шаклланти-рилади?

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи – давлат томонидан қоплаб бериш тизими жорий этилган мамлакатларнинг аксариятида молиялаштириш манбалари, асосан, давлат бюджети ва кейинги ўринда судлов фаолияти натижасида ундирилган ҳар қандай маблағлар ташкил этади. Юртимизда эса, фикримизча, ушбу тизимни жорий этишда қуйидагилар молиялаштириш манбалари сифатида олинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклаш жазолари ижросидан ундирилган пул маблағлари.

2. Давлат фойдасига мусодара қилинган ашёларни сотиш натижасида олинган даромадлар, гаров эҳтиёт чораси қўлланилганда, банк депозит ҳисобига қўйилган пуллардан олинган фоизлар.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яна бир устун вазифасини бажаради, назаримизда.

Юқоридаги ҳолатлар бартараф этилганда эса, бу ҳуқуқи яна тиклаб берилиши лозим. Қуйида мулкий зиённи қоплашнинг бошқа бир қанча механизмларини кўриб чиқамиз.

Мулкий зиённи қоплашда унинг миқдорини белгилаш механизми қандай тартибга солиниши лозим?

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан жиноят натижасида мулкий зиён кўрган шахсларнинг зиёни миқдорини аниқлаш ва ушбу зиённи қоплаб беришда: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал, Меҳнат ва Солиқ кодекслари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори асосий ҳуқуқий таянч сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахсларнинг фуқаровий даъво қийматини белгилаш билан боғлиқ асосий қоидалар ўз аксини топмаган. ЖПКнинг 281-моддасида фуқаровий даъво ҳажмини аниқлашда фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонунчилиги қоидалари қўлланилиши қайд этилган. Фақатгина айрим нормаларда, хусусан, ЖПКнинг 288-моддасида: "Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади", дейилган. Бу қоида фақатгина мулк ўз хусусиятини ёки қийматини йўқотган ҳолларгагина тааллуқли. Фақатгина, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарорининг 10-банди мулкий зиён миқдорини аниқлаш билан боғлиқ чора-тадбирларга бағишланган. Хусусан, ушбу бандниг биринчи хатбошисида: "Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим. Мол-мулкнинг нархи мавжуд бўлмаганда унинг қиймати эксперт хулосасига кўра белгиланади", деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу бандниг иккинчи хатбошисида: "Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим" ва шунингдек, "Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади" [5], деган қоидалар ҳам белгиланган. Ушбу қоидалардан кўриниб турибдики, мулкий зиённи ундириш билан боғлиқ масала ҳал қили-

наётган вақтда жиноят натижасида етказилган мулкий зиён мол-мулкка етказилган бўлса ёки валюта қийматликларига тааллуқли бўлса, унинг ҳукм чиқарилган вақтдаги қиймати инобатга олинади. Бу, албатта, мулкий зиён кўрган шахсларнинг манфаатларини ўйлаб қилинган адолатли қарор деб ҳисоблаймиз. Лекин, бу ўринда юқоридаги қоидада валюта қимматликлари деганда, хорижий валюта назарда тутилмоқда. Мамлакатимиздаги содир этилган жиноятларнинг аксарият улушида валюта қимматликлари билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, яъни "сўм"да амалга оширилади. Юқоридаги қоидада миллий валютамизнинг қадрсизланиши билан боғлиқ ҳолатлар инобатга олинмаган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1013-моддасида: "Қонунчиликда белгиланган тартибда базавий ҳисоблаш миқдори оширилганида бой берилган иш ҳақи (даромад)ни, жабрланувчининг соғлиғига путур етказилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади" [1] тариқасидаги қоида мавжуд бўлса-да, бу қоида миллий валюта билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмайди.

Буни қуйидаги мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз:

1. Тасаввур қилинг, 2018 йил январь ойида жиноят содир этилиши натижасида, мол-мулкингизга шикаст етказилди ва ушбу мол-мулкнинг ўша вақтдаги қиймати 10 миллион сўмни ташкил этди. Айбдор шахс топилиб, унга нисбатан 2022 йил март ойида ҳукм чиқарилди ва сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи қоплаш жараёнида мол-мулкингизнинг ҳукм чиқарилган вақтдаги қийматида, мисол учун, 12 миллион сўм ундириб берилди.

2. 2019 йил 16 апрель куни фирибгарлик жинояти натижасида 5000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу санада бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 8455 сўм 37 тийин этиб белгилаган, яъни ушбу вақтдаги зарар миқдори 42276850 сўмни ташкил этган) миқдорида мулкий зиён кўрдингиз. Айбдор шахс аниқланиб, унга нисбатан 2022 йил 21 май куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи ундириш чоғида ҳукм чиқарилган кундаги қийматда (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу санада бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 11088 сўм 20 тийин этиб белгилаган), яъни 55441000 сўм миқдорида ундириб берилиши лозим (ўртадаги тафовут қарийб 13 миллион сўмни ташкил этмоқда).

3. Юқоридаги ҳолатнинг бироз бошқача кўриниши, яъни 2019 йил 16 апрель куни фирибгарлик жинояти натижасида 42 миллион сўм миқдорида мулкий зиён кўрдингиз. Айбдор шахс аниқланиб, унга нисбатан 2022 йил 21 май куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган 42 миллион сўм миқдоридаги мулкий зиён ундириб берилиши лозим. Ўтган вақт оралиғидаги пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ ҳолат инобатга олинмаяпти. Жиноят натижасида мулкий зиён кўрган шахснинг зарар қоплаб берилаётган вақтдаги миқдор бўйича харид қуввати зарар етказилган вақтдаги миқдор бўйича харид қувватига нисбатан сезиларли пасайиш оқибатини келтириб чиқармоқда, яъни бу пулга ўша вақтда олиши мумкин бўлган товар ёки хизматларни олиш имкониятига эга бўлмай қолмоқда.

Ушбу муаммога ечим сифатида жиноят содир этилган вақтдаги мулкий зиён миллий валюта қимматликлари билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса, ушбу миқдорни зарар етказилган вақтдаги Ўзбекистон Республикаси базавий ҳисоблаш миқдорига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий этишни таклиф этамиз. Ушбу ечимни қуйидаги мисолда қўллаган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қиламиз:

2019 йил 1 октябрь куни хонадонда содир этилган ўғирлик жинояти натижасида, 33 миллион 450 минг сўм миқдорида миллий валюта кўринишидаги пул қимматликлари қонунга хилоф равишда ўзлаштирилган. Ушбу вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори 223 минг сўмни ташкил этиб, юқоридаги миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараварини ташкил этган. Айбдор шахс аниқланиб,

унга нисбатан 2022 йил 2 июнь куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи ундириш чоғида ҳукм чиқарилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдори инобатга олинган ҳолда зарар қоплаб берилиши керак. Ушбу вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори 300 минг сўм бўлиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдорида қоплаб берилиши лозим бўлган қиймат 45 миллион сўмни ташкил этади.

Фикримизча, юқоридаги тартибнинг қўлланилиши орқали жиноятдан мулкий зиён кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимояси янада кучайтирилган бўлар эди. Ушбу амалиётни жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунидаги "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарорининг 10-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги қўшимча қоида билан тўлдиришни тавсия этамиз:

"Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади, Ўзбекистон Республикаси Миллий валюта қимматликлари билан боғлиқ зарар ҳукм чиқарилган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорига боғланган ҳолда қарралаш йўли билан қайта ҳисобланади".

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш жараёнида жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахслар томонидан процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари чекланиши ёки поймол этилиши натижасида содир этилган жиноятларнинг асосий қисмини бошқарув тартибига қарши жиноятлар ташкил этиб, асосан, "Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш" (ЖКнинг 206-моддаси) ва "Мансабга совуққонлик билан қараш" (ЖКнинг 207-моддаси) жиноятлари, шунингдек, одил судловга қарши жиноятлар ташкил этади. Ушбу жиноятлардан жабр кўрган шахсларга нисбатан етказилган зарар ушбу ҳолатга сабабчи бўлган шахсларнинг айбли-айбсизлигидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ қоплаб берилиши шарт (ФК 991-моддаси, ЖПК 304-моддаси). Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 306-моддасига мувофиқ ушбу ҳолатларда реабилитация қилинган шахсларга етказилган зарарни қоплаш масаласи ушбу шахслар томонидан ариза билан тегишли мансабдор шахсга мурожаат қилингандан сўнггина кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган, 312-моддада эса, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш мулкий зиённи тиклаш учун икки йил, бошқа ҳуқуқларини тиклаш учун эса, бир йиллик муддат доирасида чегаралаб қўйилган. Бу эса, ушбу шахслар ҳуқуқларининг маълум даражада чекланишига олиб келади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида шуни таклиф қиламизки, реабилитация этилган шахсларга етказилган зиённи қоплаб бериш суд ва жиноят ишини юритишга масъул бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг мажбурий вазифаси этиб белгиланиши лозим. Реабилитация этилган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишини талаб қилиш муддати эса, назаримизда, бироз бўлса-да узайтирилиши лозим. Бу бизга қандай натижа беради? Албатта, шахсларнинг давлат бошқарув органларга бўлган ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклашда нафақат мавжуд қонун нормаларидан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, янги, халқаро ҳамжамият эътироф этадиган қоидаларни қонунчилигимизга татбиқ этиб боришимиз зарур экан.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм (21.04.2022 ҳолатига кўра) // Электрон манба: https://lex.uz/docs/180552 (мурожаат этилган сана: 11.05.2022 й.)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-633-сонли Қонуни // Электрон манба: https://lex.uz/docs/4953314 (мурожаат этилган сана: 17.05.2022 й.)

3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги 167-II-сонли Қонуни. // Элек-

трон манба: https://lex.uz/docs/29526 (мурожаат этилган сана: 17.05.2022 й.)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги "Терроризм ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 414-сонли қарори. // Электрон манба: https://lex.uz/docs/3243500 (мурожаат этилган сана: 17.05.2022 й.)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори / Электрон манба: https://lex.uz/docs/3115385 (мурожаат этилган сана10.05.2022 й.)

6. Буюк Британиянинг 2015 йил октябрь ойида қабул қилинган Жабрланувчилар кодекси (Code of Practice for Victims of Crime) // Электрон манба: https://www.cps.gov.uk/sites/default/files/documents/legal_guidance/OD_000049.pdf (Мурожаат этилган сана 30.05.2022 й.)

7. Қозоғистон Республикасининг 2018 йил 10 январдаги "Жабрланганлар учун компенсация жамғармаси тўғрисида"ги Қонуни. // Электрон манба: https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z1800000131 (Мурожаат этилган сана: 30.05.2022 й.)

8. Германия Федерациясининг "Жабрланувчиларга компенсация тўлаш тўғрисида"ги Қонуни. // Электрон манба: https://www.gesetze-im-internet.de/oeg/ (Мурожаат этилган сана: 01.06.2022 й.)

9. Волынская О.В, Федоров М.И. О допустимости корректировки отечественного законодательства, регламентирующего статус потерпевшего, при использовании норм международного права // Вестник экономической безопасности. – 2016. № 2. – С. 58.

10. Иванов Д.И. Досудебный порядок возмещения вреда, причиненного преступлением: теоретические и правовые основы, проблемы правоприменения // Дис. док. юрид. наук. – М.: 2017. – С.62.

Бошқарув: кеча ва бугун / Управление: вчера и сегодня / Management: Yesterday and Today

Дилнавоз РАХМАТОВА,
PhD (фалсафа фанлари бўйича),
Қарши давлат университети тузилмасидаги
"Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори

ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Аннотация: *ушбу мақолада XX асрнинг 40-50 йилларида олиб борилган қатағон сиёсати, ушбу сиёсатни аҳоли маънавий ҳаётининг асосини ташкил этадиган диний, маданий, кадрлар бошқаруви, илм-фан соҳаларига етказган салбий таъсири ва оқибатлари, шунингдек, шўро ҳукумати томонидан ўрнатилган қоидалар, ушбу қоидаларга бўйсунмаганларга нисбатан қўлланилган қатъий жазолар ҳақида сўз борган.*

Калит сўзлар: *маънавият, маданият, урф-одатлар, қадрият, илм-фан, пахтачилик, қатағон, жамият, миллат, сиёсат.*

Негативное влияние политики репрессии на социально-духовную жизнь населения

Дилнавоз Рахматова,
PhD (по философским наукам),
директор музея "Памяти жертв репрессии" при Каршинском государственном университете

Аннотация: *в данной статье рассказывается о политической репрессии, проводившейся в 40-50-х годах XX века, негативном влиянии и последствии этой политики на религиозную, культурную, кадровую и научную сферу, составляющих основу духовной жизни населения, а также речь идет о правилах, установленных советской властью, о применяемом строгом наказании к тем, кто не подчинялся этим правилам.*

Ключевые слова: *духовность, культура, традиции, ценность, наука, хлопководство, репрессии, общество, нация, политика.*

Negative impact of the policy of repression on the social and spiritual life of the population

Dilnavoz Rakhmatova,
PhD (in Philosophical Sciences),
Director of the Museum "In Memory of Victims of Repression" at Karshi State University

Abstract: *this article tells about the political repressions carried out in the 40s and 50s of the twentieth century, the negative impact and consequences of this policy on the religious, cultural, personnel and scientific sphere, which form the basis of the spiritual life of the population, and also talks about the rules, established by the Soviet authorities, on the severe punishment applied to those who did not obey these rules.*

Keywords: *spirituality, culture, traditions, value, science, cotton growing, repressions, society, nation, politics.*

Шўро ҳокимиятининг XX асрнинг 40-50-йилларида олиб борган қатағон сиёсати ижтимоий ҳаётнинг асосий бўғинлари бўлган халқнинг динига, инсоний маънавий қадриятларига нисбатан қўлланилди. Халқнинг миллий маданиятига ўз таъсирини ўтказиш билан бирга, маҳаллий кадрлар бошқаруви, илм-фан янгиликлари соҳаларини ҳам назоратда тутиб турди. Ҳукумат томонидан ўрнатилган қоидаларга бўйсунмаганларни қатъий жазога маҳкум этди.

Аҳоли маънавий ҳаётининг асосий жиҳатларини ташкил этадиган соҳаларга кенгроқ тўхталамиз.

Диний-маънавий соҳа. "Бизни маданиятимиз ўз тараққиёт йўлида мазмунан социалистик, шаклан хилма-хил миллий кўринишда, руҳияти ва табиатига кўра интернационал. Бу маънавий қадриятларнинг барча халқлар томонидан яратилган органик қотишмасидир", деб таъкидланса-да [1;7], аслини олганда, халқларнинг маънавий қадриятларига ҳурмат билан қаралганми? Шўро даврида ижтимоий-маънавий ҳаётнинг асосини ташкил этган таълим, тарбияда атеистик ғоя устунлик қилиб, иттифоқ таркибидаги барча халқлар маънавиятини ушбу ғоя асосида бирлаштириш асосий мақсад бўлган.

Л.И. Брежневнинг КПСС XXIV съездидаги ҳисобот докладида қайд этилганидек, "Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб, коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолга етказмай туриб, коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас" [2;112]. Брежнев ўзини халқпарвар кўрсатган ушбу баландпарвоз гапларда маънавий камолот деганда, атеистик мафкура билан суғорилган коммунистик ғояларни назарда тутган. Ривожланган социалистик жамиятга ўтиш даври, яъни 1959-1965 йилларда эришилган маданий юксалишлар ва унинг айрим кишилар ахлоқи ва турмушида учрайдиган диний сарқитларга қарши курашдаги роли эканлигини таъкидлаган совет ҳокимияти томонидан динимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз, моддий-маданий меросимизга дахл қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин Қашқадарё вилоятида янги инсонни тарбиялаш, инсон омилини активлаштириш соҳасида мафкура ишини советлаштирилган кўринишини ташкил этишда қатор ишлар амалга оширилди. Идеология, ғоявий-сиёсий ишларни яхшилашда буржуазия ахлоқи ва идеологиясига, кишилар онгидаги реакцион қолдиқларга, қолоқ анъана ва урф-одатларга қарши кураш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Партия комитетлари "Билим" жамияти, область ва район ташкилотлари, республика илмий-атеизм уйи филиали ходимлари билан ҳамкорликда динга қарши пропаганда масалалари бўйича қатор семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференцияларни ўтказдилар. Атеистлар ҳафталиги, оғзаки журналлар, "Давра столи" атрофида суҳбатлар ўтказиш, районларга агитбригадалар ва лекторлар группаларини жўнатиш анъана тусини олди. 1985 йилнинг ўзида атеистик мавзуларда 2100 тадан ортиқ маъруза ўқилиб, таълим муассасаларида 961 та илмий-атеизм бурчаклари ташкил этилди [3]. Бу даврда мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ўқув юртларида ёшларни атеистик руҳда тарбиялаш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Ундан ташқари, аҳоли турар жойларида, барча маҳаллаларда динга қарши мавзуларда суҳбатлар ўтказиб борилди, маҳаллий аҳолини урф-одатларга риоя этиш ҳоллари, ҳатто Комсомоллар ўртасида ЗАГС да рўйхатдан ўтгач, никоҳ ўқитиш ҳоллари қораланди ва уларга қарши кескин кураш олиб борилди. "Илоҳий жойлар"га бориш кишилар ва айниқса, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аҳолига уқтирилди. Деярли барча зиёратгоҳлар марказнинг махсус буйруғи асосида қаровсиз ҳолатга келтирилди. Қарши шаҳрининг узоқ йиллик зиёратгоҳи Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳи ҳам шўро даврида пахтазорга айлантирилди. 1954 йилда бу ерга келган Тарихий обидалар ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат ташкилоти вакили Френкел мажмуа ҳолатини бундай тасвирлайди: "...Мажмуа ҳозирда харобага айланган. Уни ўраб турган тўсиқлар энди йўқ. Атрофи пахтазор. Мақбарадан жамоа хўжалиги омбор сифатида фойдаланмоқда. Масжид ҳувиллаб ётибди. Ҳовуз қаровсиз. Ҳамма жойни қалин буталар қоплаган [4]". Бундай ҳолатлар барча зиёратгоҳларда кузатилган.

Ўзбекистон компартиясининг XXI съездида Деҳқонобод районида атеистик тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, районда диний ақидалар ва расм-русумларга шу чоққача барҳам берилмаганлиги масаласи кўтарилиб, танқид қилинди [5].

Халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, прокуратура органлари, ички

ишлар бўлимлари ва халқ судлари диндорларнинг жамиятга қарши ҳар қандай ишларини қоралашлари, аҳоли ўртасида, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида диний китобларнинг тарқатишларига қарши кураш олиб бордилар [6]. Динни қатағон қилиш жараёни анча олдин, XX асрнинг 20-30, 40-50-йилларида бошланган бўлсада, 80-йилларга қадар ҳам кескинлик билан кураш олиб борилди. Албатта олиб борилган бундай чора-тадбирлардан сўнг уйидан диний китоб чиққан, болаларни даволаш мақсадида Қуръон оятларини ўқиб қўйган, оммага дин тўғрисида бирор бир сўз айтган, зиёратгоҳ ва диний қадамжоларга борган ва бошқа шунга ўхшаш диний амалларга алоқадор бўлган ҳар қандай киши давлатга қарши деган айблов билан жазога тортилар эди.

Диний уламолар ва руҳонийларни "аксилшўровий фаолият" олиб борганликда сохта айблаш йўли билан қатағон қилиш борган сари кучайди. Тарихчи М.Шкаровскийнинг ёзишича, "Агар 1948 йилда давлат хавфсизлик органлари диний ишлар бўйича айблов билан 3 минг 296 нафар кишини, шу жумладан, 357 нафар руҳонийни ҳибсга олган бўлса, бу кўрсаткичлар 1949 йилда – 6 минг 456 нафар диндор, 571 нафар руҳоний, 1950 йилда 6 минг 72 нафар диндор, 455 нафар руҳоний, 1951 йилда 5 минг 477 нафар диндор, 273 нафар руҳоний, 1952-1953 йилларда 5 минг 187 нафар диндор ва 130 нафар руҳоний ҳибсга олинган [7; 238]".

Маданият соҳаси. Халқ маънавияти, маданиятини ўзида акс эттирган Ўзбекистоннинг қадимдан мавжуд бўлган миллий театр санъати турларидан: қўғирчоқ театр санъати, дорбозлик санъати, қизиқчилик санъати маданий соҳани ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутган. Зеро, Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, театр бу – ибратхона, қутлуғ тарбия ва маърифат масканидир. Ундан ташқари, ўзбек адабиётида, тасвирий санъатида, киносида ҳам халқнинг миллий маданияти акс этганини кузатиш мумкин.

XX асрнинг 50-70-йилларида совет ҳокимиятининг атеистик ғояларини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар сони ошириб борилди, колхоз ва совхоз клубларидаги маърузаларнинг барчаси, кино ва театр санъатида ва ҳатто тасвирий санъат асарлари, адабиёт соҳаси ҳам атеистик ғоялар тарғиботига қаратилди. Пахтакорларга оғир кундан сўнг дала шийпонларида қўйиб бериладиган фильм ва ўтиладиган лектор дарсларида фақат совет ҳокимияти ғоялари тарғиб этилди.

Кадрлар бошқаруви. Мустабид тузум Марказдан иттифоқнинг бошқа мамлакатлари каби Ўзбекистон ССР да ҳам маҳаллий кадрлар фаолиятини доимий назоратда ушлаб туриш учун ўзининг ишончли вакилларини давлат ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тайинлаб турди. Шунинг учун ҳам, асосан, барча масъул лавозимларни рус миллатига мансуб кадрлар эгаллади, уларнинг атрофидаги маҳаллий кадрлар ҳам социалистик руҳда тарбияланган бўлиб, марказдан берилган барча топшириқларни итоатгўйлик билан бажаришар эди.

Бу даврда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни бошқариш ленинча тамойилларга асосланди. Бу қуйидагилардан иборат:

- сиёсий ва хўжалик ишларини бирдек олиб борадиган раҳбарлар билан таъминлаш;
- марказлашган демократияга риоя қилиш;
- меҳнат ва ишлаб чиқариш ташкилотларида ягона раҳбар бошқарувини таъминлаш;
- кадрларни танлашда уларни сиёсий ва ишбилармонлик фазилатларини инобатга олган ҳолда вазифаларини белгилаш;
- раҳбариятнинг аниқ ва режали, назорат ва шахсий жавобгарлигини ошириш [8;11]. Ушбу принциплар асосида колхоз ва совхозларда раҳбар-кадрлар танлаб олинди ва ишлар пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган сиёсий режимда олиб борилди. Сиёсий режим тизгини ягона раҳбар қўлида бўлиб, ушбу режимга қарши чиққанлар шафқатсиз жазоландилар.

Илм-фан. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида акс этган Совет Иттифоқининг ленинча принципларга асосланган сиёсати илм-

фан тармоқларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон ССР да 1965-1980 йилларда илмий даражаси бор профессор-ўқитувчилар сони 3 мартага ошди. Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналиши – пахта муаммоларини ривожлантиришга, энг аввало, янги, эртапишар, касалликларга чидамли, маҳсулдорлиги юқори бўлган пахта навлари устида иш олиб боришга қаратилди [9;17]. Яъни пахта сиёсати илмий тадқиқот соҳаларининг биология, қишлоқ хўжалиги, геология-минералогия, иқтисод, техника фанлари тармоқларига ҳам ўз таъсирини сезиларли ўтказиб келди.

XX асрнинг 40-50-йилларига келиб, совет давлати қатағонларининг яна бир палласи Иккинчи жаҳон уруши йилларида машаққатли меҳнат қилиб, ватан учун фронт ортида бўлса-да, меҳнат қилганларга ҳам эндиликда, "ёр унсурлар" сифатида қарала бошлади. "Мафкура майдони"да ҳужумни кенг авж олдириб, ижодида совет мафкурасига тўғри келмайдиган қарашлар бор бўлган адиб, ёзувчи, шоирлар қатағон гирдобига тортилди. "Ёзувчилар ва шоирлардан кимда-ким ўз ижодида ўз халқининг тарихи саҳифаларига мурожаат қилган бўлса борми, уни дарҳол феодал ўтмишни "идеаллаштириш"да айблашар, унга "миллатчи" ёрлиғи ёпиштирилар ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинарди. Натижада, миллий зиёлиларни бадном қилиш ҳаракатлари, айниқса, 1949 йил 25 июнда ЎзКП(б) МҚнинг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама қилингандан сўнг кучайиб кетди. МҚ бюросида муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда ўзбек ёзувчиларидан айримларининг ижодида "миллатчилик ва миллий маҳдудлик, феодал ўтмишни кенг суръатда идеаллаштириш ва эски феодал маданияти олдида қулларча сажда қилиш элементлари мавжуддир", деб таъкидланди. Қарорда: Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим, Ойбек, Миртемир, Туйғун, М.Бобоев, Ў.Рашидов, Ҳамид Ғулом, А.Қаюмов, М.Шайхзода кабилар қаттиқ танқид остига олинган эди.

1947 йилга келиб, Ўзбекистон ССРда қамоққа олишлар шу даражада кўпайиб кетдики, мавжуд қамоқхоналар маҳбусларни ўз бағрига сиғдира олмай қолди. Шу боисдан СССР Министрлар Советининг 1947 йил 1 мартдаги махсус қарори билан Ўзбекистон ҳукуматига апрель ойигача 3 мингта маҳбусга мўлжалланган 3 та лагерни зудлик билан тайёрлаш топширилди [10; 511].

Совет давлатининг қатағон аппарати ишга солиниши билан мустақил фикрловчи кишиларни доимо таъқиб остида ушлаб келишга ўрганилганлиги сабабли бу ҳаракатларда ҳам фақат қоралашлар билан чекланмай, бир қанчалар қатағон қилинди [11].

Бу йилларда республиканинг кўзга кўринган адиблари эмас, балки маданият ходимлари, фан намояндалари ҳам қатағон қурбонлари қаторига қўшилиб бордилар.

Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати "Социалистик жамиятнинг ғалабаси тўлиқ таъминланди", деб эълон қилинган вақтдан кейин ҳам давом эттирилди.

И.В. Сталин вафотидан кейин ҳокимият тепасига келган Н.С. Хрушчев совет ҳокимиятининг Сталин раҳбарлик қилган йилларидаги қатағон сиёсатини халққа ошкор қилиш борасидаги ишларни кун тартибига қўйди.

КПСС нинг 1956 йил февралда бўлиб ўтган XX съездида Н.С. Хрушчевнинг "Шахсга сиғиниш ва унинг зарарли оқибатлари тўғрисида"ги маърузаси асосида қарор қабул қилинди. Қарорда Сталин раҳбарлик даврини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди [12; 90].

КПСС МҚ XX съезднинг ушбу қарорига мувофиқ шахсга сиғиниш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, 1956 йилнинг 30 июлида КПСС МҚ нинг "Шахсга сиғиниш ва унинг зарарли оқибатлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди [13; 111-129].

Умуман олганда, урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ССР нинг барча вилоятлари каби Қашқадарё вилоятида ҳам мустабид тузум томонидан зуғум вилоят зиёлиларигагина эмас, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилган кишиларга нисбатан қўлланилди. Миллат

маънавияти, дини ва қадриятлари оёқости бўлди. Минг шукрлар бўлсинки, ўтган қора кунларни бугун биз тарих сифатида келажак авлодга ибрат бўлиши учун ўрганмоқдамиз. Зеро, халқнинг маънавий онгини, маънавий тафаккурини шакллантириш, тарихимизни билиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, анъана, урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш ва ҳурмат қилиш, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи мамлакат келажагини кафолатлайди.

Манба ва адабиётлар

1. Рахимбабаева Т., Абасова Л. О формах культурного сотрудничества народов СССР на современном этапе. Общественные науки в Узбекистане. – Т.: "Фан", 1981/ 7. – С.3 //Брежнев Л.И. Отчетный доклад Центрального коммитета КПСС XXVI съезду Коммунистической партии Советского Союза и очередные задачи партии в области внутренней и внешней политики. – М.: 1981. – С. 77.

2. Брежнев Л.И. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездига ҳисобот доклади. – Т.: 1971 й., – 112 б.

3. Қашқадарё ҳақиқати, № 33 (10974), 1986 йил 15 февраль.

4. Қашқадарё вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш инспекцияси жорий архиви. Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолияти тўғрисида Маълумотнома папкаси.

5. Қашқадарё ҳақиқати, № 33 (10974), 1986 йил 15 февраль.

6. Қашқадарё ҳақиқати, № 33 (10974), 1986 йил 15 февраль.

7. Мирзаев F. Эй, Дарвеш (Зулмни енган мазлумлар қиссаси), "Машраб", – Т.: 2022. – 238 б.

8. Эргашева С.Р. Совершенствование управления сельскохозяйственным производством в системе народнохозяйственного хлопкового комплекса УзССР. Общественные науки в Узбекистане. 1981/11, "Фан". – Т.: – С.11.

9. Муталов Н. Научная интеллегенция Узбекистана в условиях развитого социализма. // Общественные науки в Узбекистане. – Т.: "Фан" 1983/2. – С.17.

10. КПСС в резолюциях. т-9. – М.: Полиздат. 1985. – С. 90.

11. КПСС в резолюциях. т-9. – М.: Полиздат. 1985. – С. 111-129.

12. КПСС в резолюциях. т-9. – М.: Полиздат. 1985. – С. 90.

13. КПСС в резолюциях. т-9. – М.: Полиздат. 1985. – С. 111-129.

Мархабо САФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Бошқарув маҳорати" кафедраси катта ўқитувчиси

НИГИЛИЗМ ҲОДИСАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Аннотация: *жамиятнинг барқарор ва илғор ривожланиши учун шарт-шароит яратишда ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар муҳим аҳамият касб этади, ушбу мақолада бугунги кунда жамият онгида мавжуд бўлган инкор этиш каби позицияси орқали тафаккурда деструктивлик, хулқдаги девиантликни келтириб чиқараётган омиллардан бири – нигилизм ҳодисаси ўрганилган. Шунингдек, муаллиф томонидан нигилизм сўзининг этимологик келиб чиқиш тарихи, ҳодисани ўрганишга бўлган ёндашувлар ва унинг диний, ахлоқий, темпорал, маданий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий каби шакллари таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *нигилизм, тафаккур, қадрият, трансформация, ахлоқ, маданият, пессимизм, сиёсий тизим, ижтимоий институтлар, девиант хулқ-атвор, деструктивлик.*

История возникновения феномена нигилизма и его основные формы

Мархабо Сафарова,
старший преподаватель кафедры "Мастерство управления" Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *социальные нормы и ценности играют важную роль в создании условий для устойчивого и передового развития общества. В данной статье автор исследует феномен нигилизма как один из факторов, который приводит к деструктивному мышлению, девиантному поведению через позицию отрицания, существующую в сознании современного общества. Также автором рассмотрена история этимологического происхождения слова нигилизм, подходы к изучению явления и его форм, такие как религиозный, нравственный, светский, культурный, общественно-политический, правовой.*

Ключевые слова: *нигилизм, мышление, ценность, трансформация, мораль, культура, пессимизм, политическая система, общественные институты, девиантное поведение, деструктивность.*

History of the phenomenon of nihilism and its main forms

Markhabo Safarova,
Senior Lecturer at the department of "Mastery of Management" of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *social norms and values play an important role in creating conditions for the sustainable and advanced development of society. In this article, the author explores the phenomenon of nihilism as one of the factors that leads to destructive thinking, deviant behavior through the position of denial that exists in the minds of modern society. The author also considers the history of the etymological origin of the word nihilism, approaches to the study of the phenomenon and its forms, such as religious, moral, secular, cultural, socio-political, legal.*

Keywords: *nihilism, thinking, value, transformation, morality, culture, pessimism, political system, public institutions, deviant behavior, destructiveness.*

Мана 30 йилдирки, нигилизм ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятимиз ва маданиятимизга салбий таъсир кўрсатаётган кучли омил сифатида баҳо-

ланиб келмоқда: ушбу йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётида, сиёсатида, маданиятида юз берган барча салбий ва ижобий ўзгаришларни постсовет даврида фуқаролар онгида юз берган "қадриятларни қайта баҳолаш"ни ҳисобламасдан туриб тушуниш мумкин эмас, албатта.

Мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-маданий ҳаётида баъзи деструктив характердаги ҳақиқатлар жамият ҳаётининг айрим меъёрларини бузишга қаратилмоқда. Масалан, коррупция, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва бошқалар шулар жумласидан. Бу каби ижтимоий ҳодисаларнинг барчаси бизни маълум бир даражада "нигилизм асри"да яшаётганимиздан далолат беради. Бу асрни - янги жамият мақсадлари ва қадриятларини аниқлаштириб олиш жараёнидаги маданий анъаналарнинг қадрсизланиши, жамият мафкуравий асосларининг обрўсизлантирилиши каби тенденцияларни акс эттирган давр, дейиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда миллий маънавият масаласи стратегик даражага кўтарилиб келаётган бир пайтда, бизнинг жамиятимиз ва маданиятимизнинг ривожланиши учун "ижобий дастурлар" кўринишида тузилиши мумкин бўлган жараёнлар ҳам синчковлик билан ўрганилса, уларда ҳам нигилистик қарашларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Демак, янги даврimiz тарихига назар ташласак, биз ҳар қандай нигилизмни енгиш йўлидан эмас, балки уни янада ривожлантириш ва радикаллаштириш йўлидан кетаётганимиз аниқ намоён бўлади.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мавжуд мафкуравий бўшлиқни тўлдириш мақсадида жамоатчилик онгига миллий ғояни тарғиб қилиш, ўзликни англаш, тарихни тиклаш ғоялари сингдирила бошлаган эди ва бу ижобий йўналиш каби қабул қилинди. Бироқ сўнгги йилларда жамиятдаги турли ижтимоий тенгсизлик, баъзи иқтисодий қийинчиликлар инсонларнинг ҳар қандай ғоя, ижобий дастур ва сиёсий партияларга бўлган ишончининг сусайишига олиб келди.

Бугун замонавий ўзбек жамоатчилиги онгида ҳар қандай фаолликнинг мазмуни жамият қадриятларига хизмат қилишда эмас, балки индивидуал фойда олиш ва шахсий муваффақиятга эришишда намоён бўлмоқда. Вақт ўтиши билан "нигилизм" атамасининг маъноси кенгайиб бормоқда. Атаманинг ўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар нафақат теологларнинг тадқиқот мавзусига, балки аллақачон дунёвий фалсафага айланиб улгурди.

Нигилизм ўзи нима ва унинг жамият ривожидаги ўрнини қандай баҳолаш мумкин?

Нигилизм – умумий қабул қилинган қадриятларни, идеаллар, ахлоқий меъёрлар, маданият ва ижтимоий ҳаёт шаклларини у ёки бу маънода инкор этиш демакдир. *Нигилизм (лотинча, Nihil – ҳеч нарса) – тўлиқ инкорни ифода этувчи ўзига хос салбий фикр (пессимизм ва скептизм билан бирга)* бўлиб, рад этилганларнинг мутлақо ёлғонлигига ишонишдан келиб чиққан [1].

Шунинг учун ҳам у ижтимоий аҳамиятга эга қадриятлар ва ижтимоий институтларга қарши қаратилганида ижтимоий инкор (негативизм) мақомини олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, нигилизмнинг характерли элементи – маданият ва унинг қадриятларига салбий муносабатда бўлиш. Бу маданиятнинг элита мақомини олишини қабул қилмасликдан, то унинг шаклларини канонизация қилиш, "ҳаммани ва ҳамма нарсани" ўйламасдан рад этиш ҳамда вандализмгача бўлган ҳолатларни ўз ичига олади.

"Нигилист" атамаси эса, христиан диншуноси, файласуф, епископ Аврелий Августин (354-430 йиллар) қарашларида учрайди ва ўрта аср Европа адабиётида мустаҳкамланади. В.Краус таъкидлаганидек, Августин "нигилистлар" ("nihilisti") тушунчасини "ҳеч нарса"га ишонмайдиган инсонларга нисбатан қўллаган бўлса, кейинчалик, католиклар даҳрийларни атеист, сохта эътиқодчиларни ёки "ҳеч нарса"га эътиқод қилмайдиганларни "nihilianista" деб аташган [2].

Кўпгина манбаларда бу тушунча Бавария Фанлар академияси аъзоси Фридрих Генрих Якобининг 1787 йилда нашрдан чиққан "Эътиқод ҳақида" номли асарида концептуаллаштирилганлиги кўрсатилади. Бу даврга келиб, файласуфлар бир-бирини нигилизмда айблаш одатини Якобининг 1799 йилда Фихтега йўллаган хатида ҳам кўриш мумкин. В.В.Савчук қайд этгани-

дек, "Фихте, Якоби танқидини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг "Инсон моҳияти" (1800) [3] ишида идеалистик нигилизм мунозарасига янги импульс киритган".

Аста-секинлик билан бу даврга келиб, немис файласуфлари ўз мунозараларида нигилизмга мутлақ борлиқни, инсон мавжудлигининг мазмуни, олий қадриятлар ва ижтимоий нормаларни инкор этиш деб қарашни бошлашди. Шунингдек, 1786 йилда Якоби: "Элементларга бўлинган инсон онги ҳеч нарса эмас. Шунинг учун унинг идеали йўқ идеал... Унинг идеали – бу ҳақиқий эгоизм" [4], деб таъкидлаган ва унда этик эгоизмнинг нигилизмга тенглаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Чунки муаллиф, инсон ўз манфаати ва қадриятларини унгача бўлган жамиятнинг анъана, қоида, меъёр ва тизимларидан устувор деб билганда, жамиятдаги мавжуд қадриятлар кўпроқ бошқа қадриятлар билан алмашилганда шахсий устуворлигини инкор этиш орқали ҳам нигилизмнинг намоён бўлиши ҳақида таъкидлайди.

Яна бир қизиқарли маълумот, 1797 йилда "нигилизм" тушунчасини Фр.Шлегель ижобий маънода қўллаган ва олим "нигилизм"ни тасаввуфчиларнинг менталитети билан боғлиқ ҳодиса, "Фикрлаш тарзининг нигилизм дейилишига сабаб, улар Худони чексиз йўқликка тенглаштирганида деб билган" [5].

XVIII асрнинг охиридан бошлаб, Европада, кейин эса, Россияда маърифатпарварлик, инқилоблар ғояларидан умидсизлик туфайли юзага келган ўзига хос дунёқараш шакллана бошлади. Ёшларнинг бир қисмида пессимистик кайфият мавжуд бўлса, бошқаларида эса, мавжуд ижтимоий тузумга танқидий муносабат пайдо бўлди. Россияда ундан келиб чиқадиган хавфни сезган кекса авлод уни вольтерянлик ёки эркин фикрлаш деб атайди ва 1862 йилга келиб, И.С.Тургененинг "Оталар ва болалар" [6] романида нигилизм ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ўз қиймати ва номига эга бўлади, кейинчалик нигилизм мафкуравий дунёқараш позицияси сифатида оммалашади.

Бизнинг наздимизда, романда муаллиф нигилизмни дунёқараши инкор этиш тамойилларига асосланган, барча янги жараёнларга танқидий муносабатда бўлган, авторитет ва умумэътироф этилган ижтимоий меъёрларни тан олмаган бош қаҳрамон Базаров мисолида кўрсатиб берган. Унинг наздида эски тартиблар Россиянинг секин ривожланишига сабаб бўлган, шунинг учун у янги, аввалгисидан яхшироқ нарсани қуриш учун мавжуд бўлган ҳамма нарсани йўқ қилиш керак, деб тушунган. Аммо биламизки, танқид ҳар доим ҳам конструктив бўлавермайди, бундай ҳолда у позиция инқилобий тус олади, шунинг учун умрининг сўнгги лаҳзаларида нима учун Базаров жамият томонидан қўллаб-қувватланмаганини тушуниб етади.

Нигилизмнинг биринчи тарихий шаклларидан бири бу диний нигилизм ҳисобланиб, К.Ясперс сўзларига кўра, у эътиқоднинг йўқлигида намоён бўлади. Ушбу атама остида эгоистик шахс позициясининг динга қарши исёни, жамиятнинг маънавий қадриятларини инкор этиши ва салбий муносабати тушунилади. Чор Россияси даврининг империя расмий матбуотида барча атеистлар, шунингдек, инқилобчилар нигилистлар деб номланган бўлиб, атеизм ва нигилизм баъзан бир-бирига тенглаштирилган.

Франк нигилизмни "мутлақ (объектив) қадриятларни инкор этиш ёки тан олмаслик деб таърифлаган, ... яъни, назарий илмий ҳақиқат ёки бадиий гўзаллик, ёки диний эътиқод объекти ёки давлат ҳокимияти, ёки миллий қадр-қиммат ва бошқалар" [7] ҳамда уларни субъектив манфаат ва истаклар билан алмаштириш деб тушунган. Франкнинг фикрига кўра, нигилизмнинг хавфи, унинг янги идеал ҳамда қадриятларни тасдиқлаши ва мафкуравий аҳамиятга эга эканлигида деб билади. Бу эса, ўта субъективизм ва эгоизм ахлоқининг шаклланишига олиб келишини айтади. Франк учун нигилизм ахлоқсизлик билан бир хил бўлиб, у муқаррар равишда мутлақ қадриятлар нисбий қадриятлар билан алмаштирилганда, субъектив инсон истаклари идеаллар сифатида тарғиб қилинганда, инсоннинг мавжудлиги ички маънодан маҳрум бўлганда пайдо бўлади, деб изоҳлайди.

Бу каби диний нигилизм ғоялари, дастлаб, Макс Штирнерда (1806-1856) ва кейинчалик Фридрих Ницше (1844-1900) асарларида ривожлантирилганини кўриш мумкин. Немис файласуфи Фридрих Ницше нигилизмни маданият ривожланишининг табиий ва қонуний натижаси, касал жамият учун дори ва "олий қадриятларни йўқотиш" деб билади [8]. Муаллифнинг фикрича, Ницше қарашларида кўпроқ диний нигилизм устувор бўлган, чунки у христиан черкови қадриятлари ва ахлоқ стандартларини инкор этган. У маълум бир давргача шаклланган қадриятларнинг қийматининг йўқолиши муқаррар ҳамда уларнинг қайта баҳоланишга эҳтиёжи бор деб ҳисоблаган.

Замонамиз олимларидан И.Чубаров фикрича: "Нигилизм кўпроқ ахлоқий ва сиёсий мавзу сифатида қабул қилинади ва бу ҳодисага кўра, инсон ўзини жамиятда қабул қилинган умуминсоний қадриятлар ва идеалларга амал қилишдан бош тортади" [9]. Бизнингча, бугунги кун ёшлар хулқ-атворида ҳам айнан шу муносабатни кузатиш мумкин. Чунки, нигилистик қарашга эга бўлган ёшлар жамиятдаги мавжуд қадриятларни эскича қарашнинг маҳсули сифатида баҳолайди. Қадриятларни сунъий бюрократик тўсиқдан ортиқ ҳеч нарса эмаслигини таъкидлайди ва бу муносабат бошқаларга нисбатан душман кўзи билан қарашга мажбур қилади. Табиийки, бу жараён катта ва ёш авлод ўртасидаги қадриятлар тафовутининг янада кескинлашувига олиб келади.

Танқидчиларнинг фикрига кўра, диний нигилизмнинг хавфи, у томонидан яратилган ахлоқий нигилизмда ётади, бу эса, таниқли формулада ифодаланган: "Агар Худо бўлмаса, унда ҳамма нарсага рухсат берилади". Ахлоқий нигилизм бу умумий қабул қилинган қадриятлар ва авторитетларни рад этишдан иборат. Булгаков нигилистик установкаларни қабул қилган ўз замондошлари хулқ-атворини таърифлаб, "Нигилистлар бошқалар билан муносабатининг ўзига хос хусусияти цинизм бўлган. Цинизм, ўз навбатида, фақат сўзларда эмас, хатти-ҳаракатларда ҳам намоён бўлган. Нигилистлар ҳар доим атайлаб, ўзларининг суҳбатларида, муомалаларида, ҳаракатлари ва ҳатто кийимларида ҳам ўзларини барча одоб-ахлоқни инкор этувчилар тарафдори сифатида кўрсатишга ҳаракат қилишган", дейди [10].

Ахлоқий нигилизм аста-секинлик билан пессимизмга айланади. Пессимизм – ҳаётга салбий қараш бўлиб, инсонлар ўз даврининг фалокатларига, камчиликларига субъектив даражада сезгирлар. Тарихнинг пессимистик нуқтаи назари эса, инсон фаровонлигининг муттасил ошиб бориши ғоясига зиддир. Ахлоқий нигилизм – ҳеч нарса табиатан ахлоқий ёки ахлоқсиз бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги метаэтик позиция. Масалан, ахлоқий нигилистнинг ҳисоблашича, қотилликни, сабаблари ва шароитидан қатъи назар, яхши ёки ёмон иш деб бўлмайди. Ахлоқий нигилизм нуқтаи назаридан, ахлоқ – бу сунъий тузилма бўлиб, мураккаб қоидалар мажмуидан иборат. Унга риоя қилиш орқали маълум маънода психологик, ижтимоий ва иқтисодий фойда олиш мумкин, лекин бу қоидаларнинг ҳақиқати ҳақида гапириш мумкин эмас, чунки уларга маъно ва мазмун бериш мушкулдир [11].

Страховнинг ёзишича, нигилист ўз кайфиятини аввал ташқи кўринишида намойиш қилишдан бошлаб, кейин муқаррар равишда жиноятга келади. У ахлоқий нигилизмнинг муҳим хусусияти ҳақида: "... ёвузликни руҳ учун зарур бўлган озиқ-овқат сифатида қарайди ва у ҳамма ерда, ҳатто ёвузлик ҳақидаги фикр баланд бўлмаган, жаҳолат қаъридаги инсонлар хаёлига келмаган жойда ҳам пайдо бўлади", дейди [12].

Ахлоқий нигилизм нафақат қонунни бузишдан, балки қонуннинг маъносини инкор этиш, унинг самарадорлигига шубҳа қилиш. Ҳуқуқ нормаларини эътиборсиз қолдириш ва юқори адолатга умид қилмаслик каби қарашлар ҳуқуқий нигилизмни келтириб чиқаради ва у анархизм назарияларидан тортиб, амалда экстремизмгача бўлган турли шаклларда намоён бўлади.

Ҳуқуқий нигилизм – одамлар ўртасидаги муносабатларни муваффақиятли тартибга солувчи ижтимоий институт ва хулқ-атвор қоидалари тизими сифатида ҳуқуқни инкор этиш демак. Бундай ҳуқуқий нигилизм қонунларни инкор этишдан иборат бўлиб, бу қонунга хилоф ҳаракатларга,

тартибсизликларга олиб келиши ва умуман, ҳуқуқ тизими ва жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин [13]. Олимларнинг фикрига кўра, ҳуқуқий нигилизмни енгиш жуда қийин ва у узоқ давом этадиган жараёндир. Ҳуқуқий нигилизмни енгишнинг асосий йўллари: оммани ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, уни профилактика қилиш, давлат интизомини мустаҳкамлаш, шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, мамлакатда юқори малакали юристларни тайёрлаш, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳуқуқий нигилизмнинг яна бир кўриниши ижтимоий-сиёсий нигилизмдир. Ижтимоий-сиёсий нигилизм, асосан, инқилобий ҳаракатларда намоён бўлади ва унинг тарафдорлари кўпроқ анархизмга мойил бўладилар. Анархизм эса, маълумки, инсон эркинлигига асосланган ва инсон устидан назорат қилиш ва ҳар қандай ҳокимият зарурлигини инкор этиш демакдир.

Ижтимоий-сиёсий нигилизм турли хил кўринишларда намоён бўлади, жумладан:

1. Жамиятнинг айрим қатламлари томонидан мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг қабул қилинмаслиги.
2. Янги ҳаёт тарзи ва қадриятларни қабул қилмаслик.
3. Бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан қониқмаслик.
4. Ўзгаришларга қарши ижтимоий норозилик ва намойишлар.
5. Турли сиёсий қарорларни инкор этиш.
6. Давлат муассасаларига нисбатан шахсий адоват.
7. Fарб хулқ андозаларини инкор этиш.

Мериологик нигилизм – бу фалсафий позиция бўлиб, унга кўра, қисмлардан ташкил топган объектлар, аслида, мавжуд эмас. Фақатгина қисмлардан иборат бўлмаган базавий (асосий) объектлар мавжуд. Масалан, ўрмон ҳақиқатда йўқ объект. Бу кўп сонли дарахтлардан иборат объект демакдир. "Ўрмон" тушунчаси эса, тасаввурни енгиллаштириш учун ўйлаб топилган гўёки. Худди шундай – жамият мавжуд эмас, у инсонлар тўдасидан иборат объект, инсон мавжуд эмас, у инсон органларидан иборат бўлиб, улар ҳам, ўз навбатида, тўқималардан иборат ва ҳоказо.

Оммабоп замонавий нигилизм турларидан бири – маданий нигилизм. Бу жамиятнинг барча соҳаларида маданий тенденцияларни инкор этишда намоён бўлади. 60-йилларда Fарбда кучли "субмаданият" (контрмаданият) ҳаракати пайдо бўлди. Кейин у Руссо, Ницше ва Фрейднинг қарашларига асосланган эди. Субмаданият бутун Fарб цивилизацияси ва буржуа маданиятини бутунлай инкор этди. Улар оммавий жамият ва оммавий маданиятнинг истеъмолчилик культини кескин танқид қилишган.

Эпистемологик нигилизм эса, скептицизмнинг радикал шакли сифатида тушунилади ва у қадимги юнон тафаккурининг идеал ва универсал мақсадига реакция сифатида пайдо бўлди. Софистлар биринчи бўлиб скептицизмни қўллаб-қувватладилар. Бирмунча вақт ўтгач, идеал билиш имкониятини инкор этувчи мактаб шаклланди. Ҳатто ўша пайтда ҳам нигилизм муаммоси аниқ эди, бу унинг тарафдорларининг керакли билимлар олишни истамаслигида намоён бўлган.

Замонавий тадқиқотчилар томонидан яна бир нигилизм тури кўрсатилмоқда, бу темпорал нигилизм бўлиб, у вақтга нисбатан нигилистик муносабатдир. Келажакка нисбатан нигилистик муносабат истиқболга шубҳада бўлиш, эсхотологик ва ҳалокатли кайфиятда (тараққиётнинг аҳамиятини инкор этиш ва пессимизмда) ифодаланади. Темпорал нигилизмнинг бу кўринишлари оммавий даражада юзага келса, бу миллий қадр-қиммат туйғусининг йўқолишига олиб келади, ўтмиш учун айбдорлик синдромини шакллантиради.

Нигилизм – инкор этиш ҳодисаси сифатида жамият ҳаётининг турли жабҳаларида намоён бўлаётгани жамият қадриятларининг салбий томонга ўзгаришига олиб келмоқда. Шунингдек, нигилизм социал ҳодиса сифатида индивидуал ва жамоа онгида пайдо бўлаётган, айниқса, ёшларнинг, дастлаб, тафаккур тарзида, дунёқарашида, кейинчалик уларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлиб, ҳаёт тарзига ай-

ланиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка, толерантлик муносабатини шакллантириш даражасигача олиб келаётган ҳодисага айланиб бормоқда.

Шундай қилиб, нигилизмнинг назарий таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

- нигилизм субъектига қараб, шахс нигилизми, ижтимоий гуруҳ ёки оммавий нигилизмга бўлиниш мумкин;

- нигилизм маълум бир нормаларнинг инкор этилишига қараб, яъни асосларига қараб, турланиши мумкин: ахлоқий, ҳуқуқий, маданий, сиёсий-ижтимоий, темпорал ва ҳ.к;

- ижтимоий-маданий асосларни антирационалистик фалсафий тушунча сифатида рад этишга асосланган Универсал Европанинг маданият, муносабат ва хулқ-атвор принципи сифатида намоён бўлади;

- нигилизм шахсда девиант хулқ-атворнинг намоён бўлиш шакли, ҳам унинг юзага келиш сабабидир;

- нигилистик муносабат ижтимоий (кўп ҳолларда, ҳуқуқий) нормаларни рад этиш ва уларга риоя қилмасликда намоён бўлади.

Демак, ёшларда нигилизм намоён бўлишининг ўзига хослиги шундаки, бундай кайфиятдаги ёшлар ўз қадриятларини барча нарсадан устун қўядиган, ахлоқий меъёрларни тан олмайдиган ва маълум ижтимоий нормаларни онгли, асослантирилган ҳамда онгсиз равишда рад этадиган индивидуалистга айланиши, мамлакат келажаги бўлган ёшлар тарбиясига, келажак қадриятлари ва маънавий қиёфасининг шаклланишига, шунингдек, турли соҳа вакиллари, раҳбарлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатади.

Манба ва адабиётлар

1. Walter Veit "Existential Nihilism: The Only Really Serious Philosophical Problem" (2018).

2. Kraus V. (1994). Nihilism today, or Long-suffering of history (Нигилизм сегодня или долготерпении истории). – M.: Rainbow. 256 p.

3. Jacobi, Friedrich Heinrich. David Hume uber den Glauben, oder Idealismus und Realismus. – Breslau, 1787.

4. Михайлов А.В. Из истории "нигилизма". – С. 612. Сам Михайлов называет источником цитаты работу Гюнтера Баума (См.: Baum G. Vernunft und Er- kenntnis: Die Philosophie F.H. Jacobis. – Bonn: Bouvier, 1969. – S. 45).

5. Савчук В.В. Время нигилизма. – С. 193. См. также: Шлегель Ф. Избранные произведения: В 2-х тт. Т. 2. – М., 1983. – С. 120-121. У Савчука ошибочно указана дата этого высказывания Шлегеля как 1787 г., т.е. когда Шлегелю было всего 15 лет. Зарубежные источники приводят более точную датировку, начиная с 1797 года (см.: Wagner Cho S. Before Nietzsche: Nihilism as a Critique of German Idealism. – P. 217-219; Gawoll H.J. Nihilismus und Metaphysik. – S. 15-18).

6. https://ilibrary.ru/text/96/index.html

7. Франк С. Л. Этика нигилизма. Крушение кумиров / С. Л. Франк. // Сочинения. – М.: Правда, 1990. – С. 77-183.

8. Ницше Ф. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей / пер. с нем. К. Свасьяна. – М.: Культурная революция, 1995.

9. Чубаров И. "Европейский нигилизм": ошибка популярной эксплуатации. URL: https://www.apn.ru/index. phpnewsid=1940 (дата обращения: 09.05.2019)

10. Булгаков С. Н. Христианский социализм / С. Н. Булгаков. – Новосибирск: Наука, 1991. – 348 с.

11. Landau, Russ Shafer. The Fundamentals of ethics (англ.). - Oxford University Press, 2010. - ISBN 978-0-19-532086-2. – P. 292.

12. Страхов Н. Н. Письма о нигилизме [Электронный ресурс] / Н.Н.Страхов. - Режим доступу: http:// dugward.ru/ library/ strahov/ strahov_pisma _o_nigilizme.html

13. Зрячкин А. Н. Правовой нигилизм: причины и пути их преодоления (монография). – Саратов, 2009.

Саид-Амир УСМАНОВ,
базовый докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

ОСОБЕННОСТИ ПРОЕКТНОГО УПРАВЛЕНИЯ НЕФТЕГАЗОВЫМИ ИНВЕСТИЦИОННЫМИ ПРОЕКТАМИ

Аннотация: *в статье рассмотрены особенности проектного управления нефтегазовыми инвестиционными проектами. Изучена мировая практика по управлению проектами, а также зарубежные, национальные и международные стандарты. В статье приведены результаты сравнения рассматриваемых стандартов по предметным областям. Также рассмотрены отраслевые особенности нефтегазовых проектов. Даны предложения и разработан новый подход к значению механизма эффективного инвестирования.*

Ключевые слова: *инвестиционный проект, стандарты, управление инвестиционными проектами, нефтегазовые проекты.*

Нефтгаз инвестицион лойиҳалар лойиҳавий бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари

Саид-Амир Усманов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Аннотация: *мақолада нефть ва газ инвестицион лойиҳаларида лойиҳавий бошқарувга хос хусусиятлар кўриб чиқилган. Лойиҳаларни бошқариш бўйича хорижий, миллий ва халқаро стандартларга эга бўлган жаҳон амалиёти ўрганилган. Мақолада кўриб чиқилган стандартларни мавзулар бўйича таққослаш натижалари келтирилган. Шунингдек, нефтгаз лойиҳаларининг тармоқ хусусиятлари ҳам кўриб чиқилган. Самарали инвестиция механизмининг қийматига янгича ёндашув ишлаб чиқилиб, таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *инвестиция лойиҳаси, стандартлар, инвестиция лойиҳаларини бошқариш, нефтгаз лойиҳалари.*

Features of project management of oil and gas investment projects

Said-Amir Usmanov,
base doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Ривожланган жаҳон давлатларида соҳанинг инновацион сиёсатини шакллантиришда тизимли ёндашувдан фойдаланиш, айниқса, жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги қуйидаги замонавий тенденциялар фонида муҳим аҳамият касб этди:

- юқори сифатли инсон капитали учун рақобат – жаҳон инновацион ривожланишнинг энг муҳим хусусиятига айланмоқда, юқори малакали кадрлар ҳаракатчанлигининг ўсиб бориши ҳам билим тарқатишни таъминлайди;

- билимларни тарқатиш жараёнида рақамли технологияларнинг роли инновацион фаолиятнинг янада ўсиши учун долзарб бўлиб бормоқда, билимларни тарқатиш жараёни алоҳида иқтисод ва минтақалар чегарасидан чиқиб кетди;

- глобаллашув компанияларни тобора юқори технологиялар билан рақобатлашишга мажбур қилади ва айни пайтда, минтақалардаги инновациялар экотизимини ривожлантиришни рағбатлантиради;

- корпоратив (тармоқ) инновацион экотизимлари: очиқ инновациялар назарияси, хусусий-давлат ҳамкорлиги платформасида инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таваккалчиликларни тақсимлаш, корпорациялар ичида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва кичик инновацион корхоналар (старт-аплар) тармоғини яратиш тизими сифатида ривожланмоқда (Макс Планк жамияти, MPG – Garching Innovation GmbH, Германия Федератив Республикаси);

- тадбиркорлик инновацион экотизимлари истеъмолчилар назарида, инновацион маҳсулотларнинг бозордаги жозибадорлигини ошириш, янги бизнес моделларини жорий қилиш ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга (ягона реклама концепциясини қўллаш, биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган инфратузилмани яратиш, брендларни шакллантириш ва б.) қаратилган (EXIST – University_based start_ups, Германия Федератив Республикаси).

"Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"нинг жадал амалга оширилиши, капитал ва янги технологиялар бозорлари ўртасида ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик, ижтимоий йўналишга эга янги технологияларнинг кучайиб бориши, билимлар, технологиялар, маҳсулот ва хизматларнинг кенг миқёсда яратилиши ва улардан фойдаланиш мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг институционал асослари сифатида миллий инновация тизимларининг юзага келишини шарт қилиб қўйди.

Телекоммуникация соҳасининг корхона ва ташкилотлари, унинг қуйи тизим-

лари, бўғинлари ва уларнинг ўзаро алоқалари, яъни миллий инновацион тизим тузилмасини ташкил этган ҳолда, инновационлик ва креативлик даражасига боғлиқ равишда тўлиқ ёки қисман миллий инновация тизими таркибига киритилади.

Бугунги кунда, хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг иқтисодий ўсишга таъсири борган сари кучайиб бормоқда ва рақамли иқтисодиёт ЯИМнинг 4,5 %идан 15,5 %игача қисмини ташкил қилмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида қўшилган қиймат, АҚШ ва Хитой биргаликда дунё бўйича 40 %ни ташкил қилмоқда. ЯИМда АКТнинг энг йирик улуши Хитой, Ирландия, Малайзия ва Тайванга тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда фан ва технологиялар тараққиётини ўзаро мувофиқлаштириш, инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхшилаш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва йўлга қўйилди, иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жалб қилиш асосида модернизация жараёнларини амалга ошириш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси замонавий миллий инновация экотизими инновацион фаолиятнинг ривожланишини таъминлаб берувчи ташкилий, қонуний, тузилмавий ва функционал таркибий қисмлардан иборат эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда миллий инновация экотизими қарор топиш босқичида турибди ва у самарали инновацион фаолият юритиш учун барча зарур асосий элементларга эга.

Иқтисодиётдаги инновацион жараёнларнинг натижавийлиги экотизим субъектларининг (инновацион фирмалар, илмий ташкилотлар, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) фаолияти билангина белгиланмайди, балки уларнинг бир-бири билан билимлар яратиш ва уларнинг натижаларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг ўзаро муносабатлари самарадорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади (иқтисодий манфаатдорлик, мотивация, қадриятлар, меъёрий мезонлар, институционал муҳит ва бошқалар асосида).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли Фармонига мувофиқ [6], тармоқларни ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4996-сонли қарорига мувофиқ [7], сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва рақамли маълумотлардан фойдаланиш имконияти ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш, IT-технологияларни ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилишини халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ уларнинг ўзаро боғлиқ мувозанатли ривожланиш мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш ва амалга оширилиши самарадорлигини баҳолаш масаласига эътибор қаратилди.

Юқорида амалга оширилаётган ишлардан келиб чиқиб, бугунги кунда қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва замонавий инновацион менежмент усулларидан фойдаланишни мақсадли ҳамда манзилли рағбатлантириш механизмларини шакллантириш ва амалга оширишимиз лозим.

Айниқса, ҳудудлар ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришдаги тенгсизликни бартараф этишнинг амалий ва самарали механизмларини ишлаб чиқишда ёш мутахассисларни бу жараёнга фаол жалб қилишимиз зарур бўлади.

IT-технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар – Хитой, Ирландия, Малайзия ва Тайван билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтиришимиз даркор.

Халқаро амалиётда корпоратив бошқа-

рув самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб усуллар ва ёндашувлар мавжуд. Телекоммуникациялар соҳасидаги ташкилотларда ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишни ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Телекоммуникация соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвер соҳаси сифатида IT-технологияларни ривожлантирувчи энг муҳим соҳа эканлигини инобатга олиб, телекоммуникациялар корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3107036

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.07.2021 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғининг функционал вазифалари ҳамда IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 438-сонли қарори. https://lex.uz/en/docs/5511393

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/5841063

5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни. https://lex.uz/ru/docs/4910391

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/5030957

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4996-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5297046

Зебо ИСАҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

ЛОЙИҲА МЕНЕЖЕРИ КАСБИЙ МАЛАКАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: *мазкур мақолада миллий малакалар рамкаси таҳлили асосида лойиҳа менежерига қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган, ўтказилган тажриба натижалари асосида муҳим малакалар ва компетенциялар белгиланган. Шунингдек, мазкур касбга оид малакалар рўйхатини тузиш бўйича таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *лойиҳа, малакалар рамкаси, компетенция, лойиҳа менежери, ёндашув, таълимнинг халқаро стандартлаштирилган таснифи, Европа малакалар рамкаси, билим, маҳорат, кўникма, баҳолаш, расмий тан олиш, бозор талаби, кадрлар тайёрлаш тизими, инновация, касбий малака, малака даражалари, шахсий компетенциялар, касбий компетенциялар, касб вазифалари, мустақил ижро интизоми, ўқув дастури.*

Основные подходы к разработке профессиональных навыков менеджера проекта

Зебо Исакова,
самостоятельный исследователь Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье анализируются требования к менеджеру проекта на основе анализа национальной структуры квалификаций и определяются важные навыки и компетенции на основе результатов эксперимента. Также имеются предложения по составлению списка навыков по профессии.*

Ключевые слова: *проект, квалификационная рамка, компетенция, руководитель проекта, подход, международная стандартизированная классификация образования, европейская структура компетенций, знания, навыки, умения, оценка, формальное признание, рыночный спрос, система обучения, инновации, профессиональные навыки, квалификационные уровни, личностные компетенции, профессиональные компетенции, профессиональные обязанности, самостоятельная исполнительская дисциплина, учебная программа.*

Key approaches to developing professional project manager skills

Zebo Isakova,
independent researcher of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article analyzes the requirements for a project manager based on an analysis of the national qualifications framework and identifies important skills and competencies based on the results of the experiment. There are also suggestions for compiling a list of skills by profession.*

Keywords: *project, qualification framework, competence, project manager, approach, international standardized classification of education, European competence framework, knowledge, skills, abilities, assessment, formal recognition, market demand, education system, innovations, professional skills, qualification levels, personal competences, professional competencies, professional duties, independent performing discipline, curriculum.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Беруний-лар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак"лигини таъкидлаб, бунда илм-фан ва инновацияларни тараққий эттиришга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Президент томонидан белгилаб берилган йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, профессионал таълим дастурлари сифатини ошириш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этган ҳолда таълим тизини ислоҳ этишни талаб этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябридаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сонли Фармони айнан юқоридаги вазифалар ечимига қаратилган бўлиб, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш билан бир қаторда, профессионал таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштиришга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Чунки айнан мана шундай ёндашув малака тизимига мослашган шаклни вужудга келтиради ва меҳнат бозори шароитлари, иш берувчи талаблари каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги жараёнларга тез ва динамик тарзда жавоб қайтаришга имкон яратади (1-расм).

Юқоридаги шаклдан кўриниб турибдики, кадрлар тайёрлаш тизими ва замонавий жаҳон иқтисодиёти даражаси ўртасида боғлиқлик бўлиб, бу янгиланган иқтисодиёт талабларига мос келадиган мутахассислар тайёрлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 15 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги 287-сонли қарори республикамизда касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этишда муҳим вазифани бажаради.



1-расм. Малака тизимига мослашган шакл

Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкасида саккизта малака даражаси, шунингдек, мос малака даражаларига эришишнинг асосий йўллари тавсифлаб берилган. Ушбу ҳужжатда ҳар бир малака даражаси бўйича касб фаолиятини амалга ошириш учун талаб қилинадиган билимлар, маҳорат ва кўникма, шахсий ва касбий компетенциялар, шунингдек, тегишли малака даражасини эгаллаш йўллари қуйидагича белгиланган [1]:

1-малака даражасига эришиш йўли сифатида амалий тажриба ва/ёки иш жойида қисқа муддатли ўқув (йўриқнома) ва/ёки камида бошланғич маълумот даражасидаги таълим бўйича қисқа муддатли курслар кўрсатилган бўлса, 8-даражага: олий таълим, амалий тажриба ва/ёки олий таълимдан кейинги таълим, амалий тажриба орқали эришиш мумкинлиги қайд этилган.

1-жадвал

Миллий малакалар рамкасининг тузилиши

Билимлар	Маҳорат ва кўникмалар	Компетенциялар	Малакани эгаллаш йўллари
а) Фойдаланилаётган ахборотнинг ҳажми ва мураккаблиги; б) билимларнинг инновациявийлиги; в) назарий ва амалий билимлар нисбати.	а) Касб вазифаларини бажаришнинг вариантлилиги, вазифаларни ҳал қилиш вариантларини танлаш зарурати ва унинг йўлларини ишлаб чиқиш; б) иш ҳолатининг ноаниқлиги ва унинг ривожланишини олдиндан аниқлаш имкони йўқлиги.	а) Раҳбарлик остидаги фаолият; б) мустақил ижро интизоми; в) раҳбарлик фаолияти; г) фаолият кўлами – ваколат ва масъулиятнинг кенглиги, касбий фаолиятдаги мумкин бўлган хатонинг оқибатлари.	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган таълим даражалари билан ифодаланади.

Шуни қайд этиш жоизки, "касбий малака" атамасининг универсал таърифи мавжуд эмас. "Малака" атамаси турли мамлакатларда ҳар хил маъноларни англатади, шунингдек, унинг сифат хусусияти - "касбий" ёки "профессионал" атамаси турли тилларда турлича ифодаланади.

Ушбу тадқиқотимизда биз малакалар ҳақида фикр юритганимизда иккита расмий таърифга, яъни Таълимнинг халқаро стандартлаштирилган таснифи (МСКО-0 2013 – Международная стандартная классификация образования) ва Европа малакалар рамкаси (EQF – European Qualifications Framework) доирасидаги таърифларга амал қилдик.

МСКО-0 2013 малакаларни ўқув дастурини самарали ўзлаштириш билан боғлайди [2-5]. Мазкур ҳужжатдаги таърифга кўра, малака қуйидаги йўллар билан олиниши мумкин:

1. Бутун ўқув дастурини муваффақиятли якунлаш.

2. Таълим дастурининг маълум бир босқичини муваффақиятли якунлаш (ўрта малака).

3. Бундай ўқув дастурларида иштирок этишидан қатъи назар, олинган билим, кўникма ва малакаларнинг расмий тан олиниши.

Охирги банд МСКО-0 2013да янги бўлиб, бир неча йил олдин "муваффақиятли якунлаш" одатда таълим олувчининг таълимни тугатганини ва малакага эга бўлиш учун зарур бўлган ўқув материалини ўзлаштирганини билдирар эди. Ушбу ҳолат ўзгармоқда. Дунёнинг кўп жойларида таълим олувчининг малака ва кўникмаларни қандай эгаллагани эмас, балки малакалар жамланмасига эга эканлигини исботлаши муҳим ҳисобланади. Бошқача айтадиган бўлсак: малакалар кесимидаги эътибор ўргатилган материални эмас, балки ўзлаштирилган материални баҳолашга қаратилди.

Европа малакалар рамкасида (EMP) малакалар ўзига хос равишда таърифланади. Малака "Баҳолаш ва расмий тан олиш тартиб-қоидаларининг расмий натижаси бўлиб, ваколатли орган томонидан маълум стандартларга мувофиқ шахснинг таълим натижаларига эришганлиги тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда берилади" [3-3].

Таъкидлаш жоизки, компетенциялар малакалар рамкасининг асосий элементини ташкил қилади. Шу ўринда ҳозирда долзарб бўлган лойиҳалар бошқаруви соҳасидаги компетенцияларнинг бугунги кундаги ҳолати билан таништириб ўтсак.

2020-2021 йиллар мобайнида давлат хизмати соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимидан фойдаланиш ва унинг аҳамиятини ўрганиш мақсадида 4 маротаба сўровномалар ташкил этилди. Ўтказилган сўровномада 1500 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Иштирокчилар 9 та соҳавий йўналишлардан бўлиб, улар орасида энг катта қисмни ҳокимият вакиллари (23 %), улардан сўнг эса Давлат хизматлари агентлиги ва Саноат йўналиши вакиллари (14 %) эгаллади (2-расм).



2-расм.
Сўровномада иштирок этган респондентларнинг соҳалар бўйича бўлиниши

2019-2020 йиллар мобайнида давлат хизмати соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимидан фойдаланиш ва унинг аҳамиятини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровнома натижаларидан кўриш мумкинки, лойиҳа бошқарувида зарур бўлган малака ва компетенцияларнинг сўровнома иштирокчилари учун муҳимлик даражасини (1 та унча муҳим эмас, 10 та ўта муҳим) белгилаш сўралганда, иштирокчилар "жуда муҳим" деб белгилаган 3 таликка Ақлий мулкни ҳимоялаш (8,1 балл), янги маҳсулотни сотиш (7,5 балл) ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш (6,7 балл) билан боғлиқ малака ва компетенциялар киритилган. Энг паст кўрсаткич (5,4 балл) янги лойиҳа учун тадқиқот ўтказиш ва мақсадларни белгилашга тегишли бўлиб, иштирокчилар уни ўрта даражадаги муҳимликка эга деб белгилашган.



3-расм.
Муҳим малака ва компетенциялар

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда лойиҳа менежерига (ЛМ) оид касбий малака рамкасини ишлаб чиқишни мазкур малакани шарҳлашдан бошлашни тавсия этамиз.

Малаканинг мақсади – талабгорга кичик ва ўртача даражада мураккаб лойиҳалар учун лойиҳа менежери сифатида самарали ишлашга имкон берадиган қуйидаги малакаларни ривожлантириш:

- лойиҳа доирасида ҳар хил кундалик ва ностандарт вазиятларда умумий назорат остида ишлаш;
- стандарт ва ностандарт бўлган кенг кўламли жараёнлардан самаралисини танлай олиш;
- маҳсулотлар табиати, миқдори ва сифати учун тўлиқ жавобгарлик;
- зарур / имкони борича, гуруҳ натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш;
- лойиҳаларни бошқариш соҳасида қўлланиладиган кенг кўламли таълим ва / ёки техник кўникмаларини намойиш этиш;
- баъзи соҳаларда чуқур билимларни намойиш этган ҳолда лойиҳани бошқариш бўйича кенг билимлар базасини намойиш этиш.

Таъкидлаш жоизки, "лойиҳа менежери" атамаси кенг ва турли мазмунда талқин этилади. Баъзи ташкилотларда лойиҳа менежери аниқ бир лавозим ҳисобланса, бошқаларида эса, бу вақтинчалик тайинлов саналади. Тўлиқ ёки ярим ставкада ишлашидан қатъи назар, "лойиҳа менежери" атамаси бир қатор масъулиятлар билан боғлиқ:

- лойиҳа менежери бюджети аниқ бўлган қурилишларни техник-иқтисодий асослаш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишнинг барча жабҳалари учун жавобгар бўлиши мумкин;
- лойиҳа менежери лойиҳа олди тадқиқотига оид ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгар бўлиши мумкин;
- лойиҳа менежери катта лойиҳа ёки дастурнинг бир қисми бўлган кичик лойиҳа учун жавобгар бўлиши мумкин.

Масъулият доирасидан қатъи назар, компетенцияларнинг бошланғич даражасида лойиҳа менежеридан аниқ бир манфаатдор томонлар учун мақбул бўлган амалий натижаларга эришиш кутилади. Бироқ тобора ортиб бораётган мураккаб шароит қўшимча компетенциялар малакаси ва фикр юритиш қобилиятини талаб қилади.

Миллий малакалар рамкасининг (ММР) 5-малака даражасига эга лойиҳа менежери юқори даражадаги компетенция (6-даражали ММР) ваколатига эга бўлган лойиҳа шароитида кутилган натижаларга эриша олмаслиги мумкин. Шуни эътиборга олган ҳолда, лойиҳаларни бошқариш бўйича глобал стандартлар лойиҳаларни бошқариш мураккаблиги асосида фарқлашга кўмак берувчи ёндашувни аниқлашга хизмат қилди. Мазкур ёндашув ривожланган давлатларда малака ва лойиҳаларни бошқариш стандартларининг спецификацияси учун асос сифатида ишлатилади [4].

ММРнинг 5-малака даражасига эришиш йўли сифатида ўрта (тўлиқ) умумий таъ-

лим ёки бошланғич профессионал таълим ёки ўрта профессионал таълим базасида ўрта махсус профессионал таълим, амалий тажриба ёки олий таълим кўрсатилган [5]. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 5 та малака даражасида ишлайдиган лойиҳа менежери штатдаги менежер вазифасини бажариши ёки маҳсулотни лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда ҳамда лойиҳани бошқариш ишларида иштирок этиши мумкин. Одатда, ташкилот лойиҳа менежерга етказилишидан олдин лойиҳада ишлатилиши керак бўлган кутилган натижалар, қоидалар ва жараёнларни белгилайди. Лойиҳа менежери мижозлар ва манфаатдор томонларни жалб қилиш, лойиҳа фазаларини таҳлил қилиш ва лойиҳани якунлаш масалалари бўйича масъул шахс билан иш олиб бориши мумкин. Шунингдек, ушбу малака даражасидаги шахслар томонидан бошқариладиган лойиҳалар оддийдан ўрта даражадаги мураккабликда бўлиши мумкин. Оддийдан ўрта даражагача мураккаб бўлган лойиҳа қуйидагича таърифланиши мумкин:

- кутилаётган натижалар, лойиҳа фазалари таркиби, ташкилий жараёнлар ва тамойиллар, қонунчилик ва гуруҳ аъзоларига нисбатан юқори даражадаги барқарорлик, ноаниқликларнинг оз миқдори ёки ўзгаришларнинг паст даражаси;

- натижалар ва якуний маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва яратиш билан боғлиқ турли хил усул ёки ёндашувларнинг чекланган тўплами;

- атроф-муҳитга ва / ёки ижтимоий-иқтисодий элементларга паст ва ўртача таъсир;

- ўртача ва паст даражадаги ҳуқуқий таъминот зарурияти;

- лойиҳага таъсир кўрсатувчи ёки манфаатдор томонларнинг ўртача сони;

- жалб қилинган ташкилот ёки ташкилотлар учун паст стратегик аҳамиятга эга, яъни стратегик режаларда мазкур лойиҳа кўрсатилиши шарт эмас;

- лойиҳа маҳсулотининг хусусиятлари тўғрисида келишиб олган манфаатдор томонлар, яъни лойиҳанинг афзалликлари аниқ белгиланган ва келишилган;

- лойиҳада иштирок этувчи оз сонли турли хил ташкилотлар;

- якуний натижани олиш учун лойиҳа ва бошқа ташкилий объектлар орасидаги интерфейсларнинг оз миқдори ва/ёки турфа хиллиги.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, нафақат лойиҳаларнинг мураккаблик даражаси, балки ташкилотнинг ички имкониятлари ҳам лойиҳа менежери малакасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам лойиҳа менежери учун малакалар рўйхати ёки матрицасини тузаётганда, стандарт ёки баъзи шаблонларга эмас, балки лойиҳаларни муваффақиятли якунлаш учун ташкилотингизда қандай ваколатлар кераклигини тушунишга эътибор қаратиш лозим.

Демак, лойиҳа менежерининг малакалар матрицасини тузишда қуйидаги кетма-кетликка амал қилишни тавсия этамиз:

1. Дастлаб, лойиҳа менежери учун зарур бўлган барча билим соҳалар рўйхатини тузиш. Уларни баҳолаш мумкин бўлган даражага қадар деталлаштирилган ҳолда баён қиламиз. Масалан: Бизнес таҳлили > Талабларни йиғиш > Фойдаланувчилар билан суҳбатлар ўтказиш ёки Лойиҳа бошқаруви > Харидларни бошқариш > Пудратчи билан ишлаш > Пудратчи ходимларига вазифаларни белгилаш. Тафсилот кўлами ва қай даражада деталлаштириш – бу матрицани яратаётган томоннинг ихтиёрига боғлиқ. Биз эса, ўз навбатида, матрицани, дастлаб, MindManagerда яратиш ва кейин уни Excelга юклашни тавсия қиламиз, чунки ишлов бериш жараёнида малакалар бир бўлимдан иккинчисига кўп марта "ўтади".

2. Ҳар бир малаканинг ўзлаштириш шкаласини ишлаб чиқамиз, масалан, "Мен умуман билмайман > Шунга оид бирон нарса эшитганман > Фақатгина назарияни биламан > Ишимда фойдаланаман > Қўшнимга ўргата оламан". Ушбу шкаланинг кўлами ва шакли лойиҳа ёки ташкилот эҳтиёжларига боғлиқ бўлади.

3. Ҳар бир малака учун лойиҳа менежеридан кутиладиган ва у учун керакли даражани қўямиз. Масалан, пудратчи ходимлар учун вазифаларни белгилашда идеал лойиҳа менежери "Мен қўшнимга ўргата

оламан" малака даражасига эга бўлиши лозим. Лекин фойдаланувчи билан интервью ўтказиш учун "Ишда фойдаланаман" ёки "Фақатгина назарияни биламан" малакаларининг ўзи етарли ҳисобланади.

4. Агар лойиҳа учун ходимлар аллақачон ишга олинган бўлса, унда ҳар бир ЛМ учун унинг ҳозирги малака даражасини белгилаймиз ва ЛМга керакли малакалар ва компетенциялар билан таққослаймиз. Агар улар ўртасида мос келмаганлари мавжуд бўлса, биз ушбу бўшлиқни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузамиз. Албатта, бир вақтнинг ўзида фақатгина бир босқични қисқартириш мумкин, яъни инсон тўсатдан бир ой ичида "Шунга оид бирон нарса эшитганман" босқичидан "Қўшнимга ўргата оламан" босқичига ўта олмайди. Агар ҳали ходимлар ёлланмаган бўлса, мазкур усулдан иш тавсифи ва ходимлар малакасига талабларни ёзишда фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳа мақсади ва ташкилот талабларидан келиб чиққан ҳолда малакага эга бўлган талабгорлар лойиҳа менежменти гуруҳларида ишлаши ёки мазкур гуруҳлар билан ҳамкорлик қилиши, ёки ўз бизнесларига лойиҳа асосида ёндашиши мумкин. Ушбу лойиҳалар техник лойиҳалар, бизнес лойиҳалар, давлат сектори лойиҳалари ёки жамиятни ривожлантириш лойиҳалари бўлиши ва иқтисодиётнинг турли соҳаларини қамраб олиши мумкин. Ушбу малака ўз бизнесини юритадиган талабгорлар учун ҳам муҳимдир, чунки лойиҳа менежменти ҳар қандай бизнес тизимининг ажралмас қисми саналади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги 287-сонли қарори. https://lex.uz/docs/4814154

2. Области образования и профессиональной подготовки 2013 (МСКО-О 2013) - Институт статистики ЮНЕСКО, Канада: 2014. – 23 с.

3. The European Qualifications Framework: supporting learning, work and cross-border mobility. – European Union, 2018 – 32 с.

4. Binder J. The global project management framework: communication, collaboration, and management across borders. Paper presented at PMI® Global Congress 2009-EMEA, Amsterdam, North Holland, The Netherlands. Newtown Square, PA: Project Management Institute. https://www.researchgate.net/publication/230663211_The_Global_Project_Management_Framework_Communication_Collaboration_and_Management_Across_Borders

5. Overview of national qualifications framework developments in Europe 2020. https://www.cedefop.europa.eu/files/8611_en.pdf

Dilfuza RAKHIMOVA,
DSc (in Economics), professor,
Head of the Management Theory and Practice department at the
Academy of Public Administrationunder the President
of the Republic of Uzbekistan,
Akbarjon IMINOV,
independent researcher of the Academy of
Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

REFLECTION OF THE COMPONENTS OF THE SAFE CITY PROJECT IN IMPROVING THE SOCIO-ECONOMIC SPHERE

Abstract: *the article studied the concept socio-economic forecasting is the process of developing economic and social forecasts based on scientific methods of understanding economic and social phenomena and using the entire set of methods, methods and means of economic forecasting. This article discusses the issues of socio-economic forecasting of the "Safe City" component of the project to reduce the accident rate index and improve the economic situation in the country. The recommendations of the World Bank and other major world sources of investment are considered. The criterion of "ensuring public safety" in the accepting country plays a very important role. This factor has an impact on increasing the investment attractiveness of the Republic of Uzbekistan by improving its investment climate.*

Keywords: *social and economic state, Safe City project, forecast, traffic accident, indices, economic forecasting, analysis, statistics.*

Отражение составляющих проекта "Безопасный город" в улучшении социально-экономической сферы

Дилфуза Рахимова,
доктор экономических наук, профессор,
зав. кафедрой "Теория и практика менеджмента" Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан,
Акбаржон Иминов,
соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье изучено понятие социально-экономического прогнозирования- это процесс разработки экономических и социальных прогнозов, основанный на научных методах понимания экономических и социальных явлений и использующий всю совокупность методов и средств экономического прогнозирования. В данной статье рассмотрены вопросы социально-экономического прогнозирования компонента "Безопасный город" – проекта по снижению индекса аварийности и улучшению экономической ситуации в стране.Рассмотрены рекомендации Всемирного банка и других крупных мировых источников инвестиций.Очень важную роль играет критерий "обеспечения общественной безопасности" в стране-акцептанте. Этот фактор влияет на повышение инвестиционной привлекательности Республики Узбекистан за счет улучшения ее инвестиционного климата.*

Ключевые слова: *социально-экономическое состояние, проект "Безопасный город", прогноз, дорожно-транспортное происшествие, показатели, экономическое прогнозирование, анализ, статистика.*

Ижтимоий-иқтисодий соҳани такомиллаштиришда "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси компонентларининг акс этиши

Дилфуза Рахимова,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
"Менежмент назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси,
Акбаржон Иминов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *мақолада "ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш" тушунчаси ўрганилган – бу иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларни тушунишнинг илмий усулларига асосланган ҳамда иқтисодий прогнозлашнинг барча усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий прогнозларни ишлаб чиқиш жараёнидир. Ушбу мақолада бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичини камайтириш ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятни яхшилаш лойиҳасининг "Хавфсиз шаҳар" компонентини ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш масалалари муҳокама қилинган, шунингдек, Жаҳон банки ва бошқа йирик жаҳон инвестиция манбаларининг тавсиялари кўриб чиқилган. Қабул қилувчи давлатда "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш" мезони муҳим роль ўйнайди. Бу омил Ўзбекистон Республикасининг инвестицион муҳитини яхшилаш орқали унинг инвестицион жозибадорлигини оширишга таъсир қилади.*

Калит сўзлар: *ижтимоий-иқтисодий ҳолат, "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси, башорат, йўл-транспорт ҳодисаси, кўрсаткичлар, иқтисодий башорат, таҳлил, статистика.*

Literature review. Aspects of the fact that management is too complex a process for one person to handle are revealed in the work of Adizes I.K. [4]. Global trends in personnel training were studied by Rakhimova D.N. [5]. The concept of "project management" is considered by the scientist Haughey D. [6]. Issues related to the functional tasks of the agro-industrial complex "Safe City" and the organization of interdepartmental interaction are considered by Petrov V.V., Korobkin V.V., Sivenkov A.B. in the book "Integrated security systems of a modern city" [7].

Characteristics of the research methods used. The theoretical basis of the dissertation work was the works, books and initiatives of the President of the Republic of Uzbekistan Mirziyoyev Sh.M., educational and methodological and scientific literature of domestic and foreign authors in the field of strategic management and scientific works on project management.

The empirical basis of the study was internal documents of the Ministry for the Development of Information Technologies and Communications of the Republic of Uzbekistan, data from the Traffic Safety Service of the Department of Public Security of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, texts of interviews with specialists, as well as expert opinions of the international consultant of the Center for the Creation of the Safe City system of PricewaterhouseCoopers Consulting LLC. In the course of solving the tasks, such research methods as analysis and synthesis, observation, document analysis, survey, methods of comparison and generalization, expert interview, situational analysis were used. The research is based on the experience of developed countries in the field of public safety.

Introduction. At the moment, one of the strategic priorities of the Republic of Uzbekistan in the field of ensuring sustainable socio-economic development is the issue of creating an attractive investment environment. In turn, this will set the task of assessing the economic efficiency of management in project management. According to the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022-2026- the active attraction of foreign investment in economic sectors and regions of the country by improving the investment climate is one of the priorities. The implementation of this task requires appropriate analyses in certain sectors of the economy and the formation of socio-economic forecasts.

In turn, the implementation of the "Safe City" project will raise the level of work to ensure public safety, thereby forming a new image of law enforcement agencies and orienting their activities to effectively protect the interests, honor and dignity, rights and freedoms of the people. Because digitalization of the functions of law enforcement agencies will minimize the human factor when working with the population. Thus, it will be possible to turn the internal affairs bodies into a people's professional structure as a reliable defender of the people, as well as to focus them on targeted work with the population.

The formed new image of public safety with the successful implementation of the "Safe City" project will strengthen control over operational search and investigative activities. Also, the smart analysis of video data in the Situation Center will provide an opportunity for public authorities to make appropriate

proposals to the government in the field of implementing effective mechanisms for the effective protection of honor, dignity and freedoms of citizens.

The Situation Center being created will serve to radically reform the system of accounting for reports of crimes in law enforcement agencies through the use of modern methods to prevent cases of concealment of crimes.

The legal consolidation of the above actions by the New Uzbekistan Development Strategy for 2022-2026 will eliminate unexpected bureaucratic obstacles that may arise during the implementation of the components of the Safe City project.

As we know, some components of the Safe City project provide for the introduction of the Internet of Things (IoT) in various objects, ranging from socio-strategic, ending with residential buildings of citizens.

Undoubtedly, this will also significantly affect the reduction of electricity consumption by the subsystems of the Safe City project, the production of which leads to air pollution. And the introduction of technological solutions Internet of Things (IoT) will significantly improve the sphere of housing and communal services by creating a special platform that provides:

automation of the process of taking meter readings with their subsequent transfer to the appropriate authorities;

systems for transmitting information to the user's devices about the state of the power supply at home;

systems of special services and personal accounts for monitoring the quality of public services;

information systems, implementation of smart meters ("smart metering devices") to ensure data exchange between consumers of utility resources and their suppliers;

water supply and sanitation systems by installing electronic sensors and pressure regulators in networks;

automation systems for central dispatch services and online monitoring. In turn, such processes also have a positive impact on the further improvement of the urbanization policy aimed at improving the living conditions of the population in the regions.

Socio-economic analysis. Economic forecasting has as its object the process of concrete expanded reproduction in all its diversity. The subject of economic forecasting is the knowledge of the possible states of functioning economic objects in the future, the study of patterns and ways of developing economic forecasts. Economic forecasting is based on the assumption that the future state of the economy is largely predetermined by its past and present conditions. The future also carries elements of uncertainty. This is due to the presence of not one, but many possible development options [8].

Therefore, at this stage, the subject of economic forecasting is the very process of driving on the highway, and the goal is to reduce the number of accidents, and even more so with a fatal outcome.

To achieve this goal, it is necessary to consider the situation from the point of view of quantitative methods focusing on the collection and analysis of quantitative data. Quantitative methods are used both as part of an inductive approach to identify causal relationships and statistical patterns, and as part of a deductive approach to test theories formed on the basis of empirical research and positivist principles.



Figure 1. The number of deaths as a result of an accident [9]

For example, in March 2015, cameras began recording offenses only at 32 intersections in Tashkent and gradually this number increased to 120 "points" by the end of the year. Thus, the number of deaths as a result of road accidents in 2017 sharply decreased from 3,617 to 2,473. In other words, approximately 200 pieces of video cameras recording offenses at intersections were able to save 1,144 lives. During the reporting period, the Road security component of the Safe City project became the main reason for a 33 % reduction in road deaths.

According to the indices of the diagram shown in Figure 3 by the expansion of the

Safe City project, the death rate on the roads is gradually decreasing, but a slight increase is observed in 2020 and increases sharply by 2021. Naturally, one of the main reasons for this phenomenon is the constantly increasing number of vehicles on the roads of the Republic of Uzbekistan.



Figure 2. Number of passenger cars owned by individuals [10]

According to these data, the growth of passenger cars owned by individuals alone during the reporting period amounted to 1,077,552. Significant growth is observed in 2020-2021, similar indicators are indicated in Figure 3, which leads to an obvious conclusion: the more vehicles on the roads, the greater the risk of an accident. However, the fact that the overall increase in the number of vehicles is 154.6 %, and the death rate on the roads is still decreasing leads to the conclusion that the project "Safe City" is fully justified.

As for forecasts, as of May 13, 2022, a total of 1,469 road accidents were registered, 204 of them involving children and 39 fatal. Considering that 31.2 % of the total permanent population in the country are children younger than working age, it can be assumed that during this period the number of deaths on the roads was approximately 125. This algorithm states that by the end of the year, the number of deaths on the roads may vary about 300-450.



Figure 3. Projected number of deaths as a result of road accidents

In addition, the State is taking a number of measures to reduce the number of deaths and road accidents in general. For example, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for the further development of the public transport system of the city of Tashkent" provides for the tasks of increasing the share of public transport in the total volume of passenger traffic from the current 21 % to 43 %, as well as reducing the average interval of public transport by 2 times. In general, these indicators are shown in the following order in the forecast.



Figure 4. General forecast parameters of investment development

From an economic point of view, 245.0 trillion was disbursed in January-December 2021. the sum of investments in fixed assets, of which 61.9 %, or 151.5 trillion. sum, financed by borrowed funds, the remaining 38.1 %, or 93.5 trillion. sum, - at the expense of own funds of enterprises and the population. And in January-March 2022, 50.1 trillion was mastered. the sum of investments in fixed assets, which is 26.6 % more than the indicator of the corresponding period of 2021. Investments accounted for 30.8 % of gross domestic product. Although indirectly, this indicator is related to the rest.

In recent years, large-scale organizational and practical work has been carried out in the country in the field of improving the road safety system.

At the same time, despite the measures taken, the number of road accidents that led to death remains at a high level, shows the need for a radical reform of the system of ensuring safety on highways.

In particular, it is necessary to bring the road infrastructure in full compliance with modern requirements for ensuring safe traffic, the introduction of an effective system aimed at early prevention of offenses in this area, as

well as the widespread introduction of digital technologies that exclude the human factor.

At this stage, it is necessary to pay special attention to the following topical areas:

improving the infrastructure of highways and improving their quality, creating reliable conditions for the safe movement of road users based on the principle of priority "pedestrian - public transport - bicycle transport - motor transport";

raising to a qualitatively new level of the educational process of training, retraining of drivers, improving their qualifications with the introduction of innovative pedagogical technologies into the system;

improving the culture of compliance with traffic rules by drivers and pedestrians, ensuring the inevitability of punishment for any offense;

the organization of instilling the basics of the rules of the road from childhood, the introduction of this practice in organizations of preschool education and secondary schools;

complete digitalization of traffic management, the use of new management and control systems with the introduction of advanced information and communication technologies.

Conclusion. In other words, in the recommendations of the World Bank and other major sources of global investment, the criterion of "ensuring public safety" in the acceptor's country plays a very important role. This factor states that reducing the death rate on the roads, although indirectly improving, affects the increase in the investment attractiveness of the Republic of Uzbekistan by improving its investment climate.

The above economic calculations show that due to the influence of the criteria "ensuring public safety" and other positive factors of the "Safe City" project, the volume of attracted investments will significantly increase, which, consequently, will increase the volume of development of investments in fixed assets by an average of 24 %. According to the parameters indicated in Figure 6, if by the end of 2021, 151.5 trillion was mastered. the sum of investments in fixed assets, which are financed by borrowed funds, then by 2025 this index will increase by approximately 382.1 trillion. sum, i.e. 1.5 times more.

In addition, the creation of a single complex "Safe City" for government departments and other organizations responsible for ensuring the safety of life, as well as the centralization of functions for its creation, development and operation in the Center for Assistance in Ensuring Public Order "Safe City" can reduce ICT costs by 25 %. The effect of cost reduction is achieved due to the following factors:

- Centralization of functions for the development and implementation of necessary information systems, as well as their operation and support;
- Reduction of integration costs through standardization and unification;
- Consolidation of infrastructure in a single data center;
- Centralization of purchases for products and services for the "Safe City" Complex.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. UP-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026", web source: https://lex.uz/ru/docs/5841077

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-60 dated January 28, 2022, web source: https://lex.uz/ru/docs/5841077

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. − PP.190 dated April 4, 2022, web source: https://lex.uz/en/docs/5937577

4. Adizes I. "The Ideal Leader − why they can't be and what follows from it", Alpina Business Books, Moscow 2007, 91 pages.

5. Khusanov O.T., Rakhimova D.N. information and analytical reference on the topic "System of training and retraining of specialists (managerial personnel) in the field of public administration: national and foreign experience" 3 pages.

6. Haughey D. A brief history of project management // Projectsmart, web-source: http://www.projectsmart.co.uk/brief-history-of-project-management.html

7. Petrov V.V., Korobkin V.V., Sivenkov A.B. in the book "Integrated security systems of a modern city", Southern Federal University, 2013.

8. Antokhina Yu.A., Kolesnikov A.M., Medvedeva S.N. "Socio-economic forecasting"

Educational and methodological manual, St. Petersburg 2016 web source: https://sev.msu.ru/wp-content/uploads/2020/02/UMP-Socialno-jekonomicheskoe-prognozirovanie.pdf

9. Data from the Traffic Safety Service of the Department of Public Safety of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, "The number of road accidents increased by 43 % over the year, deaths by 24 %," February 17, 2022, web source: https://www.gazeta.uz/ru/2022/02/17/dtp/

10. Data of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan, September 27, 2021, web source: https://www.uzdaily.uz/ru/post/63924

11. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. − PP. 111 dated February 2, 2022 "On additional measures for the further development of the public transport system of the city of Tashkent", web source: https://lex.uz/docs/5847481

12. Internet Media Portal www.nuz.uz "News of Uzbekistan", "Investments in fixed assets of Uzbekistan in January-March 2022" May 11, 2022, web source: https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/1243027-investiczii-v-osnovnoj-kapital-uzbekistana-v-yanvare-marte-2022-goda.html

13. Adizes I. "Managing changes. How to effectively manage changes in society, business and personal life", Mann, "Ivanov and Ferber (MYTH)", 1992.

14. Darrell M. West and Dan Bernstein, "Benefits and Best Practices of Safe City Innovation", Center for Technology Innovation at BROOKINGS, Washington DC, 2018, page 4., web-source: https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2017/10/safe-city-innovation_final.pdf

15. Tatiana Pasatyuk "Adizes methodology in recruitment: PAEI code", information portal "Adizes institute worldwide", Russia, 16.01.2020, web source: https://adizes.me/posts/metodologiya-adizesa-v-podbore-personala-paei-kod/

16. Project Management Institute Inc. A Guide to the Project Management Body of Knowledge // Newtown Square, Pennsylvania, 2008. Vol. 4. − P. 496.

Самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиш асослари / Основы ведения эффективной социально-экономической политики / The basis of effective social and economic policy

Баолонг СУН,
докторант Ташкентского государственного экономического университета (КНР)

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РАЗВИТИЯ СЕМЕЙНОГО ГОСТИНИЧНОГО БИЗНЕСА НА УРОВНЕ МУНИЦИПАЛЬНЫХ ФОРМИРОВАНИЙ УЗБЕКИСТАНА

Поэтому решение теоретических и практических вопросов инвестиционной деятельности требует системного подхода, позволяющего представить объект как сложный социально-экономический фактор. Этот подход считается системой относительных описаний и интерпретаций концепций инвестора и может использоваться для определения инвестиционного потенциала и возможности его использования [14].

Важнейшим элементом инвестиционной деятельности является определение сущности и содержания "инвестиций". Термин "инвестиции" происходит от английского языка ("капитальные вложения").

В настоящее время существуют разные взгляды на природу инвестиций, и эти взгляды различаются по своей сути. Суть инвестиций заключается в том, чтобы извлечь выгоду из различных форм дохода или прибыли. Эта концепция имеет некоторый общий характер [2].

В.Вечканов, Г.Р. Вечканова отметили, что инвестиции – это долгосрочные инвестиции государства или частного капитала, направленные на благо различных секторов экономики как внутри страны, так и за ее пределами. В.Бочаров считает, что инвестиции – это все виды имущества, размещаемые в бизнесе и других видах деятельности и достижение прибыли или социального эффекта за счет интеллектуальной собственности [5].

На практике мы часто рассматриваем концепцию "капиталовложений" как синоним "инвестиций", но это не всегда так. Это оправдано И.А.Бланком. Другими словами, инвестируя капитал для восстановления ключевых активов в форме производства и непроизводства, можно мобилизовать инвестиции для увеличения оборота, разнообразных финансовых инструментов и некоторых видов нематериальных активов. Таким образом, "капитальные вложения" относительно узки и могут рассматриваться как форма "инвестиций" [6].

Инвестиции по Н. Хайдарову определяются как "затраты физических и юридических лиц, осуществляющие предпринимательскую деятельность независимо от формы собственности, или для любого субъекта предпринимательской деятельности, находящейся под их юрисдикцией в соответствии с законом, ради экономической или социальной выгоды государства в финансовом, материальном и интеллектуальном плане" [16].

Мы считаем, что это определение относится к субъектам предпринимательской деятельности с целью ведения бизнеса. Однако инвестиции в сферу общественного сектора, такую как городской пассажирский транспорт, которая является социально значимой, нельзя назвать предпринимательской деятельностью.

Уровень современного экономического развития страны, а также темпы роста инвестиционной активности будут зависеть от инвестиционного климата. Необходимо создать условия для привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику, где иностранные инвестиции могут быть инвестированы в страну, где имеются экономические, политические, социальные и правовые условия.

"Инвестиционный климат" – это абстрактное понятие, определяющее совокупность характеристик экономических, социальных, организационных, правовых, политических и других условий, определяющих целесообразность и привлекательность инвестиционной деятельности.

Понятия "инвестиционная среда" и "инвестиционный климат" используются как синонимы. Некоторые авторы говорят: "инвестиционный климат – это очень широкое понятие, и оно объединяет все вопросы и проблемы, которые рассматриваются инвестором. Инвестор устанавливает наиболее благоприятные и неблагоприятные условия для инвестирования в данную страну с акцентом на идеологию, политику, экономику и культуру страны, которая хочет извлечь выгоду" [17].

Одним из наиболее важных аспектов создания благоприятной инвестиционной среды является правовая база, которая должна защищать и гарантировать имуще-

ственные интересы каждого потенциального инвестора и обеспечивать ясность существующего инвестиционного механизма в стране.

Группа российских ученых описывает инвестиционный климат как степень удобства для потенциальных инвестиций в конкретный регион [3]. Это определяется рядом факторов, которые определяют привлекательность инвестиций для инвесторов пропорционально риску и доходности.

Инвестиционный климат К.Балдиной определяется как сумма рисков, связанных с капиталовложениями, и совокупность политических, экономических, правовых, социальных, природных, инфраструктурных и других факторов, которые позволяют их эффективно использовать [4].

Аналогично определение у А. Грязновой, И. М. Волкова [8]. Это также можно найти в работе М.Грачевой.

С точки зрения "инвестиционной среды" можно сказать, что эти определения можно разделить на две группы сходств и различий. В то время, как некоторые авторы рассматривают инвестиционный климат как совокупность факторов, отражающих развитие системы, другие также влияют на факторы риска для различных структурных элементов системы.

Риски – это вероятность потери суммы, вложенной потенциальным инвестором [12].

Оценка риска имеет решающее значение для любого инвестора, особенно для иностранных инвесторов, поскольку они попадают в среду неопределенности, поэтому подверженность риску может быть явно раскрыта в природе этой категории, что позволяет оценивать инвестиционный климат субъекта.

Таким образом, "инвестиционная среда" – это социальные, финансово-экономические, организационные, правовые, экономические, правовые, регуляторные и другие формы хозяйственной деятельности, определяющие степень риска и целесообразность инвестирования в экономическую систему (страна, регион, отрасль, можно описать как суммы политических, культурных условий).

Таким образом, "инвестиционная привлекательность" является прямым следствием инвестиционного климата. Объясняя определение "инвестиционная привлекательность" в экономической литературе, теоретически и методологически необходимо понимать их сходства и различия.

Инвестиционный климат оценивает общий уровень развития, экономические показатели и факторы риска. Инвестиционная привлекательность характеризуется состоянием объекта, его будущим развитием и перспективами заработка. При оценке инвестиционной привлекательности желательно уделять особое внимание экономическим факторам и факторам риска инвестора, поскольку инвестиционная привлекательность объекта инвестирования может иметь разные значения в зависимости от целей и задач инвестиций [10].

Инвестиционная привлекательность - это множество объективных признаков, инструментов, вспомогательных систем или комбинаций, которые обычно требуют потенциальной платежеспособности для инвестирования в страну, регион, отрасль или предприятие [7].

Е.Р. Орлова оценивает уровень некоммерческих рисков [13], Д. А. Ендовицкий и другие предлагают конкурентную среду [9].

Таким образом, "инвестиционная привлекательность" является субъективным показателем, который определяет взаимосвязь между инвестиционным потенциалом (текущими экономическими условиями, совокупностью факторов) и потенциальным требованием инвестиционной платежеспособности инвестиционных рисков.

В свою очередь, инвестиционная привлекательность является определенной силой, стимулирующей инвестиционную активность любого субъекта.

Резюмируя определение "инвестиционная деятельность", можно сделать вывод, что экономическая категория представляет собой развитие и интенсификацию инвестиционной активности предприятия, которая характеризуется объемом и качеством капитальных вложений. Следует также отметить, что динамика инвестиционной активности зависит от форм и источников финансирования инвестиционной деятельности. Инвестиционные возможности могут быть определены как основные

требования к источникам финансирования, а также для инвестиционной деятельности. Уровень инвестиционной активности тесно связан с развитием инвестиционного потенциала системы, который характеризуется целями капиталовложений и доходов. В то же время, инвестиционная активность определяется способностью предприятия инвестировать в необходимый объем выручки для расширенного производства. В то же время, необходимо учитывать наличие средств и привлеченных средств на долгосрочной основе для повышения устойчивости организации.

Инвестиционный потенциал состоит из набора исходных объективных условий для доступности и разнообразия инвестиционных проектов и областей инвестирования, а также для инвестирования в зависимости от их экономической жизнеспособности. Такая емкость, в основном количественная, с учетом макроэкономических показателей, факторов производства (природных ресурсов, рабочей силы, основных фондов, инфраструктуры и т. д.), потребительского спроса населения и т. д.

Л.А. Сипко и О.А. Беляков описывают инвестиционный потенциал как возможность инвестировать в развитие предприятия путем покупки различных активов и создания дополнительных финансовых потоков [15].

М. Марголина и А.Я. Быстряков рассматривают определенный набор инвестиционных ресурсов, которые могут помочь добиться эффективности синергизма. Авторы утверждают, что целесообразно расширить круг природных, информационных, материальных, финансовых и интеллектуальных ресурсов, учитываемых при формировании инвестиционного потенциала.

Таким образом, категория "инвестиционный потенциал" является одним из совокупных показателей, определяющих конечный характер "инвестиционной среды", "инвестиционной привлекательности" и "инвестиционной активности".

Подводя итог вышеупомянутым подходам, следует отметить, что некоторые авторы рассматривают инвестиционный потенциал как совокупность ресурсов, доступных предприятию, в то время как другие объясняют потенциальную возможность для инвестиционной деятельности (рисунок 1).



Рисунок 1. Подход к исследованию сущности инвестиционной деятельности предприятий

Таким образом, инвестиционный потенциал представляет собой сочетание рационального и эффективного управления предприятием и инвестиционных возможностей, которые позволяют ему удовлетворять материальные, финансовые и интеллектуальные потребности всех имеющихся экономических ресурсов (как собственных, так и заемных).

Инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность и инвестиционная активность любого предприятия тесно связаны с их инвестиционным потенциалом. Чем выше инвестиционный потенциал, тем экономичнее инвестиционный климат. Эта система привлекательна для инвестора, что увеличивает интенсивность инвестиционной деятельности, характеризующей инвестиционную активность предприятия.

Из этого можно сделать вывод, что проведение рациональной инвестиционной политики предполагает управление инвестиционными параметрами экономического развития, одним из важнейших из которых является инвестиционный потенциал.

Следует отметить, что инвестиционный потенциал субъекта хозяйствования характеризуется:

- инвестиционный потенциал может быть определен как потенциальный актив для инвестиционной деятельности предприятия, с одной стороны, в контексте дуалистического подхода, с другой стороны, доступные ресурсы предприятия;

- инвестиционный климат и инвестиционная привлекательность каждого предприятия во многом зависят от стоимости их инвестиционного потенциала. Чем больше инвестиционный потенциал, тем комфортнее инвестиционный климат в системе управления, тем привлекательнее инвестировать для инвестора;

- размер инвестиционного потенциала хозяйствующего субъекта зависит от наличия доступных ресурсов. Тем не менее, уровень использования ресурсов влияет на уровень наращивания потенциала, рациональное и эффективное управление ресурсами значительно увеличивает значение конечного показателя;

- инвестиционный потенциал каждого отдельного хозяйствующего субъекта специфичен. Поскольку для различных объектов инвестирования определенный фактор может оказывать различное влияние, поэтому необходимо оценить значение окончательного индекса каждого отдельного предприятия для оценки каждой такой категории инвестиций.

Большая часть инвестиций осуществляется за счет инвестиционных проектов для достижения определенной цели. С этой точки зрения важно дать характеристику определению инвестиционного проекта. Инвестиционный проект - это комплекс взаимосвязанных и скоординированных организационных, технических и инвестиционных мероприятий, ограниченных ресурсов и достижения целей в течение длительного времени.

В.А. Колтынук описывает инвестиционный проект как план капитальных вложений для будущей прибыли [11].

По словам Н.Р. Чипига и М.А. Немчаниновой, инвестиционный проект -это комплекс мер, которые четко планируются и реализуются за счет средств, выделяемых экономике, для достижения положительных результатов [18].

По нашему мнению, инвестиционное проектирование – это сфера знаний об инвестиционных проектах и практике инвестиционных проектов, а анализ проектов выполняет функцию минимизации риска прогнозирования или оценки. Поэтому инвестиционное проектирование представляет собой проектную технико-экономическую, финансово-экономическую оценку инвестиционных проектов, а также планирование их эффективности.

Предлагаемая структура инвестиционного проекта включает в себя два метода оценки инвестиционных проектов: систематизация инвестиционных проектов; технико-экономическая оценка, включая технический, коммерческий, институциональный, социальный и экологический анализ инвестиционного проекта. Содержание этих видов анализа приведены в таблице 1.

Особенности глубокого изучения инвестиционно-экономической оценки инвестиционного проекта дали возможность сделать выводы о том, что необходимо больше уделять внимание к вопросам финансового и экономического анализа. Поэтому желательно их подчеркнуть.

Необходимость в финансовом анализе обусловлена следующими основными причинами:

- только финансовые оценки обеспечивают реальную возможность накапливать доходы и расходы проекта в форме стоимости и выбирать наиболее эффективный ва-

Таблица 1

Структура видов инвестиционно-экономической оценки инвестиционного проекта**

Виды анализа	Функциональная сущность анализа	Структура анализа
1	2	3
Технический анализ и техническая экспертиза проекта	Определение технической осуществимости проекта	Определение масштаба и сроков реализации проекта, выбор технологического процесса, выполнение инженерных мероприятий, график реализации проекта, оценка затрат, определение их соответствия стандартам и нормам, поддержание технической инфраструктуры и эксплуатации оборудования.
Коммерческий анализ	Определение спроса на продукции проекта и поддержку проекта	Оценка окончательных рыночных ожиданий для товаров или услуг, предоставляемых проектом. Оценка мер по обеспечению реализации проекта и ресурсов, необходимых для производства.
Институцио-нальный анализ	Разработка рекомендаций по организационной, правовой, политической и административной оценке реализации проекта и наращиванию потенциала проектных организаций	Определение и описание институциональных механизмов (организаций, законов, нормативных актов и политических факторов) в реализуемом проекте. Оценка сильных и слабых сторон организаций, вовлеченных в проект, в материальных и человеческих ресурсах, технических навыках, организационной структуре, управленческом и административном потенциале и финансовом состоянии. Предоставление предложений технической помощи, которые могут помочь в разработке предлагаемых организационных изменений и графиков.
Социальный анализ	В контексте «целевой» группы населения, выявление предложенных вариантов, т. е. удовлетворение интересов конкретных социальных групп	Социокультурные и демографические характеристики проекта, его количественные характеристики и социальная структура, включая этническую принадлежность, национальность и возраст. Определение формы самоорганизации производства (наличие рабочей силы, владение землей, распределение ресурсов и регулирование) на территории проекта. Интерес к проекту местных жителей и исполнителей проекта, их постоянное участие на всех этапах проекта.
Экологический анализ и экологическая экспертиза	Определение воздействия проекта на окружающую среду и определение ценности мер по смягчению воздействия на окружающую среду	Технико-экономическое обоснование строительства, реконструкции, развития, технического переоснащения и ликвидности предприятий, сооружений, зданий независимо от стоимости и имущества, а также государственной экологической экспертизы проектов.

Источник: *составлено автором.*

риант из существующих вариантов инвестирования;

- наиболее эффективная схема финансирования конкретного проекта (с учетом существующей системы налогообложения и льгот, источников и условий финансирования) во время такого анализа;

- в процессе подготовки и внедрения первоначальных расчетов для финансового анализа, выявления и экономической эффективности факторов, влияющих на проект, что создает основу для анализа чувствительности;

- на основе разработки стандартных форм внешней финансовой отчетности можно будет прогнозировать будущее финансовое состояние проекта. Это, в свою очередь, отражает роль проекта в создании новых инвестиционных возможностей для развития бизнеса или роста доходов;

- разработка стандартных форм отчетности по проекту позволит провести внешний

аудит процесса реализации проекта, что особенно важно для внешних инвесторов;

- подготовка набора информации для финансового управления текущими управленческими решениями, чтобы уменьшить негативное влияние внутренней и внешней среды проекта, обеспечить внутренний аудит на основе сравнения прогнозируемых и отчетных данных.

Источники и литература

1. Закон Республики Узбекистан, от 25.12.2019 г. № ЗРУ-598 "Об инвестициях и инвестиционной деятельности" https://lex.uz/ru/docs/4664144

2. Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши //"Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил.

3. Андрианов А.Ю. Инвестиции: учеб. для бакалавров / А. Ю. Андрианов, С. В. Валдайцев, П.В. Воробьев. – М.: Проспект, 2013. – 592 с.

4. Балдина К.В. Системный анализ и управление: учеб. пособие / К.В. Балдина. – М.: Дашков и К°, 2006. – 288 с.

5. Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций. – М: Финансы и статистика, 1999. – 144 с.

6. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. Т.2. – К.: Ника-Центр, 1999. – С. 10.

7. Гришина И.В. Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности регионов: методика определения и анализа взаимосвязей / И.В. Гришина, А.Г. Шахназаров, И.И. Ройзман // Инвестиции в России. – 2000. № 4. – С. 13-20.

8. Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь / А.Г. Грязнова. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 1168 с.; Волков И.М. Проектный анализ. Продвинутый курс / И.М. Волков, М.В. Грачева. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 495 с.

9. Ендовицкий Д.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации / Д.А. Ендовицкий, В.А. Бабушкин, Н.А. Батурина. – М.: Кнорус, 2010. – 376 с.

10. Корчагин Ю.А. Инвестиции и инвестиционный анализ: учеб.пособие / Ю. А. Корчагин, И.П. Маличенко. – Ростов н/Д.: Феникс, 2010. – 601 с.

11. Колтынюк Б.А. Инвестиции. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2003. – 848 с.

12. Новикова И.Ю. Инвестиционный потенциал хозяйствующего субъекта в системе основных категорий инвестиций// Baikal Research Journal 2016. Т. 7, № 5.

13. Орлова Е.Р. Инвестиции: курс лекций / Е.Р. Орлова. – М.: Омега-Л, 2006. – 207 с.

14. Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса. Автореферат дисс. на соискание ученой степени док.экон. наук, – М.: МАДИ, 1990. – 39 с.

15. Сипко Л.А. Инвестиционный потенциал: методология статистической оценки / Л.А. Сипко, О.А. Беляков. - Новосибирск: СибУПК, 2004. – 83 с.

16. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестициявий фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2003. – 12 б.

17. Ғозибеков Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Молия нашриёти, 2003. – 332 б.

18. Чипига Н.П., Немчанинова М.А. Экономика инвестиций. Учебное пособие. – Хабаровск: ДВГУПС, 2005. – 100 с.

19. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. – Т.: Янги авлод, 2013 й. – 202 б.

Иброҳимжон ФОЗИЛЖОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Аннотация: *ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилиш усуллари ва уларнинг бир-биридан фарқланиши, пул оқимларини прогноз қилиш бўйича олимларнинг назарий қарашлари ҳамда пул оқимлари билан боғлиқ бўлган қарашлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилишга таъсир қилувчи омиллар таъсири даражаси ҳам ўрганилган.*

Калит сўзлар: *пул оқимлари, кредиторлик қарз, дебиторлик қарз, товар-моддий захиралари, амортизация, операцион харажатлар.*

Теория и практика прогнозирования денежных потоков

Иброхимжон Фозилжонов,
самостоятельный исследователь Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: *в данной статье описаны методы прогнозирования денежных потоков акционерных обществ и чем они отличаются друг от друга, анализируются теоретические взгляды ученых-прогнозистов денежных потоков и взгляды, связанные с денежными потоками. При этом также изучался уровень влияния факторов, влияющих на прогнозирование денежных потоков акционерных обществ.*

Ключевые слова: *денежные потоки, кредиторская задолженность, дебиторская задолженность, запасы, амортизация и операционные расходы.*

Theory and practice of cash flow forecasting

Ibrahimjon Faziljonov,
Independent researcher of Tashkent State University of Economics

Abstract: *this article indicates the methods of forecasting the cash flows of joint stock companies and its difference from each other. In addition, theoretical views of cash flow forecasting scientists and views related to cash flows are analyzed. At the same time, the degree of influence of factors influencing the forecasting of cash flows of joint stock companies was also studied.*

Keywords: *cash flows, accounts payable, accounts receivable, inventory, depreciation, and operating expenses.*

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилишда замонавий усуллар кенг қўлланилмоқда. Бизнесни юритишда, асосан, пул оқимлари кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни прогноз қилиш асосий элементлардан бири ҳисобланади. Пул оқимлари прогнозини амалга оширишда акциядорлик жамиятларида бир нечта кўрсаткичларни инобатга олиш лозим бўлади. Хусусан, акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимлари прогнозини чегирмавий пул оқимларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Умуман олганда, тадқиқотчилар ва таҳлилчилар акциядорлик жамиятларидан кутилаётган пул оқимларини ва келажакда даромад келтирувчи активларининг жорий қийматини ҳисоблаш орқали пул оқимлари прогнозини амалга оширмоқдалар. Жумладан, амалиётда акциядорлик жамиятларида инвестицион лойиҳалари пул оқимларини ҳисоблаш учун дисконтланган пул оқимлари усулидан кенг фойдаланилади. Дисконтланган пул оқимлари усулида инвестицион лойиҳа пул оқимини прогноз қилишда риск даражасини акс эттирувчи ставка ҳисобланиб, акциядорлик жамиятларининг келажакдаги пул оқимлари жорий қийматида акс эттирилади.

Шунингдек, бугунги кунда амалиётда дисконтланган пул оқимларидан акциядорлик жамиятлари қийматини баҳолаш ва капиталдаги пул оқимларини прогноз қилишда энг асосий восита сифатида фойдаланмоқдалар. Дисконтланган пул оқимлари усули замонавий корпоратив молия инструменти бўлиб, шу боисдан ушбу усулнинг қандай ишлаши ва унинг чекловлари ҳамда оқибатларини тўлиқ тушуниш жуда муҳим ҳисобланади. Дисконтланган пул оқими усули пул оқимларини прогноз қилишда энг муҳим восита бўлиб, у нафақат акциядорлик жамиятларини баҳолаш, балки бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш ва бошқа молиявий активларни баҳолашда ҳам қўлланилади. Замонавий молия соҳасида мазкур усулдан бутун дунёдаги инвестицион банклар, инвестицион маслаҳатчилар ва молиявий менежерлар кенг фойдаланмоқдалар, ҳаттоки дисконтланган пул оқимлари усулини "корпоратив капитални бюджетлаштириш тизимларининг юраги" деб ҳам аташади [1].

Акциядорлик жамиятлари пул оқимларини прогноз қилиш ёрдамида акциядорлик жамиятлари пул оқимларининг кирими ва чиқимининг умумий ҳисоби инобатга олинади. Жумладан, унинг афзаллиги шундаки, акциядорлик жамияти фаолиятига қилинган харажатларнинг қачон қопланиши ва нақд пулга бўлган эҳтиёжларни қоплаш учун кутилмаган қарзларни олишга бўлган эҳтиёж бор ёки йўқлиги ҳолатини кўрсатади. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятлари бизнес фаолияти рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир кўрсаткич бўйича пул оқимларини прогноз қилиш аниқ ва реал бўлиши лозим ҳисобланади. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари кўпинча узоқ йилларни ўз ичига оладиган бизнес режалари пул оқимлари прогнозларини амалга оширадилар. Хусусан, акциядорлик жамиятлари пул оқимлари прогнозини аниқ ҳисоб-китоблар асосида амалга оширмаса, акциядорлик жамиятлари катта молиявий йўқотишларга дуч келади ва бу бизнес имкониятларини йўқотишга олиб келади. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Одейинка ва бошқалар биргаликда амалга оширган тадқиқотида акциядорлик жамиятлари пул оқимларини прогноз қилиш аниқ амалга оширилса, бу жамиятни молиявий режалаштиришни амалга ошириш калити ҳисобланди. Акциядорлик жамиятларида акциядорлар ва инвесторлар учун пул оқимларини прогноз қилиш ва жамият пул оқимларини муваффақиятли бошқариш муҳимдир [2].

Акциядорлик жамиятлари пул оқимлари прогнозини инвесторлар, кредиторлар, ходимлар ва рейтинг агентлар кузатиб боради. Хусусан, инвесторлар жамиятлар пул оқимларини: жамиятнинг қанча дивиденд беришини аниқлаш, капитал қийматини ошириш билан боғлиқ бўлган инвестицияларни амалга ошириш қарорларини қабул қилиш ва капиталга қилинган инвестицияларни қоплаш учун керак бўладиган маблағлар меъёрини аниқлаш мақсадида кузатадилар. Кредиторлар эса, ўзлари бизнес юритаётган акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ тўлов қобилиятига оид қарорлар қабул қилиш, ходимлар иш хавфсизлиги ва улар ишлаётган фирмалар билан боғлиқ доимий риск масалаларидан манфаатдор ҳисобланади. Рейтинг агентлари эса, акциядорлик жамиятлари пул оқимларини таҳлил қилиш орқали жамиятнинг муддати келганда қарзларини тўлаш қобилияти мавжудлигини аниқлаб беради [3].

Жумладан, хорижлик олим Жюриўз тадқиқотида пул оқимларини ишлаб чиқариш мисолида тушунтириб берган. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар инвентаризацияга айлантириладиган хом ашёни сотиб олади. Шунингдек, сотиб олинган хом ашё тугалланмаган ишлаб чиқаришга ва тайёр маҳсулотни шакллантиришга сарф қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи сотилган тайёр маҳсулотдан оладиган пул маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ҳаражатларидан кўпроқ бўлади. Одатда, мазкур жараёнда айрим харажатлар, хусусан, сотиб олиш, ишлаб чиқариш, бинолар ва сотиш харажатларини инобатга олиш лозим ҳисобланади [4].

Акциядорлик жамиятлари нақд пул оқимини прогнозлашнинг мақсади – олдиндан пул оқимлари кирими ва чиқимларини симуляция қилиш ва инвестиция қилиш орқали жамиятнинг нақд пул ҳамда ликвидлик ҳолатини амалга ошириш

ҳисобланади. Пул оқимларини прогноз қилишнинг мақсади акциядорлик жамияти фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар мавжудлигини аниқлаш ва жамиятнинг нақд пул маблағлари максимал даражада ишлатилишига ҳамда қўшимча қарзлар йўқлигига ишонч ҳосил қилишдир. Пул оқимларини прогноз қилишнинг афзаллиги шундаки, пул оқимини муваффақиятли прогноз қилиш акциядорлик жамиятлари капиталининг нархини пасайтиради ва ортиқча пул даромадини оширади [5].

Жумладан, Раджендранинг фикрига кўра, акциядорлик жамияти пул оқимининг прогнозининг аниқ амалга оширилиши жамиятнинг бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-қувватлайди ва рискларни бошқариш имконини беради. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида рискни бошқаришнинг асосий компоненти келажакдаги пул оқимларини башорат қилиш ва уларни самарали бошқариш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятининг молиявий қийматига бевосита таъсир қилади. Акциядорлик жамияти пул оқимини прогнозлаштириш жараёни ва унинг молиявий қарор қабул қилишдаги аҳамияти қуйидаги 1-расмда ўз аксини топган.



1-расм. Пул оқимларини прогнозлаш жараёни

1-расмдан кўриниб турибдики, пул оқимларини прогноз қилиш жараёнининг биринчи босқичида прогноз қилиш учун асосий маълумотлар йиғилади ва акциядорлик жамияти танланади, сўнгра унинг пул оқимлари ҳисоботидаги маълумотлар танланади. Жараённинг иккинчи босқичида эса, пул оқимларига таъсир қилувчи омиллар таъсири ва пул оқимларининг ўзгариши ўрганилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари ҳисоботларининг тўғрилиги текширилади ва баҳоланади. Учинчи босқичда прогноз қилиш билан боғлиқ усуллардан фойдаланиш ва натижада, узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогноз муддатлари танланади. Тўртинчи босқичда эса, молиявий қарорлар қабул қилишда жамиятнинг ликвидлиги, инвестиция имкониятлари ва рискларни бошқариш амалга оширилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари қийматини баҳолаш ҳам бажарилади.

Жумладан, пул оқимларини прогноз қилишда нотўғри маълумотлардан фойдаланилса, пул оқимлари прогноз қилинаётган даврдаги пул оқимлари тўғри амалга оширилмайди. Шунингдек, пул оқимлари прогнозини ҳақиқий рақамлар билан таққослаш ва рақамларни тузатиш акциядорлик жамияти пул оқими прогнозининг яхшиланишига олиб келади [6]. Бундан ташқари, Ражендра ўз тадқиқотида пул оқимини башорат қилишнинг бир неча усуллари мавжудлигини таъкидлайди. Пул оқимларини прогноз қилишнинг иккита классик тури: бевосита ва билвосита тури мавжудлигини кўрсатган. Жумладан, бевосита пул оқимларини прогнозлашда пул маблағларининг маълум вақтларда бизнесга қачон кириб келишини башорат қилади. Бир ойнинг маълум бир куни ёки ҳафтасида тўловлар қачон амалга оширилишини аниқлашга ҳаракат қилади. Мисол учун, ҳисоб-фактура юборилганда эмас, балки тўлов, ҳақиқатда, амалга оширилганда. Прогноз башорат қилинганда, ҳақиқий маълумотларга асосланганлиги сабабли, у, айниқса, қисқа муддатда пул миқдори аниқланишини таъминлайди. Пул оқимларини прогноз қилишнинг бевосита усули барча турдаги операцияларни, шу жумладан, кредит ва нақд пул билан боғлиқ операцияларни, шунингдек, векселлар, счёт-фактуралар ва солиқлар билан ўзаро ҳисобкитобларни ўз ичига олади.

Билвосита пул оқимини прогнозлаш усули бизнесда кенг қўлланилади. Ушбу пул оқимини башорат қилиш учун баланс ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланган ҳолда оддийгина жараён амал-

га оширилади. Мазкур жараён катта ҳажмдаги транзакциялар мавжуд бўлганда қўлланилади. Пул оқимини ҳисоблаш учун керакли маълумотлар танланиб, маълумотлар соф даромад орқали пул оқими аниқлаш ҳисобланади. Баланс маълумотлари ҳисобланган амортизация эскириши, фоизлар ва солиқлардан олдинги даромадларни қўшиш орқали шакллантириладиган операциялар ҳар қандай пул оқимини аниқлаш учун ишлатилади, шунингдек, инвестициялар ва потенциал кредитлардан пул оқимларини прогноз қилиш имкониятини беради. Даромад ва баланс маълумотини олиш бизнеснинг узоқ муддатли ўсишини башорат қилишга ёрдам беради. Пул оқимларини прогноз қилишнинг билвосита ва бевосита усулларини таққослаш қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Пул оқимларини прогноз қилишнинг билвосита ва бевосита усулларини таққослаш

Бевосита усул	Билвосита усул
Пул оқимларини прогнозлашнинг бевосита усули пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш учун фақат нақд пул операциялари, хусусан, сарфланган пул маблағлари ва пул тушумларидан фойдаланилади.	Билвосита усул, одатда, соф даромадни асос сифатида ишлатади ҳамда активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларни қўшади ёки айиради, кейин эса, нақд пулсиз харажатлар қўшилади.
Соф даромадда, одатда, нақд пул ва нақд бўлмаган пул эквиваленти инобатга олинади.	Соф даромад қиймати, автоматик равишда, пул оқимига айланади.
Бевосита пул оқимлари усулида барча омилларни инобатга олмайдиган хусусиятга эга. Хусусан, нақдсиз пул операциялар таъсирини ва амортизация харажатларини ҳисобга олмайди.	Билвосита усулда фаразлардан фойдаланилади ва операцион фаолиятдаги пул оқимларни ҳисоблашда барча умумий омиллар ҳисобга олинади.
Бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот жуда аниқ бўлади, чунки ҳисоботга тузатишлар киритилмайди ва шу боисдан, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун камроқ вақт талаб этилади.	Билвосита пул оқимлари усулини тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки мазкур усул тузатишларни ҳисобга олади ва одатда, пул оқимлари ҳисоботини тайёрлаш учун кўпроқ вақт талаб этади.
Бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерлар орасида камроқ машҳур ва ташкилотлар ҳамда корхоналар томонидан кам қўлланилади.	Билвосита пул оқими тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерлар орасида кўпроқ машҳур бўлиб, ташкилотлар ва корхоналар томонидан кам қўлланилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, бевосита ва билвосита пул оқимлари усули пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тайёрлаш усуллари ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари ҳисобот бериш учун ҳар қандай усулни танлаш имкониятига эга. Хусусан, бу мавжуд вазиятга ва бизнес-ҳисобот стандартлари ва меъёрий талаблар нуқтаи назаридан жавоб бериши керак бўлган мувофиқлик талабларига боғлиқ ҳисобланади. Билвосита пул оқими усулининг машҳурлиги, одатда, у пул оқимларини прогноз қилишнинг аниқлигини таъминлайди, шунинг учун бевосита пул оқимига нисбатан машҳур ҳисобланади.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан, Дешоу, Котари ва Уоттсларнинг тадқиқотида пул оқимини прогноз қилишда жорий фойданинг келажакдаги пул оқимини прогноз қилишга аҳамият бериш кераклиги таъкидланган. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, жорий фойда кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар, дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар, товар-моддий захиралардаги ўзгаришлар, амортизация эскиришларининг ўзгаришларига ва ўз ичига олган бошқа пул маблағлари оқимига тенг ҳисобланади. Шунингдек, ҳисоб-китоблар фақат дебиторлик қарзларидаги ўзгаришларни, товар-моддий захиралардаги ўзгаришлар ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларни ўз ичига олади, бу эса, ўз навбатида, айланма маблағлар ўзгаришига эквивалент бўлиб, бироқ амортизация каби узоқ муддатли ҳисоб-китоблар ҳисобга олинмайди [7].

Жумладан, бошқа хорижлик иқтисодчи олимлар нақд пул оқимининг таркибий қисмларини асосий ва асосий бўлмаган қисмларга ажратадилар, натижада, келажакдаги пул оқимларини аниқлаш учун уларнинг барқарорлигини таҳлил қилади-

лар. Тадқиқотда пул оқимининг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагилар белгиланган: сотиш, сотилган маҳсулот таннархи, операцион ва маъмурий харажатлар. Нақд пул оқимининг асосий бўлмаган таркибий қисмлари: фоизлар, солиқлар ва бошқаларни инобатга олганлар [8].

Бундан ташқари, Орпурт ва Зангларининг тадқиқотида пул маблағларининг таркибий қисмларини билвосита усулда баҳолаш орқали бевосита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда ошкор қилинган элементлардан фойдаланиш муҳим ёки муҳим эмаслигини ўрганганлар. Улар прогноз қилиш моделларида артикуляция хатоликларининг статистик аҳамиятини ўрганадилар, мазкур ҳисобланган пул компонентлари ва уларнинг регрессия моделида очиб берилганлари ўртасидаги фарқ аниқланади. Уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, артикуляция хатоси атамаларининг коэффициентлари статистик аҳамиятга эга ва шунинг учун артикуляция хатолари пул оқимларини башорат қилиш учун қўшимча маълумотларга эга. Бу эса, бевосита пул оқимлари усули билвосита пул оқимлари усулига қараганда келажакдаги пул оқимларини башорат қилишда кўпроқ маълумот беришини назарда тутади [9].

Охирги йилларда хорижлик иқтисодчи олимлар пул оқимларини прогноз қилишга таъсир этувчи омиллар бўйича тадқиқот олиб борганлар. Акциядорлик жамиятларида даромадларни бошқаришда ихтиёрий тўловлар ва операцион харажатларнинг ортиб кетиши пул оқимларини прогноз қилишга таъсир кўрсатади. Бадершернинг тадқиқотига кўра, молиявий менежерлар акциядорлик жамияти капиталининг қийматини сақлаб қолиш учун, бошқарув воситаси сифатида, жамиятнинг ҳақиқий мавқеини яшириш учун ихтиёрий ҳисоб-китоблардан фойдаланадилар. Шунингдек, маълумот сифатида ишлатиладиган манипуляция қилинган ҳисоботлар уларнинг пул оқимларини башорат қилиш қобилиятини пасайтиради. Бундан ташқари, менежерлар акциядорлик жамиятининг келажаги бўйича ўзларининг ҳақиқий қарашларини намойиш қилиш учун ихтиёрий ҳисоб-китоблардан фойдаланиши мумкин. Бундай вазиятда раҳбариятнинг ихтиёрий тўловлар бўйича ҳисоботлари келажакдаги пул оқимларини яхшироқ башорат қилиши мумкин. Натижада, ихтиёрий ҳисоб-китоблар пул оқими прогнозини яхшилаш ёки салбий таъсир кўрсатиши молиявий менежерларни манипуляция қилиш мотивациясига боғлиқ ҳисобланади [10].

Бугунги кунда Ўзбекистонда пул оқимларини прогноз қилиш масалаларига кўпчилик маҳаллий иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, М.Эшовнинг тадқиқотларида акциядорлик жамиятларининг молиявий фаолиятдан олинадиган пул оқимининг ўсишига ва пасайишига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган. Унинг фикрича, молиявий фаолиятдан олинган пул оқимларига, асосан, жамиятнинг молиявий коэффициентлар муҳим таъсир қилувчи омил эканлиги изоҳлаб берилган [11]. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари, асосан, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Хусусан, акциядорлик жамиятлари операцион фаолият, инвестиция фаолият ва молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларини ҳисобга олган ҳолда пул оқимлари ҳисоботларини шакллантирадилар. Шунингдек, мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари пул оқимини прогноз қилишда пул оқимлари соф ҳаракати ва нархларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсири ҳам таҳлил қилинган. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятининг молиявий фаолиятини бошқаришда ва молиявий ресурсларини самарали бошқаришда пул оқимларини тўғри режалаштириш ва прогноз қилиш лозим ҳисобланади.

Бироқ, бугунги кунда амалиётда акциядорлик жамиятлари пул оқимларини аниқлашда ҳанузгача эски усуллардан фойдаланилмоқда. Хусусан, жамиятнинг фақатгина операцион фаолиятидаги пул оқимлари, аниқроғи, жами кирим пул оқимлари билан жами чиқим пул оқимлари ўртасидаги тафовутни аниқлаш орқали пул оқимлари аниқланмоқда. Афсуски, пул оқимларини аниқлашнинг бундай усули капиталга қилинган инвестициядан кириб келаётган пул оқимларини ҳисоблаш имкониятини бермайди.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан С.Элмирзаевнинг фикрича: "Акциядорлик жамиятларини қисқа муддатли молиявий режалаштиришни амалга оширишда асосан жамиятнинг келажакдаги пул оқимларини прогноз қилишдан иборат ҳисобланади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларини ҳар бир давр учун ортиқча маблағларга эга бўлиши ва маблағлар етишмаслигини аниқлаш учун жамият пул маблағлари прогнози амалга оширилади. Шунингдек, пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепциясидан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари тавсифини белгилаш акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлган турли хил молиявий активлар билан операциялар самарадорлигини таҳлил қилиш лозимлигини таъкидлаганлар" [12].

Фикримизча, акциядорлик жамиятлари пул оқимини прогноз қилишда, жамиятларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумларининг аниқ башоратини амалга ошириш лозим. Шунингдек, харажатлар таркиби ҳисобланганда кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар, дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар, товар-моддий захиралардаги ўзгаришлар, амортизация эскиришлари инобатга олиниши лозим ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятлари пул оқимини прогноз қилишда пул оқимининг асосий таркибий қисмларини белгилаб олиш лозим. Пул оқимлари сифатида қуйидагиларни: сотиш, сотилган маҳсулот таннархи, операцион ва маъмурий харажатлар, фоизлар, солиқлар ва бошқаларни ҳисобга олиши керак. Шунингдек, бевосита пул оқимлари усули кўплаб яхши фазилатларга эга бўлиб, акциядорлик жамиятларини келажакдаги пул оқимини прогноз қилиш имкониятини беради.

Манба ва адабиётлар

1. Luehrman T.A. (1998, July) Investment Opportunities as Real Options. Harvard Business Review. – P. 51-67.

2. Chen Mark T.P.E., C.C.E. 2007. "ABC of Cash Flow Projections", AACE InternationalTransactions. – Pp. PM21-PM25.

3. Yun Li, Luiz Moutinho, Kwaku K. Opong, Yang Pang. 2014 "Cash flow forecast for South African firms" Review of Development Finance, Volume 5, Issue 1, June 2015. – P. 24-33.

4. Jury T. 2012, Wiley Finance: Cash Flow Analysis and Forecasting: The Definitive Guide to Understanding and Using Published Cash Flow Data (2nd Edition), John Wiley & Sons, Hoboken, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary.

5. Rajendra R. 2013, Handbook of Global Corporate Treasury, John Wiley & Sons,Somerset, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary.

6. Bragg S.M. Treasury Management: The Practitioner's Guide, John Wiley & Sons,Hoboken, NJ, USA. Available from: ProQuest ebrary. 2010.

7. Dechow P., Kothari S., Watts R.L. The relation between earnings andcash flows. J. Account. Econ. 25.1998. – P. 133-168.

8. Cheng C., Hollie D. Do core and non-core cash flows from operationspersist differentially in predicting future cash flows? Rev. Quant. FinanceAccount. 31.2008. – P. 29-53.

9. Orpurt S., Zang Y. Do direct cash flow disclosures help predict futureoperating cash flows and earnings? Account. Rev. 84.2009.-893-935.

10. Badertscher B.A., Phillips, J.D., Pincus, M., Rego, S.O., 2009. Earnings management strategies and the trade-off between tax benefits and detection risk:to conform or not to conform? Account. Rev. 84. – P. 63-97.

11. Эшов М.П. Корхоналарда молиявий фаолиятнинг пул оқими ўсишига ва пасайишига таъсирини баҳолаш масалалари// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2019. 4-сон.

12. Elmirzayev S. Korporativ moliya. Darslik. – T.: IqtisodMoliya, 2019. – 371 b.

Бунёд ГАФУРОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *мазкур мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллабай ишлаш тизимининг ҳуқуқий асослари илмий тадқиқ этилган. Унда мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқий меъёрлар асосида маҳаллабай ишлаш тизими фаолиятини ташкил этиш, улар асосида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш имкониятлари, муаммолари таҳлил этилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, илмий асосланган хулосаларга келиниб, улар асосида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *маҳалла институти, маҳаллабай тизим, маҳаллабай ишлаш, минтақавий иқтисодиёт, ўсиш нуқталари, ҳуқуқий асос, лидер, тадбиркор, бандлик, тадбиркорлик.*

Правовые основы системы махаллабай в социально-экономическом развитии регионов

Бунёд Гафуров,
самостоятельный исследователь Института прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация: *в данной статье научно исследованы нормативно-правовые основы системы махаллабай в социально-экономическом развитии регионов. Анализируются возможности и проблемы организации деятельности системы махаллабай на основе действующих в нашей стране правовых норм, а на их основе возможности и проблемы экономического и социального развития регионов. По результатам проведенных исследований были сделаны научно обоснованные выводы, на их основе разработаны научные предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *институт махалли, система махаллабай, региональная экономика, точки роста, нормативно-правовая база, лидер, предприниматель, занятость, предпринимательство.*

Legal basis of neighborhood work system in socio-economic development of regions

Bunyod Gafurov,
Independent researcher of the Institute of Forecasting and Macroeconomic Research

Abstract: *in this article, the regulatory and legal bases of the neighborhood work system in the socio-economic development of regions are scientifically researched. It analyzes the opportunities and problems of organizing the activity of the neighborhood work system based on the existing legal norms in our country, based on them, the economic and social development of the regions. According to the results of the conducted research, scientifically based conclusions were reached, and scientific suggestions and recommendations were developed based on them.*

Keywords: *neighborhood institution, neighborhood system, neighborhood work, regional economy, growth points, legal framework, leader entrepreneur, employment, entrepreneurship.*

Сўнгги йилларда дунёда рўй берган ва ҳанузгача давом этаётган пандемия, нотинчликлар ва бошқа турдаги иқтисодий инқирозлар бутун жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказиши билан бирга, ушбу шароитда иқтисодий барқарорликни таъминлаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

Мамлакатимизда пандемиядан кейин мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолини тушкун кайфиятдан чиқариш ҳамда иқтисодий фаол аҳолини банд қилиш каби бир қатор муҳим масалалар турган бир вақтда, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида янгича усулда ислоҳот олиб борилиши лозимлиги тақозо этилади.

Пандемиядан кейинги мураккаб даврда иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳаллаларда "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш ва маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида "маҳаллабай" ишлаш тизими жорий қилинди [1].

Ҳудуднинг иқтисодий барқарорлиги ундаги микроҳудудларга ва маҳаллий органларга боғлиқлиги бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Уларга: Caroline Andrew, Michael Goldsmith, John J.Gargan фикрларини [2], шу билан биргаликда, маҳаллий олимлардан Т.М.Ахмедовларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Уларнинг таъкидлашича, иқтисодий география ва ҳудудлар иқтисодиётида "ҳудуд" атамаси кўп маъноларда қўлланилади. Илмий адабиёт ва даврий нашрларда ушбу атамадан "туман" тушунчаси секинасталик билан сиқиб чиқарилмоқда.

"Ҳудуд" тушунчаси нисбатан эгилувчан ҳисобланади. Т.М. Ахмедовнинг фикрига кўра, энг аввало, ўз ҳокимияти ва бошқарув органларига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ва моддий-ҳудудий тизимларни ўзида акс эттирувчи аниқ бир мақсадга йўналтирилган минтақавий бирликларни ҳудуд деб тан олиш керак [3].

Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти ҳамда бу борада маҳаллабай ишлаш механизмининг роли тобора ортиб бормоқда.

Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган тизим босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги 350-сонли Қонунининг 6-моддасига мувофиқ маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари сифатида кўрсатилган [4]. Шу билан бирга, маҳалла ўзининг ҳудуди доирасида амал қиладиган қарорларни қабул қилиши белгиланган.

Демак, маҳалла институти шу маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли манфаатларини ифодалайди, унинг бошқарув ваколатлари мавжуд ҳамда маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилади.

Аммо амалда мазкур норма бўйича маҳалла раисларининг маҳалласини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади [5].

Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбари 2020 йил ноябрь ойида Хоразм вилоятига ташрифи давомида, "маҳаллабай" ишлаш тизими жорий этилишини, барча вазирлик ва идоралар ўз фаолиятини маҳалла даражасида ташкил қилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

"Маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича 2021 йил 19 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллабай" ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 152-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, ҳудудларда "Маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси тузилди ҳамда "Маҳаллабай" ишлаш тизимини таш-

кил этиш ва амалга ошириш тўғрисида вақтинчалик низом ишлаб чиқилди.

Ушбу низомга асосан, тижорат банклари ходимларидан иборат доимий вакиллар, секторларда бошқарув офиси ва ҳар бир туман бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳлар жорий этилди (1-расм).

1-расм. Маҳаллабай ишлаш тизимининг жорий этилиши

Ушбу усул асосида иш ташкил этилганида қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Аввало, тижорат банкларидан бириктирилган доимий вакиллар асосий иш жойи сақланган ҳолда фаолият олиб борди. Бу дегани ҳам маҳаллада, ҳам банкда ишлашга тўғри келди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллабай ишлаш тизимининг сифатига таъсир кўрсата бошлади. Шунингдек, доимий вакилларнинг мақоми, ваколатлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаганлиги тизимни ташкил этишда қийинчиликларни юзага келтирди (2-расм).

2-расм. Маҳаллабай ишлаш тизими

Мазкур тизимни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги "Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5105-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, маҳаллабай ишлашнинг "Самарқанд тажрибаси" жорий этилиб, ҳар бир туман ва шаҳарларда Маҳаллабай ишлаш марказларини ташкил қилиш бошланди. Ҳар учта маҳаллага биттадан маҳаллабай ишлаш инспекторлари бириктирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизида маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш

масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосарининг ўзаро узвий ҳамкорликда ишлашини таъминлаш белгиланди.

Кўп вақт ўтмасдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги "Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5214-сонли қарори билан мазкур тизимнинг Андижон тажрибаси асосида "оғир" маҳаллаларга "лидер тадбиркорлар" бириктирилиб, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш белгилаб олинди [6].

Бу йўналишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида, республика бўйича жами 500 та "оғир" маҳаллалар танлаб олинди.

Бунинг учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан, 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 7 фоиз ставкада ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида, кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун "оғир" маҳаллаларга бириктирилган "лидер тадбиркорлар"га 3 йил муддатгача, йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, "лидер тадбиркорлар"га Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик берилади.

Шунингдек, "маҳаллабай" ишлаш тизимини такомиллаштириш орқали ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллалар билан манзилли ишлаб, маҳаллалардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳисобига камбағалликни қисқартириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги "Ҳудудларда "маҳаллабай" ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 504-сонли қарори қабул қилинди [7].

Мазкур қарорда маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари"ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, жумладан, "драйвер" лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлашга ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўришга доир бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Бунда маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда уй шароитида меҳнат қилаётган аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорлигини йўлга қўйишига эътибор қаратилди.

Йил давомида "маҳаллабай" ишлаш тизими такомиллаштириб борилди ҳамда бир қанча усуллар амалиётда қўллаб кўрилди.

Ўтган давр мобайнида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2021 йил 3 декабрдаги "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди. Натижада, маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган аҳоли вакиллари ўзларини қизиқтирган фаолият тур-

ларини бошлашга, эндигина тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга эса, тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтиришга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-92-сонли қарорига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди [8]. Ёшлар етакчиси ўзининг функционал вазифаларига кўра, маҳаллада ёшлар муаммолари билан ишлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда фаолият кўрсатиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-81-сонли Фармонига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди [9].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-147-сонли қарорига асосан, маҳалла раислари фаолиятини ташкил этишнинг янги тартиблари белгиланди [10].

Натижада, маҳалла институти ҳудуд ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган тузилмага айланди (3-расм).

3-расм. Маҳаллабай ишлаш тизими тузилмаси

Шу ўринда маҳалла тизимида ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари фаолият юритаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Профилактика инспекторларининг маҳалла ёки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсирининг камлиги инобатга олиниб, кўпроқ маҳалладаги мавжуд тўртлик фаолиятига эътибор қаратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш орқали фуқароларнинг оғир турмуш шароитига тушиб қолишидан сақлаб қолади. Бу эса, ўз навбатида, маҳалла аҳолиси турмуш шароитига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, маҳалла институти аҳолининг бандлигини таъминлашда, жамиятда оила пойдевори ва барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган, ўзига тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлайдиган тузилмага айланиб бормоқда.

Шунга қарамасдан, маҳалла институтини тўлақонли шакллантириш, аҳолининг муаммоларини жойида ҳал қиладиган тузилмага айлантириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг инкор қилиб бўлмас фаоллиги билан ажралиб турадиган институтга айлантириш учун ҳали қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 28 январдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони билан 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат Тараққиёт стратегияси тасдиқланди [11].

Мазкур стратегиянинг биринчи йўналиши, биринчи мақсади – "Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини оши-

риш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш" деб номланган бўлиб, мазкур мақсаднинг туб моҳияти маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш ҳисобланмоқда.

Бунда, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида:

маҳаллалар ваколатини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш;

маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш;

маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари" ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш;

маҳаллалар учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, барча маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларида бошқарув асослари, бандликни таъминлаш, банк-молия, томорқа, ер, чорвачилик ва паррандачилик бўйича кўникмаларни шакллантириш;

тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш вазифалари белгиланмоқда.

Маҳалла институтининг шаклланишига, ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган ҳуқуқий хужжатларни ўрганиб чиқиш натижасида қуйидагиларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиб бориш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, келгусида қонунчиликда жорий қилиш;

маҳалла институти вакиллари, маҳалла аҳолиси ўртасида ўзининг маҳалласи тўғрисида "эски", "озчилик", "чекка", "қашшоқ" каби жумлалар орқали фикрламаслиги учун хонадонларнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали маҳаллани ривожлантириши учун ҳаракат қилишга ундаш бўйича "ижтимоий шартнома" тизимини такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда маҳалла аҳолиси ўртасида "қашшоқликка кўниб, ақидаларга таяниб яшаш", "оч қорним тинч қулоғим", "ҳукуматдан ёрдам кутиш, сўраш, шунга суяниб қолиш", бошқаларни айблаш каби боқимандалик тасаввурларини таг негизи билан юлиб ташлашга эътибор қаратиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йўл хариталари қабул қилиниши ва унинг ижроси сўзсиз таъминланиши масаласини мустаҳкамлаш;

давлат улуши юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, йирик тадбиркорларни ижтимоий шерикчилик асосида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъуллигини оширишни ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйиш;

қонунчилик ҳужжатларини доимий такомиллаштириб бориш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги 350-сонли Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш лозим.

Ишонамизки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар келгусида маҳаллаларда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, жойларда маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга кўтаришга ўзининг катта ҳиссасини қўшади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартдаги "Маҳаллабай" ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 152-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5353246

2. Caroline Andrew and Michael Goldsmith. Local Government to Local Governance: And beyond International Political Science Review / Vol. 19, No. 2, New Trends in Municipal Government. (Apr., 1998). – Pp. 101-117.

3. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 8.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги 350-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/pdfs/2156899

5. "Янги Ўзбекистон" газетаси 2021 йил 18 август сони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги "Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5214-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5555272

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги "Ҳудудларда "маҳаллабай" ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 504-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5562556

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-92-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5831865

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-81-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5884143

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-147-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5884094

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5841063

**Замонавий социологиянинг долзарб муаммолари/
Актуальные проблемы современной социологии /
Actual problems of modern sociology**

Қаҳрамон САЙИДОВ,
Урганч давлат университети мустақил изланувчиси

УРБАНИЗАЦИЯНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ЛОКАЛ ФУНКЦИЯЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада урбанизациянинг умумижтимоий тараққиёт қонуниятларига риоя этиши, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти эса, инсон билан ижтимоий борлиқ, шахс билан маданият, субъект билан маконни турли архитектура, бадиий ижод, хизматлар, инфратузилма ва агломератив жараёнлар орқали, комплекс омиллар таъсирида уйғунлаштирилиши борасида сўз боради.*

Калит сўзлар: *инсон саломатлиги, ижтимоий-маданий фаолият, маънавий эҳтиёжлар, урбанизация, ижтимоий-маданий тараққиёт, гуманизм, умумижтимоий функциялар, объектнинг ички хусусиятлари, ташқи алоқалар, стратегик вазифалар, миллий ва умуминсоний маданиятлар.*

Локальные и территориальные функции урбанизации

Кахрамон Саидов,
самостоятельный исследователь Ургенчского государственного университета

Аннотация: *в данной статье рассматривается урбанизация, которая подчиняется законам общественного развития, а их социально-философская сущность состоит в соединении человеческого и общественного бытия, личности и культуры, предмета и пространства через различные архитектурные формы, художественное творчество, услуги, инфраструктуру и агломерацию, процессы под влиянием сложных факторов.*

Ключевые слова: *здоровье человека, социокультурная деятельность, духовные потребности, урбанизация, социокультурное развитие, гуманизм, общесоциальные функции, внутренние особенности объекта, внешние связи, стратегические задачи, национальная и общечеловеческая культуры.*

Regional and local functions of urbanization

Kakhramon Saidov,
Independent researcher of Urgench State University

Abstract: *in this article, it is discussed that Urbanization follows the laws of social development, and their socio-philosophical essence is the combination of human and social existence, individual and culture, subject and space through various architecture, artistic creativity, services, infrastructure and agglomerative processes under the influence of complex factors.*

Keywords: *human health, socio-cultural activity, spiritual needs, urbanization, socio-cultural development, humanism, general social functions, internal features of the object, external relations, strategic tasks, national and universal cultures.*

Урбанизация ва цивилизация қанча кенг ва мураккаб умуминсоний, маданий воқеликлар бўлмасин, улар конкрет макон, этноҳудуд ва локал анъаналарига эга ижтимоий борлиқда кечади, шаклланади. Бу эса уларнинг икки гуруҳ, яъни умумижтимоий ва ҳудудий-локал функциялари борлигини кўрсатади. Ушбу функцияларнинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятини очиб бериш учун уларга фал-

сафада кенг қўлланиладиган тизимли функционал ёндашувни татбиқ этамиз.

Урбанизациянинг умумижтимоий функцияларига:

- инсонийлаштириш (гуманистик функция);
- маданийлаштириш (культурологик функция);
- бирхиллаштириш (унификатив функция);
- жамлаш (агломератив функция);
- қулайлаштириш (фаворейбл функция);
- шаҳарлаштириш (ситизация функцияси);
- нафосатлаштириш (эстетик функция) кабилар киради.

Ушбу функциялар умумижтимоий тараққиёт кун тартибига қўяётган вазифаларга мувофиқ келади. Урбанизация умумижтимоий тараққиёт қонуниятларига риоя этади, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти эса, инсон билан ижтимоий борлиқ, шахс билан маданият, субъект билан маконни турли архитектура, бадиий ижод, хизматлар, инфратузилма ва агломератив жараёнлар орқали комплекс омиллар таъсирида уйғунлаштиради. Мазкур синтез инсон саломатлиги, ижтимоий-маданий фаолияти, маънавий эҳтиёжларини тўла қондириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадига мувофиқлиги туфайли гуманистик аҳамиятга эга. Урбанизация ўзидан ўзи шарт-шароитлар яратишни мақсад қилиб қўймайди, бу мақсадни у умумижтимоий тараққиётдан олади. Бутун ижтимоий-маданий тараққиёт эса, гуманизм томон интилиб келади, яратилган барча нарсаларни гуманистик меъёрлар билан баҳолайди. Бундан урбанизация ҳам истисно эмас.

Юқоридаги умумижтимоий функцияларни объектнинг ички хусусиятлари, ташқи алоқалари, стратегик вазифаларга мувофиқлиги ёки улардан фарқ қилиши, субъектив ва объектив омиллар, миллий ва умуминсоний маданиятлар, қадриятлар нуқтаи назаридан яна давом эттириш мумкин эди. Бизнинг фикримизча, илмий концептуал фикрларни умумлаштириш ва урбанизация назариясида илгари сурилган ғояларни синтезлаштириш натижасида шакллантирилган юқоридаги функциялар муаммонинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятини очиб бериш учун етарлидир. Урбанизация инсон ижтимоий-маданий фаолияти ва изланишларининг маҳсулидир. Яратилган ижтимоий-маданий муҳит ва бойликлар урбанизацияга бориб тақалади ёки урбанизацион муҳитни шакллантиради. Мутахассислар урбанизацияни бежиз "шаҳар маданияти" деб аташмайди. Бу билан улар урбанизациянинг ядросини, ўзагини маданият, маданий бойликлар, инсоннинг ижтимоий муҳитни маданийлаштиришга йўналтирилган фаолияти ташкил этишини билдиришади [1].

Маданиятнинг гуманистик хусусияти, ўз навбатида, урбанизацияни ҳам гуманистик бўлишга ундайди. Барпо этилаётган шаҳарлар, иншоотлар, инфратузилмалар ва йўллар инсонга хизмат қилиши керак. Тўғри, улар инсон томонидан яратилади, барпо этилади, инсон эса, ўзига душман бўлган нарсани яратиши мумкин эмас. Минг афсуски, баъзан англанмаган ва утилитар мақсадларга қурилган нарсалар, айниқса, шаҳарлар атрофига катта сув омборларининг ёки АЭС қурилиши, аҳоли турар жойлари устидан юқори вольтли электр симлар тортилиши каби кўп ҳолатлар мавжудки, улар гуманистик мақсадлардан йироқ. Демак, шаҳарларда инсон манфаатларига зид объектлар тикланиши ҳам учрайди.

Масалан, АЭС шаҳарни зарур электр энергияси билан таъминлаш муаммосини ечишга ёрдам беради, бироқ у хавфсизлик муаммосини ҳам юзага келтиради. АЭС хавфсиз ишлашини таъминлаш ниҳоятда катта маблағни талаб этади ва ёнатрофдаги шаҳарлар, аҳоли доимо хавф остида яшайди. Шунинг учун лойиҳалаштиришда урбанизациянинг эмас, балки мудом инсоннинг соғ-саломат ва фаровон, бахтли яшашини таъминлашдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир [2]. Урбанизациянинг гуманистик функцияси инсон манфаатларига хизмат қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Баъзан гигантоградлар яратиш, барпо этиш ўйи гуманистик мақсадлардан йироқ бўлади. Гигантоградларни тўлдириш, улардан тўла фойдаланиш ҳар доим ҳам оддий кишига, инсонга хизмат қилавермайди, балки, аксинча, унинг

хўжалигига "ортиқча юк" бўлади. Коммунал ва маданий-маиший хизматлар тизими етарли шакллантирилмаган, иссиқ, ҳатто совуқ сув билан таъминлаш муаммо бўлган маконда гигантоград барпо этиш рационал ва гуманистик ёндашув эмас. Маданийлаштириш функцияси урбанизация ядросини ташкил этувчи маданият, ижтимоий-маданий воқелик ва уларга тааллуқли бўлган фаолият, хизматлар моҳиятидан келиб чиқади. Маълумки, маданият мудом ижобий, ахлоқий, яратувчанлик, ижод қилиш, инсонни маънавий юксалтириш каби функцияларни бажарувчи маънавий ва моддий бойликлар йиғиндиси сифатида эътироф этилган [3]. Демак, маданийлаштириш инсонни ижодий ва маънавий юксалтиришга қаратилган жараёнлар, бойликлар ва артефактлардир. Урбанизацияга тааллуқли моддий бойликлар (Бинолар, иншоотлар, маиший техника, шаҳар эстетикаси ва дизайн кабилар. Баъзи тадқиқотчилар дин ва диний эътиқод билан боғлиқ жараёнларни ҳам урбанизация таркибига киритадилар.) нуқтаи назаридан қараганда, урбанизациянинг инсонни, унинг ён-атрофини, ҳаёти ва эстетик дидини маданийлаштиришга қаратилганини кўрамиз. Объект ҳеч қачон ядросидан узоққа кетмайди, ядро шундай нарсаки, у объектни ўз атрофида нафақат бирлаштиради, шу билан бирга, объектни универсал бўлишга, ташқи таъсирларга жавоб беришини заруриятга айлантириб, бутунлигини, ўзлигини, ички яхлитлигини сақлаб қолишга ундаб туради [4]. Аслида, ядро "якка" бўлишга мойил. У ўзининг "якка"-лиги боис, объектни бетакрор, бутун, ўзига хос қилади. Ядронинг ушбу жиҳатлари урбанизацияга ҳам, маданиятга ҳам яхлитлик, бутунлик, ўзига хослик бахш этади. Демак, маданийлаштириш функцияси орқали урбанизация бир томондан, ўзини бетакрор воқелик, иккинчи томондан эса, ўзини универсал сифатида намоён этади. Ўзига хослик, бетакрорлик ва универсаллик туфайли урбанизация ижтимоий-маданий тараққиёт ва давр талабларига мувофиқлашиб, социодинамик воқеликка айланади. Бирхиллаштириш, яъни унификатив функция (унификация функцияси) урбанизациянинг глобал воқеликка айланиш тенденциясидан келиб чиқади. "Унификация" сўзи бирхиллаштириш, стандартлаштириш, нарса ва ҳодисаларни бир меъёрга солиш деган маъноларни англатади. Урбанизациянинг унификатив функцияси замонавий шаҳарлар архитектураси, транспорт логистик тизими, маданий хизматлар турлари, шаҳар хўжалигини бошқариш асослари, маиший техникаларнинг ишлаши ва дизайни, хуллас, барча нарсаларда кўзга ташланади. Масалан, кир ювиш машинаси АҚШда ҳам, Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам аёлларни қўл меҳнатидан халос этишга, вақтини тежашга хизмат қилади. Бу борада яратилган янги техника воситаси дарров бутун дунёга тарқалади, урбанизациянинг ютуғи, афзаллиги сифатида қабул қилинади. Ёки ситиларни олайлик. Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда йирик шаҳарлар ёнида пайдо бўлган сити-шаҳарчалар кейинчалик Европа, Россия, Осиё ва 2019-2020 йиллардан Ўзбекистонда ҳам пайдо бўла бошлади. Гигантоградликка интилиш тенденцияси шаҳарсозликдаги унификациядир. Қишлоқ турмуш тарзининг шаҳар маданиятига интилиши улар ўртасида айнанликларни келтириб чиқаради, бу айнанликлар, аввало, хизмат турлари, иншоотлар, маиший ҳаёт, кийиниш, дизайн кабиларда намоён бўлади.

Урбанизациянинг тарқалиши ижтимоий-маданий ҳаётни, ранг- баранглиқни унификациялаш орқали рўй бермоқда. Бу, бир томондан, ижтимоий-маданий бойликларни, қадриятлар ва турмуш тарзининг тез оммалашишини таъминлайди. Кишилар, улар қаерда яшашидан қатъи назар, ижтимоий-маданий бойликлардан бир хил тартибда баҳраманд бўлади, шу тарзда маданиятга хос бўлган оммавийлашиш тенденцияси урбанизациянинг ўзига хос хислатига, белгисига айланади. Бироқ, иккинчи томондан, бирхиллик, унификациялашув этномаданиятлардаги ранг-барангликкa, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги ўзига хосликларга, бетакрорликка хавф солади, уларни стандартларга қурбон этади. Биз бугун ишлатаётган "жаҳон стандартлари" деган тушунча этномаданиятлардаги ўзига хослик, бетакрорлик ва ранг-барангликкa таҳдид ҳам эканини унутмаслигимиз шарт. Агломерация функцияси боис, урбаниза-

ция бошқа ижтимоий-маданий воқеликлардан фарқ қилади. Баъзи тадқиқотчилар агломерацияни жуғрофий белгига киритишса-да, унинг урбанизацион аҳамиятини, ҳатто урбанизациянинг бош белгиларидан бири эканини рад қилиб бўлмайди. Жуғрофия билан боғлиқлик агломерациянинг ташқи белгисидир, урбанизация эса, уни ўзининг ички хусусияти сифатида қарайди. Аҳолининг бир жуғрофий маконга тўпланиши, жамланиши агломерацияни, бизнинг фикримизча, жуғрофий воқеликка айлантирмайди. Агар агломерация жуғрофий воқелик бўлса, миграция ҳам жуғрофий воқелик сифатида қаралиши керак, бироқ миграция ҳеч қачон жуғрофия объекти ёки предмети бўлмаган.

Илмий адабиётларда урбанизация аҳолининг силжишига, миграциясига сабабчи омиллардан бири сифатида қаралади [5]. Бундай талқинда миграция урбанизация жараёнларининг воситаси, боиси сифатида келади, чунки тажрибаларнинг кўрсатишича, аҳоли бўм-бўш ерга, қўриқ ерларга эмас, балки цивилизация ва урбанизация шаклланган жойларга кўчади. Шундай экан, миграция ва агломерация урбанизацияни эмас, балки, аксинча, урбанизация миграцияни келтириб чиқармоқда, дейиш ўринлидир. Аммо улар ўртасидаги диалектик боғлиқликни рад этиб бўлмайди, янги шаклланган агломерацияда ўзига хос урбанизация, этномаданий муҳит яратилиши турган гап. Чункикўчиб келган аҳоли ўзининг миллий идентлигидан воз кечмайди, у ўзининг тили, этномаданияти ва этнотафаккурини янги ижтимоий маконга кўчиради, шу ерда "гибрид маданият"ни шакллантиради. Урбанизациянинг агломератив функцияси эса, чеккадаги кишиларни, аҳолини ўзига даъват этганида, чақирганида, уларда шаҳар маданияти ютуқларидан, бойликларидан баҳраманд бўлиб яшаш истагини уйғотганида намоён бўлади. Урбанизация мудом миграцияга туртки бериб келади. Шунинг учун урбанизациянинг агломерация функциясини агломерация-миграция функцияси деб ҳам аташимиз мумкин.

Урбанизацияни мафтункор воқеликка айлантирган жиҳати унинг инсон яшаши ва меҳнат қилиши, ўзини ижтимоий субъект сифатида намоён қилиши ҳамда мавжуд маданий бойликлардан баҳраманд яшаши учун қулайликлар яратиб берганидадир. Ушбу функция инглиз тилидаги адабиётларда "фаворейбл" (қулайликлар яратиш, қулай жой ва имкон) деб аталади. Ижтимоий муҳитни инсон манфаатлари ва қизиқишлари учун қулайлаштириш урбанизациянинг ижтимоий моҳиятидадир. Марказий таъминот етарли ривожланмаган қишлоқ жойларида аҳоли ўзи ва оиласи учун зарур нарсалар (сув ва газ таъминоти, кўчаларни тозалаш, овқат тайёрлаш, зарур хизматларни олиш кабилар) учун жон куйдиради. Шаҳарда эса, кишилар бундай ташвишлардан холи, улар цивилизация қулайликларидан баҳраманд яшайди.

Улар сув ташимайди, ўтин ковлаб овқат пиширмайди, сув иситиб ювинмайди ва кир ювмайди, хуллас, қишлоқ аҳли маҳрум урбанизация қулайликларидан керагича фойдаланиш, завқланиб яшаш имкониятларига эга. Айнан ушбу қулайликлар қишлоқ аҳолисида шаҳарда яшайдиганларга ҳавас уйғотади. Шундай бўлса-да, айрим кишиларда бундай қулайликлар эътироз, тааж-жуб уйғотади.

Уларнинг фикрича, бундай тарзда, "тайёрга айёр яшаш" кишини дангаса, ишёқмас, жисмоний меҳнатга яроқсиз қилиб қўяди. Ҳатто бундай тўкис шароит психологик муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Қишлоқ респондентларининг деярли 27 фоизи салбий, яъни "шаҳар қулайликлари кишини ялқов қилиб қўяди", деб ҳисоблайди. Шаҳар қулайликларини "ижобий" баҳоловчилар эса, 41 фоизни ташкил этади. Қолган 12 фоиз респондент бетараф, аниқроғи, "қишлоқда яшаб, шаҳарда ишлаш" тарафдоридир. Бу кўрсаткичлар туман ва шаҳар респондентларида бошқача, уларда ҳам шаҳар урбанизацияси, қулайликларини маъқуллашга мойиллик (туман респондентларида – 33 фоиз, шаҳар респондентларида – 58 фоиз) устунлик қилади.

Демак, бугун ижтимоий фикрда шаҳар маданияти ва қулайликларини қўллаб-қувватловчилар етакчилик қилади. Бу ҳам инсонда ўзига қулайликлар яратиш истаги устуворлик қилишини, у ўзининг меҳна-

ти ва яшаш шароитини янада енгил, чиройли ва завқли қилиш тарафдори эканини кўрсатади. Шу билан бирга, қишлоқ респондентларининг 27 фоизи (юқоридаги), туман респондентларининг 26 фоизи ва шаҳар респондентларининг 14 фоизи шаҳар қулайликлари инсонни ўз ҳаёти ва турмушидан мамнун қилавермаслигини таъкидлашади. Аммо шахс шаҳар ҳаётига қанчалик яқин бўлса, ундаги қулайликлардан қанчалик баҳраманд бўлса, у шаҳар урбанизациясига шунчалик мойил бўлади, унга мослашади. Бу замонавий шаҳар ҳаёти, қулайликларининг ижтимоий фикрда устувор ўрин эгаллаганини кўрсатади. Қулайликлар яратиш функцияси инсонга интеллектуал фаолият, билим олиш, маърифат ва маънавият билан шуғулланишга имкон бериши билан эъзозлидир. У кишига ўз устида ишлашга вақт ва имкон беради, унинг ижодий, креатив изланишларнинг янги-янги турларини топишга ундайди. Замонавий шаҳарлар интеллектуал бойликлар яратиш марказларига айланган, ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаётган омиллар ҳам шаҳарлар кашфиётларидир.

Манба ва адабиётлар

1. Уилсон Бен. Метрополис. Город как велишайшее достижение цивилизации. – Москва: "Литрес", 2022; Urban world: Mapping the economic power of cities. MsKincey Global Institute Report. March 2011.

2. Посохин М. Город для человека. – Москва: Прогресс, 1980. – С. 6-9.

3. Каган М.С. Философия культуры. – Санкт-Петербург: "Лань," 1996; Абдуллаев М. Маданияттшунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Фарғона, ФДУ, 1996.

4. Философия в диалоге культур. // Материалы Всемирного дня философии. Коллектив авторов. – Москва: "Progres Tradition", 2010. – С. 127-132; Бурдина Т.Н. Проблемы универсалий в философии всеединства Владимира Сергеевича Соловьева. Монография. – Кишенёв: КГСХА,2011. – С. 23-27.

5. Глазичев В.Л. Урбанистика. – Москва: "Европа", 2008. – С. 188-200. Баъзи муаллифлар эса миграцияни кенг маънода, яъни цивилизациялар ва маданиятлар аралашуви сифатида баҳолашади; Коллиер П. Исход: как миграция изменяет наш мир. – Москва: Институт Гайдара, 2017. – С. 8-12.

Ижтимоий-сиёсий тараққиёт – фуқаролик жамияти пойдевори/ Социально-политическое развитие – основа гражданского общества / Social-political development is the foundation of civil society

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор,
Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси,
Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
сенатор, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ, ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР

Аннотация: *ушбу мақолада Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати борасида жаҳон минбарларидан янграётган улкан ташаббуслари ҳамда амалга ошираётган кенг қамровли чора-тадбирлари, уларнинг моҳияти, ёшларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши борасида қилинаётган ишлар, мавжуд муаммолар хусусида атрофлича сўз юритилиб, уларни ҳал этиш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган, илмий-сиёсий хулосалар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар таълим-тарбияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, "Ёш олимлар кенгаши", "Ёш ижодкорлар кенгаши", "Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази", "Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази", "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси, Марказий Осиё ёшлари форуми.*

Аннотация: *в данной статье выдвинуты научно-политические заключения по вопросам молодёжной политики Узбекистана, прозвучавшие с мировых трибун инициативы, а также значение широкомасштабных мероприятий по осуществлению в нашей стране совершенствования молодого поколения, деятельности по содействию молодёжи в определении достойного места в жизни, всесторонне обсуждены существующие проблемы, разработаны предложения и рекомендации по их решению.*

Ключевые слова: *воспитание молодёжи, Агентство по делам молодёжи, Союз молодёжи, Институт изучения проблем молодёжи и подготовки перспективных кадров, "Совет молодых учёных", "Совет творческой молодёжи", "Центр социально-психологической помощи молодёжи", "Центр молодёжи и детей с ограниченными возможностями", Фонд "Молодёжь – наше будущее", форум молодёжи Центральной Азии.*

Государственная молодежная политика: опыт Узбекистана, перспективный план и задачи

Кахрамон Куронбоев,
доктор политических наук, профессор, председатель Республиканской комиссии по согласованию вопросов работы с молодежью в махаллях,
Алишер Саъдуллаев,
сенатор, директор Агентства по делам молодежи Узбекистана

State policy on youth: experience of Uzbekistan, future plan and tasks

Qahramon Quranbaev,
DSc (in Political Science), Chairman of the Republican Commission on Coordination of Issues of Work with Youth in Neighborhoods,
Alisher Sadullaev,
senator, Director of the Agency for Youth Affairs of Uzbekistan

Abstract: *in this article, the great initiatives of Uzbekistan in the field of youth policy, which are heard from the world platforms, and the essence of the comprehensive measures implemented in our country for the development of the young generation, the work being done to help youth find their rightful place in life, the existing problems are discussed in detail, and suggestions are made for their solution, as well as, scientific and political conclusions are put forward.*

Keywords: *youth education, Agency for Youth Affairs, Youth Union, Institute for the Research of Youth Problems and Training of Prospective Personnel, "Council of Young Scientists", "Council of Young Artists", "Center for providing social and psychological support to young people", "Center for Children and Youth with Disabilities", "Youth – Our Future" Foundation, Central Asian Youth Forum.*

Тарихий тараққиёт шуни тасдиқлайдики, мамлакатнинг ривожи ва фаровонлиги, энг аввало, унда истиқомат қилаётган ёшларни тўғри тарбиялаш ва зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш масалаларига боғлиқ. Ҳозирги трансформация ва замонавий таҳдидлар кучайган мураккаб даврда барча давлатлар олдида турган энг устувор вазифалардан бири – ёш авлод вакилларига бўлган эътиборни кучайтириш ва ёшларга оид сиёсатни тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Шу боис, ёшларнинг таълими, соғлиги ва бандлиги билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш, уларнинг камол топиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш – глобал миқёсда аҳамиятли масалалар қаторида туради.

Халқаро ҳамжамият ёшларни зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши асносида ўз потенциалини тўлақонли рўёбга чиқаришга кўмаклашиш орқали мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш, турли соҳалар тараққиётининг янги босқичига эришиш мумкинлигини эътироф этмоқда.

Дунё аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этувчи ёшлар вакилларининг 89 фоизи кам ривожланган давлатларда истиқомат қилади. 2030 йилгача бўлган даврда, БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларига кўра, бутун дунёда ёшларнинг улуши етти фоизга ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, олимларнинг таҳлилларига кўра, асримиз якунига қадар ёшлар салмоғи 3,5 миллиарддан ошиши прогноз қилинмоқда. Бу эса, ёшлар масалаларига ва ёш авлодни вояга етказиш билан боғлиқ муаммоларга эътиборни кучайтириш заруриятини намоён қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йили БМТ Бош Ассамблеясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилиш ташаббусини илгари суриш орқали давлатларни ёшлар тақдири ва келажаги борасида масъулиятни ўз зиммаларига олишга чақиргандилар [1].

Қайд этиш лозим, ёшлар салмоғи кўп ва доимий ўсиб бораётган мамлакатларда ўткир демографик дивидент кузатилиб, бу ўша ҳудудда ёш авлод вакиллари сонига пропорционал тарзда меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар салмоғининг ошиб боришида ифодаланади.

Бугунги кунда дунёда 73 миллион ишсиз ёшлар мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Бунда эса, зарур тажриба, билим ва амалий кўникма камлиги сабаб иқтисодий имкониятлар тақсимоти учун ёшларга алоҳида эътибор жоиз бўлади.

Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш фақат тегишли бир давлатга тааллуқли масала эмас. Ўзаро боғлиқ дунёда ёшлар масалаларида халқаро ҳамкорлик, доимий конструктив мулоқот ҳамда халқаро форматлар доирасида мавжуд муаммоларга ечимлар ишлаб чиқиш – бугунги давр талабидир.

Мазкур соҳада, давлатларнинг ёшлар сиёсатига оид илғор миллий тажрибаси – йўналишларни тўғри белгилаш ва муштарак чора-тадбирлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар сиёсати

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси умумий сонининг 60 фоизидан ортиғини мустақиллик фарзандлари бўлмиш шижоатли, ҳурфикр, қарийб, 18 миллион ёш фуқаролар ташкил этмоқда. Шу боис, ёшлар масалалари давлат сиёсатида стратегик аҳамият касб этади.

Юртимизда мустақиллик йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг

ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар таълим ва тарбияси, кадрлар тайёрлаш ҳамда ўғил-қизларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс сифатида камол топтириш ўттиз бир йиллик тарихимизда тизимли равишда такомиллаштириб келинмоқда.

Хусусан, ўтган 5 йил мобайнида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг сиёсий-ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда 1991 йилдан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкилоти ўз фаолиятини юритган бўлса, 1996 йили ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатиш асосий дастурий вазифаси этиб белгиланган – Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташкил этилди. Мавжуд ижтимоий масалаларга ечим сифатида ушбу жамғарма 2001 йилда Ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилди.

Бунда асосий эътибор мазкур даврдаги ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиб, етакчи куч сифатида ёшларнинг ўз муаммоларини ечишга камарбаста бўлишида намоён бўлди. Ёш авлод вакилларининг ижтимоий ҳаракати ўз атрофига миллионлаб фаол ёшларни бирлаштира олди.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигининг илк кунларидан бошлаб, ёшлар сиёсати бобида ҳам янгича ёндашув ва муносабат илгари сурилди. Ушбу йўналишга энг устувор аҳамият қаратиб, биринчи имзолаган ҳужжатлари ҳам "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун бўлди [2]. Мазкур ҳужжат ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қонун қабул қилинишининг аҳамияти, аввало, шунда намоён бўладики, унда: Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чоратадбирлар ўз аксини топди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари аниқ белгиланди.

2017 йил 30 июнь куни мамлакат ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш мақсадида давлат раҳбари ташаббуси билан асосий мақсади ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ушбу сана эса, республикамизда "Ёшлар куни", деб эълон қилинди [3].

Янги ташкил этилган ёшлар ташкилотида келажак бунёдкорларимиз учун янги имкониятлар ва янги имтиёзлар назарда тутилди. Бунда эътибор, уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг янги механизмларини ҳам ташкил этишга қаратилди.

Шунингдек, ёшларнинг турли соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Ёш олимлар кенгаши", "Ёш ижодкорлар кенгаши", "Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази", "Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази" каби ўттизга яқин нодавлат-нотижорат ташкилотлар таъсис этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарларда ёшлар марказлари қад қўтарди.

Давлат бошқарувида ёшлар иштироки бошқарувдаги муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида улар манфаатларини янада кўпроқ инобатга олиш имкониятини вужудга келтиради. Бунинг учун эса, ёш раҳбар кадрларни босқичма-босқич тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш талаб этилади.

Айнан, давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган тизим яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди [4].

Бундан ташқари, ёшлар орасидан истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш-

ни назарда тутувчи ташаббускор, ислоҳотларни амалга ошириш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этувчи, раҳбарлик лавозимларига муносиб ёшларни қўллаб-қувватловчи "Ватан ифтихорлари" институционал тизими жорий этилди.

Ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишнинг кейинги босқичида эса, ёшлар масалаларига эътибор ва муаммолар ечими давлат органи даражасидаги ташкилотни ташкил этиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Президентнинг 2020 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Шу вақтдан, ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга масъул "вазирлик даражасида"ги ташкилот фаолиятини бошлади.

Эътиборли жиҳати, Ёшлар иттифоқи фаолияти ҳам сақлаб қолинди. Чунки давлат органи давр эҳтиёжи билан тугатилиши мумкин. Лекин ёшлар манфаатларини ифода этувчи нодавлат нотижорат ташкилот бу – айнан, ёш авлод вакиллари томонидан таъсис этилгани ҳамда уларнинг ўзига тегишли эканлиги билан ҳам аҳамиятли ва муҳимдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Китобхонликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса, ёшлар масалалари ва уларни қийнаётган муаммоларни бевосита давлат даражасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини таъминламоқда.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими

Ўзбекистон шароитида ёшлар билан ишлаш, ёш авлод вакилларининг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш орқали мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда улар учун янги имкониятларни яратиш мақсадида республикамизда мутлақо янгича тизим шакллантирилди.

Президентимиз янги авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаб бердилар. Улар томонидан "бугун туғилган бола улғайиб, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиб, жамиятда ўз ўрнини топиши, кексайганда эса, муносиб фаровон ҳаёт кечириши мумкин бўлган" яхлит тизим стратегияси илгари сурилди.

Ушбу стратегия, энг аввало, шижоатли, креатив, жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммоларга инновацион ечимлар топа оладиган, юрт тараққиёти учун янги ғояларни илгари сурадиган ташаббускор янги авлод вакилларини вояга етказишга қаратилди. Давлат ва нодавлат ёшлар ташкилотлари орқали ёшларга оид сиёсат самарадорлиги ва натижадорлигига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Аҳамиятли яна бир жиҳат, янги тизим мамлакатдаги барча ўзбек ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатлари рўёбини қамраб олишга йўналтирилди. Хорижий мамлакатларда ўқиётган, меҳнат қилаётган ёшларимиз муаммоларига ҳам Президентимиз алоҳида эътибор қаратдилар.

2017 йилда Ўзбекистон делегацияси хорижда меҳнат қилаётган ёшларимизнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида махсус хизмат сафарини амалга оширди. Оғир меҳнат шароитларидаги минглаб ўзбек ёшларининг муаммолари жойида ҳал этилди.

Хориждаги ёшларнинг уй-жой, озиқ-овқати, саломатлиги, таълими, ойлик маоши ҳамда меҳнатни расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ўрганилиб, ушбу йўналишда ҳам ишлар тизимли йўлга қўйилди.

Хусусан, хорижий мамлакатларда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик

ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташкил этилди. Бугунги кунда эса, Ассоциациянинг 30 дан ортиқ мамлакатларидаги вакиллари, доимий равишда, ўз фаолиятини олиб боришмоқда.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимида ёшлар сиёсатидаги мавжуд муаммолар йўналишлар кесимида белгиланиб, уларнинг ечими бўйича аниқ манзилли тартиб ва механизмлар амалга оширилди.

Биринчидан, ёшларнинг таълими билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор қаратилди. Айниқса, ёшларнинг олий таълим билан қамрови масалалари кўплаб ёшларимизнинг олий маълумотли етук кадр бўлиб шаклланиш борасидаги орзуларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётганди.

Мамлакатимизда 2016 йилда 77 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлган бўлса, 2022 йилга келиб улар сони 186 тага етказилди. Ёшларни олий таълим билан қамрови эса, 9 фоиздан 29 фоизга оширилиб, 2022 йилнинг якунига қадар 42 фоизга етказилади. Бу эса, яна 200 мингга яқин ёшларимиз учун олий таълим муассасаларида таҳсил олиш имкониятини вужудга келтирмоқда.

Шунингдек, олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиётган 3 488 нафар талаба-ёшларнинг шартнома тўлови учун 9,88 млрд сўм маблағлар тўлаб берилди. Эҳтиёжманд оилалар қизлари учун ажратилган грантлар сони икки баробарга кўпайтирилиб икки мингтага етказилди.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти, шунингдек, республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари учун Президент ва давлат стипендиялари жорий этилди.

Бундан ташқари, илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, докторантура босқичи учун квота икки баробарга оширилди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 1465 нафар илм-фанга чанқоқ, истеъдодли ёшларимиз етакчи хорижий олий ўқув юртларида бакалавр, магистратура ва докторантура босқичларида ўқиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган 7,7 минг нафар ёшларга 14 млрд. сўм миқдорида имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди. "Маърифат карвони" лойиҳаси доирасида 4 млн. дан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди.

Натижада, бугунги кунда ўқиш истагида бўлган ҳар бир ёшга чексиз имкониятлар яратиб берилган.

Иккинчидан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ёшлар бизнесини йўлга қўйиш учун Президент Фармони билан "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси ташкил этилди. Ёшларга ушбу йўналишда билим ва кўникма ҳамда зарур маслаҳат бериш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатувчи 20 та "Ёш тадбиркорлар коворкинг марказлари" ташкил этилди.

Ёш тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга оширишлари учун 244 та "Ёшлар меҳнат гузари" комплекслари фойдаланишга топширилиб, уларда жами 2 589 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу аснода, "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури доирасида эса, 8 635 та бизнес лойиҳага жами 1 трлн. 858 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, 42 421 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, ҳудудларда ташкил этилган 199 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида 3 мингта лойиҳа доирасида ёшлар учун 50 мингта янги иш ўринлари яратилмоқда.

"Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор" тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси ҳамда "Ёшлар: 1+1" лойиҳаси доирасида 452 минг нафар уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашишга эришилди. 2021 йилнинг ўзида 123 мингдан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 3,1 трлн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ушбу амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, охирги 3 йилда республикамиз-

да 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар сони 500 мингдан ошди.

Бунда эса, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар қанчалик тўғрилигини ҳамда ёшларимиз мавжуд шароитлардан розилигини кўрамиз.

Учинчидан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида алоҳида дастур қабул қилиниб, 3 460 та ёш оилаларга "Ёшлар уйлари" учун 156 млрд. сўм миқдордаги бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шарти билан тўлаб берилди.

Тўртинчидан, ёшлар учун давлат хизматига кириш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши 37 фоиздан 61 фоизга етди. Раҳбарлик лавозимлари учун Салоҳиятли кадрлар резерви маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олиниши белгиланди. Давлат хизматида "100 та илғор етакчилар" ва "Ёш мутахассисларни танлаш" дастурлари йўлга қўйилди.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича тартиботлари орқали сўнгги йилларда Ватанимиз – Янги Ўзбекистон ёшлар учун янги имкониятлар, янги имтиёзлар, янги марралар мамлакатига айланди. Бунда энг асосийси – ушбу имконият, имтиёз ва шарт-шароитлардан ёшларимиз ўз орзу-умидлари, интилишлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида самарали фойдаланаётгани, ғайрат-шижоатли, салоҳиятли, фидоий ва ташаббускор йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётганидир.

Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тарихий қарори ёшлар билан ишлашда янги, шу билан бирга, анъанавий ўзини ўзи бошқаришнинг маҳалла институтига асосланган ягона вертикал тизимини яратиш имконини берди.

Эндиликда, ёшлар муаммоси фақатгина унинг ўқиш ёки иш жойидаги мутахассислар кўмагида эмас, балки унинг ўзини ва оиласини яхши танийдиган, биладиган муҳит – маҳаллаларда ҳал этиладиган бўлди.

Хусусан, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва салмоқли ҳуқуқбузарликлар айнан маҳаллаларда содир этилар, ишсизлик, бекорчилик ва имконсизлик кенг учраб турар эди. Бу муаммони самарали ҳал этиш учун Президентимиз ташаббуси билан 9370 та маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими ташкил этилди. Бу лавозимларга очиқ танлов асосида ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, фидоий ва ватанпарвар етакчилар саралаб олинди.

Эндиликда, ёшлар сиёсати маҳалладан бошланади, уларнинг муаммолари ҳам маҳаллаларда ўз ечимини топади. "Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти" ғояси қисқа 6 ой давомида етти млн. илғор ёшларни ўзига бирлаштира олди. Мазкур тамойил орқали эса, маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар асносида қарийб 9,8 миллион нафар ёшлар қамраб олинди.

Маҳалла етакчилари томонидан ташкил этилаётган мазкур тадбирлар шунчаки ёшлар учун кўнгилочар машғулот эмас, балки ўз тенгдошларини ўзаро яқинлаштириш, муаммоларни жойида ҳал қилиш, янги истеъдодларни кашф этиш ҳамда фаол ёшлар сафини кенгайтиришга қаратилди. Бу орқали эса, ҳисоботлар учун ўтказиладиган тадбирбозликлардан воз кечилиб, маҳаллаларда ёшларнинг масалаларини бевосита ҳал этиш тизимига асос солинди.

Аслида, ёшларни қийнаётган масалаларни улар билан бир маҳаллада яшаётган тенгдошларидан кўра яхшироқ биладиган киши йўқ. Улар ҳар куни маҳаллада бир-бирига дуч келади, у ердаги шароит, асл ҳолатни борича, яъни аслича кўра олади. Шу сабаб, Президентимизнинг ишончли вакиллари, айнан, маҳаллаларда фаолият олиб бориши ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

Етакчиларга доимий ҳуқуқий, услубий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда "Маҳалла – туман – вилоят – республика" бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар самарадорлигини назорат қилиш, етакчилар фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида, маҳаллаларда Ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди.

Республика комиссияси барча ҳудудларни комплекс ўрганиб, ёшлар етакчилари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори ва мактаб директорлари билан очиқ мулоқотлар ўтказди. Мулоқотларда ҳар бир тумандан фаолияти намунали деб топилган бир нафар етакчи миллий кадрлар захирасига киритилди. Ўз ўрнида улар туман (шаҳар), сектор сардорлари этиб белгиланди.

Содда қилиб тушунтирганда, бу худди кўп тошлар орасидан ҳақиқий жавоҳирни ажратиб олиб унга ишлов беришга ўхшайди. Бундай жавоҳир фақат ўзининг қийматини эмас, балки ўша ҳудуднинг ҳам нуфузини оширади.

"Ёшлар дафтари" ёшларга оид давлат сиёсатини юритишдаги ўзига хос янгиликлардан бири бўлди. Бугун у, ҳақли равишда, "имкониятлар дафтари" деб таърифланмоқда. Негаки, "Ёшлар дафтари" сабаб жуда кўплаб йигит-қизларнинг орзуси рўёбга чиқди.

"Ёшлар дафтари" – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади.

Шу йилнинг 7 июнь кунигача ёшлар етакчилари 9370 та маҳаллада уйма-уй хатлов ўтказиб, 14-30 ёшдаги 9,1 млн. ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва бандлиги, таълими, оилавий ҳолати ва саломатлиги бўйича балансини шакллантирди. "Ёшлар баланси" орқали 249 минг нафар ёшлар "Ёшлар дафтари"га киритилиб, бугунги кунга қадар уларнинг 201,2 минг нафари (81 фоиз)нинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди. Бунинг учун "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан 345,7 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Жумладан, 146,3 минг нафар ёшларга деҳқончилик фаолияти учун 32,4 минг гектар экин майдонлари, 80 минг 268 нафар ёшларга тадбиркорлик фаолияти учун 2 трлн сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу рақамлар ортида инсоннинг, эртанги кун эгаси бўлган ёшларимизнинг тақдири турибди. Бунда эса, ҳар бир ёшнинг муаммоси ижобий ҳал этилгани боис, янгича куч ва шижоат билан олға ҳаракат қилмоқда.

Беш ташаббус олимпиадаси

Ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳа ва соҳаларга бўлиниши уларни компекс тараққий эттириш учун тизимли ёндашувни талаб этади. Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий ва маданий соҳалардаги ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқдилар. Бевосита давлат раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизда "Беш муҳим ташаббус"нинг жорий этилиши, айниқса, диққатга сазовор воқеликлардан бири бўлди.

Мазкур ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши Президентимизнинг Ўзбекистон халқи, хусусан, унинг ёшларини бир мақсад асосида бирлаштириш ниятида эканлигига яна бир тасдиқ бўлди. Ушбу ғоя барча мамлакатимиз ёшларининг диққатини ўзига тортди ҳамда юқори иштиёқ билан қарши олинди.

Чунки ушбу лойиҳа орқали республикамизнинг олис чекка туманларининг энг оғир ҳудудларидаги 168 та маҳалла намунавий танлаб олинди ҳамда минглаб янги истеъдодлар кашф этилди.

"Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун давлат бюджетидан 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили 50 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида 51 651 та спорт иншоотлари, 826 та маданият марказлари, 10 минг 8 та умумтаълим мактабларида ёшларни маданият ва санъат ҳамда спортга жалб этишга қаратилган 41 мингта тўгарак фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 1 миллион 100 минг нафар ёшлар жалб қилинди.

Шу кунларда "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсуми бошланди. Ёшларнинг хоҳиш-истаклари ўрганилиб, иккинчи мавсумга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, спортга қизиқадиган ёшлар учун кураш спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этилиши режалаштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг июль ойида Ёшлар ишлари агентлигининг туман ва шаҳар, ҳудудий беш ташаббус бўйича му-

тахассис, шўъба мудирлари, таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўйича бош мутахассислар учун "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсумини қандай тартибда ўтказиш бўйича ўқув семинар ташкил этилди.

Бунда, август ойи тарғибот ойлиги деб эълон қилиниб, ойлик доирасида маҳаллаларда фаолият юритаётган етакчилар учун ўқув-семинар ўтказилди, тарғибот материаллари, видео ўқув роликлари ишлаб чиқилди.

Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида @beshtashabbusbot орқали олимпиадада иштирок этиш истагини билдирган 3,5 миллион нафардан зиёд ёшлардан аризалар келиб тушди. Бу эса, ушбу мусобақа ёшларимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотганини намоён қилади.

Инклюзив сиёсат

Ватанимизда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Айниқса, ҳаётнинг турли синовларига дуч келган ёшларга кўпроқ эътибор бериш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Хусусан, ногиронлиги бўлган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор марказимиздаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-57-сонли қарори бу соҳада олиб борилаётган ишларга янада жадал тус берди. Қарорда ногиронлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш, уларни муносиб иш ўрни ва ойлик маош билан таъминлаш масалалари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, комиссия томонидан Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногирон ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия ажратиш тизими жорий этилди. Чин етим, ногирон, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ва боқувчисини йўқотган 729 нафар талабанинг 2,1 млрд. сўмлик тўлов шартнома маблағлари тўлаб берилди.

Жисмоний имконияти чекланган ёшларни касбга ўқитиш, олий таълимга жалб этиш мақсадида ҳам қатор имтиёзлар жорий этилиб, уларни олий ўқув юртларига қабул қилишда махсус квота ва имтиёзли ўринлар ажратилди. Мамлакатимизда ногирон ёшлар (16-30 ёшдаги) – 94 276 (шундан аёллар – 41 196) нафарни ташкил этади. Айни кунларда, 25 минг 739 нафар ногирон, тиббий ёрдамга муҳтож ёшлар доимий назоратга олинган ва уларга ўз вақтида керакли тиббий ёрдам кўрсатиш асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ногирон ёшларга мотивация бериш, жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири "Чегарасиз" лойиҳасидир! Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу лойиҳа қисқа вақт ичида ёшлар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлиб, эътибор марказига тушиб улгурди.

Шунингдек, жорий йилда бу ёшларнинг таълимга эҳтиёжини қондириш, спортга қизиқишини ошириш, саломатлигини тиклаш ва психологик кўмак кўрсатиш мақсадида, "Инклюзив туризм" лойиҳаси доирасида 25 минг нафар ёшларнинг Ўзбекистоннинг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳат қилиши кўзда тутилган.

Тажриба тариқасида, 2022 йил 25-29 май кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида "Матонат" оромгоҳи ташкил этилди. Лойиҳа ногирон, уйда таълим олаётган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига кўмаклашиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга олий таълим олиши ва касб танлашида йўналиш бериш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби бир қатор мақсадларни кўзда тутади. Ногирон ҳамда уйда таълим олувчи, ҳаётга қадам қўйишга тайёрланаётган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар билан таништириш, касб танлашига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган "Менинг инклюзив касбим" лойиҳаси доирасида "Сартарошлик", "Новвойлик", "Ошпазлик", "Шифокор", "IT" ҳамда "Учувчилик" йўналишларида соҳа мутахассисларининг маҳорат дарслари ўтказилди.

Жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган, аммо юксак матонати ва интилиши сабаб барчамизга ибрат бўла оладиган ёшларимиз талайгина. Масалан, ўз мақсадлари йўлида тўхтамай ҳаракат қилиб, бугунги кунда 10 та маҳалладошини иш би-

лан таъминлаган Муаззам Иброҳимованинг интилишларини кўриб қойил қолмасдан иложимиз йўқ: "Менинг имкониятим чекланмаган, ногиронлик нафақасига ҳам эҳтиёжим йўқ!", – дейди Муаззам. Андижонда истиқомат қилувчи, I гуруҳ ногирони бўлган Муаззам 15 та тикув машинаси сотиб олгач, туман ҳокимлигидан қўшимча бино ажратилди. Ҳозир у бир нечта ўзи каби ёшларни иш билан таъминлаган.

Ёшларга оид инклюзив сиёсатнинг амалга оширилиши – амалда имконияти чекланган ёшларнинг маънан имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ҳаёт фаровонлигини яхшилаш ва нурли келажакка умидини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар муаммоларига глобал ечимлар

Ҳозирги даврда дунёдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар ечими тўғридан-тўғри ёшлар билан боғлиқдир. Чунки бугунги ёш авлод эртанинг етакчи кучи – лидерлари саналади. Шу туфайли, ёшлар муаммоларига халқаро форматлар доирасида эътибор қаратиш, глобал ечимлар топиш – сайёрамизнинг эртанги тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар масалаларида халқаро ҳамжамият билан конструктив мулоқотни йўлга қўйишни – ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олдимизда турган муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Уларнинг мақсади нафақат ўзбек ёшларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки бутун дунёдаги ёш авлод вакилларини "Инсон қадри учун" тамойили асосида фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳисса қўшишга йўналтирилди.

Шу туфайли, Ўзбекистон 2018 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг Ёшлар ишлари бўйича Кенгашига, 2021 йилда эса, Осиёда ўзаро ишонч чоралари бўйича Кенгашининг Ёшлар бўйича Кенгашига тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Албатта, ёшларга оид янги тизим нафақат ички сиёсатда, балки ташқи сиёсатда ҳам ёшлар манфаатлари муштараклигидаги ҳаракатларни назарда тутади. Зеро, Янги Ўзбекистон ёшлари халқаро майдонда ҳам ўз ўрни ва сўзига эга бўлиши керак. Бунинг учун халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижлик ёшлар билан фикр ва малака алмашиш майдонини яратиш лозим эди.

Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Astrum IT академиясида қардош давлатлар ёшлари ўртасида ишонч ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ёшларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлараро ҳамкорликни кучайтириш, келгусидаги ижтимоий лойиҳа ҳамда дастурларни самарали амалга ошириш, минтақадаги интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни эзгулик йўлида бирлаштириш, минтақа ёшларининг ахборот технологиялари йўналишида тажриба алмашишига кўмаклашиш каби мақсадлар негизида ташкил этилган Марказий Осиё ёшлари форуми бўлиб ўтди.

Мазкур форумдаги суҳбатлар, фикр алмашишлар жараёнида аён бўлдики, бизнинг истакларимиз, орзу-ниятларимиз том маънода муштарак. Мазкур тадбир эса, ҳозирги мавжуд салоҳиятимизни ошириш, жамиятдаги муштарак муаммолар ечимини топиш, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар, юқори технологиялар, IT соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда ҳеч бир мамлакат якка ўзи ривожлана олмайди. Тарихдан ҳам маълумки, мамлакатлар доим савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорликлар эвазига ривожланган. Шу маънода тили, эътиқоди ва дунёқараши бир-бирига яқин бўлган туркий халқларнинг жипслашиши минтақамиздаги мамлакатлар тараққиётига сабаб бўлади.

Президентимизнинг Туркия Республикасида ўтказилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 8-саммитида билдирган таклифи асосида Бухоро шаҳрида ўтказилган туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форумида ҳам икки ва кўп томонлама ҳамкорлик келишувларига эришилди.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш ҳамда мамлакатнинг туризм салоҳиятини халқаро ҳамжамиятда кенг намойиш этиш каби бир қатор режалар асосида ташкил қилинган мазкур Форум туркий халқларни ҳар томонлама бирлашиш-

га, тажриба алмашишга чорлаши билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистоннинг 2021-2022-йилларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)га раислиги доирасида жорий йилнинг 9-10-июнь кунлари Тошкент шаҳрида ШҲТ Ёшлар кенгашининг 15-йиғилиши бўлиб ўтди. Юқори даражадаги учрашувда ШҲТ Ёшлар кенгашининг аъзо давлатлардаги масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар, ШҲТ ва Ёшлар кенгаши Котибият вакиллари ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ёшларнинг тутган ўрнини ошириш масалаларини муҳокама қилишди.

Бугунги ахборот асри ҳамда глобаллашув жараёнида ривожланаётган мамлакатлар қаторида ШҲТ давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўсиши ва тараққий этишида ёшларнинг ўрни эътиборга молик. Негаки, ҳозирги вақтда 3,2 миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ШҲТнинг улкан ҳудудида ёшларнинг салмоғи 55 фоиздан кўпроқ. Шу боис, ШҲТ Ёшлар кенгашининг Тошкентдаги йиғилиши дунё жамоатчилигининг эътиборини тортди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган "Unicorns SCO: ШҲТ ёшлари ўртасида энг яхши стартап лойиҳалар" танловининг финал босқичида стартапчи ёшларнинг 2 тадан, жами 50 та энг яхши стартап лойиҳалари экспертлар гуруҳига тақдим этилди. Бу жараёнда биз яна бир марта ёшларимиз билан фахрландик. Сабаби, уч кун давом этган танлов натижаларига кўра, энг яхши 10 та стартапнинг ҳар бирига 10 000 АҚШ долларидан, жами 100 000 доллар инвестиция маблағлари ажратилди. Ана шу ғолиблардан 4 нафари бизнинг ёшлардир.

Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича халқаро форматлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бунда Янги Ўзбекистон дипломатиясининг ёшлар сиёсатини самарали олиб боришдаги илғор тажриба ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият олдида мамлакатимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан то Янги Ўзбекистон давригача мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш борасида кучли ҳуқуқий база шакллантирилди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда соҳадаги қонунчилик янада такомиллаштирилиб, ёшлар учун кўплаб янги имкониятлар яратилди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мутлақо янгича тизим ташкил этилди.

Бироқ ушбу тизим самарадорлигини таъминлашда олдимизда қуйидаги бир қатор муҳим вазифалар мавжуд:

биринчидан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий хабардорлигини ошириш орқали ёш авлод камолоти учун давлат томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланишда шахсий жавобгарлик масъулиятини кучайтириш, ёшлар шахсий фазилати ва дунёқарашини бойитиш асносида "боқимандалик" кайфиятининг олдини олиш ҳамда уларда меҳнатсеварлик, фидоийлик хислатларини шакллантириш;

иккинчидан, ёшларни ватанпарварлик, фаол фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, уларда инсонни она тупроғи билан боғлаб турадиган қадриятларни кучайтириш орқали қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришга эришиш;

учинчидан, ёшларда замонавий касблар ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, чекка ҳудудлардаги ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларда "инсон капитали"ни ривожлантириш орқали арзон ишчи кучи сифатида меҳнат бозорига кириб келишининг олдини олиш, бугунги кун талабига жавоб берадиган рақобатдош кадрлар бўлиб етишишини қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, давлат хизматидаги ёш бошқарув кадрлари ҳамда ёшлар етакчилари орасидан ёш лидерларни саралаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касбий ривожланиш мониторингини амалга ошириш ҳамда шахсий компетенцияларини ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш бўйича истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқ-

болли кадрларни тайёрлаш институти" фаолиятини қайта ташкил этиш. Бу орқали юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ёш кадрлар корпуси ва захирасини шакллантириш;

бешинчидан, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ёш ватандошлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда "Ўзбекистон ёшлар кунлари"ни анъанавий тарзда ўтказиш;

олтинчидан, ёшлар масалалари бўйича халқаро алоқаларни кучайтириш, ёшлар вакиллари иштирокида халқаро форматларни қўллаб-қувватлаш, "Халқаро ёшлар туризми" сиёсатини йўлга қўйиш;

еттинчидан, ҳозирги глобаллашув замонида кучли рақобат ва ёт мафкуралар ўртасидаги кураш тобора кескинлашиб бораётган бир даврда ёшларни ёт иллатлардан ҳимоя қилиш, уларни маърифат йўли томон сафарбар этиш. Президентимиз 15-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтган ШҲТ Самарқанд саммитида таъкидлаганидек: "Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ" [5].

Олис манзилни кўзлаб сафарга чиққан карвон, аввало, йўл учун зарур бўлган нарсаларни ғамлаб олади. Бу кўзланган манзилга ўз вақтида, кечикмасдан, йўқотишларсиз етиб боришда қўл келади. Ўзбекистонимиз ҳам ана шундай ёрқин келажак деб аталадиган манзилни кўзлаб йўлга чиққан. Манзилда бугун биз кўмак бераётган, муаммоларини ҳал этиб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётган ёшлар кутиб турибди. Улар мамлакатнинг етакчи кучи бўлган салоҳиятли кадрлар, илм-фан, саноат, маданият ва спорт вакилларидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги замонавий тенденциялар ёш авлоднинг ҳаётий ва ахлоқий қадриятларига бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур вазиятда ёшларни тараққиёт иштирокчиси қилиш орқали уларда ислоҳотлар моҳиятини тушуниш, имкониятларни қадрлаш ҳиссини шакллантиришимиз мумкин бўлади.

Президентимиз ҳам ёшлар бугунги ислоҳотларнинг кузатувчиси эмас, талаба, ёш олим, давлат хизматчиси, тадбиркор, спортчи сифатида уларнинг иштирокчиси бўлишларини ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга эътибор қаратмоқдалар.

Чунки, ўзгаришларни ўз ҳаётида юракдан ҳис қилган ёшлар – Ватан тараққиёти билан ҳамнафас улғаяди ҳамда юрт ғамхўрлиги қалбида доимо акс-садо бериб ўзлигига содиқ баркамол авлод бўлиб камол топади. Зеро, "Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз!" [6].

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. //https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017

2. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни./ / https://lex.uz/acts/3026246

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони. // https://lex.uz/docs/3255680

4. Ўзбекистонда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. // http://yomi.uz/en/english/

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. // https://president.uz/uz/lists/view/5542

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // https://xs.uz/uzkr/post/millij-mustaqillik-yangi-ozbekistonning-mustahkam-asosidir

Нигора ҚУТЛИМУРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ШАРОИТИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Аннотация: *мазкур мақолада ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш шароитида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга доир масалалар тилга олинган. Тадқиқ этилаётган масалага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *она ва бола саломатлиги, Янги Ўзбекистон, ижтимоий давлат, адолатли жамият, тиббий ёрдам, диагностика марказлари, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, туғруқ бўлимлари.*

Новый Узбекистан: защита здоровья матери и ребенка в условиях построения социального государства и справедливого общества

Нигора Кутлимуратова,
депутат Олий Мажлиса Республики Узбекистан

Аннотация: *данная статья направлена на изучение вопросов, связанных с охраной здоровья матери и ребенка в контексте построения социального государства и справедливого общества. В статье анализируются нормативно-правовые документы, принятые по исследуемому вопросу в Новом Узбекистане, проделанная работа по их реализации. В исследовании сделан ряд предложений и рекомендаций по улучшению здоровья матери и ребенка.*

Ключевые слова: *здоровье матери и ребенка, Новый Узбекистан, социальное государство, справедливое общество, медицинская помощь, диагностические центры, семейная консультация, сельские врачебные пункты, родильные дома.*

New Uzbekistan: protecting maternal and child health in the construction of a social state and a just society

Nigora Kutlimuratova,
Deputy of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article aims to explore issues related to the protection of maternal and child health in the context of building a social state and a just society. The article analyzes the normative and legal documents adopted on the issue under study in New Uzbekistan, the work done on their implementation. The research makes a number of suggestions and recommendations to improve maternal and child health.*

Keywords: *maternal and child health, New Uzbekistan, social state, just society, medical care, diagnostic centers, family clinic, rural medical centers, maternity wards.*

Она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Янги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқимиз турмуши, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик даражасини ошириш йўлида белгиланган чора-тадбирлар доирасида тизимли амалий ишлар юқори суръатларда олиб борилмоқда.

Замонавий тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига устувор йўналишлар қаторида эътибор қаратилиб, она ва бола ҳамда аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида муҳим ва зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, ўз миллатининг генофонди, келажаги ҳақида қайғурган халқ, тараққиёт йўлидан барқарор одимлашни аниқ мақсад қилиб қўйган давлатгина, энг аввало, оналар ва болалар саломатлигига, соғлом фарзандининг дунёга келишига ҳар томонлама ғамхўрлик қилади.

Бош Қомусимизнинг 65-моддасида: "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгилаб қўйилган [1].

Ҳар томонлама соғлом болаларнинг туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш, ўз вақтида тиббий чора-тадбирларни қўллаш учун зарур бўлган шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари фаолияти тобора такомиллаштирилиб, туғма ва ирсий касалликларни ташхислаш, тўғри муолажа қилиш ва даволаш, улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилмоқда.

Сўнгги 5 йилликда оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, гўдаклар ва болалар ўлимининг олдини олишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий ифодаси сифатида, ҳозирги кунда, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари, кўп тармоқли поликлиника, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари, туғруқ бўлимлари томонидан аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилиб, оналар ва болалар саломатлигига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Маълумки, 2013-2017 йилларда мамлакатимизда болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланди [2].

Ушбу ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болаларда ногиронликни камайтириш, шунингдек, "Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳиятини ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида, 2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури қабул қилинди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли Фармони билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [3] вазифаларига мувофиқ, тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, "Она ва бола" ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва

маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим вазифалар қаторига киритилди.

Ҳаракатлар стратегиясида оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли ва малакали тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари, патронаж ҳамшираларнинг масъулиятини ошириш, аҳоли қатламлари билан ҳамкорликни тўғри ташкил этиш лозимлиги алоҳида қайд этилган бўлиб, бу борада, режавий асосда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги ПҚ-4513-сонли қарорига биноан, "2019-2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури"нинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантиришга замин яратади. Бу борада, ушбу қарор асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши тузилганлигини эътироф этиш лозим. Ушбу Кенгашнинг асосий вазифалари қаторига: аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудий бирлигида амалга оширилиши ҳамда масъуллар томонидан уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш киради. Шу билан бирга, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш, ўсмирлар, айниқса, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари режавий асосда ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, оналар ва болалар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш бўйича таъсирчан механизмларни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалий ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистоннинг барча марказий шаҳарлари ва чекка ҳудудларида даволаш ҳамда диагностика аппаратуралари билан таъминланган туғруқ комплекслари ва болалар муассасалари тармоғи барпо этилди.

Шу билан бирга, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда 13 та ҳудудий кўп тармоқли болалар марказларидан иборат бўлган болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ягона тузилмаси барпо этилди.

Мамлакатимизда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болалар учун замонавий, юқори технологик, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари [4] сифатида: репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш; аёллар ва болаларга малакали, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий инфратузилмани шакллантириш; ҳомиладор аёллар ва болалар учун ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг биноларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва янгиларини қуриш; ногиронлиги бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; замонавий талабларга жавоб бера оладиган

ва илғор технологияларни эгаллаган юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ҳамда болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилаш; соғлом фарзандларнинг туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, аёллар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш, бўлажак оналарнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, ҳомиладор аёлларга зарурий тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, оналар саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида бирламчи тиббий-санитария муассасаларида "Аёллар маслаҳатхона"лари, қизлар саломатлиги бўлимлари ташкил этилди. Шу билан бирга, гинекологик касалликларни замонавий халқаро талабларга мос ҳолда ташхислаш, даволаш ва реабилитация усуллари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Тизим бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган марказларда фаолият кўрсатувчи малакали мутахассисларнинг жойларга чиқиб (хусусан, чекка қишлоқ ҳудудларига), ҳомиладор ва репродуктив ёшдаги аёлларни сифатли тиббий кўрикдан ўтказиш, маҳорат дарслари ва ўқув-семинарларини ташкил этиши йўлга қўйилди [5].

Алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳудудлардаги туғруқ муассасалари мутахассисларининг етакчи хорижий мамлакатларда малака ошириш амалиёти тизимли равишда йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиламчи даражадаги, тез тиббий ёрдам тиббиёт муассасаларининг самарали интеграциясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг туман бўғинини ислоҳ қилиш, она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш [6], ихтисослашган ва паллиатив тиббий ёрдамни такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йил учун яна бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасидаги устувор вазифалар қаторида она ва бола саломатлигини таъминлаш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб, 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилиши, ушбу жараён 2021 йилда 11 миллион нафар, 2022 йилда 17 миллион нафар аҳоли қатламларини қамраб олиши ҳамда бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди [7].

Шу билан бирга, аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонликни 25 фоизга камайтириш вазифаси долзарб эканлиги таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилиши лозимлиги қайд этилди.

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясининг бош мезони этиб белгиланган "Инсон қадри учун" тамойили ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни кўзда тутмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқаронинг, хусусан, оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бу борада, давлатимиз раҳбари томонидан: "Халқимизнинг соғлиғи ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган энг бебаҳо бойлигимиздир. Шу боис, тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантириш бўйича катта марраларни белгилаб олдик. Бунинг учун бирламчи бўғинга ажратиладиган маблағларни 2 баробарга ошириб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларни камайтириш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз", [8] деб таъкидлангани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган байрам табригида Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислоҳотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланганлиги, бу борада, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бораётганлиги, шу сабабдан, "Янги Ўзбекистон ижтимоий давлат" деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етганлиги алоҳида қайд этилди [9].

"Ижтимоий давлат" тушунчасига [10] тўхталадиган бўлсак, фанга ушбу тушунча немис давлат арбоби ва иқтисодчиси Лоренц фон Штейн (1815-1890) томонидан киритилган бўлиб, немисча "sozialstaat" сўзидан олинган ҳамда замонавий юқори даражада ривожланган давлат тури сифатида барча фуқаролар учун юқори даражадаги ижтимоий ҳимояни таъминлайди. Бунда давлат ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда фаол иштирок этиб, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларини илгари суради. Ижтимоий давлат ўз фаолиятида давлат ва жамият институтларининг ўзаро уйғун ҳолдаги мақсад ҳамда вазифаларини ифода этади.

Президентимиз томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш йўлидан дадил бораётгани таъкидлангани, эндиликда, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг янада муҳим аҳамият касб этаётгани билан боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни бошидан кечираётган бугунги Янги Ўзбекистон шароитида оналик ва болалик муҳофазаси йўлида кўплаб амалий ишлар қилинди. Мазкур йўналишда амалий ишлар натижадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни қайд этиш мақсадга мувофиқ:

- ёш болалар соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом оилада яшаш ва тарбия олишларини таъминловчи, шунингдек, етим болалар ҳамда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик (ҳомийлик) белгиланишини рад қилувчи касалликлар тартибини назарда тутувчи ҳуқуқий асос – қонун қабул қилиш;

- генетик модификация қилинган организмлар бўлган истеъмол товарларини олиб кириш ва истеъмол қилишни чеклашни кўзда тутувчи нормаларни қонунчилик ҳужжатларига киритиш;

- оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- тегишли вазирлик ва идоралар (Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси) томонидан мактабларда ҳамда оилаларда тиббий маданиятни янада оширишга қаратилган маърифий тадбирларни кўпайтириш, тиббий маданиятга оид тарғибот-ташвиқот ишларига оид материалларнинг оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам бериб борилишини таъминлаш;

- оила институти мустаҳкамлигига қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш;

- умумтаълим мактаблари қошида фаолият юритадиган умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини, уларда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини мунтазам ўрганиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар изчил ва самарали олиб борилиши ҳамда давлат ички сиёсатида тобора устувор мақсадга айланиши лозим. "Инсон қадри учун" тамойилининг барча жабҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, она ва бола саломатлигини таъминлаш йўналишида тўлақонли акс этиши ва ўзининг амалий ифодасини топиши, янги Ўзбекистонда гўдакларнинг ҳар томонлама соғлом дунёга келиши, аёлларнинг репродуктив саломатлигининг яхшиланиши, ҳар бир фуқаронинг соғлом ва бахтиёр турмуш кечириши, жамият ва давлат таянчи бўлган мустаҳкам оилаларнинг кўпайишига замин яратади. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, "Она ва бола соғлиғига эътибор жамиятга, келажакка эътибордир" [11].

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 65-модда. https://constitution.uz/uz/clause/index#section15

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-3440-сонли қарори. // president.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги ПҚ-4513-сонли қарори. // www.lex.uz

5. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати қандай? 2020 йил 12 октябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти - parliament.gov.uz

6. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармонига 1-илова. // https://lex.uz/docs/4096197

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома. 2020 йил 29 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz

8. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. 2021 йил 9 ноябрь. // www.president.uz

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон халқига байрам табриги. 2021 йил 7 декабрь. // www.president.uz

10. Электронная библиотека ИФ РАН: Новая философская энциклопедия. Социальное государство. // https://iphlib.ru/library/collection/newphilenc/document/HASHad66b0624897b321e87aad

11. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома. 2020 йил 29 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти - www.president.uz

Нозимахон МИНГБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ БИЛАН ИШЛАШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *ушбу мақолада бош қомусимиз Конституцияни такомиллаштириш орқали давлат бошқарувида жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Давлат бошқарувида нафақат ходимлар билан, балки фуқаролар ва жамоатчилик фикри билан узвий ишлаш самарадорлигига доир хориж тажрибаси кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *конституция, давлат бошқаруви, жамият, жамоатчилик фикри, фуқаролик жамияти институти, демократик жамият, жамоатчилик ташкилотлари, ижтимоий шартнома.*

Значение работы институтов гражданского общества с общественным мнением

Нозимахон Мингбаева,
базовый докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье рассматриваются меры по совершенствованию деятельности институтов гражданского общества через реформирование Конституции, путем изучения общественного мнения в сфере государственного управления. Показан зарубежный опыт эффективной работы не только с сотрудниками в государственном управлении, но и с гражданами и общественным мнением.*

Ключевые слова: *конституция, государственное управление, общество, общественное мнение, институты гражданского общества, демократическое общество, общественные объединения, социальный договор.*

The significance of the work of civil society institutions with public opinion

Nozimakhon Mingbaeva,
base doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article considers measures to improve the activities of civil society institutions through the reform of the Constitution, by studying public opinion in the field of public administration. The foreign experience of effective work is shown not only with employees in public administration, but also with citizens and public opinion.*

Keywords: *constitution, public administration, society, public opinion, civil society institutions, democratic society, public associations, social contract.*

Ривожланган мамлакатлар фуқаролик институтларининг жамоатчилик билан ишлаш ҳолати тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқарувини ташкил қилувчи ташкилотлар: вазирликлар, агентлик, қўмита ва муассасаларнинг фаолияти халқ иродасига қанча яқин амал қилса, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳит барқарорлиги шунча мустаҳкамланади. Халқдан олинадиган ахборотлар, хоҳиш ва мақсадлар асосида шакллантирилувчи сиёсат устидан ўрнатилувчи жамоатчилик назорати давлат бошқаруви халқчиллигини кафолатли тарзда таъминлайди.

Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатларда ташаббускор, аҳил, масъулиятли жамиятни барпо этишга кўмак берувчи энг яхши асос нима? Мамлакатнинг турли табиий, интеллектуал, иқтисодий ресурсла-

ридан унумли фойдаланган ҳолда халқ фаровонлигини таъминлаш учун фуқаролик институтларининг ижтимоий масъулияти қандай бўлиши лозим? Ушбу саволларнинг жавобини фуқаролик институтларининг асосий қуроли бўлган жамоатчилик фикри кучидан излашимиз лозим. Янги Ўзбекистон давлати ва жамияти асосчиси Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқида ҳам мазкур масала ижтимоий бошқарув тизимининг методологик асоси сифатида белгиланди. "Давлат – жамият – инсон" тамойилини "инсон – жамият – давлат" деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарур [1], – деб билдирилган фикр юқорида қайд этилган фуқароларнинг дискурсив мазмунини ифодалайди.

Жамоатчилик фикри ижтимоий бошқарув жараёнларини фаоллаштирувчи асосий омил сифатида муҳим роль эгаллагани сабабли бу масала миллий қонунчилигимизда ҳам ўз мустаҳкам ўрнига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг I бўлим, иккинчи боб ва 9-моддасида: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (Референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади", [2] деб белгиланган. Бош қомусимизда шу тариқа жамоатчилик фикри, яъни халқ иродасининг ўрнини ҳеч қим ва ҳеч қайси ташкилот боса олмаслигини келтириб ўтилган. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас, – деб қонунчилик томонидан расман эътироф этилган ва жамоатчилик фикри юқори даражага кўтарилган [2].

Ҳозирги кунда кенг жамоатчиликнинг нафақат иқтисодий, маиший, балки сиёсий қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш ҳаракати кундан кунга кенгайиб бормоқда. Мамлакатнинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши ва модернизациялашуви учун халққа замонавий, инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқиш ва узлуксиз такомиллаштириб боришнинг илмий асосларини мустаҳкамлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ишлаб чиқилаётган қонунлар лойиҳасини кенг омма муҳокамасига жалб этишда ҳозирги кундаги ривожланган мамлакатлар мисолида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ва интернет тармоқларидан махсус йўналишлар бўйича майдонлар ташкил этишни қайд этилган. Унинг натижасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 34-бандида "Mening fikrim" махсус веб-портали ишлаб чиқилиб, унда халқ томонидан билдирилаётган жамоатчилик фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари шаҳар, вилоят ва туман Кенгашлари депутатларига йўллашлари, шунингдек, улар томонидан тегишли даражада ўрганилиб чиқилиши учун яхлит тизим яратилди.

Ҳозирги замон Европа давлатлари янги ижтимоий, иқтисодий сиёсатни бошлашда ёки эскиларини ислоҳ этишда, халқ манфаатини кўзлайдиган давлат бошқаруви институтларини шакллантириш ҳамда давлат дастурларини тузиш ёки такомиллаштиришда фуқаролар ўртасида ўтказилиб борувчи социологик тадқиқотлар натижаларидан олинган маълумотлардан фойдаланишади [3]. Бундай ёндашув, табиийки, муайян ислоҳотларни амалга оширишда социология фанининг ўрни ва ижтимоий мавқеини оширади ҳамда ривожланган ижтимоий давлатни барпо этишдаги аҳамияти юқори эканлигини асослайди.

Ҳозирги кунда халқ манфаати ва жамоатчилик фикри масаласига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 8 декабрдаги бош қомусимиз Конституция куни муносабати билан сўзлаган нутқларида ҳам эътибор қаратилган: "Янги Ўзбекистон ғояси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуғ мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз" [4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур веб-портал орқали ҳар бир фуқаро давлат ва жамият аҳамиятига молик муҳим масалалар юзасидан қонунчиликни ислоҳ этиш юзасидан ўз таклифларини электрон мурожаат шаклида юбориши мумкин [5]. Юборилган мурожаат "Mening fikrim" махсус веб-порталининг тузилмавий тарзда фаолият юритиши негизида кўриб чиқилиб, кенг аҳоли қатламлари вакиллари ўртасида муҳокама учун порталда эълон қилинади. Берилган маълумотлар жамоатчилик томонидан муҳокама этилиб, ўз тасдиғини топганидан сўнг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ёки Олий Мажлис палаталари томонидан қарорлар қабул қилиниши босқичига ўтказилади.

Шу тариқа, "Mening fikrim" махсус веб-портали қонунлар ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирокчи сифатида уларнинг мазмунини жамоатчилик фикри омили қай тарзда реал кучга айлантириш, барча фуқаролик институтлари ва фаолиятини фаоллаштириш борасида хулоса чиқариш имконини беради. Шунингдек, ушбу веб-портал орқали жамоатчилик фикри билан ишлаётган нафақат ижтимоий тармоқларга, балки сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаоллик даражаларига таъсир кўрсатиш имкони яратилади.

Бошқарувнинг демократик тизимларини ўрнатиш орқали ислоҳотларга ўтиш жараёни ривожланиб борар экан, фуқароларнинг мамлакат сиёсатидан умиди ошиб боради. Фуқаролар истеъмолчи сифатида хизматларнинг шаффофлиги, ундан фойдаланиш имконияти, яроқлиги, хавфсизлиги ва бошқа масалалар бўйича имкон қадар билишни истайдилар ҳамда қизиқишлари ошади. Бунда, албатта, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳукумат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Бунда ўтказилган социологик тадқиқот натижасида таҳлил қилинган жамоатчилик фикри орқали аҳолига керак бўлган бирламчи эҳтиёжларини билишимиз мумкин. Фуқаролар эса, солиқ тўловчилар сифатида сиёсатга керакли бўлган қарор ва лойиҳаларда иштирок этишни, ўз дахлдорлигини оширишни истайдилар. Бу ҳолатда давлат хизматлари ташкилотининг мақсади, албатта, фуқароларнинг манфаатларига ташкилот манфаатларининг монанд келишини таъминлашдан иборат бўлади.

Келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, самарали давлат бошқаруви фақат ҳукумат ходимлари билан боғлиқ эмаслиги учун, фуқаролар, раҳбарлар ва жамоат ташкилотлари, яъни фуқаролик жамияти институтлари ислоҳотларни амалга ошириш учун бир-бирлари билан ҳамкорликни ўрнатган бўлишлари лозим. Жамоат майдонида ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан берилган жамоатчилик фикри муҳокама қилингандан сўнг, билдирилган масалага нисбатан кўпчиликнинг фикри, деб таърифланса бўлади. Олдинга силжиш мақсадида ўтказилган сўровномалар пухта режалаштирилган ва йўналтирилган бўлиши керак.

Маълумки, демократик халқпарвар бошқарувнинг ўзига хослиги учта нарса орқали яққол намоён бўлади: уларнинг биринчиси – ҳукуматнинг бошқарув қобилияти, иккинчиси – халқ олдидаги масъулиятнинг ҳис этилиши ва учинчиси, халқ олдида ҳисоб бериш. Жамоатчилик фикри бу тизимни ривожлантиришда, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик фикрининг тўлақонли намоён бўлиши учун эса, демократик муҳит доираси зарур. Демократик муҳит доираси – бу давлат ва жамият ўртасидаги эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролар бир-бирлари билан маълумот алмашиш ва ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш учун бирлашадиган макон бўлиб, ҳозирги кунда ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари деб ҳисобласа ҳам бўлади [3].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар ҳам фақат халқ фикрини ҳисобга олишгагина эмас, балки давлат идоралари ходимларининг ҳам янгиликларга, ўзгариш, ривожланиш ва ислоҳотларга нечоғли тайёр эканлигига ҳам боғлиқдир. Бу борада қуйидаги фикрга эътибор қаратишингизни тавсия этамиз: "Амалга ошириш мўлжалланган маъмурий

ислоҳотларда тизимнинг таркибий қисмларида (масалан; ташкилий тузилмалар, юқори лавозимли ходимлар ва бошқаларнинг) ўзгаришга тайёрлигини аниқ ўлчамларда тушунишга асосланган бўлиши лозим" [6]. Шу боисдан ҳам фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик фикри фақат бир томонлама эмас, балки турли ижтимоий табақалар ва қарамақарши манфаатлар, эҳтиёжлар мақсадлари негизида таҳлил этилиши катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Турли ёндашувлар, таҳлиллар натижалари асосида умумлаштирилган жамоатчилик фикри ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда реал куч сифатида намоён бўлишига имкон яратилади.

Социолог олим М.Б.Бекмуродовнинг таъкидлашича: "Юзага чиққан ижтимоий муаммо маълум бўлган амалий воситалар билан ҳал этилмай қоладиган ҳолатда илмга, тадқиқот ўтказишга мурожаат қилинади. Бу мурожаат илмда ижтимоий буюртма деб аталади" [7]. Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳасида ёки йўналишида дуч келинган муаммоларни ҳал этиш учун социология фани ва унинг реал ҳолатини рўйирост кўрсатадиган методикалари муҳим роль ўйнаши амалиётга айланиб бормоқда.

Замонавий бошқарув жараёнлари доимо самарали маълумотлар ва таҳлилларга муҳтож бўлади. Бунинг учун эса, албатта, турли хил таъсир ва акс таъсир алоқа механизмларидан фойдаланиш ялпи ва эксперт сўровномалари ўтказиш, фокус – гуруҳ усулларини қўллаш жамоатчилик фикрини тўлароқ аниқлаш имкониятини кенгайтиради.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини илмий тадқиқ этишда улкан ҳисса қўшган Ж.Ж.Руссо ўзининг "Ижтимоий шартнома" асарида жамоатчилик фикри ахлоқ меъёрлари масаласини чуқур таҳлил қилган. Ахлоқ, мутафаккир назарида, одамлараро келишувнинг ўзагини ташкил этади. "Агар ҳар биримиз ўз шахсиятимиз ва бор кучимизни умумжамоа ва унинг олий иродасига топширар эканмиз, натижада барчамиз учун ҳар биримиз ягона бутунликнинг ажралмас қисмига айланамиз" [8]. Таъкидлаш жоизки, ахлоқ омили билан бирга, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бир қаторда, халқ ҳукуматдан ва унинг бошқарув тизимидан рози бўлганидагина давлат хавфсиз ҳисобланади. Буюк юнон файласуфи Афлотун айтганидек: "Хавфсиз жамиятда инсонларнинг бир жамиятга уюшиши ва ана шу уюшишдан кўзланган асосий мақсади фаровонлик ва барқарорликка эришишдир ва бу муваффақиятли юз беради" [9]. Янги Ўзбекистонда жорий этилган маҳаллабай ишлаш тизими ҳам, камбағалликдан чиқариш ҳаракати ҳам, ҳар бир оилани тадбиркорга айлантириш жараёнларидан кўзланган мақсаднинг ўзи ҳам халқимизни эркин ва фаровон қилишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрининг реал кучга айланишида адолат омилининг ўрни ҳам муҳимдир. Президент Шавкат Мирзиёев айтганидек, "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди" [10].

Юқорида назарий асосланган демократик жамият доираси феноменининг таркибида жамоатчилик фикрини алангалатиш ёхуд алангага сув сепиб тинчлантириш, бир сўз билан айтганда, катализаторлик функцияси оммавий ахборот воситалари ва интернет билан боғлиқдир. Демократик жамият доирасида шаклланган ижтимоий фикрнинг барқарор амал қилиб туриши ёхуд муайян мақсад йўлида ўзгариб, уни динамик хусусияти юқори бўлган жамоатчилик фикрига айлантириш ва у орқали жамиятдаги муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда ечим излаб топишда асосий роль ўйнайди. Демократик жамият доираси "Журналист мониторинги" методини қўллаш орқали ҳам ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда журналистиканинг демократик институт сифатида муваффақиятли фаолият юритишида катта роль эгаллайди [11].

Демократик жамият доираси орқали фуқаролар эркин ва тазйиқсиз жамоатчилик овозига эга бўлади. Жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириб, ҳукуматдаги сиёсатчиларга таъсир ўтказишга ва ўзгаришларни амалга оширишга интиладилар.

Демократик жамият доираси корхона ва ташкилотлардаги жамоат доираси жамоатчилик кенгашлари орқали соҳаларни ривожлантириш учун давлат секторини ислоҳ қилиш бўйича мутахассислар ва жамиятдаги фаол фуқаролар жамоати билан биргаликда ҳаракат қилишларини тез ўзгараётган замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Жамоатчилик фикрининг таъсир кўлами ва даражасини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини жадаллаштириш, қуйидагиларнинг давлат томонидан таъминланиши мақсадга мувофиқдир:

- фуқаролик эркинликлари, айниқса сўз, фикр изҳор этиш ва йиғилишлар ўтказишнинг конституциявий равишда кафолатланган бўлиши;

- асосий қомусимиздаги "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши" [2] керак деб белгиланган қоиданинг тўлақонли рўёбга чиқарилиши;

- телевидение, радио ва бошқа ОАВ тизимидаги обрўли нашрлар, кўрсатувлар ва мустақил жамоат эшиттиришлари мазмуни учун ижтимоий масъулиятнинг жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказилиши;

- фуқароларга фуқаролик мажбуриятини бажаришда стратегик ёндашишни тарбиялаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, таълимда ва ижтимоий соҳаларда белгиланган конституциявий имкониятларни кенг тарғиб қилиш;

- фуқаролар ичидан чиққан фаол аҳоли вакили, онгли равишда, оддий одамларга жамиятда юз бераётган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий ўзгаришлар мазмуни ва моҳиятини талқин қилишда ижтимоий восита ролини бажариши шулар жумласидан.

Жамиятдаги камчиликлар ва муаммоларни жамоатчилик фикрига айлантиришда фуқаролик институтларининг роли катта бўлиб, уларнинг асосий вазифалари жамият ичида юриб, аҳолининг турли табақалари вакиллари ҳаётига доир турли муаммоларни ўрганиш, таснифлаш ва тўғри йўналтиришдан иборатдир.

Маълумки, жамоатчилик фикри давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги ҳаёт ва фаолият тарзига самарали таъсир ўтказиш имкониятини ҳисобга олиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- аҳоли ўртасида одамларнинг онги ва қалбига узлуксиз таъсир кўрсатиш орқали муайян бир мақсадли гуруҳлар, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партиялар ва алоҳида элита гуруҳлари вакиллари таъсирининг ҳаддан ташқари ортиши;

- муайян гуруҳ вакилларининг аҳоли бошқарувидаги айрим камчиликлар доирасида негатив кайфиятни атайлаб кучайтириб юборишга қаратилган ғализ ҳаракати;

- шукроналик намоён бўлиши кутилган ижтимоий муҳитда амалга оширилган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларига беписанд ёндашув ҳолатларини эътиборга олиш;

- ижобий тенденциялар, позитив интилишларнинг аҳоли ўртасида тарғиб этилишига монелик қилиш, бу ҳаракатни маддоҳлик деб баҳолаш;

- миллий урф-одат, анъаналар, миллий маданият, адабиёт ва санъатга эъзозли ёндашув руҳида шаклланувчи жамоатчилик фикрига нисбатан лоқайдлик ёндашувлари мавжудлигини ҳисобга олиш;

- маргинализм, оммавий маданият, экстремистик оқимларга нисбатан жамиятнинг ялпи қаршилиги муҳитини шакллантиришга эътиборсизлик шулар жумласидан.

Айнан ана шундай ёндашувлар давлат ташкилотларининг ижтимоий бошқарувда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришларини янада долзарблаштиради. Президентимизнинг "Жамият – ислоҳотлар ташаббускори" деган эзгу ғояси доирасида асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам давр талабидир [1]. Бундай методологик ёндашув жамоатчилик фикрини уйғотувчи, мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш имкониятини яратади.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар натижадорлигини аниқлашда ва халқнинг бундан қанчалик розилигини билишда ҳамда ислоҳотларга нисбатан жамоатчилик фикри назоратини ўрнатишда фуқаролик жамияти институтларининг роли каттадир. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда

жамоатчилик фикрига мазкур институтларнинг таъсир кўламини аҳоли муносабатидан аниқлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзгаришига жамоатчилик фикри ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, аммо бу муаммо ҳозиргача мустақил илмий тадқиқот мавзусига айланмай келмоқда. Ҳолбуки, жамоатчилик фикрининг сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари фаолиятига таъсирини тадқиқ этиш давлат бошқаруви ва жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, давлат дастурлари ва жамият ижтимоий стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим роль эгаллайди. Бу эса, мамлакатда жамият ва давлат ўртасидаги узвий боғлиқликни шакллантиради ва тизимлаштиради. Мазкур масала юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борган профессор Т.Матибаев шундай ёзади: "Аслида ҳар қандай демократик жамиятда давлат ва жамият ўртасида ўзига хос шартнома, келишув бўлиши керак. Шунга мувофиқ сиёсий ҳокимият чегараланади, фуқаролар ва гуруҳларнинг ҳокимиятини суиистеъмол қилишидан ҳамда ўзини ўзи ҳимоялашнинг расмийлаштирилган усуллари қарор топади" [12].

Жамоатчилик фикри моҳиятини яхши англайдиган айрим бошқарувчилар, кўпинча, ўз фуқаролари ҳаёти ва муаммоларини яқиндан биладигандек ҳис этишади, аммо улар халқнинг шикоятлари, интилишлари ва фикрларини билиш учун маҳалладаги фаол ёки корхонадаги лидер шахслар, кайвонилар, тажрибали шахсларнинг фикри етарли деб ҳисоблашади. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 67,5 фоиз респондент айнан ана шу категориядаги ижтимоий қатлам вакиллари фикрини энг валид (ишончли) манба деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бу тоифадаги шахслар аҳоли муаммоларининг кўпроқ зоҳирий жиҳатларини кўрадилар. Муаммонинг ботиний жиҳатларига чуқур кириб борилмайди.

Бунга нисбатан профессор М.Бекмуродов шундай ёзади: "Сиёсий жабҳада жамиятнинг кўпгина аъзолари сиёсий ҳокимиятдан бегоналаштирилди. Яъни сиёсий ҳокимият бу халқ ҳокимияти, умумхалқ ҳокимияти, деб эълон қилинган бўлса-да, аслида у маълум бир гуруҳ – элитанинг хусусий мулкига айланди" [13].

Жамоатчилик фикрининг яна энг муҳим ижтимоий жиҳати етишиб келаётган ёш авлод вакилларининг саъй-ҳаракатлари, мақсадлари ва ўй-хаёлларини ижтимоий маъқуллаш ёки танқид қилиш воситасида ижтимоий мақбул тарафга буриш имконияти ҳисобланади. Шу масалаларга дифференциал ёндашиш жамиятда ижтимоий онгнинг шаклланишига ва аҳоли турли табақалари вакилларининг ақлий-интеллектуал ривожланишига туртки бўлиб, ташқи омиллардан кириб келаётган ёлғон маълумотлар таъсирчанлигини камайтиришга имкон яратади.

Шунингдек, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиб, фуқаролар ва давлатлар ўртасидаги анъанавий миллий-этник тушунчаларнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда. Жамоатчилик фикрининг янги идентификаторлари юзага келиб, турли ижтимоий тоифа вакилларининг ўзлигини аниқлаш ҳамда ижтимоий мўлжалларининг шаффофлигини таъминлашда муайян мураккабликларни шакллантирмоқда. Чунки, аҳолининг кўп қисми хорижий мамлакатларнинг турмуш тарзини кўриб, баҳо бериш билан уларга бўлган ижтимоий майли ва эътирофининг ошиши натижасида ўз давлатига бўлган садоқатининг хиралашишига сабаб бўлмоқда. Фуқароларнинг мамлакатларига бўлган дахлдорлигини оширишда, аввалambor, уларнинг маданиятини ривожлантириш ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, маданиятлараро мулоқотни тарғиб қилиш асосида ўзлигини шакллантириш орқали эришилади.

Ҳозирги тез ўзгараётган ижтимоий маконда жамиятни қамраб олган барча алоқа тизимларининг мураккаблашиши жамоатчилик фикрига бўлган эътиборни узлуксиз кучайтирмоқда. Жамоатчилик фикри мамлакатимиз ижтимоий фанларининг деярли барча соҳалари мутахассислари томонидан ўрганилиб, таҳлил қилиб келинмоқда. Ижтимоий бошқарув амалиётида жамоатчилик фикрига бўлган қизиқиш аҳолидан анкеталар ўтказиш, интервью олиш, фокус гуруҳ тадқиқотларини ўтказиш каби социологик методлар орқали

ўрганилмоқда. Жамоатчилик фикрига бўлган қизиқишларнинг ортишини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, жамоатчилик фикри кўпчилик инсонларнинг ҳаётий талаблари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, аҳолининг асосий ва иккиламчи эҳтиёжларини тадқиқ этиши билан аҳамиятлидир.

Иккинчидан, жамоатчилик фикри ижтимоий феномен сифатида реал воқеликнинг барча соҳаларига кириб боради. Сиёсий соҳада у демократияни ўрнатиш, ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришнинг зарур шакли сифатида ҳаракат қилса, ижтимоий соҳада одамлараро ва жамоалараро жараёнларни бошқаришнинг энг муҳим воситаси сифатида давлат ва жамият институтлари фаолиятига фаол таъсир ўтказади. Иқтисодиёт соҳасида эса, миллий иқтисодиётдаги ишларни инсоннинг моддий эҳтиёжларига нисбатини баҳолайди. Ижтимоий адолат тамойилини амалга оширувчи ҳимоячи сифатида жамоатчилик муносабатларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Маънавий-маърифий соҳада жамоатчилик фикри муҳим эталон бўлиб, инсонлар аксариятининг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларининг ҳаётга мувофиқ шаклланишини назорат қилади. Бу бўйича, социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов шундай фикр билдирган: "Жамоатчилик фикри ҳодисаси мазмунан аҳолининг турли қатламларига кучли маънавий-ахлоқий тарбия бериш потенциали бўлиб келганини эътибордан қолдирмаслик зарур. Шу боисдан ҳам, ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, жамоатчилик фикрининг негизи – асрлар мобайнида халқ фикри, ўй-одати сифатида синовдан ўтиб, халқ маънавиятида мустаҳкам кристаллашган шакллардан биридир" [7].

Учинчидан, жамоатчилик фикри катта ижтимоий-психологик салоҳиятга эга ва ўзини фаол стимулятор сифатида намоён қилиш мумкин, бу маълум йўналиш ва кенг кўламни, одамларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва ишларига талабчанлик ҳамда барқарорлик беради. Ижтимоий амалиёт шуни кўрсатадики, одамлар кенг кўламли жамоат ҳаракатларига жалб қилинишидан олдин, улар ўзларининг ҳаётий тажрибалари, кузатувлари, қизиқишлари ва атрофдаги воқеликнинг ҳақиқатлари билан биргаликда тажриба ўтказадилар, таҳлил қиладилар уларнинг маъносини баҳолайдилар, уларга қаратилган ғоялар ва муносабатларни ўзаро боғлайдилар. Асосан, бу ижтимоий-психологик жараённинг натижаси бўлиб, жамоат фикри ҳолатида муҳрланиб қолади, бу эса ушбу ғоялар ва қарашларни амалий қўллашга ҳисса қўшишни бошлайди ёки унга тўсқинлик қилади.

Тўртинчидан, одамларнинг билими ва онгининг ўсиши орқали жамоатчилик фикрининг намоён бўлиш доираси сезиларли даражада ошмоқда. Бугунги кунда жамоатчилик фикри тобора ижтимоий ўзгаришларнинг омилига айланиб турли хил муаммоларни ҳал қилишда ва ҳаётий, ижтимоий тараққиёт борасида келиб чиқадиган мураккаб зиддиятли вазиятларни тушуниб, жасорат билан кириб бормоқда. Биз буни жамоатчиликда учраётган "нима бўлди, нима бўлади ва нима бўлиши мумкин?" деган саволларга кўп тўқнашишимиздан жамоатчилик фикрининг адолатга бўлган истаклари фаол эканлигидан кўришимиз мумкин.

Шубҳасиз, юқоридаги тамойиллар асосида жамоатчилик фикрини ривожлантириш фуқаролик жамияти ва унинг институтларига асос солинишида ҳамда демократик жамият барпо бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида қуйидаги фикрлар келтирилган: Парламент, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, "Халқ – қонунларининг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади" ҳамда "Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади" тамойилларини амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириш бўйича катта ургу берган [14]. Бундан кўринадики, жамоатчилик фикрининг ривожланиши ва қанчалик асосли эканлиги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда намоён бўлади.

Манба ва адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. 2021 йил 8 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/4815

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017 йил. – 80 б.

3. Odugbemi S., 2008, 'Public Opinion, the Public Sphere, and Quality of Governance: An Exploration', ch. 2 in Governance Reform under Real World Conditions, eds. S. Odugbemi and T. Jacobson, World Bank, pp.15-37.

4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. 2021 йил 8 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/4815

5. https://meningfikrim.uz/uz/pages/about

6. Public Opinion Surveys as Input to Aminstrative Reform. SIGMA Papers No.25. pp.6. https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/

7. Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: "Фан", 1999. – 59; 33 б.

8. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / пер. с. Фр. – М.: "КАНОН-пресс", "Кучково поле", 1998. – 39 с.

9. Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон таржимаси. – Т.: "Янги аср авлоди", 2002. – 95 б.

10. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 193 б.

11. Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. Автореферат. – Тошкент: 2017. – 29 б.

12. Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик ва демократия: давлат ва жамият ҳаётининг барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: "Bilim va intellectual salohiyat" МЧЖ. 2019. –19 б.

13. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. – Т.: "Ёшлар нашриёт уйи" 2020. – 92 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: 2021. – 69 б.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори

ИНСТИТУЦИОНАЛ ФАОЛЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Аннотация: *мақолада дунё мамлакатлари камбағал ва бой, қудратли ва таназзулга юз тутган, ривожланган ва қолоқ каби атамаларга нега ажратилган, уларни иқтисодий ривожлантириш учун нима қилмоқ керак каби саволлар, халқаро тажрибаларда илмий-асосланган ва ҳаётга кенг татбиқ қилинган институционал принциплар таҳлил этилган.*

Шунингдек, бугун Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестицион дастурлар ва уларга институционал ёндашувнинг истиқболлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *дунё мамлакатлари, тараққиёт, қолоқлик, иқтисодий институтлар, иқтисодий механизмлар, сиёсат, сиёсий институтлар, институционал нормалар, институционал фаоллик, рақобат, институционализм, миллий тикланиш, миллий юксалиш, фаровонлик.*

Институциональная деятельность – фактор процветания

Бекдавлат Алиев,
доктор философских наук,
профессор Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: *в статье анализируются научно обоснованные и широко применяемые в международной практике институциональные принципы по таким вопросам, как, почему страны мира делятся на бедные и богатые, сильные и деградирующие, развитые и отсталые и что необходимо сделать для их экономического развития.*

В частности, обсуждаются реализуемые сегодня в Новом Узбекистане инвестиционные программы и перспективы институционального подхода к ним.

Ключевые слова: *мировые страны, развитие, отсталость, экономические институты, экономические механизмы, политика, политические институты, институциональные нормы, институциональная активность, конкуренция, институционализм, национальное восстановление, национальное возвышение, благосостояние.*

Institutional activity – a factor of prosperity

Bekdavlat Aliev,
DSc (in Philosophical Sciences),
professor of Tashkent State University of Economics

Abstract: *the article analyzes science-based and widely applied institutional principles in international practice on issues such as why the world's countries are divided into poor and rich, powerful and declining, developed and backward, and what should be done for their economic development.*

In particular, they discuss the investment programs being implemented in New Uzbekistan today and the prospects for an institutional approach to them.

Keywords: *countries of the world, development, backwardness, economic institutions, economic mechanisms, politics, political institutions, institutional norms, institutional activity, competition, institutionalism, national recovery, national growth, prosperity.*

Дунё мамлакатлари камбағал ва бой, қудратли ва таназзулга юз тутган, ривожланган ва қолоқ каби атамалар билан ажратиб кўрсатилади.

Хўш, нега мамлакатлар бундай тенгсизлашган? Ҳаммасининг ҳам ўз ҳудуди, аҳолиси, чегараси, қонуни ва бошқа тузилиши жиҳатдан ўхшашлиги бор-ку?

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг камбағал ёки фаровон бўлиши иқтисодий

институтларга асосланади, у қандай иқтисодий механизмлар бўлишини айнан сиёсат ва сиёсий институтлар ривожи билан белгиланади.

Гап шундаки, ҳар қандай давлат ҳамда унинг иқтисодиёти маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради. Вақт ўтиши билан ўша институтлар ички ривожланиш талаблари ва ташқи омиллар таъсири остида "эскиради", шунда улар тараққиётга тўсиқ бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда мавжуд институтлар ва институционал нормаларни такомиллаштириш ёки улар ўрнига янгиларини киритиш лозим бўлади.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ўтган 2016 йилдан бошлаб, Президент Шавкат Мирзиёев фармонлари, қарорлари орқали мамлакатни тубдан янги институционал принциплар билан тараққий эттириш мақсадида, хусусий мулкчилик, кичик бизнес, қишлоқ хўжалигини бошқариш ва бошқа бир қанча йўналишларда институционал нормалар ҳамда механизмлар такомиллаштирилди ва янги институтлар жорий қилинди.

Тан олиш керакки, илгарилари камбағаллик сўзини ишлатишга қўрқилар эди. Шу боис аҳолининг камбағал қатлами ижтимоий ҳимояга муҳтож дея юмшатиб ўтилар эди.

Сўнгги беш йилликда берилган сўз эркинлиги, олиб борилган шаффоф демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва инсонпарвар ислоҳотлар ижтимоий ҳимояга муҳтож дейилган сўзни реал ҳолда, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, камбағалликни йўқотиш дея баралла айтиш имкониятини ва амалий ишлаш кўникмаларини ҳосил қилди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5975-сонли Фармони [1] иқтисодиётимизни илмий тадқиқ этишда муҳим босқични бошлаб берди. Жумладан, мазкур Фармонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислоҳотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича дастурлар илгари сурилди. Бу борада олиб борилган жадал ислоҳотлар бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмларини ишга туширишга асос бўлди.

Чунончи, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, айниқса, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш саъй-ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундай дастурий кенг кўламли ишлар иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва унинг ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлади. Жамиятдаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни жорий этишга ишчи дастур бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётда тижорат банкларининг институционал инвестор сифатидаги ролини ошириш йўлларини такомиллаштиришда кичик бизнес фаолиятини ташкил қилишнинг институционал асосини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришнинг хориж тажрибаси асосида интеграциялашган – инновацион ҳамкорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш жорий этилди.

Масалан, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқсак, Америка Қўшма Штатларининг тўғри йўлга қўйилган иқтисодий институтлари 1916 йилдан кейин тадрижий пайдо бўлган сиёсий институтларнинг меваси ҳисобланади. Гарчи айнан мавжуд институтлар иккала – Ногалес ҳамда АҚШ ва Мексика орасидаги фарқларнинг асоси бўлса-да, бу Мексикада уларни ўзлаштиришга ҳамма ҳам рози бўлишини англатмайди. Жамиятда иқтисодий юксалиш ва аҳоли фаровонлиги учун энг яхши институтларни яратиш долзарб ҳисобланади [2].

Жумладан, АҚШ ва Мексика ўртасидаги фарқ, ўз навбатида, бутун сайёрамиздаги вазият билан солиштирилганда унча катта эмас. Ўртача америкалик ўртача мексикаликка нисбатан етти баравар, Перу ёки Марказий Америка аҳолисига нисбатан эса ўн баравар фаровон ҳаёт кечиради.

Шимолий Ногалес Жанубий Ногалесдан кўра анча бадавлатлигининг сабаби оддий – чегаранинг икки тарафидаги институтлар бутунлай ўзгача, бу эса иккала шаҳар аҳолиси учун бир-биридан тамомила фарқ қилувчи турмуш тарзини ҳосил қилган.

Бугунги Америка Қўшма Штатлари Мексика, Перуга нисбатан бир неча баробар бой, бунинг боиси эса, мавжуд иқтисодий ва сиёсий институтлар томонидан фуқаролар ва сиёсатчиларнинг бизнесга йўналтирилганида деб билмоқ керак.

Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислоҳотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

Бугунги институтларнинг турли хил тузилишда бўлиши илдизлари ўтмишга бориб тақалади. Чунки жамият ўтмишда муайян тарзда ташкил этилгач, ўша тарзда давом этаверади. Бу давомийлик сиёсий ва иқтисодий институтларнинг бир-бирига қандай таъсир кўрсатишидан келиб чиқишини намоён этади.

Даврлар ўтиши билан мавжуд институтларнинг бардавомлиги, бу давомийликка олиб келувчи сабаблар жаҳонда тенгсизликни йўқотиши ва камбағал мамлакатларни тараққий эттириши нима сабабдан шунчалик қийинлигини кўрсатади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва кичик бизнес муҳитига таъсир этувчи - глобал ва локал ҳамда бевосита ва билвосита омиллар таъсири доирасида интеграциялашган ўзаро иқтисодий алоқалар механизмини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун, Ўзбекистон тижорат банкларида институционал инвестор сифатида инвесторларнинг ролини ошириш йўлларини такомиллаштириш, механизмларини институционал мустаҳкамлаш учун қуйидагилар таклиф қилинади.

Халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиш, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларни янада ривожлантириш ҳамда рақамлаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда шаклланган, кундалик ҳаётда фойдаланилаётган, айрим ноқулай, такомилига етмаган институтлар мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ривожланишига халақит бераётган тўсиқлардан ҳисобланади. Қайсиким, улар орқасида яшириниб турган аниқ таркибга эга, мутаносиб, қарама-қаршиликларсиз институтлар мавжуд, ана шундай институтлар иқтисодий ўсишга янги туртки беради ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатларни тезлаштиради. Шу билан бирга, институционал тизимни соддалаштиради, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрўсини оширади.

Ҳаракатлар стратегиясига асосан ўтган беш йилликда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш йўлида банкларга институционал сармоядорларнинг, яъни ўз иш фаолиятининг хусусиятига кўра, доимий ва катта миқдордаги пул маблағларига эга бўлган ҳамда уларни қимматли қоғозлар портфелига қўйилма қилишга рухсат берилган.

Банклар институционал сармоядорларнинг акцияларини сотиб олиб, пул маблағларини жамғариш учун қўшимча имкониятга эга бўлади. Шунингдек, мижозларнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича ўз операцияларини кенгайтиради. Банклар хусусийлаштирилаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг қимматли қоғозларини катта ҳажмда инвестиция қилишга қодир бўлган йирик институционал тизим ҳисобланади [3].

Таъкидлаш жоизки, кўплаб мамлакатларда фундаментал-амалий фанни ривожлантириш биринчи вазифа ҳисобланади. Инновацион фаолиятни турли усуллар би-

лан рағбатлантириш керак ва инфратузилмани яратиш зарур. Шунингдек, тижоратлаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш керак, чунки инновацион маҳсулот ёки хизмат истеъмолчиси бўлиши лозим. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан холда, инновацияли тадбиркорликни янада ривожлантириш лозим, яъни бизнес-инкубаторлар, венчурли молиялаштириш ва бошқаларни яратиш керак.

Хусусан, Ҳиндистон, Швейцария, ХХР ва Исроил инновацион ишланмалар бўйича кўп йиллик ва бой тажрибага эга. Таъкидланганидек, бу йўналишни мамлакатда ривожлантириш учун узоқ йўлни босиб ўтиш шарт эмас. Балки ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида баён қилинган институционал иқтисодиёт йўналишлари доирасида тавсифланган бозор ўзгаришлари жараёнини ўрганиш анъанавий иқтисодий таҳлил доирасини кенгайтиради. Бу эса, институционал тизим фаолияти муаммоларини тадқиқ этишда умумий назарий асосларни ҳисобга оладиган комплексли ёндашувдан фойдаланиш имкониятини яратади.

XIX аср охири XX аср бошлари Ғарб цивилизацияси саноат ривожланиши ва ишлаб чиқаришни картелизация қилиш (рақобатчи хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тақиқланган битимларнинг бир тури сифатида картелларнинг мутлақ ва (ёки) нисбий тарқалиши ёки ижтимоий зарарлилигининг ўсиши) оқибатлари билан боғлиқ қарама-қаршиликларнинг тез ўсиши жараёнида эди. Улар, айниқса, Қўшма Штатларга таъсир кўрсатди, бу ерда молиявий капитал ўз таъсир зоналарини кенгайтирди ҳамда саноат концентрацияси харажатлари истеъмолчилар, фермерлар ва ишчиларга ўтди.

Бундай шароитда Америка фанида янги йўналиш – институционализмга асос солган олимлар гуруҳи шаклланди. Унинг вакилларидан америкалик олимлар: Ж. Коммонс, В. Митчелл, В. Х. Гамилтон, Торштейн Веблен (1857-1929)лар [4] институционализм ғояларининг асосчилари ҳисобланади.

Ушбу олимлар неоклассик йўналишнинг хулосаларини шубҳа остига қўйдилар ва ривожланиш ғоясига асосланиб, ҳақиқий ҳодисаларнинг моҳиятини ва уларнинг эволюцияси сабабларини ўрганиш вазифасини белгиладилар.

Институционалистлар фикрича, иқтисодиёт рационал инсон психологияси асосида нарх ва рақобат муаммолари билан шуғулланади. Шу билан бирга, мувозанатни эмас, балки инсонлар жамоалари ўртасидаги зиддиятни ўрганишни муҳим деб қарайдилар.

Институтлар (муассасалар) – бу турли ижтимоий ҳодисалар (солиқлар, оила, давлат, касаба уюшмалари, рақобат, хусусий мулк, молия тизими) ёки турли хил психологик, ҳуқуқий, ахлоқий (одатлар, инстинктлар, одатлар) асосидаги институтларнинг ижтимоий урф-одатлар гуруҳини тавсифлаш учун оғзаки белгига ўхшайди. Улар бир гуруҳ учун одат ёки халқ учун одатий ҳолга айланган устун ва доимий фикрлаш ёки ҳаракат тарзини англатади.

Ушбу тенденция вакилларининг фикрига кўра, барча институтлар коллектив психологиянинг хусусиятларига эга, шунинг учун турли гуруҳларнинг урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда, фан қайси иқтисодий ёки ахлоқий жиҳатлари маълум институтлар билан боғлиқлигини ва нима учун улар янги эҳтиёжларни қондиришни тўхтатиб, бошқаларга йўл беришни кўрсатиши керак.

Институционалистлар "иқтисодиёт инсоният фаровонликни излашда интилаётган мақсадлар билан боғлиқ бўлиши керак", деган ғояни илгари сурадилар. Айни вақтда, улар классик мактабнинг уйғунлиги ғоясини ва унинг асосий тамойилларини рад этадилар.

Институционализмда иккита бошланғич тамойилни кузатиш мумкин: биринчиси – эркин тадбиркорлик, иккинчиси – бизнесга салбий муносабатда ўз ифодасини топадиган танқидий тамойил ва мавжуд тизимни модернизация қилиш истагидир.

Институционализм етакчиси Торштейн Веблен ўзининг: "Бўш вақтлар синфи назарияси" (1899), "Қайта қуриш сиёсати" (1918), "Меҳнат инстинкти" (1914), "Мутлақ мулк" (1924) каби асарларида татбиқ қилинган методологияда ўзига хос вариантни ишлаб чиқди. Унинг фикрича, ин-

соннинг жамиятдаги ҳаёти, худди бошқа турларнинг ҳаёти каби, мавжудлик учун курашдан иборат. Шунинг учун, унинг фикрича, танлов ва мослашиш жараёни ижтимоий тузилмаларда эволюцион институтларнинг табиий танланиш жараёни ҳисобланади [5].

Институционал нормалар ва механизмлар иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи омиллар самарадорлигини оширишга асос яратиши билан бирга, узоқ истиқболда иқтисодий ўсишга шароит яратиб беради.

Институционал муҳитнинг шаклланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда институционал чекловларнинг юзага келиши ёки институционал нормаларнинг "эскириши" иқтисодий ривожланиш имкониятларини пасайтиради.

Шуларни ҳисобга олганда, мамлакатда шаклланган институционал муҳит сифатини иқтисодий ривожланиш ҳамда институционал ўзгаришларни иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи институционал механизмларни такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистонда банкларга институционал сармоядорларнинг, яъни ўз иш фаолиятининг хусусиятига кўра, доимий ва катта миқдордаги пул маблағларига эга бўлган ҳамда уларни қимматли қоғозлар портфелига қўйилма қилишга рухсат берилган. Банклар институционал сармоядорларининг акцияларини сотиб олиб, пул маблағларини жамғариш учун қўшимча имкониятга эга бўлади. Шунингдек, мижозларнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича ўз операцияларини кенгайтиради. Банклар хусусийлаштирилаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг қимматли қоғозларини катта ҳажмда инвестиция қилишга қодир бўлган йирик институционал инвесторлар ҳисобланади.

Бугунги кунда банклар тадбиркорлар билан нафақат мижоз, балки яқин ҳамкор, ҳаммаслак сифатида мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларга банклар катта кўмак бермоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ишончини қозонадиган, кенг қамровли молиявий хизматларни кўрсата оладиган банк тизими шаклланди. Бу натижалар банк хизматлари ва маҳсулотлари турлари тобора кенгайиб бораётганида, ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб, банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми ўсаётганида акс этмоқда [6].

Биринчи йўналиш институционал инвесторлар сонини кўпайтиришдан иборат. Институционал инвесторлар тузилмасида асосий ўринни банк сектори эгалламоқда. Иккинчи йўналиш, чакана инвесторларни Давлат қимматли қоғозлар бозорига жалб қилишдан иборат. Амалдаги қоидага кўра, инвесторлар – республикамиз юридик шахсларидир. Чакана инвесторлар сонини кўпайтириш кўп жиҳатдан расмий дилерлар фаолиятига боғлиқ. Давлат қимматли қоғозлари ўзларининг институционал, ташкилий-ҳуқуқий тузилишига эга бўлган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ривожланаётган ҳар қандай давлат молиявий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Институционал нуқтаи назардан, давлатнинг асосий функцияларидан бири – бу мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Хусусий мулк – иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Шу нуқтаи назардан хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишига давлат кафолатининг институционал механизмларини такомиллаштириш зарур. Чет эл инвестициялари ва инвесторларини ҳимоя қилиш, турли тадбиркорлик шакллари ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш институтлари, институционал нормалари ҳамда механизмлари – шулар жумласига киради.

Рақобат шароитида иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан трансакциялар бажарилишига ва улар учун сарфланаётган харажатларга боғлиқ. Ушбу муаммо юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар назарий таснифга эга бўлиб, улар иқтисодий ривожланишнинг трансакция харажатларининг амалий жиҳатларини ҳисобга олмаган. Шу нуқтаи назардан макро ва микро даражада давлат ва бозор тузилмаларида трансакция харажатларини оптималлаштиришнинг институционал омилларини баҳолаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш керак. Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашнинг ўтган йилларда тўпланган тажрибаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг

реал сектори тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошқариш усулларини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мазкур вазифаларнинг давоми сифатида Президентимиз етти устувор тамойилга асосланган Тараққиёт стратегиясини ўртага ташлади. Бу стратегия ривожланишнинг тамомила янги босқичи сифатида "инсон+жамият+давлат" тамойили асосида "Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш даврида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қаратилган ислоҳотлар марказида миллий ғоя туриши зарур. Чунки миллий ғоя муайян халқнинг келажакка интилувчи мақсадини ўзида мужассамловчи шиордир. У миллатни ўша мақсад атрофида бирлаштиради, сафарбар этади. Барча саъй-ҳаракатлар, интилишлар, бунёдкорлик фаолияти унга мувофиқлашади. Иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асослар, таълим-тарбия тизими чуқур ислоҳ қилиниши миллий ғоянинг асосий вазифаларидан биридир.

Миллий ўзига хослик ва маънавий қадриятларга таҳдидлар ошиб бормоқда. Ёшлар онгига эгоцентризм, иш, оилага, истеъмол маданиятига лоқайдликнинг кучайиши турли йўллар билан кенгайиб бормоқда.

"2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида [7] келгуси беш йилликда "Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

"Тараққиёт стратегияси"да иқтисодиётнинг асосий тармоқлари сингари, банк тизимига оид қатор ўзгаришларни амалга ошириш ҳам режалаштирилмоқда, хусусан:

- 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда айрим йўналишлар, шу жумладан, банк ва молия йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилиши режалаштирилмоқда.

Ҳудудларда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш учун, "Тараққиёт банки"-ни ташкил этиш кўзда тутилмоқда, бунда, 2022 йил давомида, Халқаро молия институтлари билан Ўзбекистон тараққиёт банкини ташкил этиш бўйича консультатив маслаҳат олиш, бу бўйича идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясида: "Банк тизимини трансформация қилишни якунлаш, хусусий банкларнинг улушини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиш" кўзда тутилган бўлиб, бунда:

- "Асакабанк"ни хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (2022 йил, июль ойигача);

- "Халқ банки", "Қишлоқ қурилиш банк", "Микрокредитбанк", "Агро банк", "Ўзмиллийбанк"нинг акцияларини 2023 йилга қадар фонд биржаси орқали оммавий жойлаштириш, "йўл харита"ларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (2022 йил август ойигача) кўзда тутилган.

Бундан ташқари, банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган, жумладан:

Молиявий барқарорлик бўйича Халқаро валюта жамғармасининг доимий экспертини жалб қилиш;

2022 йил биринчи ярим йиллик натижалари бўйича Молиявий барқарорлик шарҳини чоп этиш;

Халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш;

бунда, юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларга банкларнинг бардошлилигини таъминлаш мақсадида мак-

ропруденциал буферлар яратиш чораларини кўриб бориш.

Шу билан бирга, Стратегия бўйича банкларда рақамлаштириш жараёнларини ошириш, факторинг операцияларини ривожлантириш бўйича ҳам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур Фармон мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижалари ва келажакда белгилаб берилган улкан ислоҳотлар чора-тадбирлари ўрин олгани билан аҳамиятли. Эндиликда, Ўзбекистонда янги марраларни эгаллаш, фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш учун барча ижтимоий-иқтисодий институционал асосларга эга имкониятлар яратилмоқда.

Тараққиёт стратегиясининг халқ турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ мақсади яқин беш йилда кўлами кенг ва ижтимоий аҳамияти салмоқли бўлган механизмларни рўёбга чиқаришни кўзда тутгани билан долзарб саналади.

Кенг кўламли вазифаларнинг давоми сифатида Президентимиз етти устувор тамойилга асосланган Тараққиёт стратегиясини [8] жорий этишлари, мамлакат ривожланишнинг тамомила янги босқичи сифатида "инсон+жамият+давлат" тамойили асосида "Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Тенденции в области занятости в странах со средним уровнем дохода оставались значительно ниже, чем в странах с более богатой экономикой; когда ограничения были сняты, последние пережили более быстрое восстановление рынка труда, чем первые. Последствия пандемии были особенно разрушительными для развивающихся стран, которые имеют более высокий уровень неравенства, более неоднородные условия труда, более слабые системы социальной защиты и ограниченные финансовые возможности. Внутри стран также наблюдается растущее расхождение, о чем свидетельствует быстрое восстановление в некоторых секторах и медленное восстановление в других. Перспективы восстановления экономики этих стран намного хуже, чем у богатых стран. Политическая реакция на пандемию в странах с развитой экономикой, особенно в плане принятия ряда мер бюджетной поддержки, была сильной и быстрой. Напротив, хотя развивающиеся страны использовали столь

же широкий спектр мер для преодоления кризиса, они ввели меньшие пакеты помощи из-за бюджетных ограничений после того, как они понесли непредвиденные расходы в ответ на пандемию. Более того, крупная неформальная экономика во многих развивающихся странах снижает эффективность некоторых инструментов политики, многие из которых нацелены только на официальных работников и предприятия. Развивающиеся страны, которые зависят от экспорта трудоемких товаров или сырьевых товаров, а также экономики, зависящей от туризма, с трудом приспосабливаются к нестабильному и меняющемуся спросу. Экономики, зависящие от туризма, сильно пострадали от закрытия границ и потери доходов. Сокращение занятости и сокращение рабочего времени привели к сокращению доходов. В отсутствии надлежащих систем социальной защиты или достаточно крупных денежных переводов во многих развивающихся странах потери доходов рабочих усугубили финансовый стресс для и без того экономически уязвимых домохозяйств и привели к каскадным последствиям для здоровья и питания.

По оценкам, пандемия привела к тому, что до 77 миллионов детей и взрослых оказались в крайней нищете (Mahler et al.,2021). Исходя из предположения, что дети по-прежнему составляют 50% крайне бедных в 2020 году, как и до кризиса (Всемирный банк 2020), число взрослых, живущих в условиях крайней нищеты увеличилось на 38,5 миллионов с 2019 года.

Значительно возросла бедность среди работающих людей. Доля работников, живущих в условиях крайней нищеты, увеличилась с 6,7 % в 2019 году до 7,2 % в 2020 году, что соответствует увеличению числа работающих бедных на 8 миллионов человек. Тем не менее, рост бедности был гораздо более заметным среди тех, кто не работал в 2020 году, в результате того, что большие потери в глобальной занятости были сосредоточены среди домохозяйств с низким доходом. Согласно новым оценкам, в 2020 году еще 30 миллионов взрослых оказались в крайней нищете, не имея работы, включая тех, кто потерял свою работу во время кризиса и тех, у кого ее не было с самого начала. В результате в странах с низким и ниже среднего уровнем дохода в период с 2019 по 2020 год наблюдался наибольший рост уровня бедности среди работающих с увеличением на 1 и 0,9 процентных пункта, соответственно, что представляет собой значительное изменение предыдущих тенденций.

Длительные карантины и запреты на поездки, немыслимые до пандемии, нарушили производственный процесс, что привело к негативным последствиям для прямой и косвенной занятости, связанной с производственными сетями.

Из-за падения глобального потребительского спроса на промышленную продукцию в апреле 2021 года количество рабочих мест сократилось на 97 миллионов. Особенно это сокращение наблюдалось в текстильной промышленности, где занятыми в большинстве являются женщины. Это воздействие было особенно ощутимым в странах с доходом ниже среднего, которые используют участие трудовых ресурсов в производственном процессе. В странах с низким и средним уровнем дохода наблюдался наибольший спад на 11,8 % занятых в обрабатывающей промышленности по сравнению с 7,4 % в странах с доходом выше среднего, 3,4% в странах с низким уровнем дохода и 3,9 % в странах с высоким уровнем дохода.



Рис. 1. Рост занятости в производстве за 2019-20 годы в разбивке по группам стран с доходом (в процентах).

В дополнение к рабочим местам, которые напрямую связаны с производством в сложных сетях поставщиков, "сервисизация производства" – или растущая зависимость производства от услуг в качестве ресурсов как деятельности внутри фирм или как продукции, сопровождающей товары (Nordwall 2016; Miroudot 2017; Miroudot и Cadestin 2017) – также рас-

ширила когорту людей, средства к существованию которых будут затронуты сбоями в производстве.

Кризис на мировом рынке труда продолжал расти, так как на октябрь 2021 года количество зараженных COVID-19 составило 237 миллионов человек. Сокращение спроса на рабочую силу из-за других факторов, помимо прямого закрытия рабочих мест, стало более заметным на второй год пандемии. Сбои в процессе поставок, изменения рыночного спроса и вызванные пандемией изменения в предложении рабочей силы - все это создало ограниченные места в производстве. Проблемы были не только в промышленности, но и в сфере услуг, особенно это отразилось в страховании и транспорте. Ограничения на поездки и рост удаленной работы изменили деловые поездки, вызвав дальнейшее снижение спроса на услуги (Бхарати и Динеш, 2021 год; ЮНКТАД, 2021 год). В то же время в некоторых странах наблюдается рост онлайн-торговли, работы по найму и других форм самозанятости в сфере услуг.

Содержательный анализ влияния кризиса COVID-19 на производительность потребует изучения производительности на уровне фирмы или по крайней мере на детальном отраслевом уровне. Такие исследования невозможны при имеющихся в настоящее время данных (Romei 2020). Эти тенденции затрагивают не только работников, непосредственно занятых в этих секторах, но и работников смежных секторов.

Пандемия привела к реструктуризации рынков труда, поскольку в некоторых отраслях их работники столкнулись с сокращением, в то время как в других наблюдался рост. В течение 2021 года модели восстановления в разных отраслях были различными. Некоторые отрасли, такие как гостиничный бизнес, туризм и розничная торговля, продолжали сокращаться, в то время как другие, такие как информационно-коммуникационные технологии, логистика и электронная торговля, подверглись расширению. Неравномерное воздействие на отрасли привело к усилению неравенства. Чем дольше сохраняется пандемия и связанные с ней ограничения, тем более глубокими и продолжительными будут последствия для рынков труда и траекторий занятости. На небольших предприятиях наблюдается большее сокращение занятости и рабочего времени, чем на крупных. Многие предприятия как крупные, так и малые, пострадали с началом пандемии, но небольшие предприятия с меньшими финансовыми резервами были менее подготовлены к преодолению потрясений. До пандемии микропредприятия, малые и средние предприятия (ММСП) составляли более 90 % предприятий в большинстве стран (OECD 2021a) и по оценкам на них приходилось от 60 до 70 % глобальной занятости (ITC 2015, 2021).

Исследования подтверждают наблюдение о том, что небольшие фирмы столкнулись не только с большими потерями рабочих мест, но и с более глубоким сокращением отработанного времени, чем крупные фирмы. Чем меньше фирма, тем выше процент сокращения рабочего времени. Более того, многие малые предприятия, которым удалось выжить, обременены долгами, что повлияет на будущие инвестиции и рост производительности и может привести к консолидации.



Рис. 2. Изменение количества отработанных часов в зависимости от размера учреждения, 2019-20 г.г. (в процентах)

Подавляющее большинство неформальных предприятий являются малыми или микропредприятиями; неформальные предприятия пострадали от пандемии хуже, чем официальные, отчасти потому, что они не смогли получить доступ к официальным кредитным линиям или государственной поддержке, связанной с COVID-19. Качество новых развивающихся предприятий имеет значение для их перспектив роста и их способности обеспечить достойную ра-

боту. В целом, потребуется некоторое время, прежде чем предприятия, которые вышли из бизнеса, будут заменены, если они когда-либо будут заменены. Многое зависит от того, получат ли стартапы, микро- и малые предприятия необходимую им поддержку. В то же время эта тенденция будет продолжать снижать спрос на рабочую силу.

Результатом сбоев в предложении и спросе на рабочую силу стало то, что в 2021 году рынки труда продолжали испытывать трудности, набирая умеренные обороты, но не возвращаясь к уровню, существовавшему до пандемии. Число занятых лиц, живущих в условиях крайней или умеренной бедности выросло в 2020 году. Эта неблагоприятная тенденция перечеркнула с трудом достигнутые успехи в области развития в допандемические годы, сведя на нет прогресс. Например, в период с 1999 по 2019 год число людей, живущих в крайней нищете, сократилось более, чем на 1 миллиард, но теперь, впервые за 20 лет, глобальная бедность значительно возросла: пандемия COVID-19 снова столкнула почти 80 миллионов человек в нищету в 2020 году (Mahler et al., 2021). Сбои на рынке труда и потеря средств к существованию способствовали возникновению этого тревожного перелома в тенденции сокращения масштабов нищеты.

Таким образом можно сделать вывод о том, что восстановление рынка труда останется слабым до 2023 года. Сокращение занятости и падение трудовых доходов характеризовали 2020 и 2021 годы. Хуже всего обстоят дела в странах с низким и ниже среднего уровнем дохода (таблица1.1). Более того, люди, которые уже сталкивались с неблагоприятными условиями на рынке труда, такие как женщины, молодежь, пожилые люди и трудящиеся-мигранты, столкнулись с более высокими потерями занятости, чем другие группы.

Многообразное влияние кризиса на рынок труда лучше всего понять, изучив продолжительность рабочего дня. Сокращение рабочего времени может быть компенсировано государственными или корпоративными схемами сохранения занятости. С поправкой на рост населения, занятость, количество отработанных часов и участие в рабочей силе оставались ниже уровней, существовавших до пандемии в 2021 году, и, как ожидается, останутся такими, по крайней мере, до 2023 года. По прогнозам, в 2022 году соотношение отработанных часов к численности населения в возрасте 15-64 лет сохранится на 1,8 % ниже уровня 2019 года; соответствующие прогнозируемые показатели на 1,7 % ниже уровня занятости 2019 года и на 1,1 % ниже уровня 2019 года для рабочей силы.

Рис. 3. Индекс отработанных часов в неделю, занятости и рабочей силы в соотношении к мировому населению в возрасте 15-64 лет (2019 = 100)

Предполагая 48-часовую рабочую неделю, сокращение отработанных часов было эквивалентно дефициту из примерно 125 миллионов рабочих мест с полной занятостью по всему миру в 2021 году по сравнению с четвертым кварталом 2019 года. Дефицит занятости в 2021 году составил 92 миллиона человек, а снижение коэффициента участия в рабочей силе (LFPR) по сравнению с уровнем 2019 года соответствует дефициту рабочей силы в 67 миллионов человек. Хотя дефицит становится все меньше по прогнозам, он по-прежнему будет значительным. Непрерывный рост численности населения увеличивает численность персонала по ключевым показателям рынка труда, даже несмотря на то, что соответствующие коэффициенты, такие как отношение занятости к численности населения (EPR), остаются ниже их докризисного уровня. По этой причине общее количество отработанных часов в мире, занятость и численность рабочей силы, по прогнозам, превысят уровень 2019 года в 2022 году.



Рис. 4. Дефицит в эквиваленте отработанных часов полной занятости, занятости и рабочей силы по отношению к 2019 году (в миллионах)

По прогнозам, количество отработанных часов на одного занятого человека восстановится примерно до докризисного уровня, если экономическая активность возрастет, но занятость и рост рабочей силы будут отставать. Значительное сокращение рабочего времени на одного работника, вызванное временным закрытием рабочих мест, составило примерно половину от общего сокращения рабочего времени в 2020 году, а другая половина была вызвана сокращением занятости. Дефицит занятости, в свою очередь, был в значительной степени обусловлен уходом рабочей силы, в отличие от роста безработицы. Исходя из прогнозов, рабочая сила станет основной причиной долговременных последствий кризиса, в то время как количество часов, отработанных в неделю на одного работника, по прогнозам, в значительной степени восстановится к 2023 году.



Рис. 5. Изменения в отработанных часах в неделю (с поправкой на численность населения) на изменения в рабочей силе, безработице и отработанных часах на одного занятого человека (мир) (в процентах)

С самого начала пандемии хуже всего пришлось странам с доходом ниже среднего. В них наблюдается наибольшее снижение соотношения общего количества отработанных часов в неделю к численности населения в возрасте 15-64 лет, уровня занятости и LFPR. Они также наблюдают самое медленное восстановление. Оценки бедности показывают, что восемь из десяти новых бедных в 2020 году были в странах со средним уровнем дохода (Всемирный банк, 2020). Пандемия оказала непропорционально негативное воздействие на занятость женщин и на занятость молодежи.

Хотя разрыв в процентных пунктах занятости в 2020 году по сравнению с 2019 годом составляет в некоторой степени сопоставимый между женщинами и мужчинами, у женщин изначально был гораздо более низкий уровень занятости. Следовательно, относительное снижение у женщин было больше, чем у мужчин и, по прогнозам, оно сохранится в ближайшие годы. Однако женщины в странах с высоким уровнем дохода испытали примерно те же относительные потери занятости, что и мужчины в 2020 году, и восстановили занятость быстрее, чем мужчины в 2021. Молодые люди (в возрасте 15-24 лет) во время этого кризиса оказались в гораздо худшем положении, чем люди старше 25 лет (МОТ 2021b, 2021d).

Глобальный LFPR, упавший почти на 2 процентных пункта в период с 2019 по 2020 год, по прогнозам, восстановится лишь частично до 59,4 % к 2023 году, что более чем на 1 процентный пункт ниже уровня 2019 года в 60,5 %. Поскольку восстановление занятости, по прогнозам, будет еще медленнее, чем восстановление рабочей силы, глобальный уровень безработицы останется выше уровня 2019 года, по крайней мере, до 2023 года. Общее число безработных сократится как в 2022, так и в 2023 годах. Несмотря на этот прогресс, глобальная безработица будет упорно оставаться выше, чем ее уровень 2019 года - 186 миллионов, в 2023 году - 203 миллиона.

Таблица 1

Количество отработанных часов в неделю, занятость, безработица и рабочая сила (региональные группы по доходам) за 2019-2023 годы

Группировка стран	Отношение общего количества отработанных часов в неделю к численности населения в возрасте 15-64 лет (в процентах)					Общее количество рабочих часов в неделю на эквивалентных работах с полной занятостью (FTE = 48 часов в неделю) (в миллионах)				
	2019	2020	2021	2022	2023	2019	2020	2021	2022	2023
Мир	**27,5**	**25,1**	**26,3**	**27,0**	**27,2**	**2883**	**2563**	**2810**	**2908**	**2958**
Страны с низким доходом	23,5	21,9	22,3	22,9	23,2	174	167	175	186	195
Страны со средним доходом	25,5	22,7	23,8	24,8	25,1	1125	1015	1081	1142	1175
Страны с доходом выше среднего	30,5	28,3	30,0	30,3	30,3	1127	1048	1113	1125	1128
Страны с высоким доходом	27,8	25,7	26,8	27,7	28,0	457	423	441	455	460
	Отношение занятости к численности населения (в процентах)					Занятость (в миллионах человек)				
	2019	2020	2021	2022	2023	2019	2020	2021	2022	2023
Мир	**57,3**	**54,8**	**55,4**	**55,8**	**56,0**	**3287**	**3183**	**3257**	**3325**	**3375**
Страны с низким доходом	64,0	61,7	61,9	62,2	62,6	240	239	248	257	267
Страны со средним доходом	52,0	49,0	49,9	50,6	50,9	1198	1149	1189	1228	1255
Страны с доходом выше среднего	61,6	59,3	59,7	59,9	59,9	1262	1223	1240	1252	1261
Страны с высоким доходом	58,1	56,3	56,9	57,4	57,5	587	572	581	588	592
	Уровень безработицы (в процентах)					Уровень безработицы (в миллионах человек)				
	2019	2020	2021	2022	2023	2019	2020	2021	2022	2023
Мир	**5,4**	**6,6**	**6,2**	**5,9**	**5,7**	**186**	**224**	**214**	**207**	**203**
Страны с низким доходом	4,9	5,6	5,9	6,0	5,7	12	14	15	16	16
Страны со средним доходом	5,1	6,6	5,9	5,6	5,4	64	81	74	72	72
Страны с доходом выше среднего	6,0	6,7	6,7	6,6	6,3	80	88	90	88	85
Страны с высоким доходом	4,8	6,5	5,6	4,9	4,7	29	40	35	31	29
	Коэффициент участия рабочей силы (в процентах)					Рабочая сила (млн. человек)				
Мир	60,5	58,6	59,0	59,3	59,4	3473	3407	3471	3532	3578
Страны с низким доходом	67,3	65,4	65,7	66,2	66,4	253	253	263	273	283
Страны со средним доходом	54,8	52,5	53,0	53,6	53,8	1262	1230	1263	1300	1327
Страны с доходом выше среднего	65,5	63,6	64,0	64,1	64,0	1342	1312	1330	1340	1346
Страны с высоким доходом	61,0	60,2	60,3	60,3	60,4	617	611	616	618	622

Кроме того, ожидается, что восстановление безработицы будет сосредоточено в странах с высоким уровнем дохода, на долю которых в период с 2021 по 2023 год придется половина глобального снижения безработицы, на долю которых приходится лишь 18 % мировой рабочей силы. Поскольку безработными могут стать только люди, участвующие в рабочей силе, неопределенность в отношении прогнозов безработицы усугубляется неясным восстановлением рабочей силы.

Медленное и неравномерное восстановление рабочего времени в 2021 году поме-

шало широкомасштабному восстановлению утраченных трудовых доходов. Поскольку большинство работников в мире имеют недостаточный, если вообще имеют, замещающий доход (МОТ 2021), спрос будет оставаться низким, поскольку семьи исчерпывают свои сбережения. Эффект был особенно заметен в развивающихся странах, где доля экономически уязвимых групп населения выше, а размер пакетов стимулирующих мер был меньше.

Неравномерное экономическое воздействие пандемии по секторам, наряду с неудовлетворенным спросом и узким спектром рабочих мест в цепочке поставок, привело к инфляции и росту цен в определенных секторах.

Консенсус заключается в том, что эти колебания цен в значительной степени стабилизируются, хотя они усиливают неопределенность, которая не способствует возобновлению расходов (BLS 2021). Хотя в некоторых странах и секторах наблюдается догоняющее потребление, спорадический характер возобновления производства и неопределенность продолжают препятствовать расходованию средств. Рост цен на продовольствие и энергоносители, усугубленный изменением климата, оказывает дальнейшее снижающее давление на бюджеты домашних хозяйств, потребление и производство и, следовательно, на спрос на работников (Всемирный банк, 2021 год).

Крупные пакеты фискальных стимулов в странах с развитой экономикой помогут повысить спрос на рабочую силу, поскольку страны стремятся не только стимулировать расходы в краткосрочной перспективе, но и "лучше восстанавливать" и развивать устойчивость в долгосрочной перспективе.

Пандемия резко высветила недостаточную институциональную готовность стран – как развитых, так и развивающихся к преодолению такого кризиса, как COVID-19. Это должно привести к структурным изменениям, которые сделают предприятия и работников более устойчивыми.

Но повышенное осознание того, что такие кризисы могут произойти и что они могут быть разрушительными формируют в институциональной готовности к будущим кризисам такого масштаба. Исходя из всего вышеизложенного, складывается картина необходимости глобального призыва на решение проблем рынков труда в разрезе регионов и стран, а также формирование новых тенденций в государственной финансовой поддержке.

Источники и литература

1. АПУ (Университет Азима Премджи). 2021. Состояние рабочей Индии 2021: Один год Covid-19. Бангалор: Центр устойчивой занятости.

2. X BLS (Бюро статистики труда США). 2021. "Уровни и ставки увольнений по отраслям и регионам с учетом сезонных колебаний".

3. ОЭСР (Организация экономического сотрудничества и развития). 2021a. Перспективы развития малого и среднего бизнеса и предпринимательства ОЭСР на 2021 год. Париж.

4. ЮНКТАД (Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию). 2021. Доклад о торговле и развитии за 2021 год: От восстановления к устойчивости: Аспект развития. Женева.

5. ЮНИСЕФ (Детский фонд Организации Объединенных Наций). 2020. "Могут ли дети продолжать учиться во время закрытия школ?" Нью-Йорк.

6. Организация "ООН-женщины". 2020. "От идей к действиям: гендерное равенство после COVID-19". Нью-Йорк.

7. ВОЗ (Всемирная организация здравоохранения). 2021. "Цифры с первого взгляда".

8. Всемирный банк. 2012. Доклад о мировом развитии за 2012 год: Гендерное равенство и развитие. 2020. Бедность и общее процветание. 2021 год. Перспективы мировой экономики, июнь 2021 года. Вашингтон, округ Колумбия.

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти / Узбекистан и мировое сообщество/ Uzbekistan and the world community

Анвар ЮЛДАШЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессори

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ ВА АСОСИЙ МУАММОЛАРИ: ЕВРОПА ТАЖРИБАСИДАН САБОҚЛАР

Аннотация: *мақола Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлик масалалари генезиси ва асосий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда Европа Иттифоқи тажрибасидан келиб чиқадиган сабоқлар тўғрисида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, Марказий Осиё иттифоқи, интеграция, геостратегия, этник гуруҳлар, иқтисодиёт, қадриятлар, этник ва маданий жамоа.*

Генезис Центрально – азиатского регионального сотрудничества и основные проблемы: уроки из европейского опыта

Анвар Юлдашев,
доктор исторических наук,
профессор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *статья посвящена генезису и основным проблемам регионального сотрудничества в Центральной Азии, а также учету опыта Европейского Союза в этом направлении.*

Ключевые слова: *Европейский Союз, Центральная Азия, Центрально-азиатский Союз, интеграция, геостратегия, этносы, экономика, ценности, этнокультурная общность.*

Genesis and main problems of Central Asian regional cooperation issue: lessons from the european experience

Anvar E.Yuldashev,
DSc (in Historical Sciences),
Professor of Academy of Pablic Administration Repablic of Uzbekistan

Abstract: *the article examines the genesis and key issues of regional cooperation in Central Asia, and also takes into account the experience of the European Union. It is emphasized that Central Asia is a unique region that can benefit from the experience of European integration, since Central Asia is now in the pre-European integration process.*

Keywords: *European Union, Central Asia, Central Asian Union, integration, geostrategy, ethnic groups, economy, values, ethnocultural community.*

1. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги манфаатлари: мақсади ва босқичлари

Марказий Осиё минтақаси қадимдан Ғарб ва Шарқ давлатларининг диққат марказида бўлиб келган, чунки у муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий мавқени эгаллаб, Осиё ва Европа давлатларини боғловчи кўприк вазифасини бажарган. Бир

неча асрлар илгари Буюк Ипак йўли Хитой ва Ҳиндистондан Европага ўтишни таъминлаган. Ҳозирги кунда минтақа давлатлари ҳам дунёнинг бошқа давлатлари каби тарихий меросни тиклаш чораларини кўрмоқда. Х. Комилова фикрига кўра, "Буюк Ипак йўли бўйлаб Европа ва Осиё ўртасидаги алоқаларнинг тикланиши Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий салоҳиятини тиклашга хизмат қилади" [1].

Шу билан бирга, жаҳондаги йирик давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига қизиқиши ортиб бормоқда. Чунки, биринчидан, бу ерда катта ҳажмда нефть ва газ захиралари жамланган; иккинчидан, минтақа мамлакатлари Евроосиё қитъасида муҳим стратегик мавқега эга. Охирги пайтларгача Марказий Осиёга нисбатан энг нуфузли ўйинчилар Россия, АҚШ ва Хитой эди, лекин яқинда Европа Иттифоқи ҳам, мазкур минтақага алоҳида қизиқиш кўрсата бошлади. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили ўтган асрнинг 90 йилларидан Европа Иттифоқи ўзининг стратегик таъсирини Марказий Осиёнинг янги давлатларига кенгайтириш сиёсатини олиб бораётганидан далолат беради.

Хусусан, М. Носовнинг таъкидлашича, "Европа Иттифоқи мустақилликка эришган ёш давлатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича катта тажрибага эга. Авваллари бундай давлатларнинг кўпчилиги, хусусан, Африка, араб ёки Осиё мамлакатлари, бир вақтлар Fарбнинг мустамлакаси бўлиб, Европа Иттифоқининг кўп қиррали таъсири остида бўлган. Улардан фарқли ўлароқ, Марказий Осиё давлатлари 1991 йилгача Совет иттифоқи таркибида бўлган республикалар эди. Совет иттифоқининг қулаши, Москванинг минтақадаги иқтисодий ва сиёсий таъсирини йўқотиши маълум даражада сиёсий бўшлиқни юзага келтирди, бу эса, Fарб ва хусусан, Европа иттифоқининг бу ерда ўз мавқеини мустаҳкамлаш сиёсатини кучайтирмасдан қолмади" [2]. Бунга далил сифатида Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могеринининг 2017 йил 20 ноябрь куни "Газета.uz"га берган интервьюсида: "Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабати бошқа давлатлар ва кучлар билан рақобатлашиш учун қурилади, бизнинг ҳаракатларимиз минтақада яшовчи одамларнинг турмуш тарзини фақат яхшилашга йўналтирилган", деган фикрини келтириш мумкин [3].

Санкт-Петербург давлат университети профессори Н.В. Еремина [4], Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти фонди ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти институти эксперти Г.Тулепбергенова [5], Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Москва давлат халқаро муносабатлар университети аспиранти Г.И. Акказиева [6], Лондонда ишлаб, ижод қилаётган ёш тадқиқотчи Зайнаб Мухаммад-Дост [7]ларнинг мавзуга доир илмий тадқиқотларидаги маълумотлар бизга Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга нисбатан анъанавий "кузатувчи" ролидан "фаол иштирокчи" ролига ўтиш жараёнини минтақавий миқёсда қуйидаги 4 даврга бўлишга имкон яратди.

Биринчи давр, 1991-1995 йиллар даврини ўз ичига олади. Бу даврда Европа Иттифоқи Марказий Осиё республикаларида ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш; демократик янгиликлар ва Европа ахлоқий меъёрлари учун турли асослар яратиш ва бозорга чиқиш ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш жараёнида иқтисодий ёрдам кўрсатиш вазифалари билан шуғулланди.

Молиявий ёрдам билан бир қаторда, Европа Иттифоқи томонидан ички сиёсий вазият кузатилди.

Иккинчи даврни (1996-2000 йиллар) Европа Иттифоқи мамлакатлари учун умидсизлик даври деб аташ мумкин. Марказий Осиё республикалари бу даврда Европа Иттифоқининг бозор иқтисодиёти ва демократиянинг Европа стандартларига яқин бўла олмади.

Шу билан бирга, Fарбий демократия стандартлари МО мамлакатларида диний уйғониш жараёнини бошлашга имкон яратди, бу кўп жиҳатдан минтақадаги республикаларда ҳукуматларга қарши норозилик кайфиятлари туғилишига сабаб бўлди (Ислом жангариларининг 1999 йил 16 февралдаги Тошкент, ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Янгиобод туманидаги, 2000 йили Сариосиёдаги террорчилик ҳаракатлари, шу-

нингдек, мазкур даврдаги Тожикистон ва Қирғизистон воқеаларини эслатиб ўтиш ўринли.).

Марказий Осиё мамлакатлари бу даврда кескинлик ва беқарорлик манбаи бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас, бундай беқарорликнинг кўлами ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари нафақат Европа Иттифоқининг дастурларини тўхтатди, балки муносабатларга бирмунча совуқчилик туширди.

Учинчи даврни (2001-2004 йиллар) Европа Иттифоқининг учта асосий мақсадига эришишга қаратилган ўз дастурларини қайта бошлашга уриниши деб аташ мумкин. Булар: Марказий Осиё республикаларида демократик жамиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар; ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда минтақа республикаларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Шу билан бирга, учинчи мақсадга эришиш иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлигини унутмаслик керак. Чунки минтақанинг энергетикаси ва минерал ресурсларини ривожлантиришда Европанинг иқтисодий манфаатлари кузатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган воқеалардан кейин Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақаси давлатларига нисбатан сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқди, бу эса, минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган тадбир эди.

Биз гувоҳ бўлиб турган тўртинчи давр Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган. Бугунги кунда Европа Иттифоқи Марказий Осиёнинг келажаги ҳақидаги тасаввурини аллақачон гиёҳванд моддалар савдоси, ноқонуний миграция ва диний экстремизмга тўсқинлик қила оладиган минтақа сифатида ишлаб чиқди.

2. Марказий Осиё доирасидаги интеграция тарихи

Интеграциянинг тараққиётга ёрдам беришининг ёрқин мисолларидан бири Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорликдир. "Агар, – деб ёзади мустақил тадқиқотчи Зайнаб Мухаммад-Дост, – Марказий Осиё ҳар томонлама иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни истаса, у Европа интеграцияси сабоқларини ўрганиши керак. Бу эса, икки минтақанинг интеграциялашув жараёнлари тарихидаги баъзи ўхшашликлар асосида параллел минтақавий ҳамкорлик стратегиясини тузиш имкониятини беради" [7]. Бизнинг фикримизча, Европанинг ўзи ҳам, натижада, МО минтақавий механизмларининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди. Чунки "Европа Иттифоқи – Марказий Осиё" минтақалараро ҳамкорлик доирасидаги ташаббус ва тажриба алмашиш, Марказий Осиёда интеграция жараёнларининг ривожланишига ёрдам беради.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари бу – этник, тарихий, диний ва маданий илдизларга эга бўлган Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ҳудудларини ўз ичига олган минтақадир. 90 йиллар бошида, мустақиллик эълон қилинганидан сўнг, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамжамият тузиш ғоясига катта қизиқиш билдиргани бежиз эмас.

Марказий Осиё доирасидаги интеграцияга келадиган бўлсак, у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. А.Юсуповнинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясига асосий пойдевор 1990 йили Олма-Ота шаҳрида Қозоғистон ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг "Янгиланган Иттифоқ доирасидаги миллий иқтисодиётларнинг интеграциялашуви механизмини жорий этиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш тўғрисида"ги келишувига мувофиқ қўйилган эди. 1991 йил 14 августда Тошкентда халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган умумий муаммоларни ечишнинг ягона йўлларини қидириб топиш борасида республикалараро маслаҳат Кенгашини тузиш мақсадида битим имзоланди [8].

1994 йил январь ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида (кейинчалик Қирғизистон қўшилган) Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини (МОИХ) тузиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Ўша даврдаёқ мазкур мамлакатлар Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни чу-

қурлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни бошладилар [9].

Марказий Осиё иттифоқи ҳузурида Ҳукуматлараро кенгаш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши ва тинчликни сақлаш батальони – Центразбат ташкил этилди. Бундан ташқари, бошланғич капитали 9 миллион доллар бўлган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди [7]. Томонлар ҳатто Марказий Осиё парламентини тузишни ҳам режалаштирган эди. 1995 йил апрель ойида Бишкекда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон бош вазирлари иқтисодий интеграциянинг 5 йиллик режасини имзоладилар. 1997 йил декабрь ойида Остонада мамлакатлар президентлари энергия, сув ресурслари, озиқ-овқат, минераллар ва хом ашё бўйича халқаро консорциум тузиш тўғрисидаги протоколни имзоладилар. 1998 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон вазирлари сув тақсимоти, экология, миграция сиёсати ва иқтисодий ривожланишнинг асосий масалаларини муҳокама қилишди. Тожикистон бу гуруҳга 1998 йилда қўшилди – шундан сўнг мамлакатлар гидроэнергетика консорциумини тузиш тўғрисида битим имзоладилар ва ягона бозорни яратишнинг умумий тамойиллари бўйича келишиб олдилар [8]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркманистон бетарафлик эълон қилганлиги сабабли, бу ташаббусларга қўшилмаган, аммо ушбу давлатнинг биринчи президенти Сапармурод Ниёзов ўтган асрнинг (таъкид бизники А.Ю.) 90 йиллари ўртасида Марказий Осиёнинг бешта республикасидан иборат Конфедерация тузиш зарурлиги ҳақида ҳам гапирган эди [7].

Агар, тарихга назар ташласак, бошланиши ижобий бўлган мазкур интеграция жараёнлари, кейинги йилларга бориб анча секинлашди. Мамлакатлар ва уларнинг раҳбарлари ўртасида ишончсизлик, бир-бирини менсимаслик натижасида Марказий Осиё Иттифоқи Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига, кейин Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотига ўзгартирилди. Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йил май ойида ушбу ташкилотга Россия таклиф қилинди. Кейинчалик бу ташкилот бутунлай Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕвроАзЭС) таркибига кирди. А.Юсуповнинг фикрича, эришилган битимларнинг аксарият қисми бажарилмасдан қолиб кетди. Томонлар ҳар хил сиёсий ва бошқа сабабларга кўра, ҳукуматлараро имзоланган ҳужжатларни ижро этишдан бош тортдилар ёки унинг механизмларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйдилар. Бу каби ҳолатлар нафақат Марказий Осиё интеграцияси кўламида, балки 2000 йилнинг октябрь ойида МДҲдаги беш мамлакат – Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон томонидан ташкил этилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида ҳам кўп бор кузатилди [8].

3. Интеграциялашув жараёни: Европа Иттифоқи билан қиёсий таҳлил

Айнан иқтисодий ҳамкорлик, сўнгра Европанинг бирлашуви Иккинчи жаҳон уруши натижасида вайрон бўлган мамлакатларнинг дунёнинг кучли давлатлари сифатида қайта тикланишига имкон берди. Марказий Осиёнинг геостратегик позицияси уни денгизга чиқишидан маҳрум қилади, қимматбаҳо табиий бойликларнинг мавжудлиги абадий эмас ва Евроосиёнинг қоқ марказида жойлашганлиги минтақанинг дунё сиёсатининг бир четида қолиб кетмаслиги учун бирлашишини тақозо этади. Неофункционализм ва Европа интеграцияси назариясининг асосчиси Эрнст Хаас томонидан Марказий Осиё Европанинг интеграциялашув тажрибасидан фойдаланиш учун ноёб ҳудуд ҳисобланишини таъкидлаган эди [10].

Биринчидан, Марказий Осиё халқларининг тарихий, этник ва маданий бирлигига эътибор қаратиш лозим. Марказий Осиё аҳолиси таркибига турк-мўғул ва эрон миллатларига мансуб одамлар киради. Асосий этник гуруҳлар: ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқалардан ташкил топган. Асрлар давомида турклар эронийлар билан бирга яшаган, ҳукмдорлар саройларида форс ва туркий тиллар ишлатилган ва аҳоли кўпинча аралаш истиқомат қилишган. Кийиниши ва ташқи кўринишидаги айрим фарқларга қарамай, минтақанинг барча халқлари умумий маданиятга эга бўлиб, мазкур маданият нафақат ислом анъаналаридан, балки исломгача бўлган урф-одатлардан ке-

либ чиққан. Жадидлар ўзларини бирлашган Туркистон ҳаракатининг тарафдорлари деб аташлари ва минтақа аҳолисини алоҳида жамоа сифатида ажратиб кўрсатишлари бежиз эмас. Европани бирлаштириш ғояси Европа Иттифоқи пайдо бўлишидан анча олдин, XVIII асрда, Австрия шаҳзодаси Ричард Калерги томонидан таклиф қилингани 1920 йилларда француз сиёсатчиси Аристид Бряннинг рисоласида келтирилган [7]. Ушбу ғояни амалга ошириш учун Европа икки жаҳон урушини бошидан кечирди. Марказий Осиё мисолида, бирлашиш халқларнинг маданияти ва урф-одатларининг ўхшашлиги ва ўзаро боғлиқлиги туфайли табиийдир, бу мустақил республикаларнинг интеграцион ташаббуслари билан намоён бўлди. Можаролар келтириб чиқарадиган муаммоларни ҳал қилишда ўзаро манфаатдорлик, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги мавжуд иқтисодий алоқалар, яъни ўзаро боғлиқлик, урушлар натижасида вайрон бўлган Европадан фарқли ўлароқ, интеграция учун янада қулай шароит мавжудлиги Марказий Осиёнинг афзаллигидир.

Иккинчидан, интеграциядан олдинги Европа каби Марказий Осиё давлатларида ҳам муҳим иқтисодиёт тармоқлар ва иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган ресурслар мавжуд. Европа интеграцияси тараннглик ҳосил қилган кўмир ва пўлат муаммосини ҳал қилиб, Европа транспорт секторини, кейин савдо, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни бирлаштира бошлади Марказий Осиёда долзарб муаммо сувдан фойдаланиш ва энергия таъминоти бўлиб, минтақавий ҳамкорлик ташаббуслари айнан шу мақсадга қаратилган. Шундай қилиб, агар минтақа давлатлари сувнинг умумий манба эканлигини ўзаро тан олиб, сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қила олсалар, автоматик равишда энергия таъминоти тўғрисида келишув амалга ошади. Агар транспорт сектори бирлаштирилса, савдо ва божхона сиёсатида ҳамкорлик қилишга мажбур қилади.

Учинчидан, ўхшаш ташқи ва ички таҳдидларнинг мавжудлиги. Бунга нафақат кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобат ва бу энергияга бой минтақада ҳукмронлик қилишдаги манфаатлар, балки трансмиллий таҳдидлар ҳам киради. Европанинг бир пайтлар коммунизмга қарши бирлашуви сингари Марказий Осиё учун гиёҳванд моддалар савдоси, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар, шунингдек, уларни озиқлантирувчи мафкура борасидаги келишуви зарур. Бу хавфсизлик соҳаси бўлиб, бунда мамлакатларнинг иродаси бирлашади. Таҳлилчиларнинг фикрича, МОИХ давридаги муҳим натижа терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик муаммоларига қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги келишув бўлди [11]. Бунга Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани яратиш масаласини ҳам қўшиш мумкин, бу минтақавий ҳамкорликнинг бугунги кунгача эришган муҳим ютуқларидан биридир.

Тўртинчидан, миллатчилик аксарият ҳолларда мамлакатларнинг интеграцияга бўлган интилишларига зид бўлади. Европа интеграциясининг баъзи жиҳатлари бу ерда ҳам ўз тасдиғини топди. Мустақиллик амбицияларидан воз кечишни истамаган мамлакатлар ўртасидаги секинлашиш туфайли мамлакатларнинг дастлабки ижобий интилишлари тўхтатилди. Неофункционализмнинг бошқа вакили – Леон Линдбергнинг таъкидлашича, "стресс" энг ёмон ҳолатда тескари жараёнга, яъни тўхташ ҳолатига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, у 1960 йиллардан бошлаб, Европанинг кўмир ва пўлатдан ясалган жамиятини тузиш тўғрисидаги келишувига, яъни миллатлараро механизм мавжудлигига қарамай, Европа давлатлари кўмир муаммосини ҳал қилишни афзал кўрган. Қолаверса, бирлашиш ҳақида гапирилишига қарамай, Европа Иттифоқи аъзолари ўз иқтисодиётини рақобатдан ҳимоя қилиш учун тарифсиз тўсиқларни ҳам киритдилар. Бу жараённинг Марказий Осиёдаги ифодаси сифатида 2000 йилда Қозоғистоннинг Марказий Осиёда савдони тарифли ва тарифсиз тартибга солишдан бир томонлама воз кечганлигини эслаш кифоя [12].

Бешинчидан, Европанинг шаклланиши бирлашган минтақа тарафдорлари ва евроскептиклар ўртасидаги мунозаралар билан бирга ўтди. Кўпчилик бирлашган Европа ғоясини утопия ва эришиб бўлмайдиган мақсад деб аташди. Шунга қарамай, Евро-

па Итифоқи евроскептиклар таъсири остида қурилган эди. Буюк Британияда европессимистларнинг мустаҳкам мавқеи туфайли, мамлакат 2016 йилги референдум натижасида Европа Иттифоқидан чиқди. Бироқ, Буюк Британиянинг чиқиб кетиши Европа лойиҳасининг тугашини англатмайди. Худди шундай интеграция ғояси билан боғлиқ вазият Марказий Осиё мамлакатларида ҳам кузатилмоқда.

4. Марказий Осиё. Минтақавий ҳамкорликка кўмаклашувчи асосий омиллар

Жаҳон савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё қадимдан маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро таъсири жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Буюк Ипак йўли (милоддан аввалги II аср – милодий XV аср) халқаро транспорт алоқа йўли сифатида нафақат Осиё ва Европа савдо йўналишлари, балки қитъалар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ахборот-цивилизация мулоқотини ҳам таъминлаган, янги технологиялар ва янгиликлар тарқалишида ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтаб, қишлоқ хўжалиги экинлари, агротехнологиялар, цивилизацияларо ва технологик алмашинув, шунингдек, маданий қадриятлар учун ҳам қулай шароитларни юзага келтирган.

Марказий Осиё давлатларини замонавий хатар ва таҳдидларга қарши туриш зарурлиги ва буни фақат минтақада жойлашган барча давлатларнинг фаол иштироки ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги умумий тушунча бирлаштириб туради.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси ҳисобланади. 2018 йил 22 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилингани, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиб, кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сиёсатида "Марказий Осиё – бош устувор йўналиш" тамойили амалда татбиқ этила бошлади. Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бирига айланди. Амалга оширилаётган очиқ ва аҳил қўшничилик сиёсати қисқа вақт ичида минтақамизда бутунлай янги муҳит, соғлом ва дўстона вазият ҳамда мамлакатимиз ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратди [13].

Марказий Осиё халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон бир қўлнинг беш бармоғидек ҳамиша бир-бирига суянган, елкадош бўлган. Умумий тарихий меросга эга халқларимизнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажагини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусларининг қўшни давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида Марказий Осиёда сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Давлат раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари йўлга қўйилди. Натижада, минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик даражаси янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 5,2 миллиард долларга етган. 2020 йил натижаларига кўра эса, глобал пандемия шароитига қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4 фоиздан, 2020 йилда 13,6 фоизга ошган. Ўзбекистоннинг минтақадаги умумий ташқи савдо айланмасида эса, Қозоғистоннинг улуши – 61 фоиз, Қирғизистон – 18,2 фоиз, Туркманистон – 10,6 фоиз

ва Тожикистоннинг улуши 10,2 фоизни ташкил этди [14]. Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган эди. Ҳозирда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни якунлаш каби масалалар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг еттинчи устувор йўналиши доирасида амалга оширилмоқда [15]. Ўтган қисқа вақт ичида бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Чегарадан ўтиш, сувдан фойдаланиш каби ўткир муаммолар ҳал этилди ва этилмоқда. Чегаралар очилди, ўзаро борди-келди кўпайди.

Президентимизнинг илк давлат ташрифи қўшни мамлакатларга амалга оширилди. Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга бўлганлиги учун Юртбошимизнинг бу саъй-ҳаракати бутун минтақадаги муҳитга ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ана шундай яхши қўшничилик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир. Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида: "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир", дея таъкидлаган. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Марказий Осиё мамлакатлари президентларининг норасмий учрашувини ўтказиш ташаббусини маълум қилганди [16].

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг яна бир давлати – Афғонистон билан ҳар тарафлама алоқаларни изчил кенгайтиришдан манфаатдордир. Ўзбекистон афғон муаммосини тартибга солиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этишга, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга йўналтирилган икки томонлама ва кўп томонлама форматларни ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек, ушбу мамлакатда тинчликка эришиш бўйича афғонларнинг ўзи раҳбарлигида амалга ошириладиган кўмакка ҳаққоний ҳисса қўшишга тайёр.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021, 2022 йилларда Афғонистон бўйича Тошкент конференцияларининг ўтказилиши, Афғонистон можаросини ҳал этиш ва уни минтақавий иқтисодий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклифлар кенг миқёсда халқаро эътирофга сазовор бўлди.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида жаҳолатга қарши – жаҳолат билан курашиш оқибатида низоли вазиятлар авж олиб бормоқда. Айниқса, Яқин Шарқ мамлакатларида миллий, диний ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар негизида юзага келган қуролли тўқнашувлар оқибатида юзлаб одамларнинг қурбон бўлаётгани, минглаб кишиларнинг ўз бошпаналаридан айрилиб, туғилиб ўсган юртларини ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани каби аянчли жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш амалиётида "Ўзбекистон омили"нинг ўрни, жумладан, Шавкат Мирзиёевнинг халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда, масалан БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75-сессияларида, МДҲ, ШҲТ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги кенгашла-

рида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувларидаги ташаббуслари омил сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

5. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси: 2022 йил истиқболлари

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси расман эълон қилингандан сўнг (2019 йил май), унинг айрим ғоялари ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Федерика Могеринининг ўша йилнинг июнь ойида Бишкекда қилган баёнотида батафсил ёритилган. 2019 йилнинг октябрь ойида Иттифоқнинг Могеринидан кейинги вакили Питер Буриан Ўзбекистоннинг ЕОИИга мазкур ташкилот "Россия лойиҳаси" сифатида кўрилса ҳам ва унга Қўшма Штатлар қарши бўлса ҳам киришини қўллаб-қувватлади. Бу эса, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда конфликтсиз, Россия ва бошқа минтақавий ўйинчилари билан ҳамкорликка йўналтирилган янги стратегияси шаклланаётганидан далолат беради.

Европа Иттифоқининг янги стратегиясида Марказий Осиё Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий минтақа сифатида қайд қилиниб, Иттифоқнинг умумий мақсади ҳисобланган барқарорлик концепцияси билан боғланади. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи чегараларни назорат қилиш, атроф-муҳит, қонун устуворлиги, ички ислоҳотлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда Иттифоқни минтақа давлатларининг "асосий ҳамкори" деб аташ билан Марказий Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлашни реклама қилишда давом этмоқда. Европа Иттифоқи ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини тан олади.

Агар, эътиборни ҳамкорлик йўналишларига қаратсак, улар олдинги стратегияларда белгиланган соҳалар билан бир хил: транспорт, энергетика, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни кучайтирувчи рақамли тармоқлар, шунингдек, мамлакатлардаги фуқаролик жамиятлари ўртасидаги ҳамкорлик. Афтидан, Европа Иттифоқи расмийлари ҳамон Марказий Осиё давлатларининг ривожланишини демократик моделга ўтишнинг ижобий жараёни сифатида баҳоламоқда. Ҳеч бўлмаганда, расмийлар минтақа давлатлари эволюциясига шундай оптимистик муносабат билдирмоқда. Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, Европа Иттифоқи стратегияси Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий жиҳатлари, анъаналар, қадриятлар ва бошқаларни ҳисобга олмайди, улар учун давлатларнинг демократия ва очиқ жамият сари ривожланиши ғояси асосий омил ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси янги ғоялар эмас, балки ЕИнинг минтақадаги вазифалари ва фаолиятини янада чуқур ва батафсил тушунтиришдир.

Фикримизча, Европа Иттифоқи Россия ва Хитой фаол бўлган ҳудудда кенг кўламли ислоҳотларни кўтара олмайди. Қолаверса, бу давлатларнинг Россия ва Хитойга тарихий жалб этилиши ЕИнинг минтақадаги мақсадларига тўсқинлик қилаётгани ҳам исбот талаб этмайди. Россия ва Хитой Марказий Осиёда сезиларли муваффақиятларга эришдилар (фақат Ўзбекистоннинг 2021 йилги савдо айланмасида РФ – 7,5 млрд., Хитой эса – 5,6 млрд. АҚШ доллари) ва асосий савдо ҳамкорлари сифатида баҳоланадилар. Бундан ташқари, МО давлатларнинг Россия билан иқтисодий алоқалари ҳамда мазкур давлатлар ялпи ички маҳсулотининг у ерда ишлаётган меҳнат мигрантларининг пул ўтказмаларига боғлиқлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан навбатдаги учрашувларида бу масалалар жиддий муҳокама қилиниши турган гап. Чунки, Европа Иттифоқи дуч келадиган асосий муаммо – Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, давлатлар ўртасидаги айрим зиддиятларнинг мавжудлиги (чегара, сув ва энергетика масалалари), иқтисодий муаммолар ва ҳатто минтақанинг айрим давлатларидаги сиёсий беқарорлик ва келажакдаги ҳамкорликка бўлган турлича қарашлар. Юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда, Европа Иттифоқи минтақада ўзининг йирик лойиҳаларини амалга ошириш учун айнан мувозанатли сиёсат олиб бориши талаб этилади.

6. Европа қайси соҳаларда Марказий Осиёда интеграция механизмларини илгари суриши мумкин?

Европа Кенгаши ҳужжатларида Марказий Осиё давлатлари интеграциясига тўсқинлик қиладиган транспортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Транспорт тармоқларининг интеграциялашуви минтақадаги савдо ҳажмини оширади ва Марказий Осиёнинг Евроосиё транспорт кўприги сифатидаги жозибадорлигини оширади. Россиялик олима Наталья Ереминанинг фикрига кўра, Европа Иттифоқининг минтақавий стратегиясини ўзгартириши Брюсселнинг Марказий Осиёдаги ўз имкониятларини қайта баҳолаши билан, хусусан, Европа Иттифоқининг 2018 йил сентябрь ойида қабул қилинган Европа Иттифоқи-Осиё алоқалари дастури билан боғлиқ. Мақсад – Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида доимий қуруқликдаги транспорт йўлагини яратиш [4].

Шунингдек, европалик дипломатлар эътиборида баҳсли минтақавий масалалар, жумладан, сувдан фойдаланиш борасида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш муаммоси ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатларида таълим ташаббусларига ҳомийлик қилган ҳолда, минтақадаги таълим стандартларини такомиллаштириш, тадқиқотлар ва академик мулоқотни рағбатлантириш билан ҳам машғул [11].

Европа Иттифоқининг МО давлатларига бераётган кўмагидан диққатга сазовор яна бир жиҳати хавфсизлик масалалари бўйича минтақалараро ҳамкорликни амалга ошириш.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан умумий савдоси пастлигича қолмоқда. 2021 йил якунлари бўйича фақат Ўзбекистоннинг ЕИ билан савдо айланмаси бор-йўғи 3,9 млрд. долларни ташкил этди (умумий савдо айланмасининг 9 %и), деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўзининг сайтида. Минтақадан Европа Иттифоқига экспорт, асосан, бир нечта товарларга, хусусан, нефть, газ, металлар ва пахта толасига қаратилган. Европа Иттифоқи экспортида машина ва транспорт ускуналари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқарилган маҳсулотлар устунлик қилади. Бу маҳсулотлар Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга экспортининг ярмидан кўпини ташкил қилади.

Интеграция – бу халқлар учун энг катта ютуқларга эга бўлган жараён, лекин бу жараён Европа Иттифоқининг қарийб 60 йиллик тарихида кўриниб турганидек, вақт ва сиёсий иродани талаб этади. Бугун биз Марказий Осиёда Европа тажрибасидан хулоса чиқариш имкониятига эгамиз, интеграцион ташаббусларни ишлаб чиқишда минтақавий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа Иттифоқининг тажрибасига таянишимиз лозим. Агар мамлакатларимиз шаффофликка интилса, минтақанинг инвесторлар учун жозибадорлиги сезиларли даражада ошади. Европанинг ўзи ҳам бу мақсадларни амалга ошириш учун маълум минтақавий дастурларни илгари сурмоқда.

Фикримизча, келажакда Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан тўлақонли мулоқотга тўсқинлик қилаётган муаммоларни – қийинчилик ва тўсиқларни аниқлаши керак бўлади. Шунингдек, у минтақада Россия ва Хитой билан рақобат қилиш унинг мавқеига фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришини англаши лозим. Ҳозирча, Брюссель стратегияси мамлакатлар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олмаяпти, бу эса икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бироқ, катта эҳтимол билан таъкидлаш мумкинки, ЕИ умумий стратегия, умумий позиция ва умумий вазифаларга таянишда давом этади. Шунингдек, Брюссель ҳамкорлик масалаларида ўз қарашларига устувор аҳамият беришда давом этиб, сиёсий жиҳатларни иқтисодий сабаблардан юқори мавқега қўяди.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари Европа Иттифоқи учун логистика билан бир қаторда, хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар Европа Иттифоқи билан бутун Осиёнинг улкан минтақаси ўртасида алоқа платформаси бўлиб хизмат қилиш имкониятига эга, шунинг учун уларга бўлган қизиқиш бун-

дан кейин ҳам пасаймайди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш мақсадида, Европа Иттифоқи бу ерда АҚШ билан ҳамкорликда ҳаракат қилади, лекин муқаррар равишда, Россия ва Хитой билан рақобатлашади. Вазият қандай ривожланишидан қатъи назар, ЕИнинг минтақавий ўйинчилар билан муносабатларда "зиддиятсиз, қарама-қаршиликсиз" стратегияга ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва адабиётлар

1. Комилова Х.Г. Центральная Азия и Европейский Союз: новые реалии. https:// cyberleninka.ru ... article... tsentralnaya-aziya-i-e

2. Носов М.Г. Евросоюз и Центральная Азия. http//www.sov-europe.ru … pdf … nosov4-2006

3. https://www.gazeta.uz/uz/2017/11/20/yei-mogerini/

4. Еремина Н.В. Евросоюз в Центральной Азии: стратегия проникновения https:// eurasia.expert

5. Тулепбергенова Г.А. Проект большой Центральной Азии: анализ состояния и эволюция//Центральная Азия и Кавказ, № 1 (61). 2009.

6. Акказиева Г.И. Современная центрально-азиатская политика Европейского союза: тенденции развития// Вестник МГИМО - Университета. – 2012. № 3.

7. Зайнаб Мухаммад-Дост: Узбекистан привлекает ЕС своей независимой политикой. https://anhor.uz/vzglyad-iznutri/zaynab-muhammad-dost-uzbekistan-privlekaet-es-svoey-nezavisimoy-politikoy/

8. Юсупов А.С. Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (Евразэс): минтақавий интеграциялашув шарт-шароитлари ва истиқболлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил. – 1-12 б.

9. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлдаги Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини тузиш тўғрисидаги битим// http:// base.spinform.ru/show_ doc.fwx?rgn=25319

10. Haas E. "The uniting of Europe" in "The EU. Readings on theory and practice of European integration" edited by B.Nelsen and A.Stubb, Lynne Rienner 2003.

11. Nurzhan Zhambekov "Central Asian Union and the Obstacles to Integration in Central Asia", 01.07.2015 issue of the CACI Analyst, https://www.cacianalyst. org/ publications/analytical-articles/item/13116-central-asian-union-and-the-obstacles-to-integration-in-central-asia.html, last accessed on 27.03.17.

12. Кошанов А., Хусаинов Б. Проблемы интеграции государств Центральной Азии // Журнал "Центральная Азия и Кавказ", № 1, 2002. – С. 22.

13. Фергана Ру: В Таджикистане прошла международная конференция об интеграции в Центральной Азии, 29.06.2007, http:/ /www.arba.ru/news/2368

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2020 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот, 2021 йил 9 январь. https:// mfa.uz/uz/press/news/ 2021/ozbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-2020-yildagi-faoliyati-haqida-hisobot---29088

15. Кутбитдинов Ю. Центральная Азия в приоритете внешней политики Узбекистана, 26 январь 2021 й., https://review.uz/ post/centralnaya-aziya-v-prioritete-vneshney-politiki-uzbekistana

16. Қодиров А. Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари, 29 июль 2020 й., http:// www.isrs.uz/uz/maqolalar/ klucevye-prioritety-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana

Элдар КУРБАНОВ,
Гулистон давлат университети
катта ўқитувчиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТ СТРАТЕГИЯСИДА – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ҲУДУДИНИ ЯРАТИШ

Аннотация: *мақолада сўнгги беш йилликда ва кейинги даврда дунё минтақалари ичида "кичик минтақа" деб қаралаётган, асосий транспорт, логистика, тарихий макон ва ўзаро барқарорликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклиф ва тавсиялари муҳимлиги ва истиқболлилиги ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *Марказий Осиё, стратегик мақсад, тараққиёт стратегияси, глобал муаммолар ечими, барқарорлик ва хавфсизлик омили, Маслаҳатлашув учрашуви, халқ дипломатияси.*

Во внешнеполитической стратегии Нового Узбекистана – создание региона безопасного и стабильного развития в Центральной Азии

Эльдар Курбанов,
старший преподаватель
Гулистанского государственного университета

Аннотация: *в статье рассматриваются и предпринимаются попытки осветить усилия, направленные на развитие основного транспорта, логистики, исторического пространства и взаимной стабильности в рамках регионов мира, считающихся "малым регионом", за последние пять лет и далее. Обоснована важность и перспективность предложений и рекомендаций Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева с правовой точки зрения.*

Ключевые слова: *Центральная Азия, стратегическая цель, стратегия развития, решение глобальных проблем, фактор стабильности и безопасности, Консультативная встреча, народная дипломатия.*

The creation the safe and stable development of Central Asia in the foreign policy strategy of the new Uzbekistan

Eldar Kurbanov,
Senior Lecturer of Gulistan State University

Abstract: *the article examines and attempts to highlight the efforts towards the development of main transport, logistics, historical space and mutual stability within the regions of the world, considered as a "small region", over the past five years and beyond. The importance and prospects of the proposals and recommendations of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev from a legal point of view are substantiated.*

Keywords: *Central Asia, strategic goal, development strategy, solution of global problems, factor of stability and security, Consultative meeting, people's diplomacy.*

Марказий Осиё халқларининг миллий мустақиллик сари ҳаракати умумий тарих, миллий тараққиётининг бошланғич чегараларини топиш асносида, ўзининг тарихий менталитетига хос шарқона демократик ислоҳотларга қадам қўйди. Бу ислоҳотларнинг туб моҳияти умумий тарихдан бирдамлик тараққиётига қараб йўналтирилди. Стратегик мақсад эса, минтақа халқларига умргузаронлик учун барқарор муҳитни яратишдир. Тан олиш керакки, йиллар давомида ислоҳотларнинг ўзига хос камчиликлари мавжудлиги мақсадларни ортга суришга, тўсиқлар пайдо

бўлишига ҳам олиб келди. Шунга қарамасдан, давлат сиёсатининг асосий ташқи тамойили тенглик ва биродарлик ғояси асосига қурилди. Айниқса, 2016 йилги Президентликка сайловлар, унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ғалаба қозониши юртимизда катта туб бурилиш дея эътироф этилган, мамлакатимизда прагматик ички ва ташқи сиёсат олиб боришнинг даври бошланганлигини хорижий сиёсат вакиллари, экспертлар қайд этдилар.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида демократик ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтариш бўйича принципиал янги сиёсий ёндашув ва механизмлар изчил ишлаб чиқилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Дастлаб, Ҳаракатлар стратегиясида, эндиликда эса, Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар миллий ёки минтақавий миқёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Ўзбекистон бажаришни ўз зиммасига олган БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этишнинг аниқ миллий дастури белгилаб берилди [1].

Ўтган давр мобайнида Ҳаракатлар стратегияси доирасида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, мутаносиб, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси, жанговар таркиби ва самарадорлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги тарихий нутқида Ўзбекистондаги ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари, демократия, ёшлар масаласи, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология каби қатор глобал муаммолар билан бир қаторда, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиниб, бу борада БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган эди [2].

Мазкур ташаббус БМТга аъзо 193 та мамлакат томонидан қўллаб-қувватланди ва 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг 51-йиғилишида A/Res/73/128-рақамли – "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси якдиллик билан қабул қилинди [3]. Мунтазам ижобий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон "махсус назорат остидаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилди, бу эса жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизда бошланган демократик ислоҳотларнинг тан олиниши эди.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида пухта ўйланган сиёсат самараси ўлароқ миллатлараро ва конфессиялараро мулоқот механизмлари такомиллаштирилиб, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. 2021 йил якунига кўра, дўстлик жамиятлари сони 38 тага, миллий маданий марказлар сони эса, 150 тага етди [4].

Маълумки, мамлакатимизнинг халқаро нуфузига муайян даражада таъсир кўрсатган салбий жиҳатлар чет давлатлардаги юртдошларимиз билан, шу жумладан, меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ бўлиб келди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган "Ватандошлар" жамоат фонди бугунги кунда мамлакатимиз халқаро обрўсини мустаҳкамлаш, демократик тараққиёти учун самарали инструмент бўлиб хизмат қилмоқда [5]. Мазкур фонд орқали хорижий давлатларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш-

га, уларни Ўзбекистон ҳудудида инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолиятга изчил жалб этишга, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш масаласида алоқаларни ривожлантиришга эришилмоқда [6].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичининг муҳим жиҳатларидан бири ички ва ташқи сиёсатнинг уйғунлигидир. Бугун ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқ мустақил ривожлана олмайди. Янгича қараш ва ёндашувлар асосида олиб борилаётган ички сиёсат унинг мантиқий давоми сифатида мамлакат ташқи сиёсатида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, унинг ташқи дунёга очиқлигини илгари суришга ҳамда минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгандир" [7, 332].

Шу муносабат билан очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунё давлатлари, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги еттинчи устувор йўналиш ҳам айнан шу мақсадларни назарда тутган бўлиб, унинг доирасидан: Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ролини ошириш, Марказий Осиёда турли соҳаларда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, анъанавий ҳамкор давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрин олган [8].

Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янада яқинлаштириш мақсадида, ҳар йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказишни таъминлаш, Минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаш, Ўзбекистондаги чегара пунктларининг салоҳиятини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ва бошқа шу каби чора-тадбирлар шулар жумласидан.

Марказий Осиё давлатларининг Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналиш сифатида эълон қилиниши муҳим геосиёсий жараёнга айланди. Концептуал жиҳатдан Марказий Осиё кучли цивилизацион меросга, улкан ресурс салоҳиятига, истиқболли транспорт ва коммуникация имкониятларига эга минтақадир. Бу ерда содир бўлаётган жараёнлар бутун қитъадаги хавфсизлик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Мутахассислар фикрича, Марказий Осиё халқларининг узоқ муддатли тарихий қўшничилиги мевaларидан бири улар учун бирдек қадрли бўлган муштарак қадриятлар тизимининг шаклланганидир. Айнан шу фазилат минтақавий интеграциялашувга қаратилган саъй-ҳаракатлар муваффақиятини кафолатлайдиган энг ишончли асос бўлиб хизмат қилади дейилса, асло хато бўлмайди. Бундай қадриятлар тизими ягона диний эътиқод, "оға-ини" тиллар, ўзаро уйғун фалсафий ва бадиий тафаккур тарзи, меъморчилик, санъат ва спортнинг деярли барча турларидаги яқинлик каби ҳар қандай инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилайдиган жиҳатларни қамраб олган [9, 5].

Бинобарин, минтақанинг маданий-тарихий меросини "бўлишиш" мумкин эмас. Умумий тарих ва дин, умумий сув йўллари ва транспорт йўлаклари – Марказий Осиё халқларининг умумий меросидир. Шу боис, Ўзбекистоннинг минтақадаги асосий ташқи сиёсий мақсади можаролар салоҳиятини камайтириш, ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишдан иборат.

Табиийки, изчиллик билан илгари сурилган конструктив руҳдаги янги сиёсий ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та муҳим резолюцияси қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди [10, 346].

Жумладан, 2018 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилингани тарихий аҳамиятга эга бўлди. Резолюция минтақада яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун кучли пойдевор яратди. Мазкур халқаро ҳужжатда Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ҳал қилувчи роли эътироф этилган [11].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан сўнг Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатларга илк расмий ташрифлари амалга оширилди. Ташрифлар чоғида Ўзбекистон раҳбари минтақадаги барча долзарб масалалар бўйича конструктив мулоқотга тайёр эканини намойиш этди. Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари янги ҳуқуқий база билан мустаҳкамланди. Натижада, қисқа вақт ичида қўшни давлатлар билан муносабатларда мутлақо янги сиёсий вазият вужудга келди, сиёсий ишонч даражаси янада ошди.

Профессор С.Саидолимовнинг қайд этишича, чегара пунктларидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши натижасида, Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ўртасидаги алоқалар тубдан яхшиланди. Агар 5 йил олдин Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара пунктларидан бир суткада 200-300 нафар фуқаро ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 30 минг нафарга етди. Тожикистон билан чегара пунктларини ҳам суткасига 20 минг нафар фуқаро кесиб ўтмоқда [12, 10].

Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш борасида Ўзбекистон делегацияси томонидан қўшни мамлакатлар билан жами 63 та, жумладан, Қозоғистон билан - 17 та, Қирғизистон билан - 27 та, Тожикистон ва Туркманистон билан - 9 марта музокаралар олиб борилди. Натижада, Қозоғистон билан давлат чегараси чизиқларини делимитация қилиш ишлари якунланди. Қирғизистон билан чегаранинг 95 фоиз қисми бўйича келишувга эришилди. Тожикистон билан чегаранинг 99,9 фоиз қисми келишилди [12, 10-11].

Минтақа давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик динамикаси ҳам янги босқичга кўтарилди.

Биргина 2020 йилнинг ўзида ташқи сиёсат ва иқтисодий фаолият бўйича давлат органлари томонидан 35 та олий даражадаги ташрифлар, шунингдек, турли тадбирлар ўтказилди. Дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш жараёнида "халқ дипломатияси" фаол олиб борилмоқда. Хусусан, фан ва санъат намояндалари, тадбиркорлар, маданият ва дин арбоблари, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ходимлари иштирокида 90 дан ортиқ турли учрашувлар, видео-конференциялар, давра суҳбатлари ва шу каби бошқа тадбирлар ўтказилди [13].

Бунинг натижасида минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017-2019 йилларда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўртача йиллик товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиздан ортиқ ўсди ва 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йил якунига кўра, глобал пандемияга қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4 фоиздан 2020 йилда 13,6 фоизга ошган, шундан Қозоғистон улуши – 61 фоиз, Қирғизистон улуши – 18,2 фоиз, Туркманистон улуши – 10,6 фоиз ва Тожикистон улуши 10,2 фоизга тўғри келади [14].

Шунга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг яхшиланиши минтақанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистон билан минтақа давлатлари ўртасида умумий қиймати қарийб 75 миллиард долларга тенг 300 дан ортиқ битим ва шартномалар имзоланди [15].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Қозоғистон стратегик шериклиги Марказий Осиёда минтақавий мулоқотни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. 2021 йил

6 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи якунлари бўйича "Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида"ги декларациянинг имзолангани Марказий Осиёда сўнгги йиллардаги муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Ҳужжатда икки мамлакатнинг кўп қиррали шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришдаги ҳаётий ва узоқ муддатли миллий манфаатлари ўз ифодасини топган. Хусусан, томонлар икки мамлакат Олий давлатлараро Кенгаши, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ва Ташқи ишлар вазирлари кенгашини ташкил этиш, шу орқали ташқи сиёсат соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ўзаро манфаатларни уйғунлаштириш ва минтақавий яқинлашув ғояларини илгари суриш ниятида эканликларини билдирдилар [16].

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда интеграция масалалари яна кун тартибидан муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Бу жараёнларнинг долзарблиги биполяр давр тугаганидан кейин шаклланаётган халқаро муносабатларнинг янги архитектураси, минтақа давлатлари ўртасидаги биргаликдаги ҳаракатларни амалга ошириш имконияти билан боғлиқ.

Профессор З.Мунавваровнинг қайд этишича, ушбу имкониятлар кўпроқ қуйидаги муҳим соҳаларга тааллуқли бўлмоқда:

- иқтисодий, айниқса, транспорт-коммуникация соҳаси. Минтақадаги барча бешта давлатнинг жаҳон океанидан ажратилганлиги мазкур соҳани энг устувор вазифага айлантиради;

- минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳаси, биринчи навбатда, халқаро терроризм, радикализм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва ноанъанавий бошқа таҳдидларга қарши курашиш масалалари. Афғонистонда юзага келган вазият мазкур масалаларнинг янги босқичда янада долзарблашувига олиб келмоқда;

- геосиёсий, яъни миллий манфаатларни кафолатли таъминлашга хизмат қиладиган, консолидациялашган ёндашувларни ишлаб чиқиш масаласи, шу жумладан, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш ва бошқалар [17, 12].

Дарҳақиқат, постсовет даврида Марказий Осиёда жаҳон тартиботининг ягона қуйи тизими шаклланаётганини кўплаб экспертлар қайд этмоқдалар. Янги шароитда Марказий Осиё давлатлари учун халқаро майдонда ўзаро келишилган ҳаракатларни амалга ошириш афзалликлари яққол намоён бўлмоқдаки, бу эса, минтақа давлатларини умуммақбул истиқболларни чуқур англашга ундайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда кечаётган туб янгиланишлар, изчил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшничилик муҳити тобора мустаҳкамланаётгани юртимизнинг халқаро нуфузини янада оширмоқда" [7, 330].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзаро яқинлашиш сиёсати нафақат Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда, балки минтақа давлатлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичига хос бўлган, ҳар доим ҳам соғлом бўлмаган етакчилик учун ўзаро рақобат ўрнини бир-бирига нисбатан катта ишонч муҳити эгаллаб бормоқда.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда интеграция жараёнлари иккита кучли импульс олди, уларнинг манбаи, албатта, Ўзбекистон Республикаси бўлди.

Биринчиси, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг Марказий Осиё вектори устуворлигини расман эълон қилгани билан боғлиқ. Қолаверса, янги раҳбарият ҳокимиятга келганидан буён ўтган давр мобайнида Ўзбекистон бу мақсадга эришиш учун изчил интилиб келмоқда.

Иккинчи импульс – 2018 йил 15 март куни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи норасмий учрашуви бўлиб, у минтақа давлатлари умумий тараққиётининг янги механизмини шакллантиришга асос солди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари ва

Туркманистон парламенти спикери, учинчи томонлар иштирокисиз, илк бор учрашиб, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, Афғонистондаги вазият бўйича ягона позицияни эълон қилдилар.

Марказий Осиё атрофидаги куч марказларида турли гумонлар юзага келишига йўл қўймаслик учун ўшанда минтақа давлатлари махсус ташкилот тузишдан тийилишган эди. Бугунги кунда анъанавий бўлиб қолган бу учрашувлар "Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви" сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Ҳозиргача ушбу Саммитнинг учта йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатларининг норасмий Саммитини ташкил этиш ғоясини Ўзбекистоннинг янги раҳбари илк бор, 2017 йил сентябрь ойида, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги, 2017 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги Халқаро конференциядаги нутқларида илгари сурган эди [18]. Президент Шавкат Мирзиёев минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг алоҳида кун тартибини назарда тутмайдиган мунтазам норасмий маслаҳатлашувлар форматини таклиф қилган эди. Бу ташаббус минтақанинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларининг ўтказилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон минтақавий ташқи сиёсатидаги муҳим воқеадир.

Биринчи шундай учрашув 2018 йилнинг 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтди ва минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи учрашуви минтақавий дипломатиядаги ҳақиқий бурилиш нуқтаси бўлди. Саммит якунлари ва кейинги воқеалар ривожи мулоқот янги форматга ўтганини кўрсатди.

Томонлар Маслаҳат учрашувларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Низомни тасдиқладилар. Саммит чоғида томонлар янги халқаро ташкилот тузиш ғоясидан узоқ эканликларини, шунингдек, ўз ҳаракатларини бошқа давлатлар манфаатларига қарши йўналтиришни истамасликларини таъкидладилар [19].

2021 йил 6 август куни Туркманистонда Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг учинчи Саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти навбатдаги маслаҳат учрашувида бир қанча муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида:

- минтақада замонавий иқтисодий муносабатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда "иқтисодий ҳамкорликнинг янги модели"ни шакллантириш;
- минтақа транспорт тизимини Евроосиё қитъасининг замонавий талабларига жавоб берадиган муҳим транзит марказига айлантириш;
- ягона энергия маконини шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- экология масалаларига доимий эътибор бериш, бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш;
- Марказий Осиёнинг дунёнинг бошқа йирик минтақалари билан алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш;
- ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича қатор маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш;
- ички сайёҳлик алмашинувларини кенгайтириш, "Битта саёҳат – бутун минтақа" қўшма дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- "Халқ дипломатияси" имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини бу жараёнга кенг жалб этиш ва ҳ.к. [20].

Учрашувда томонлар 2022-2024 йилларга мўлжалланган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлашга келишиб олдилар. Ушбу ҳужжат маслаҳат учрашувларида илгари

сурилган барча ташаббусларни ўз ичига олади, уларни амалга ошириш механизмлари ва муддатларини белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий ҳамкорликка тизимли тус бериш тенденцияси кузатилмоқда. Айни шу мақсадда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари келгуси Маслаҳат учрашуви доирасида имзоланиши режалаштирилган XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома минтақамиз мамлакатлари ҳамкорлиги тарихида янги даврни бошлаб бериши мумкин [21].

Умуман олганда, ҳар бир Саммит якунлари минтақада яхши қўшничилик ва ишонч муҳити, кўплаб қийинчиликларга қарамай, мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Маслаҳатлашув учрашувлари Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконни яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, минтақада аввалги "етакчилик учун рақобат" ўрнига ўзаро ишонч, биродарлик ва дўстлик илдизлари чуқурлашиб бормоқда.

Маслаҳат учрашувлари амалда шуни кўрсатмоқдаки, ўзаро ҳамкорлик ривожланиш драйверларини аниқлаш ва қарорлар қабул қилиш механизми сифатида муҳим аҳмиятга эга ҳамда минтақа ривожига сезиларли таъсир кўрсатувчи воқеа ҳисобланади. Ушбу ҳамкорлик формати Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий мулоқот учун қулай ва самарали имконият яратади.

Сўнгги пайтларда постсовет маконининг айрим қисмларида кузатилган ижтимоий-гуманитар ва ҳарбий-сиёсий характердаги хавотирли тенденцияларни ҳисобга олганда, Марказий Осиё давлатларининг бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган минтақавий ҳамкорлик контекстида ўз йўл хариталарини қайта кўриб чиқиш зарурияти ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Шу боис, яқин келажакда ташқи сиёсий ҳужжатларни мувофиқлаштиришнинг янги механизмларини, шунингдек, кўп векторли минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг амалий йўлларини излаш фаоллаштирилиши мумкин. Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, қардош халқлар фаровонлигига хизмат қилса, иккинчидан, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Умумлаштирувчи хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақасининг ягона тузилмага интеграциялашуви ғояси бугунги кунда глобал характердаги янги таҳдидлар қаршисида хавфсиз ва барқарор ривожланишнинг императивларидан бирига айланиб бормоқда. Марказий Осиёни халқаро тизимнинг янги шаклланаётган кичик минтақаси сифатида кўриб чиқиш тенденцияси ортиб бораётгани шундан далолат бермоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Саидов А. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси - инсон қадрини улуғлаган халқчил бош дастур. 28.01.2022. https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi--inson-qadrini-uluglagan-xalqchil-bosh-dastur

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 20.09.2017. https://president.uz/uz/lists/view/1063

3. Рахимов М. БМТнинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясининг моҳияти ва аҳамияти. 11.12.2021. http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bmtning-marifat-va-dinij-bagrikenglik-rezoluciasining-moiati-va-aamiati

4. Стратегия развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 гг. – интервью исполнительного директора узбекистанского Центра "Стратегия развития". 09.03.2022. https://cabar.asia/ru/strategiya-razvitiya-novogo-uzbekistana-na-period-2022-2026-gg-intervyu-s-eldorom-tulyakovym

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги "Ватандошлар" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-5220-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5570582

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги ПҚ-149-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5893253

7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2022.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. https://lex.uz/docs/5841063

9. Комилов М.М. Кириш сўзи // Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзХИА, 2022.

10. Saidolimov S. O'zbekiston tashqi siyosati: Milliy manfaatlarga asoslangan faol va pragmatik yo'l // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – T. 1. № 11.

11. Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-азиатском регионе. 18.06.2018. https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/укрепление-регионального-и-международного-сотрудничества-в-целях-обеспечения-мира-стабильности

12. Саидолимов С.Т. Ўзбекистон ташқи сиёсати: туб миллий манфаатлар асосида қурилган фаол ва прагматик йўл // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. 2021. № 1-2.

13. O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining 2020-yildagi faoliyati haqida hisobot. 09.01.2021. https://mfa.uz/uz/press/news/2021/ozbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-2020-yildagi-faoliyati-haqida-hisobot---29088

14. Туляков Э., Хакимов Ф. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик - Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 03.04.2021. https://strategy.uz/index.php?news=1278&lang=uz2

15. Кадыров А. Ключевые приоритеты внешней политики обновленного Узбекистана. 29.07.2020. http://www.isrs.uz/ru/maqolalar/klucevye-prioritety-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana

16. Ўзбекистон ва Қозоғистон – иттифоқдош давлатлар. 06.12.2021. https://president.uz/uz/lists/view/4809; Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг музокаралари мамлакатларимиз ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини тасдиқлади. 06.12.2021. https://president.uz/uz/lists/view/4808

17. Мунавваров З.И. Общие контуры интеграционных процессов в Центральной Азии: история, современность, перспективы // Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзХИА, 2022.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. 10.11.2017. https://president.uz/uz/lists/view/1227

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёноти. 29.11.2019. https://president.uz/uz/lists/view/3111

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи маслаҳат учрашувидаги нутқи. 07.08.2021. https://president.uz/uz/lists/view/4534

21. Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари учрашуви тўғрисида. 14.05.2022. https://uza.uz/uz/posts/markaziy-osiyo-mamlakatlari-tashqi-ishlar-vazirlari-uchrashuvi-togrisida_372225

МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

«Жамият ва бошқарув» журналига илмий тадқиқот фаолиятининг давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамият бошқарувининг таъсирчанлигини ошириш, кадрлар сиёсатининг самарадорлигини юксалтириш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар билан боғлиқ масалалар ёритилган мақолалар қабул қилинади.

Мақолалар:

- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб;
- мавзунинг ёки унинг очиб берилишининг янгилиги;
- мавзу фундаментал ишлаб чиқилган;
- хулосалар асосланган;
- аниқ ва равон баён этилган бўлиши лозим.

Таҳририятга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги асосий шартларга жавоб бериши лозим:

1. Мақоланинг матни Word 2003 версиясида тайёрланиши.
2. Шрифт – Times New Roman, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши.
3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.
4. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация (50-60 та сўз), калит сўзлар (10-12 та сўз) (ўзбек, рус, инглиз тилларида), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар.
5. Диаграмма, расм ва жадваллар фақат оқ/қора ёхуд кулрангда берилиши керак.
6. Иқтибослар мақоланинг охирида берилади (аввал манбалар, кейин адабиётлар), уни алифбо бўйича эмас, матн ичида келтирилган тартиби бўйича берилиши керак.
7. Мақоланинг умумий ҳажми 10 бетдан 15 бетгача, А4 форматида берилади.
8. Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, илмий унвони, илмий даражаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши, мобиль телефон, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.
9. Мақолаларни электрон почта орқали ҳам юбориш мумкин.
10. Мақолалар таҳририятга плагиат-ҳисобот билан биргаликда тақдим этилади.

Электрон почта манзили: *jurnal95@dba.uz; jurnal95@mail.ru*

Телефон рақамлари: 71 232-60-77.

Таҳририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки чоп этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади.

Журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган қўлёзмаларни қайтариш ҳуқуқига эга.